

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари  
вазирлиги**

**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти**

**ХАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ**

**Дарслик**

**Тошкент - 2014**

УДК:

КВК

Т.С.Усмонхўжаев – педагогика фанлари доктори, профессор

А.А.Пулатов – доцент

Ш.А.Пулатов – педагогика фанлари номзоди

Д.Х.Абдуллаев – мустақил тадқиқотчи

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Ф.А.Керимов – педагогика фанлари доктори, профессор

М.А.Курбанова – педагогика фанлари номзоди,

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	
КИРИШ.....	
1 БОБ. ҲАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ	
1.1. Ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг ривожланиш хронологияси	
1.2. Sharq allomalari xalq o‘yiniari haqida	
1.3. Ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг тикланиши ва шаклланиши	
1.4. Ўзбек ҳалқ ўйинларининг таснифи	
2 БОБ. ҲАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАСНИФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	
2.1. Ўйинларнинг тавсифи	
2.2. Ҳалқ ҳаракатли ўйинларнинг тикланиши ва шаклланиши	
2.3. Ҳалқ ўйинларини жисмоний тарбия ва спорт амалиётида қўллаш имкониятлари	
3 БОБ. ТУРЛИ МАСКАНЛАРДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ	
3.1. Ўқитувчи - ҳаракатли ўйинлар ташкилотчиси ва бошқарувчиси	
3.2. Жисмоний тарбия дарсларида қўлланиладиган ҳаракатлнўйинлар	
3.2.1. I-IV синф ўқувчиларига мос ҳаракатли ўйинлар	
3.2.2. V-VII синф ўқувчилари га хос ўйинлар	
3.2.2. V-VII синф ўқувчилари га хос ўйинлар	
3.2.3. VIII-IX синф ўқувчилари га хос ўйинлар	
4 БОБ. ЎЙИН РАҲБАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	
4.1. Ўқитувчининг ўйинга тайёрланиши	
4.1.1. Ўйинни ўтказиш шарт-шароитлари	
4.1.2. Ёрдамчилар тайинлаш	
4.1.3. Ўйинга раҳбарлик қилиш	
4.1.4. Ўйиндаги интизомлилик	
4.1.5 Ҳакамлик қилиш	
4.1.6. Ўйин ҳаракатларини меъёрлаш	
4.1.7. Ўйин натижаларини якунлаш	
4.2. Дарсдан ташқари ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар	
4.2.1. Танаффус вақтларида ўтказиладиган ўйинлар	
4.2.2. Мактаб кечалари ва байрамларда ўтказиладиган ўйинлар	
4.2.3. Мактаб тўгаракларида ўтказиладиган ўйинлар	
5 БОБ. СПОРТ ТУРЛАРИГА ХОС ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР	
5.1. Футбол	
5.1.1. Футболчилар эстафетаси	
5.1.2. Тўпни узатиш ва тепиш	
5.1.3. Доирадан тўп тепиш	
5.1.4. Тўпни тепиб ошириш	

5.1.5. Ҳужум	
5.1.6. Тўпни бошда олиб юриш	
5.1.7. Футбол элементлари эстафетаси	
5.1.8. Жонглёрлар	
5.1.9. Йккита тўпни узатиш	
5.1.10. Устунчаларни айланиб ўтиш	
5.1.11. Эпчил дарвозабон	
5.1.12. Бош билан нишонга	
5.1.13. Тўпни қайтариб - ўтириш	
5.1.14. Тўсиқ оша квадратга тушириш	
5.1.15. Зарб билан тепиш	
5.2. Волейбол	
5.2.1. Волейболчилар эстафетаси	
5.2.2. Волейболчилар эстафетаси	
5.2.3. Тўпни ерга туширма	
5.2.4. Тўпни қайтариш	
5.2.5. Айланачалардан сакраш	
5.2.6. Қарама-қарши сакраб югуриш эстафетаси	
5.2.7. Тўпни бошдан ошириб узатиш	
5.2.8. Қўшалок тўп	
5.2.9. Уч вариантили тўп	
5.2.10. Қармоқча	
5.2.11. Чопиб ўтувчини химоялаш	
5.2.12. Волейболчиларнинг тўп узатиши	
5.2.13. Волейболчиларнинг тўп узатиши	
5.2.14. Квадратдан тўп отиш	
5.3. Баскетбол	
5.3.1. Ҳар ким ўз байроқчасига	
5.3.2. Бўри зовур ичида	
5.3.3. Тўп ташлашиш	
5.3.4. Тўпни олдирма	
5.3.5. Тўхтатиб уриш	
5.3.6. Баскетболчилар мусобақаси	
5.3.7. Сават ёки яшикка тўп тушириш	
5.3.8. Картошка экиш	
5.3.9. Ҳалқага иргитиш	
5.3.10. Баскетбол тахтасига тўп отиш	
5.3.11. Тўпни саватка ёки яшикка тушириш	
5.3.12. Тўпни югуриб олиб юриш	
5.3.13. Тўп учун кураш	
5.3.14. Тўпни олиб юриш ва саватга ташлаш	
5.3.15. Тўп ушловчига	
5.3.16. Қаторлар бўйлаб тўплар пойгаси	

5.4. Теннис	
5.4.1. Чиллак	
5.4.2. Полизга кирган қуёнлар	
5.4.3. Овчилар	
5.4.4. Ким чаққонрок	
5.4.5. Кенгурулар	
5.4.6. Ёй ва ўқ	
5.4.7. Нишонга уриш	
5.4.8. Ракетка устида коптокни олиб юриш	
5.5. Күл тўпи	
5.5.1. Қалъани ҳимоялаш	
5.5.2. Тўп учун кураш	
5.5.3. Гозлар – оққўшлар	
5.5.4. Тақиқланган ҳаракатлар	
5.5.5. Тўп билан тўпни уриш	
5.5.6. Байроқча учун кураш	
5.5.7. Тўп узатиш	
5.5.8. Қўл тўпи мусобақаси	
5.6. Оғир атлетика	
5.6.1. Тўрт томонга тўпирғитиш	
5.6.2. Арқон талашиш	
5.6.3. Топиб миниш	
5.6.4. Тортишмачоқ	
5.6.5. Ўйлаб топ	
5.6.6. Ушласанг-минасан	
5.6.7. Узоққа отиш	
5.7. Енгил атлетика турлари	
5.7.1. Ким олдин	
5.7.2. Йўлда тутиш	
5.7.3. Тез югуриш	
5.7.4. Тўсиқлардан ошиб ўтиш	
5.7.5. Арқонча билан тутиш	
5.7.6. Катта айланма эстафета	
5.7.7. Сакраб ошиш эстафетаси	
5.7.8. Баландликка сакраб югуриш	
5.7.9. Тулкиларни топиш	
5.7.10. Тегизсанг - минасан	
5.7.11. Халтачаларни отиш	
5.7.12. Тартиби билан югуриш	
5.7.13. Юлдузсимон эстафета	
5.7.14. Тўсиқлар оша югуриш	
5.7.15. Узоққа сакраш	
5.7.16. Командали югуриш	

5.7.17. Ётиқ ва тик түсікілардан ошиб югуриш	
5.8. Кураш турларига хос ҳаракатли ўйинлар	
5.8.1. Оқ теракми, кўк терак	
5.8.2. Хўроллар жанги	
5.8.3. Тортиб чизиқдан ўтказиш	
5.8.4. Айлана ичига киритиш	
5.8.5. Доирадан ва доирага тортиш	
5.8.6. Юклар билан югуриш	
5.8.7. Ким кучли	
5.8.8. Қуршовдан чиқиб кетиш	
5.9. Бокс	
5.9.1. Кўчма нишон	
5.9.2. Овчилар ва ўрдаклар	
5.9.3. Арғамчи билан сакраб югуриш	
5.9.4. Чизиқ устидан торт ўйини	
5.9.5. Чаққон қўллар	
5.10. Қиличбозлик	
5.10.1. Ким мерган	
5.10.2. Ким чаққонроқ	
5.11. Сув спорт турлари	
5.11.1. Сигналга мувофиқ ҳаракатлар	
5.11.2. Копток талашиш	
5.11.3. Арқон узилди	
5.11.4. Чамбаракларга жойлашиш	
5.11.5. Тўлдирма тўпни узатиш	
5.12.1. Оқ айқилар ови	
5.12.2. Товошибалиқлар ва чўртан	
5.12.3. Доирадан суриб чиқариш	
5.12.4. Оқ тош	
5.12.5. Ўрмон – ботқоқ – денгиз	
6 БОБ. ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ	
6.1. Қопқон	
6.2. Чўнқа шувоқ	
6.3. Елкада курашиш	
6.4. Бўрон	
6.5. Қирқ тош	
6.6. “Чўпон” ёки “Подачи”	
6.7. Арқон талашиш	
6.8. Нина, ип ва тугунча	
6.9. Чавандоз	
6.10. Извошлилар	
6.11. “Жуфтми-тоқ” ўйини	
6.12. “Чиллак” ўйини	

6.13. “Дурра” ўйини	
6.14. “Чертки” ўйини	
6.15. “Қидириб топ” ўйини	
6.16. “Уриб қочди” ўйини	
6.17. “Бекинмачоқ” ўйини	
6.18. “Күрпа ёпинди” ўйини	
6.19. “Ланка” ўйини	
6.20. “Данак яшириш” ўйини	
6.21. “Оқ теракми, күк терак”	
6.22. “Дарра” ўйини	
6.23. “Чавандоз” ёки “Кичик улоқ”	
6.24. “Карвон” ўйини	
6.25. “Тапур-түпир қалдирғоч”	
6.26. “Чаққонлар ва мергандар” ўйини	
6.27. “Аниқ нишонга тушириш”	
6.28. “Қуёнлар полизда” ўйини	
6.29. “Инсиз қуён” ўйини	
6.30. “Арқон тортиш” ўйини	
6.31. “Эчки болалар”	
6.32. “Жамбил”	
6.33. “Түптош” ўйини	
6.34. “Ошиқ” ўйини	
6.35. “Бүш ўрин” ўйини	
6.36. “Икки аёз” ўйини	
6.37. “Мерган” ўйини	
6.38. “Кес-кес”	
6.39. “Кўриқчи”	
6.40. “Подачи” ўйини	
6.41. “Подшо ва Вазир” ўйини	
6.42. “Дўппи яширадар” ўйини	
6.43. “Бута солди” ўйини	
6.44. “Беш тош” ўйини (қизлар учун)	
7БОБ. ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРГА ЎРГАТИШ УСЛУБИЯТИ	
7.1.Ҳаракатли ўйинларга дастлабки ўргатишнинг психопедагогик аҳамияти	
7.2. Ўргатиш босқичлари ва услублари	
7.3. Ҳаракатли ўйинлар назариясини ўзлаштириш ва уларга ўргатиша қўлланиладиган наъмунавий технологик ҳариталар	
Фойдаланилагн адабиётлар	

# **ХАЙРЛИ ҚАДАМ**

## **ёхуд давр даъватига муносиб жавоб**

### **(Сўз боши ўрнида)**

Узоқ ўтмиш тарихий тараққиётининг мутлоқ занжири бўлган инсон цивилизациясининг шундай устунлари ва тамал тошлари борки, уларда ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг бир-бири билан уйғунлиги, ривожи ва давомийлиги сақланиб келади, авлоддан-авлодларга мерос сифатида ўтади ҳамда қадриятлар даражасига етади.

Қадриятларда эса, бир бутун халқнинг, миллатнинг иймон-эътиқоди, ор-номуси, инсоф-диёнати мужассам этилади. Шунинг учун ҳам тарихнинг маълум бир бўлагида, яъни даврида қадриятларни авайлаш, асраш, ривожлантириш ва кейинги авлодларга мерос сифатида қолдириш ушбу ишлар учун масъул шахслар, қолаверса зиёлилар, тадқиқотчи –олимлар зиммаларига улуғ вазифаларни юклайди.

Ўзбекистон Республикасида, хусусан кўпгина чет мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт масалаларида жаҳон педагогикасининг айrim долзарб йўналишларида номлари хурмат билан тилга олинадиган йирик олим, профессор Талъат Усмонхўжаев бир қатор шогирдлари билан бу борада анча самарали ишлар қилиб қўйди. Айниқса, Мустақиллик йилларида олимнинг ғайратига-ғайрат қўшилди. Ўтган йиллар суронлари таъсирига қарамай бир неча монография, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар Т. Усмонхўжаевмуаллифлигига жамоатчилик қўлига етиб борганлиги кишини қувонтиради, ёш ва изланувчан олимларнинг бу отахон профессоримизга ҳаваслариникелтиради.

Мана, педагогика фанлари доктори Т.С.Усмонхўжаевнингшогирдлари-доцент А.А.Пулатов, педагогика фанлари номзоди Ш.А.Пулатов, магистратураги муваффакиятли тутатган Д.Х.Абдуллаев билан хамкорликда яратган “Халқ ҳаракатли ўйинлари назарияси ва амалиёти” дарслиги.

Дарслик бўлганда ҳам, яп-янги. Ўзбекистон педагогика фанининг энг сўнгги талаблари, ютуқлари асосида яратилган бу китоб-манба ҳозирги кунда биргина жисмоний тарбия институти эмас, ушбуйўналиш мавжуд бўлган барча олий ўкув юртлари учун сув ва хаводек зарур эди, керак эди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Халқимизнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазиикقا қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликкага эришгандан кундан бошлаб жисмоний тарбия ва спортнинг миллий хусусиятларини ривожлантириш ҳамда такоммилаштиришга эътибор янада кучайди. Миллий анъаналаримиз, бой миллий меросимизни қадрлаган Юртбошимиз юқорида айтган сўзларибўйича маърифат ва маданиятни ривожлантириш билан бир вақтда ёш авлоднинг жисмоний тарбиясига, спорт ишларини янада юксалтиришга жуда каттағамхўрлик қилмоқдалар.

Хусусан, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабги йилларида қабул қилинган бир қатор Конун, фармон ҳамда қарорлар ҳам яққол исботлаб турибди. Масалан, Президентимиз фармони билан “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Конунийнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу Конун юртимизда жисмоний тарбия ва спорт тараққиётининг хуқуқий асосини яратди. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг гасосий йўналишлари тўғрисида”ги Қарори, “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши, “Миллий олимпия қўмитасининг тузилиши ва фаолиятининг мазмуни тўғрисида”, “Миллий халқ ўйинлари ва спорт турларининг тикланиши

тўғрисида”, “Ўзбекистон Рспубликасида футболни янадаривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларинитубдан такомиллаштиришчора-тадбирлари тўғрисида” ва шу каби яна бир қатор ҳаётбахш қарорлари миллатимизнинг келажаги йўлида қилинган буюк ишларнинг мустахкампойдеворидир.

Бу тарихий ва улкан ахамиятга эга бўлган Қарорлар хар биримизга кувват, илҳом яна ҳам аниқроғи жуда улуғ имкониятлар эшигини очади. Тақдим этилаётган ушбу янги дарслик ҳозиргача амалда қўлланибкелинган шу йўналишдаги дарсликларга ижодий ва танқидий ёндошиб, уларнинг энг яхши жиҳатлари, илғор мактаб мураббийларининг ва бошқа мутахассисларининг иш-тажрибаларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги аълоҳида таҳсингалойиқдир.

Ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг мақсади- ёш авлодни забардас полвонлар ва довюрак аждодларимиз каби тарбиялаш ҳамда ушбу халқ ҳаракатли ўйинларини ўзлаштириш туфайли уларни ҳар томонлама-жисмонан, маънан ва руҳан риважлантириш баробарида Ўзбекистон тарихига, маданиятига, анъаналаримизга қизиқиш ва ҳурмат ҳиссини оширишдан иборатдир.

Дарсликнинг янгилиги, долзарблиги шундан иборатки, у бу борада дастлабки қадамлардан ҳисобланиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтимутахассислари, кўп йиллик тажрибага эга олимларнинг ижодий маҳсулотидир. Унинг ўта муҳим томони–бакалавр ва магистрлар учун аждодларимиздан мерос-анъана сифатида сақланиб келинганмиллий халқ ўйинларининг илмий ва амалий томонларини жамлаб, дарслик яратилганлигидир.

Китобнинг янада фойдали томони шундаки, муаллифлар миллий ҳаракатли ўйинлар тўғрисида тарихий манбалар ҳамда улуғ мутафаккир, донишманд алломаларнинг фикр-мулоҳазаларини бобокалонларимиз Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Амир Темур,

МұхаммадЗахириддин Бобурдан бошлаб, XIX-XX аср ёзувчи, шоирлари Фитрат, Чўлпон, А. Авлоний, Ойбек ва бошқа халқ ҳаракатли ўйинларига кенг эътибор берганликларини аниқ мисоллар асосида таҳлил қилиб, уларнинг аҳамиятли томонларини очиб берганлар.

Республикамизнинг таниқли ва заҳматкаш олимлари томонидан яратилган ушбу янги дарсликни Ўзбекистон давлати олий таълими профессор-ўқитувчилари, магистрлари, бакалавр-талабалари қизғин кутиб олишлари ва ундан амалда унумли фойдаланишларига катта умид боғласа бўлади.

Халқаро педагогика фанлари Академиясининг  
академиги, педагогикафандаридоктори,  
профессор, Ўзбекистон Республикаси  
Олийтаълимвахалқтаълимиаълочиси

Б. О. Қодиров.

## **КИРИШ**

Мамлакатимиз ўз эркига эга бўлгандан сўнг, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, хусусан, спорт соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўла бошлади. Айникса, юртбошимиз спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратди. Бу бежиз эмас, албатта.

Спорт – соғлом муҳитни яратишда, ёш авлодни ҳар томонлама жисмонан ва маънан камол топтиришда ҳал қилувчи кучга эга. Сабаби, биз ҳамон тараққиёт сари кетаётган эканмиз, ҳали йўлимизда ечилиши керак бўлган таълимий муаммолар талайгина. Масалан, шу кунларда ҳаёт талаби ва тарбия услублари ўргасида қандайдир заифлик, бўшлиқ мавжуд. Бинобарин, мана шу бўшлиқни тўлдириш учун ҳалқимизнинг бебаҳо анъаналари, ноёб қадриятларидан ҳисобланмиш ҳалқ ҳаракатли ўйинлари, жисмоний тарбия машғулотлари муҳим ўрин тутади.

Хўш, ҳалқҳаракатли ўйинларининг мақсади нима? Албатта, бу ўйинлар эрмак учун ўйналмайди. Чунки, бу зукко ҳалқимизнинг асрлар мобайнида жамлаган маънавий жавоҳирлар мажмуасидир. Ўзбек элининг донишмандлигини қарангки, ҳар бир ўйин, аввало, содда, қизиқарли тузилган бўлиб, унинг мағзига ҳалқона оҳанг, миллийлик, меҳр-оқибат, жасорат, мардлик, ватанпаварлик, фидоийлик, инсонийлик каби туйгулар сингдирилгандир. Таълим ва тарбиянинг бундай уйғунлиги етук инсонни тарбиялаш учун дастуруламал вазифасини ўтайди.

Тарихга мурожаат қиласиган бўлсак, ибтидоий жамоа давридаёқ ҳалқҳаракатли ўйинларининг дастлабки намуналари пайдо бўла бошлаган. Бу ҳакда кейинроқ алоҳида тўхталамиз.

Фидоий ҳалқимиз неча юз йиллар давомида ҳар бир ўйинни қалб- қўри билан яратди, сайқаллади ва мукаммалаштириди. Сараланган ўйин турларини келгуси авлодлар учун кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келди.

Тараққиётнинг ҳар қандай босқичларида ҳам катта авлод вакиллари кенжা авлод вакиллари учун ёрдам қўлларини чўзиб, имкон қадар, ўзтўплаган билим ва тажрибаларини севимли машғулотларига бўлган

муносабатларини ёшларга ҳам тинмай ўргатиб, тадрижий боғланишни вужудга келтирди.

Натижада, ёшларда жисмоний тарбияга бўлган интилиш кучайиб бу ҳол одатий бўлиб борган. Агар ҳалқ ҳаракатли ўйинларини синчиклаб ўрганадиган ва уларнинг ҳар бирини қўриб танишадиган бўлсак, нафақат кўзингиз қувнайди, балки бу қалбингизга маънавий етуклиқ, жисмоний баркамоллик тухфа этади.

Демак, ёшларни жисмоний тарбиялаш жараёнида ҳалқ ҳаракатли ўйинларидан ўз ўрнида қўпроқ фойдаланилса, ўйинларнинг таъсиранлиги ҳам ошади. Бунинг мамлакатимиз ва миллатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи юксалиши учун аҳамияти катта. Шундай қилиб, ҳалқ яратган ҳаракатли ўйинлар меҳнат, турмуш тарзи, атроф-мухит табиати, ҳалқнинг маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари, умуминсоний қадриятлари билан бирикиб, ажойиб ажойиб мутаносибликни ҳосил қиласди.

Ёшларни жисмоний тарбиялаш жараёнида айрим мажбурий машқлар ўрнига миллий ҳалқ ўйинлари, рақслари, жисмоний машқлари ва миллий спорт турларини саралаб олиш, уларнинг хажми, йўналиши ва таъсиранлигини белгилашда А.Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб”, “Фарход ва Ширин”, У.Ҳайёмнинг “Наврўзнома”, Ибн Синонинг “Ал-Қонун”, Қайқовуснинг “Қобуснома”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон – у – лугатит турк” асарлари ажойиб манба бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбек ҳалқ ўйинларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва уни ёшларни тарбиялаш амалиётига жорий қилиш, ўз қадриятларимиз, маданиятимиз ва маънавий бойликларимизнинг юксакликка кўтарилишида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Ҳалқ яратган буюк хазинани эҳтиёт қилиб сақлашимиз, миллийлик бўёғини асрashingиз ҳамда уни келажак авлод учун бекам-у кўст етказишимиз зimmамиздаги асосий вазифадир.

Нима учун узок ўтмишдан бери ҳалқ ҳаракатли ўйинларига бундай бекиёс аҳамият бериб келинган? Уларни ички ва ташқи моҳияти нимадан иборат? Нима учун бугунги кунда ҳам таълим-тарбия муассасаларида, спорт

мактабларида ва соғломлаштириш масканларида ҳалқ ҳаракатли ўйинлари фан сифатида ўқув-машғулот режа-дастурларидан жой олган? - деган ўринли саволлар туғилади. Гап шундаки, 1891 йилда илк бор баскетболни ихтиро қилган коллеж ўқитувчиси америкалик Джеймс Нейсмит, 1895 йилда биринчи бўлиб волейболни яратган ва коллеж талabalari ўқув фаолиятига жорий этган Уильям Морган (АҚШ) лар ҳамда мазкур йўналишда илмий изланишларни олиб бораётган кўплаб мутахасис - олимлар тадқиқотларига қараганда жисмоний тарбия машғулотларида доимо гимнастика, югуриш каби стандарт машқлар билан шуғулланиш асаб-нерв органларига салбий таъсир кўрсатар экан, бирхиллик хусусиятига эга бундай стандарт (стереотип) машқлар мушак тўқима ва толаларида тезрок толиқишиш аломатларини юзага келтирас экан.

Кузатувлар ва тадқиқотлар асосида исботланганни, жисмоний тарбия дарсларида ёки бўш вақтларда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш инсон организмининг функционал органлар фаолиятини бошқарувчи марказий нерв тизимига ҳар томонлама ижобий таъсир этар экан. Ҳаракатли ўйинлар давомида болаларни муайян ролларга, образларга (овчи, мерган, топқир, айик-полвон, тулковой ва бошқа тақлидлар) кириб кетиши уларда излаш, ижодкорлик, топқирлик, зукколик ва бошқа шу каби хислатларга эришишга ундовчи мотивацияни юзага келтириб, нафақат ушбу тақлид, балки ҳаракатга бўлган эҳтиёжни қондириш йўлларини топишга чоралар экан. Дарҳақиқат, ҳалқ ҳаракатли ўйинларнинг турлари ва мазмуний шакллари ҳилма-ҳил бўлиб, улар хотира, диққат, идрок, онг, тафаккур, ирова каби қобилияtlар, талаффуз, нутқ, интонация каби хислар, ҳамжихатлик, ҳақгўйлик, ватанпарварлик, ўзаро ёрдам бериш, одоб-аҳлоқ, мардлик, ботирлик, жасурлик каби фазилатларни шакллантиради, тарбиялайди. Шунинг учун ҳам умумбашарий ва миллий ҳалқ ҳаракатли ўйинлари инсон саломатлиги, унинг дунёкараши, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол шахс сифатида тарбиялашда устивор восита эканлиги исбот талаб қилмайди.

Таълим – тарбия муассасалари, спорт мактаблари ва мураббийлари ва соғломлаштириш масканлари, ўқувчи-ёшлари, ўқитувчилари, мураббийлари, ташкилотчилари ва мутасадди раҳбарлар ихтиёрига тақдим этилаётган мазкур дарслик шу соҳа мутахассислари педагогика фанлари доктори, профессор I даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Т.С.Усмонхўжаев, доцент А.А.Пулатов ва педагогика фанлари номзоди Ш.А.Пулатовлар томонидан тайёрланган. Дарсликни ишлаб чиқишида муаллифлар ўз кузатувлари натижалари, аввалдан чоп этилиб келинган “Ҳаракатли ўйинлар” – 1963; Ҳаракатли ўйинлар – (1968); 1-4 синфлар учун ҳаракатли ўйинлар – (1973), “Ҳаракатли ўйинлар” – (19XX), “200 ҳаракатли ўйинлар” (19XX) “1001 ўйин” – (1990); “500 ҳаракатли ўйинлар” – (2002-2014) ва бошқа манбалар, хорижий мутахассислар тажрибалари ва юртимиизда мустақиллик давридан бошлаб (1991-2005) ҳалқ ҳаракатли ўйинлари, спорт турлари буйича ўтказилиб келинаётган илмий-амалий анжуманлар, шу тарзда “Алпомиш” ва “Тумарис” ўйинлари фестивалига доир материаллардан фойдаланишган.

Албатта, ҳеч қандай дарслик беками-кўст бўлмайди, бинобарин ўқиши ва фойдаланиш жараёнида учраган камчиликларни билдирган ўқувчилар муаллифлар ташаккурига лойиқдир. Мавжуд камчиликларни қабул қилиш ва уларни эътиборга олиш муаллифларнинг шарафли бурчи.

# **1 БОБ. ҲАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

## **1.1. Ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг ривожланиш хронологияси**

Ўзбек ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг пайдо бўлишида ва ривожланишида шу кунгача сақланиб қолган (юон, рим, араб-форс муаллифларининг кўлёзмалари, туркий битиклар) кадимий меъморчилик обидалари ва амалга оширилган археологик қазилмаларнинг натижалари, шунингдек, ҳалқ оғзаки ижоди намуналари (эпос, достон, ривоят, афсона, топишмоқ, ўйин, рақс, мусиқа ва бошқалар) ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек ҳалқ маданиятининг таркибий қисми ҳисобланган ўзбек ҳалқ ҳаракатли ўйинлари жисмоний маданият, ёш авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Ўрганилган илмий-услубий ва маҳсус манбалардаги маълумотларга кўра, аждодларимизнинг маданий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва майший ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу эса ўйинларнинг ҳалқимиз маданий турмуш тарзи ва жисмоний маданияти билан уйғунликда тараққий этиб келганлигидан далолат беради. Лекин аждодларимиз ўйинларининг тарихий тараққиётини турли ижтимоий тузум даврларидағи маданияти, маърифати, тарихий воқеалари ҳамда анъаналаридан алоҳида ажратиб ўрганиб бўлмайди.

Ибтидоий одамнинг эътиқод ва тасаввурлари оламни била бориш ва идрок этиш даражаси билан боғлиқ бўлган. Дарҳақиқат, З.Хусайнованинг<sup>1</sup> ёзишича: “Ўтмишда табиат ва табиат ҳодисаларининг ўзи бир жумбок бўлганки, одамлар унинг сирини билмаганлар ва еча олмагайлар, уларга у сирли бир мўжизадек бўлиб қўринган”. Шахс ўзини қуршаб турган ташқи объектив оламни таний бошлиған бир пайтда ундаги нарса ва ҳодисаларнинг қайси йўл билан яратилишини англаш, билиш истагида

---

<sup>1</sup>Хусайнова З. Топишмоқлар. Ўзбек фолклор очерклари. Уч томлик 1-том. –Т, 1998. 100-101- бетлар

солишириш, қиёслаш ва баъзан қарама-қарши қўйиш билан ўргана бошланган.

Улар қуёш, ой, юлдузлар ҳаракатининг, чақмоқ чақиши, булут келиши, шамол эсиши, қор-ёмғир кабиларнинг моҳиятини тўла англаб етмаганлар ва анимистик тушунчаларга асосланиб, уларнинг ҳаммасида жон бор деб тасаввур қилганлар. Чунки инсон ҳали табиат ва унинг сирларини тўғри тушуниб ета олмаган, тотемистик тушунчалар ҳукмон бўлган пайтда Қуёш ва Ойни оталик ва оналик бошланғич - ота ва она деб тасаввур этган.

Ўзбек ҳалқ достонларида Ғирот, Бойчибор, Жийронқуш, Мажнунқўк каби от образларининг нуфузли ўрин тутиши от тотеми нақадар кучли бўлганлигидан далолат беради. Шундай килиб, табиат ва ҳаёл хақида юзага келган ибтидоий тушунча ва эътиқодлар анимистик ҳамда тотемистик қарашларни вужудга келтирган.

Тарихий манбаларга қараганда, куйи палеолит даврида (тахминан 40-41 минг йил илгари) Ер юзининг шимолий қисмида тотемга оид “айик байрамлари” ҳам бўлган. Тотем - айикка бағишлиланган афсоналарда бу байрам ҳақида баъзи маълумотларни ўқиши мумкин. “Айик байрами”нинг вариантлари ва элементлари Сибир ҳалқарининг баъзиларида XX аср бошларида ҳам сақланган ва бундай байрамларда айик тимсолидаги киши бош қаҳрамон бўлиб, у айикнинг қилиқларини бажариб рақсга тушиб юрган. Ўрта Осиёда эса “Айик ўйини” (пантомимик рақс сифатида) ҳозирги давргача етиб келган. Ўзбекистон худудида, шунингдек, Туркия, Хиндистон мамлакатлари ҳамда Кавказорти республикаларининг айрим шаҳар кўчаларида айик ўйнатиб юрган одамни кўриш мумкин. Улар одамлар гавжум жойларда кичик томоша кўрсатиб юришади. Эҳтимол, бу қадимий айик ўйинидан бизгача ётиб келган тотем ҳайвонлар ўйинининг бир кўриниши ҳам бўлиши мумкин.

Ўйинларнинг табиий-тарихий тараққиёти меҳнат жараёни билан боғлиқ. Ўйиннинг ilk бошланғич кўриниши ибтидоий жамиятда синкетик

(қоришиқ) санъат қисми саналиб, инсоннинг меҳнат ва кундалиқ фаолиятини ифодалаган. Улар қўшиқ, рақс, мусиқа билан ажралмас бўлган.

Ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашуви ва тилнинг тараққиёти билан ўйинлар фикрлаш фаолиятининг мустақил турига ажралган ҳамда ўз мазмунига кўра бойиб борган, уларнинг ҳаракатни талаб қиласиган шакллари пайдо бўлган.

Ўйинлар фаолиятининг мустақил тури сифатида муайян даражада ҳамма вақт жамият ҳаёт тарзини белгилаган десак, муболаға бўлмайди. Кўпгина мамлакатларнинг олимлари ва педагоглари ўйинлар моҳиятини, унинг келиб чиқиши, тараққиёти ва аҳамиятини ўрганмоқдалар. Шунга кўра ўйинларнинг моҳияти ва келиб чиқишини ифодаловчи турли ҳил назариялар, фикрлар ва қарашлар ҳам мавжуд.

Ижтимоий муҳит - бу зарурий шарт, негаки ундан ташқарида инсоннинг шаклланиши ва ривожланиши мумкин эмас.

Инсон ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудод ҳисобланади, фақат жамиятдагина у ўзининг табиатини очиб беради.

Инсоннинг биологик сифати бевосита ижтимоий муҳит орқали намоён бўлади ва жамиятдаги муносабатларда уз ифодасини топади.

Биологик замин инсоннинг маънавий ривожи учун керак ва айни пайтда, зарур. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётида меҳнат ўйиндан кўра катта кучга эга, деб юритилган.

Боланинг ўйин фаолияти мазмунининг манбайи, юқорида кайд қилинганидек, уни ўраб турган ҳаёт шароити билан боғлик бўлган.

Демак, болалар ўйинларининг тавсифи шундай, деб ўқтирилади. Инсоният тараққиёти тарихида меҳнат ўйинлари катта ўрин тутган, аммо инсон ҳаётида ўйин, унинг келажакдаги меҳнат фаолиятидан олдин туради. Масалан, бола ўйнаб ривожланади, ундаги шартли рефлекслар биринчи ва иккинчи сигналлар тизими, доимий равишда организм атроф- муҳит билан ўзаро фаолият ва тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири пайтида ташкил этилган педагогик жараён сифатида шаклланади. Шахснинг шаклланиш ва

ривожланиш жараёни инсоннинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш жараёни ҳамдир.

Тарбия олдиндан маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, боланинг улғайишида муҳим аҳамият касб этади. Жамиятдаги тажрибани узлаштиришда ҳал қилувчи ҳолат боланинг ўзига, унинг фаоллиги, ташқи муҳит билан ўзаро муносабат доирасига боғлиқ. Шунинг учун ўйин – бу ижодий фаолликни импровизацион (тайёргарликсиз) ҳолатида эркин намоён қилишдир.

Қадимий аждодларимизнинг ёввойи ҳайвонларни овлашлари ва уларни ўзларига бўйсундиришга интилишлари ов воқеаларини ижод қилиш ҳамда намойиш қилишга зарурат туғдирган. Машхур олим Д.У.Элконин ўйинларнинг келиб чиқишини ўрганиб “...ибтидоий кишилар ов, уруш воқеаларини ва бошқа жиддий фаолият турларини ўйинларда ифодалаганлар. Овдаги муваффакиятсизликни ўйнаш уларга йўл қўйилган ҳатоларни ҳамда муваффакиятсизликнинг сабабларини аниқлашда ёрдам берган”, - деб хулоса чиқаради.

Ўзбек ҳалқ ўйинларининг пайдо бўлиши бизнинг эрамизгача бўлган даврларга, аникроғи ибтидоий жамоа тузими даврларига тўғри келади. Буни тарихий, археологик, этнографик, фолклор ва бошқа манбалар тўлат-тўқис исботлайди. Қадимги рим ёзувчиси Элияннинг гувоҳлик беришича, аждодларимиз бўлган саклар кабиласида ўйин мусобақалари жуда кенг тарқалган ва улар ҳалқнинг севимли одати саналган. Унинг тасдиқлашича, саклар кабиласининг йигитлари ана шу ўйин-мусобақасида ўзлари енгган қизларга ўйланиш ҳуқуқини олганлар.

Юнон тарихчиси Помней Трог (эрамизнинг I асрлари) қолдирган маълумотларга қараганда, бир вақтлар Ўрта Осиё худудида яшаган қадимги кабилалар муштлашишни яхши биладиган моҳир жангчилар, яъни ҳарбий салоҳиятга эга бўлган кишилар бўлгани кайд қилинади. Ўзбек ҳалқ ўйинлари жамият эҳтиёжи туфайли бир неча юз йиллар муқаддам вужудга келган. Ўйинларнинг юзага келиш тарихи мамлакатимиздаги тарих,

археологик, этнографик, фолклор, педагогика, фалсафа фанларининг, спорт, театр, рақс ва цирк санъатининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбек ҳалқ ўйинлари мазмунан ғоятда бой, шаклан хилма-хил бўлиб, муайян ижтимоий тарихий тавсифга эгадир.

Р.Йўлдошева қайд қилганидек, “Ўйинлар ҳалқ тантаналари ва томошаларининг энг яхши анъаналарини ўзида жамлади, бетакрор ўзига хослиги ва хусусиятлари билан миллий маданиятни ниҳоятда бойитди, авлодлар ворислигининг ҳалқ анъаналарини ўзида мужассамлаштириди”.

Ўйинларнинг ибтидоий жамоа даврида мавжудлиги тан олинган бўлсада, бирор ҳалқ ўйинларининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёти масалалари ҳанузгача тўлақонли тадқиқ қилинмаган. Лекин шу кунгача мавжуд бўлган манбаларга таянган ҳолда, ҳалқ ўйинларининг илк пайдо бўлиши ҳақида мантиқий фикр юритса ва улар тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қиласа бўлади.

Ҳалқ ўйинларининг пайдо бўлишини аниқлашда Ўрта Осиё ҳалқларига оид меҳнат ва ов қуроллари, қадимий иншоотларнинг қолдиклари, қабрлар, тоғдаги конлар ва ғорлар, қояларга ишланган суратлар асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

Баъзи манбаларда инсониятнинг илк ватани Шарқий Африка деб берилган бўлса-да, археология фанининг энг сўнгги маълумотларига кўра илк неолит даврининг охиридан бошлаб Ўрта Осиёда ибтидоий одамлар яшай бошлаган (Фаргона водийсидаги Селенгур манзилгоҳи). Айрим археолог олимлар Ўрта Осиёга ибтидоий одамлар Африка қитъасидан Шарқий Осиё орқали келган деган фикрни билдирган бўлсалар (В.А.Ранов), бошқа бир груп, олимлар Ўрта Осиё ҳам инсоният бешиги деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон худудида энг қадимги одамлар манзилгоҳи Фаргона водийсидаги Селенгур ғор макони бўлиб, бу илк палеолит даврига мансубдир.<sup>2</sup> Мамлакатимиз жанубидаги мўтадил иқлим ва атроф-муҳит бу ерда жуда қадимдан инсоннинг яшashi ҳамда тирикчилик қилиши учун

<sup>2</sup>Т. Аннаев, Ш. Шайдуллайев. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т., А. Қодирий номидаги "Ҳалқ мероси"нашириёти, 1997. 18-19-бетлар.

кулай манзилгоҳлар бўлганлигини тасдиқлади. Сурхондарё вилоятидаги Бойсунтоғ ва Кўҳитанг тоғларида мавжуд ғор ва ўнгирлар ибтидоий давр одамлари учун макон вазифасини ўтаган. Вилоят худудидаги энг қадимги макон - неандертал одамнинг манзилгоҳи - Бойсун тоғидаги Тешиктош гори бўлиб, ўрта тош (мусте)даврига оидdir.

Ибтидоий одамларнинг ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш жараёни ҳам айнан ана шу даврда содир бўлган. Мачай ғоридан топилган тошдан ясалган меҳнат қуроллари, тайёрланиши ва шакллари билан Ўрта Осиёдаги бошқа мезолит даври манзилгоҳларида топилган қуроллардан бир мунча фарқ қиласи.

Ўрта тош аср ибтидоий одамлар тасавурлари ва эътиодларида кескин ўзгариш юз берган давр ҳисобланади. Бу жараённи Ўрта Осиёнинг энг қадимги ранг-тасвиirlаридан бўлмиш Кўҳитангдаги Зараутсой суратларида кузатиш мумкин. Зараутсойда табиат ҳосил қилган айвонга ўхшаш жой қисмида ва ғор ичида 200тага яқин қизил буёқларда битилган суратлар сақланиб қолган. Бу лавҳаларда ов манзараси, ҳайвонот олами ва ибтидоий давр одамлари тасвири ўз ифодасини топган.

Баъзи бир олимларнинг (А.А.Формозов) таъкидлашича, бу лавҳаларда сехрли ов маросими акс эттирилган. Ибтидоий одамлар овга чиқиши олдидан ёки овдан қайтган чоғида, Зарауткамар ғори ва унинг атрофида ов билан боғлиқ турли хил хатти-ҳаракатларни ижро этганлар.

Шунингдек, Зарауткамар суратлари Ўрта Осиёнинг ilk ранг-тасвири туркумидан бўлиб, қадимда бу ўлкада санъатнинг дастлабки намуналарининг шаклланганидан далолат беради.

“Зараутсой - 98” ҳалқаро симпозиуми қатнашчиларининг хулосасига кўра, Зарауткамар ilk ибтидоий мактаблардан бири деб тан олинган. Чунки аждодларимиз қолдирган қадимий суратлар ва ёзувлар бу хақида гувоҳлик беради. Тарихий маълумотларга қараганда, ибтидоий одамларҳаётida овчилик ўйинлари салмоқли ўрин тутган. Баъзи манбаларда ўйинлар овдан олдин ўtkазилиши ёзилган бўлса, бошқаларида овдан сўнгги ўйинлар хақида

фикрлар баён қилинган. Агар, бу маълумотларни чуқурроқ таҳлил қиладиган бўйсак, унда овчилик ўйинлари овдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ўтказилган, дейиш мумкин. Овдан олдинги ўйинлар ов олди машқлари (овга тайёргарликни текшириш, овга руҳий ва жисмоний шайланиш) вазифасини ўтаган ҳамда жиддий ўзига хос кичик маросим шаклида уюштирилган. Бу ўйин жараёнида ибтидоий одамлар ўлжага яқинлашишни, сўнгра уни осонгина қўлга туширишни ўрганишган, бунинг учун ниқоб кийиб, ҳайвон қиёфасига киришган, унинг юриш-туришлари, ҳатти-ҳаракатлари машқ қилинган, уларнинг товуш чиқаришлари ўрганилган. Айнан ана шундай ўйинлар жараёнида ёшларни ҳам ов қилишга ўргатишган. Шу боис у ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, бир томондан, овчилик маҳоратини ўстиришга ёрдам берган бўйса, иккинчи томондан, уларда тақлид қилиш санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.

Овдан сўнгти ўйинлар ов муваффақиятли тугагандан кейин уюштирилган, деб таҳмин қилиш мумкин. Чунки овдан ўлжа билан қайтиш, зиёфат, хурсандчилик қилишга, бутун жамоанинг байрам қилишига имкон яратган.<sup>3</sup> Овчилар бундай ўйинлар ёрдамида, кун бўйи ов қилиб, чарчаб қайтгач, кечқурунлари ўз аъзойи баданларига дам бериш, бугунги таассуротларни, кайфият ва туйғуларни, овдан мамнунликларини, тўқчиликни, шўхликларини ифодалашган. Кейиничалик, бу жараёнлар, яъни ҳар муваффақиятли овдан кейин ўйинлар ижро этиш анъана тусини олган.<sup>4</sup>

Машҳур қомусий олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон-у-луҳатит турк” асарида ов ҳақидаги қадимий қўшик ва термаларни учратамиз. Девон саҳифаларида овчилик билан боғлик бўлган қўшиқлар ўзига хос ўрин олган. Уларда ов қилишнинг дастлабки намуналари: ит ва күш ёрдамида, ўқ-ёй билан ов қилиш тажрибалари мадҳ этилган:

*Ов қўшиларини ушлаб,*

*Тулки, тўнғиз тишлатиб,*

<sup>3</sup>Жигульский К. Праздник и культура. М., 1995, с.33.

<sup>4</sup>Рахмонов М. Ўзбек театри қадимий замонлардан XVII асрга қадар. Т., 1975. 27 б.

*Итларимиз ишлатиб,*

*Хунар билан гердайдик*

Мамлакатимиз худудларидағи энг қадимги даврлар ҳақида күплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилған бўлиб, уларнинг натижалари ҳалқ ўйинларининг пайдо бўлиш тарихи ҳақида ҳам айрим холосалар чиқариш имконини беради.

1. Илк палеолит даври. Бундан тахминан 800 минг йил илгари бошланиб, 100 минг йил аввал тугаган. Бунгача илиқ иқлим бўлиб, одамлар ер юзининг катта худудларига тарқалган.

Бундан 140 - 150 минг йил аввал (ўрта палеолит) - Мустайе даврида атроф-мухитни музлик қоплай бошлади. Шунда одамлар яшаш учун табиат билан кураш бошладилар. Тошлардан қуроллар ясаш такомиллашди, йирик ҳайвонлар ва балиқ овлаш одамларнинг кундалик эҳтиёжига айланди. Ўт чиқариш воситалари кашф қилиниб, яшаш учун ғор, ер тўла ва бошқа турли хил бош паналардан фойдалана бошланди. Меҳнат қуролларининг янги турлари-қиргич, пичоқ кабилар пайдо бўлди. Ўтказилган илмий-тадқиқот натижалари кўрсатадики, мамлакатимиз худудларида одамлар ilk даврларда ҳайвонлар ва балиқларни ов қилиш учун турли қуроллардан фойдаланишган. Ўлжани пойлаш ва қўлга киритиш учун турли хил мураккаб ҳаракатларни (югуриш, сакраш, улоқтириш *ва ҳ.к.*) бажаришга тўғри келган. Болалар ҳам ана шундай жараёнларда фаол қатнашганлар, ҳаётий амалий кўникма ва малакаларни шу ҳаракатлар асосида мустаҳкамлашган. Натижада, ҳалқ ўйинларининг унсурлари (юриш, югуриш, улоқтириш ва бошқалар) вужудга келган.

2. Уруғчилик жамияти. Ҳаммага маълумки, найзани ушлаш тартиблари, у билан нишонни аниқ мўлжалга олиш ва узоққа улоқтириш унчалик қулай ва осон эмасди. Ундан ташқари, найзани улоқтириш учун етарли даражада куч, чаққонлик, тезкорлик, чамалаш, ўлжани аниқ кузлай билиш ва бошқа сифатлар ҳам зарур бўларди. Бундан кўриниб турибдики, натижага эришиш учун маҳсус тайёргарлик машқлари ёки ҳаракатларга

ўргатиши зарурияти пайдо бўлган. Ҳайвонларни биргалашиб ҳайдаш, тутиш ёки белгиланган жойлардан (чоҳ, ўра, жарлик ва х.к.) ҳайдаб ўтказиш, баъзан, кези келганда, уларни қувиб етиш осонлик билан кечмаганди. Буларнинг ҳаммаси учун тайёргарлик ишлари олиб бориларди. Бу даврда жамоани бошқариш ўрнини Матриархат - Она уруғи етакчилик қилган жамият эгаллаган эди. Табиий равища жинслар ўртасида меҳнат тақсимоти келиб чиқкан. Аёллар тирикчилик учун керак бўлган ноз-неъматларни сақлаш, овқат тайёрлаш, оилани зарур ёқилғи билан таъминлаш, болани парваришлиш ва тарбиявий ишларда фаоллик қилишган. Эркаклар эса, асосан, овчилик билан шуғулланганлар, меҳнат куролларини ясаганлар.

Уругчилик жамоаларининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши билан аста-секин маданият соҳасида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Жамоа йиғинларида қўшиклар, ўйинлар ва рақслар, ҳалқ ўйинлари ижро этила бошланди. Бевосита меҳнат билан боғлик бўлган кўпгина мусобақа ўйинлари мустақил тарбиявий аҳамият касб этиб, улардан уруғ жамоасининг турли ёшдаги гуруҳлари фойдалана бошлайди. Жисмоний машқларнинг мусобақа ўйинлари шаклида вужудга келиши ибтидоий жамият кишини тарбиялашда тубдан ўзгариш ясади. Ҳалқ ўйинларининг дастлабки намуналари инсониятнинг онги, тафаккури ривожи билан боғлик бўлган. Уларнинг пайдо бўлишида ўша давр шарт-шароитлари, одамларнинг ов ва турмуш тажрибалари, дунёқараши, урф-одат ва маросимлари алоҳида аҳамиятга молик бўлган. Аввало, оддий оғзаки ижоднинг дастлабки намуналари пайдо бўлган. Улар ниҳоятда оддий бўлиб, турли хилдаги ундов - хитоблар ва воқеалар баёнидан иборат бўлган. Ов жараёни ҳамда тафаккурнинг ривожланиши воқеа ва ҳодисалар талқинида оддий баёндан образли тасвирилашга олиб келди. Энг қадимий ҳалқ ўйинлари намуналари ёзув юзага келмасдан анча илгари пайдо бўлган. Илк ҳалқ ўйинлари асл ҳолда, тўлалигича бизга етиб келмаган. Ҳар бир ўйин турли хил ижтимоий - иқтисодий сиёсий босқичларни босиб

ўтганлиги сабабли, уларнинг шакл ва мазмунида янги - янги усул ва кўринишлар юзага келган ҳамда жамият манфаати йўлида хизмат қилган. Бинобарин, ҳалқ оғзаки ижодиёти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган сўз санъати бўлиб, унинг барча намуналари жонли ижро жараёнларидагина яшайди, шу сабабдан айрим ўйинларда сўз етакчи бўлса, бошқаларида ўйиннинг айрим унсурлари устун туради. Ўйинларда довюраклик, мардлик, жасорат, дадил ҳаракат тўла ифодаланади. Дарҳақиқат, ўйинларнинг пайдо бўлишида меҳнат хал қилувчи ўрин тутган, одамлар ерда тезҳаракат қилишни орзу қилиб, отга минишни ўргангандар, дарё оқимидан ҳам тез сузиш истаги пайдо бўлиб, бу эса, эшкак ва елканни кашф қилишга олиб келди; узокдан туриб душман ва ҳайвонни даф қилишга интилиш эса палахмон ва камоннинг юзага келишига сабабчи бўлди. Ана шу тариқа меҳнат жисмоний машқлар ва ўйинларнинг юзага келишини, ижтимоий тараққиёт туфайли меҳнатнинг турли тармоқларга бўлиниши эса, ўз навбатида, турли ўйинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Жамият тараққиёти ўзгарган сари, табақаланиш вужудга келиб, ҳалқ тушунчасининг моҳияти ҳам ўзгарди, ҳалқ икки тоифага - хўжайинлар ва уларга мутеликка маҳкум қилинган қўлларга бўлинди. Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг такомиллашуви, ҳалқ эстетик тафаккурининг ўсиши ва жисмоний машқларнинг мукаммаллашиши жараёнида, даврлар ўтиши билан чавандозлик, қиличбозлик, найзабозлик каби алоҳида машқ турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қила оладиган инсонлар намоён бўла бошлашди. Ўйинда анъанавийлик ўзига хос хусусиятлардан бўлиб, унинг ғоявий - эстетик моҳиятини белгилайди. Анъанавийлик ҳалқ ижодининг у ёки бу ўйин матнини оғиздан оғизга ўтиш жараёнида нисбатан барқарорлигини англатиб қолмайди, балки ўша жараёнда дастлабки ижроисига хос хусусиятларни, шакли, воситалар ва методлари ўзгармаган ҳолда сақлаб қолганини ҳам англатади. Аннана - жамоа ижодкорлигининг маҳсули, шу билан бирга, ўйинларни жамоа ҳолда ўйнашни сақлаб қолишнинг ҳам ўзига хос шакли ҳисобланади. Анъанавийлик ҳам ўзининг

ижтимоий-тариҳий манбаларига эга. Чунончи, ўйиннинг илк намуналари ибтидоий жамиятда яратилган, уларда ўша замон кишиларининг урфодатлари ва ҳаётга қарашлари акс этган. Бу ҳол ўйинларнинг шакли, сюжети, образлари ва мавзуларининг муайян барқарорлик касб этишини таъминлаган. Ҳалқнинг асрлар давомида шаклланган бадиий завқи, эстетик диди бор экан, ўйин хамиша шу ҳалқона эстетик тамойилга амал қилиб яшайди. Бу ўйин учун объектив қонуният. Ижтимоий тафаккур тараққиёти ҳалқ эътиқодида ясаган туб бурилишлар асосида янги ўйинлар вужудга келди, айрим ўйинлар эътибордан қолиб, унутилиб кетилди. Шунингдек, анъанавий ўйинларда мавзулар ўзгарди, янги воқелик мазмунига мос тимсоллар ва қарашлар эвазига бойиди. Айрим ўйинлар туркумида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, кейинги даврларда яратилган ўйинларда гарчи анъанавий ҳалқ ўйинларига хос эпчилликка, тайёр қолипларга, мавзуларга асосий урғу берилса-да, бироқ булар энди анъанавий ҳалқ ўйинларидагидек ғайри табиийлик асосида эмас, балки ҳаётийлликка, объективликка асосланган ҳолда ифодаланадиган бўлди. Анъанавий ҳалқ ўйинларининг идеал қаҳрамонлари ҳайри-табиий кучлар мададкорлигига ҳаракат қилиб ғалаба қозонса, янги, замонавий ўйинларнинг қаҳрамонлари мавжуд тариҳий шахслар бўлиб, улар ҳозирги воқеликка суюниб ҳаракат қиласи ва кўзланган мақсадга эришади.

Вариантлиликтининг муҳим бир хусусияти версияларда мавжуд бўлишdir. Бинобарин, версия моҳиятан бир мунча кенг ҳодиса бўлиб, у ўйинда илгари сурилган ғоявий концепция, шунингдек, ўйиннинг композицияси ва воситалари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи ҳалқ миллий ўйинининг бир сюжет ва бир йўналишдаги намуналариданиборат. Чунончи, “Доғлаш”, “Оқсуяқ”, “Музлатамиз” ва бошқа ўйинларнинг ўзбек, қозоқ, қирғиз ҳамда бошқа ҳалқларга мансублари мавжуд. Маълумки, бир ўйинни бир ҳалқнинг ўзида бир неча версияси бўлиши мумкин. Масалан, “Оқ суюқ”, “Кулоқ чўзма” ва бошқа ўйинлар ўзбек ҳалқи орасида бир неча версияда тарқалган. Шундай қилиб, вариантлилик

ўйиннинг ҳалқчиллигини, оммаболигини ҳамда ўйинлар кечаётган ўзгаришларнинг сабабларини; аниқлашга, ҳалқ ўйинлари ижодиётида кечган ва кечаётган жараёнларасосида ётувчи қонуниятларни очиш учун бой манба бўлади. Чунончи, ҳалқ ўйинларининг энг қадимий намуналари баъзи тарихий ёдгорликлар, археологик қазилмалар, илмий асарлар ва бадиий адабиётлар орқалигина бизгача етиб келган. Ҳалқ жисмоний маданиятининг асосий кўринишлари азалий ўйинлар, жангномалар, афсона ва ривоятлар, қаҳрамонлик достонлари, саноқлар, рақслар ва мусиқаларда ўзининг ифодасини топган. Аждодларимиз қолдирган моддий ва маънавий мерос ҳалқ ўйинларининг пайдо бўлиш тарихи ҳақида шоҳидлик беради. Ҳалқ ўйинларининг пайдо бўлиш тарихи жамият тараққиётининг ilk босқичлари бўлган узоқ мозийга бориб тақалади тарихий, археологик ва этнографик манбаларда ҳам ҳалқ ўйинларининг келиб чиқиши ҳамда ривожланишига доир қизиқарли маълумотларни учратамиз. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон-у лугатит турк”, Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Қайқовуснинг “Қобуснома”, Умар Хайёмнинг “Наврӯзнома”, Юсуф хос Ҳожибининг “Қутадғу билиғ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Фитувватномайи Султоний ёхуд Жавонмардлик тариқати”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисонут-тайр”, “Маҳбубул-қулуб”, Зайниддин Восифийнинг “Нодир воқеалар”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари», “Темурнома”, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқалар, шунингдек, Ойбекнинг “Алишер Навоий” тарихий романи, “Болалик” қиссаси, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Мирмуҳсиннинг “Темур Малик”, Раддий Фишнинг “Жалолиддин Румий” ва шу каби тарихий-илмий-бадиий асарларда ҳалқ ўйинларининг пайдо булиши тарихи ва ривожи тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган.

Ундан ташқари, ҳалқ ўйинларини излаш, тадқиқ қилиш ва ҳалқорасида тарғиб қилишда шу соҳанинг олимлари Т.С.Усмонхўжаев, Ф.Насриддинов, Г.Жаҳонгиров, Абдураҳим Абдураҳмон

Рахим ўғли, М.М.Рахимов, Х.А.Мелиев ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар.

Ҳалқ ўйинлари тасодифан пайдо бўлган эмас, кадимий аждодларимиз уларни шу даражага олиб келгунларича оғир, мashaқатли йўлни босиб ўтганлар. Ҳар бир даврда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш табиий ва ижтимоий зарурият эди.

Демак, аждодларимизнинг овчилиги асосида “овчилик ўйинлари”, чорвачилик асосида “хўкиз, от, айиқ, бўри, тулки ва бошқалар ўйинлари”, дехқончилик асосида - “мехнат ўйинлари” шаклланди. Палеолит даврининг оҳирларида отиш қуроллари - найза, кейинрок эса камон, ёйдан отиш кашф этилди.

Грек тарихчisi Геродот хоразмийлар билан ёнма-ён яшаган саклар қабиласидаги моҳир мерганлар ҳақида бундай деб ёзган: “Саклар дунёдаги мерганлар орасида ўқни зойе кетказмайдиган жуда моҳир мерганлар сифатида шухрат қозонган эди”.

Рим ёзувчisi Климент Александрийский (эрамиздан олдинги II аср) саклар қабиласининг аёллари ҳақида бундай деб ёзган эди: “Сак аёллари айёрлик билан қочиб кета туриб, от устида худди эркаклардай орқага бурилиб ўқ узар эдилар”.

Ҳалқимизнинг ажойиб достони бўлган “Алпомиш” достонида тийрандозлик ҳақида сўз кетади. Чунончи, “Ҳакимбек етти ёшга кирган эди. Олтинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринчи бўлган парли ёйи бор эди. Ана шу етти яшар бола - Ҳакимбек шул ўнтўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб торти, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Аскар тоғининг катта чўққисини юлиб ўтди...” Достоннинг асосий қаҳрамонларидан бири бўлган Барчин эрга тегиш учун тўртта шарт қўйди. Шартларнинг иккитаси ўқ- ёй отиш билан боғлик. Масалан, иккинчи шарт: ... ёй тортишса, ёйи синмай қолганга, - мен тегаман шул Ёяндоz полвонга, дейди. Учинчи шарт:

*Минг қадамдан танга пулни урганга,*

*Мен тегаман шул қарчиғай мерганга.*

Махмуд Кошғарийнинг “Девон-у луғатит турк” асарида ўқ-ёй билан боғлиқ бўлган “атим, атим эр” - ўқ отишга уста одам, “мерган” деган сўзлар учрайди.

Зайниддин Восифийнинг ҳикоя қилишича, “Наврӯз Ахмад камондорликда шу даражага етдики, бирорта пахлавон ҳам унингдек, камон тортолмасди”. Унинг ёй ўқи душман кўзига бориб етмай тинчимасди; камон тортган вақтида фалак қавс чиллахонасидан туриб таҳсинга оғиз очарди. Ўқи отилган вақтда бурчаклардан “Офарин” овози кўтарилади...<sup>5</sup>

Захириддин Бобурнинг ижодий мероси “Бобурнома”да тийрандозликка доир воқеалар берилган: “...Ўқни ўрта чоғлиқ отар эди, бисёр зарб муштибор эди, аниг муштиндин йиқилмаган йуқтур... Хасан Яъкуббек мардона киши эди. Ўқни яхши отар эди... Янабир Фариддин Ҳусайнмирзо эди. Ёйни қучлук тортиб, ўқи қирқ ботмон экандур...”

“Яна Ислим барлос эди... Ўттуз-қирқ ботмон ёй куч бирла отиб, тахтадин ўтказур эди. Қабоқ майдонида майдон бошидан чопиб, ёйни тушуриб кўруб, отиб қабоқни ураг эди. Яна зихгирни бир кари - бир ярим кари риштага боғлаб, риштанинг яна бир учини бир йиғочга боғлаб, еврулур эди. Еврулур ҳолатда ўқни отиб, зихгурдин ўткарап эди. Мундокғариб ишлари хейли бор эди...”<sup>6</sup>

Бобур Мирзонинг ўзи хам чапдаст тийрандоз бўлган. Ҳалқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида унинг мерганлигини шундай тасвирлайди: “Чорбог ичида ўн икки ёшли Бобур Мирзо чавандозлик машқларини ўтказмоқда. У чорбог четидаги ялангликдан бўз отни чоптириб чиқди-ю, бирдан жиловини қўйиб юборди. Камонгачапдастлик билан ўқўрнатди ва чопиб бораётган от устидан

---

<sup>5</sup>Зайниддин Махмуд Восифий, Бадойеуп-Вақоје. Т., Адабиётва санъат нашириёти, 1979. 69-б.

<sup>6</sup>Захириддин Мухаммад Бобур, “Бобурнома”. Т., Юлдузча, 1989, 10, 16, 150, 156-бетлар

нишонга отди. Ёй ўқи нишон ёғочга “так” этиб урилгани баралла эшитилди”.<sup>7</sup>

Холчаёнетепа ва Болалик тепадаги археологик қазилмалар пайтида топилган камон ўқларининг учлари аждодларимизнинг азалдан тийрандозлик билан машҳур бўлганликларига далилдир.

Холчаёнетепадан топилган от ва сувориларнинг ҳайкалчалари ғоят катта илмий қимматга эга. Холчаён отлари енгил қуролланган суворилар учун мўлжалланган бўлиб, суворилар маҳсус кийимда юришган ва ўқ-ёй билан қуролланган. Топилган сувори ҳайкалчалари шуни кўрсатадики, улар отда елиб бораётиб, нишонга аниқўрганлар. Термиз яқинидаги Айритом, Хоразмдаги Тупроққалъа ва бошқа жойлардан топилган буюмлар, суяқ, тош, сополга туширилган расмларда қадимги маданият, кураш, чавандозлик, тийрандозлик, ов жараёнлари акс эттирилган.

Бу даврда яшаган ҳалқлар ўртасида жанговарликни ошириш, ов худудларида осойишталикини таъминлаш ва ўз ватанларини ҳимоя қилиш, ҳалқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиласиган диний, маданий маросимлар, расм-русумлар, тўйлар ва ҳалқ сайилларидаги камондан ўқотиши, қиличбозлик, қалқонбозлик, найзабозлик, кураш, от ўйинлари, спорт турлари тантанали равища да ўтказилган.

Шунингдек, ўзбек ҳалқ ўйинлари орасида чавандозлик спорт тури муҳим ўрин тутган. Ўрта Осиё ҳалқлари ўртасида чавандозлик билан боғлиқ бўлган ўйинлар ва спорт турлари мусобака-баҳслар доимиюни равища да ўтказилиб турган, лекин улардаги жисмоний машқларнинг асосий йўналиши харбий-амалий тавсифга эга бўлган. Ҳалқимизни отсиз тасаввур қилиш қийин, шунингдек, илк болалик чоғиданоқ от миниш бу ерда яшовчилик учун одат тусига кирган.

---

<sup>7</sup>П.Кодиров, Сайланма, З жилдлик. З-ж.Юлдузли тунлар, роман. Т., “Адабиёт ва санъат” нашириёти, 1998. 28-б.

Халқимиз орасида от билан боғлиқ “Кўпкари-улок”, “Пойга”, “Қиз қувмоқ”, “Ағдариш”, “От устида қиличбозлик”, “Қовоқ ўйини”, “Чавгон” каби ҳалқ ўйинлари кўплаб ўтказилган.

Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома” асарида “Улоқ” сўзини кўп ишлатган. Ал-Мақсадий Қурбон ҳайити хақида ёзганда: “Байрам куни журжонликлар билан бекрободликлар ўртасида тужа калласини қўлга киритиш учун тортишув бўлади”, деб қимматли маълумот қолдирган.

Маҳмуд Кошғарий ҳам чавандозлик ва тийрандозликка доир кўплаб мисоллар келтиради: “Ўқ отишга уста одам - мерган”, “От пойгасида ва чавгон ўйинида майдон кирғоғига тортиладиган арқон”, “чавгон ўйини майдонида чегарани белгилаб чизилган чизик”, “чавандоз”, “у отни чивик билан секин урди”, “от сурди”, “от терлади”, “баландлатиб отди”, “тегди, тегиб ўтиб кетди”, пойга, от пойгаси, “у отда пойга килди”, “йўрға от”, “одам ўқни камонга тўғрилади”, “отлик отни қаттиқ чоптири - йўртди”, “от анжомлари: юган, жабдук - эгар устига қўйиладиган ёстиқ ёки кўрпача”.

Ўзбекистон Республикасининг машҳур ёзувчиси Ойбек ўзининг “Болалик” қиссасида ҳалқ миллий спортда турларидан бўлган “улоқ ўйини”ни жуда яхши баён қиласи: “Улоқ” ҳалқнинг қадими ўйини. Уни илк бор кўрган Мусо ҳанг-манг бўлиб қолади.

“...Қалин одамлар орасидан жонивор от ўқдай учиб кетди. Бир - онгина саросимага тушган улоқчилар кўпирган, қутурган дарёдай, дув этиб, орқадан қувиб кетди. Улоқчилар биридан бири улоқни олиб қочади, яна бутун отлик дув қувади...”

Сурҳондарё худудида қадим-қадим замонларда ҳам ҳалқ ўйинларининг муайян тизими мавжуд бўлган, бу хақида шу ерда ўтказилган археологик ва этнографик манбалар ҳабар беради. Тарихдан маълумки, хисобсиз жанг-у жадаллар ва юришларда иштирок этувчи бактрия жангчиларига зўр жисмоний тайёргарлик, куч, тезлик, чаққонлик ва чидамлилик жуда ҳам зарур бўлган. Бундай жисмоний сифатлар уларда

узоқ муддат давом этган машғулотлардан сўнг қарор топган. Бу даврда от спорти, камондан отиш, югуриш, сакраш, ирғитиш, сувда сузиш, овчилик, шатранж, кураш ва бошқа қўпдан кўп ўйин турлари юксак даражадатараққий этган. Сурхондарё вилояти худудида Ника маъбудасининг пайдо бўлиши шундан гувоҳлик берадики, демак, бу ерда қадимги юнон олимпия ўйинларига ўхшаш спорт мусобакалари ўтказилган.<sup>8</sup>

Таникли қадимшунос олима Г.А.Пугаченкова шахмат тарихи ҳақида шундай ёзади: "...фил суюгидан ясалган, баландлиги 2,2 ва 2,0 сантиметр бўлган иккита шахмат донасининг топилиши катта кашфиётдир. Улардан бири фил, иккинчиси эса ҳўқиз тимсолидир. Уларни эрамиздан олдинги I - II асрга, яъни Кушон империяси даврига мансуб дейиш мумкин. Далварзинтепадан топилган шахмат доначалари шатуранг ўйинининг шатранж шаклига оид бўлиш керак...".<sup>9</sup>

Юсуф хос Ҳожиб бегона давлатга борадиган элчининг ўзига хос бўлган фазилатлари: билимдонлик, чечанлик ва тадбиркорлигидир, дейди: "Шахмат ва нард ўйинлари элчининг фазилатини шу даражада акс эттириши лозимки, токи харифлари ундан устун бўлмасин. Чавгон ўйинига моҳир, ёй тортишга қодир, қушчилик, овчилик сирларидан ҳабардор бўлиш ҳам элчи фазилатларини оширади".<sup>10</sup>

Эркин Воҳидовнинг "Буюк ҳаёт тонги" достонида шахмат мусобақаси тасвири орқали қаҳрамонларнинг рухий ҳолати очиб берилган.

Унда "кишт", "рух", "шоҳга ҳужум" каби миллий спорт атамалари қаҳрамонларнинг ҳаётга муносабатларини ҳам белгилаб кўрсатган, яъни чиройли сўз ўйинлари хосил қилинган. Ҳар бир ҳалқ миллат ва элат ўзининг миллий, маънавий ва маданий меросини асрлар оша авайлаб - асраб келмоқда, шу аснода ҳалқимизнинг қадимий ва навқирон миллий кураши бунга далил бўла олади.

<sup>8</sup> Тошпулатов Ж. Сурхондарёда жисмоний тарбия ва спорт. Термиз, 1991. 9-б.

<sup>9</sup> Пугаченкова Г.А., Тургунов Б.А. Древняя Бактрия. исследования Далварзин Тене". М., Наука, 1972. с. 37

<sup>10</sup> Юсуф хос Ҳожиб. Кутадгу билиг. Т., "Юлдузча", 1990. 59 б.

Шуни эътироф этиш керакки, миллий курашимиз тарихи инсоният тараққиётининг узок; утмишидан бошланади. Тешиктош, Айритом, Кучуктепа, Далварзинтепа, Афросиёб ва шунга ўхшашийирк археологик қазилма топилдиқлари ичидаги сопол, чинни идишлар; деворга солингансуратларда қадимги курашчиларнинг беллашувлари акс эттирилган. Бу билан қадимги аждодларимиз хўжаликни бошқариш, қийинчиликларга барҳам бериш, душманларга қарши мардонавор курашиш ва уларнинг устидан муваффақиятли ғалаба қозониш билангина эмас, балки ёш авлодни ҳаётга соғлом, бақувват, жасур, эпчил, кучли, чидамли қилиб тайёрлаш ҳамда тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар.

Аждодларимиз қолдирган қадими қўлёзмалар, достонлар, эртаклар, ривоятлар, топишмоқлар ва қўшиқларда кураш хақидаги қўплаб атамалар учрайди. Маҳмуд Кошғарий миллий курашимизнинг қоидалари, усуллари хақида қатор мисоллар келтиради, масалан, “олишиш, тортишиш”, “курашди”, “кураш тушди”, “енгилди”, “тепди”, “у уни чалиб йиқитди”, “ютди”, “улар иккови бир-бирлари билан бўйин қайришда баҳслашдилар”, “енгилмас, курашчи, ботир”, “курашчи, белбоғ, камар”, “қайтарди”, “қўтарди”, “қайирди”, “тепишишди”, “силкишди”, “сакрашди”, “у унинг оёғини курашда чалди, қайирди” ва ҳоказолар.

Тиббиёт оламини султони машхур ҳаким Абу Али ибн Сино “Тиб конунлари” китобида курашнинг икки турини тавсифлаб, уларнинг моҳияти ва қўлланиш қоидаларини муфассал ёзиб қолдирган. Унинг таърифича, курашнинг бир турида белидан ушлашга рухсат берилиб, оёқ ишлатмасдан курашиш бўлса, иккинчиси эса қайси жойидан ушлаган бўлса, шуни маҳкам тутиш ва оёқлар ёрдамида ҳаракат қилишдир. Аммо курашнинг иккала турида ҳам қўллар билан оёқдан олиш қатъян ман қилинган.

Ҳозирги пайтда бу хил мусобақаларни ўзбеклар кураш, тожиклар гуштингари, туркманлар гуреш, қозоқ ва қирғизлар курсе деб атадилар. Навоий, Бобур, Восифий даврларида куштигир иборалари билан бир вақтда

“кураш” сўзиҳам фаол қўлланган. Шунингдек, миёнгир, миёнгирлик, (кураш, курашиш, олишиш) ва буқа (курашчи, полвон) сўзлари ҳам ўздаврининг маҳсули ҳисобланган. “XVI аср Хоразмёдномалари”да бир пахлавон уч юз олтмиш турли кураш илмини билур, дейилади.

Ҳалқимизнинг севимли достони “Алпомиш”да кураш коп ва манзаралар орқали тасвириланган, шундай ҳолатлардан бири Барчинойнинг тўртинчи шарти алпларни курашда енгиш шартини бажараётган Алпомишга қаратса Барчин шундай дейди:

*Йиқолмасанг бизга бергин навбатни,  
Жуда келди Барчи ернинг гайрати,  
Уилагандо қўкка отмай не бўйти?  
Йиқолмасанг, тура, навбат тилайин!*

Хусайн Воиз Кошифий ҳам курашнинг икки тури хақида тўхталади: “...икки хил тури бор, деб айтгил, биринчиси - қабз, яъни билан ушлаш, иккинчиси - истирор, яъни ихтиёrsиз ҳолда олишиш. Агар буларнинг ҳар бири қайси юртларда қўлланади, деб сўрасалар, айтгил, қўл ушлаб кураш тушиш (қабз усули) Хуросон ва Ироқ аҳолисига хос, уни шаҳриёар ҳам деб атайдилар. Изтирор усулида кураш тушиш (эркин кураш) Гilon, Ширвон ва Озарбайжоннинг баъзи жойларида тарқалган ва уни дайlamор ҳам дейдилар”. У кураш тушиш санъат эканлигини эътироф этиб „...кураш тушиш санъатнинг илмики, бу илмнинг машҳур усуллари жуда кўп, улар уч юз тугун ва бандлар (усул ва тадбирлардан иборатdir ва уларнинг ҳар бири тагин бир неча усулга ажралади. Яна ушбу усулларни даф этиш (яъни, қарши усуллар) йўллари ҳам бор. Агар буларнинг барчаси йиғилса, бир минг саккиз юз усул келиб чиқади...”<sup>11</sup>.

Республикамиз пахлавонлари азалдан қўшни давлат пахлавонлари билан беллашиб, ҳалқимизнинг шарафини ҳимоя қилганлар.

---

<sup>11</sup>Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномайи султоний ёхуд жавонмардлик тарикати. Т., А.Кодирий номидаги “Ҳалқ мероси” нашириёти, 1994, 84-б.

“Бундан анча илгари, 1895-йили машхур немис полвони Риппел Тошкентга келиб, циркда ўзкучи, маҳорати билан ҳамма томошабинларни қойил қолдирган. Оғирлиги саккиз ярим пуд (136 кг) бўлган чўянни икки кули билан, 16 пудли чуюнни кифти билан кутариб, томоша кўрсатган эди.

Ўша вақтлари Тошкентнинг Бешёғоч даҳа, Чақар маҳалласида яшаган Аҳмад полвон Толиббой ўғлиниңг Ўрта Осиёда курашиб, йиқитмаган полвони қолмаган эди. Мехмон Аҳмад полвоннинг довругини эшитиб қолиб у билан курашмоққа жазм қилибди... Ўша куни, яъни 1895 йил 25-июнда циркка одам сиғмай кетган экан.

28 ёшли Аҳмад полвон эгнида оқ яхтак, белига белбоғ боғлаб ўртага чиқади... Бироздан сўнг ичкаридан мушакларини ўйнатиб, савлат тўкиб, Риппел чиқиб келади. Унинг белида тасма белбоғ ярқираб турарди.

Икки забардаст полвон ўртада бел тутиб айлана бошлайди. Томошабинларнинг дами ичиди, юрагини ҳовучлаб, жим бўлиб қолишган. Циркда шундай сукунат ҳукум сурардики, пашша учса, билинарди. Фақат онда-сонда полвонларнинг “их-их” деб қўйган товушлари эшитилиб қолар эди. Орадан бир неча дақиқа ўтар ўтмас Аҳмад полвоннинг “Ёраб” деган нидоси эшитилиб қолади. Шу дам ер ларзага келиб кетгандек бўлиб туюлади. Қарсак устига қарсак, Риппел ерда узала тушиб ётарди”.<sup>12</sup>

## 1.2.Sharq allomalari xalq o‘yiniari haqida

O‘zbek xalq o‘yinlarining paydo bo‘lishi va taraqqiyotini o‘rganishda sharqning buyuk mutafakkirlari Abu Ali ibn Sino, Mahmud Koshg‘ariy, Kaykovus, Umar Xayyom, Amir Temur, Alisher Navoiy, Husayn Voiz Koshifiy, Zayniddin Mahmud Vosifiy va boshqa tabarruk zotlar qoldirgan moddiy va ma’naviy meroslarni tadqiq qilish, ularni jismoniy, madaniy nazariyasi hamda amaliyotiga tatbiq etish o‘z yechimini kutayotgan dolzarb muammodir.

<sup>12</sup>Н.Х.Азизов. "Белбоғли Туркистон кураши". Тошкент, Ўқитувчи", 1998-йил. 7-8 бетлар

Ushbu bobda taniqli allomalarimizning kelgusiavlodlar uchun fan va madaniyat sohasida ibrat boladigan ma'rifiy saboqlari haqida muxtasar hikoya qilamlz.

### **MAHMUD KOSHG‘ARIY**

Ma'lumki, har bir xalqning ulug‘ farzandlari o‘z xalqining urf-odatlarini, yashash tamoyillarini, tarixini puxta o‘rganib, kelajak istiqbollarini ham ko‘ra bilganlar.

O‘zbek xalq o‘yinlari tarixida birinchi marta milliy o‘yin namunalarining bayon etilishi, ularning ta’rifi-favsifi qomusiy allomalardan Mahmud Koshg‘ariy qalamiga mansubdir. U bundan 1000 yil burun 6 yil mobaynida Turkistondan Termizgacha, Xazar va Orol sohillaridan Tangritog‘ etaklarigacha bo‘lgan hududda yashagan turkman, o‘g‘iz, chigil, yag‘mo, qirg‘iz va boshqa turkiy-zabon xalqlarning tarixi, o‘lkalar jo‘g‘rofiyasi, urug‘, qabila, elatlarning til xususiyatlari, yozma va og‘zaki adabiyoti; ko‘ch- manchi tuyakashlar, yilqichilar, cho‘ponlar, o‘troq dehqonlar, bog‘bon va kosiblarning tirikchilik usullari, so‘z talafuzlari va turli so‘z atamalarini teran o‘rganib, „Devon-u lug‘atit turk“, ya’ni „Turkiy so‘zlar devoni“ni tuzib chiqdi. O‘z xalqi, vatanini sevgan, uning tili va madaniy-ma’naviy boyliklarini qadrlagan Mahmud Koshg‘ariy turli qabila-uruglarning bayramlari, tantanalari, urf- odatlari, rasm-rusumlari, kundalik mashg‘ulotlari qo‘sish va o‘yinlari, diniy e’tiqodlari bilan astoydil qiziqib, bu Benazir qadriyatlarning barchasini kelajak avlodlarga qimmatli meros sifatida yozib qoldirdi.

Devonda 150 ga yaqin xalq o‘yinlari tilga olinib, shulardan 20 taga yaqin o‘yin turiga bat afsil ta’rif berilgan. Olim kattalar va bolalarning yosh jihatlariga nisbatan mos bo‘lgan o‘yin turlariga alohida to‘xtalib va musobaqa turlarini bayon qiladi. U o‘yinlarni diqqat bilan o‘rganib, ham jismoniy, ham aqliy mashg‘ulotlarga ajratgan. Shundan bilsa bo‘ladiki, hozirgi zamonaviy sport o‘yinlarining deyarli juda ko‘pchiligi o‘sha davrlardayoq, ya’ni XI asrda ham mavjud bo‘lgan ekan.

Hozirgi paytda biz „Sport musobaqalari“ deb ishlatib yurgan ibora Mahmud Koshg‘ariy devonida „bahs“ atamasi bilan berilgan. Bunday „bahs“larning turlari ko‘p bolganligi ham bayon qilingan. Masalan, merganlikda bahs qilmoq, o‘q-yoy otib, qush va hayvonlarni ovlamoq, shuningdek, arqon, taxtali sopqonlarda tosh otmoq, balandga ilib qo‘yilgan qovoqni mo‘ljalga olib otmoq bahsi. Bu „oltin qovoq“ o‘yini deb atalgan. Devonda bunday bahslarning qoida va shartlari, usullari, g‘oliblarga beriladigan sovrinlar, zaruriy asbob-anjomlar, maxsus atamalar batafsil bayon etilgan.

Ma’lumki, chavgon - O‘rta Osiyo xalqlarining juda qadimgi hamda sevimli ot sporti o‘yinlaridan biri hisoblanadi.

Chim ustida xokkey o‘yini qadimda yigitlar ot ustida uzun, uchi egri yapaloq „klushka“ bilan o‘ynalgan o‘yinning hozirgi ko‘rinishidir. Mahmud Koshg‘ariy chavgon o‘yinining o‘ziga xos qoidalari, maydonning o‘lchami va chegarasi ta’rifi, darvozalar, koptokning o‘lchami, katta-kichikligi, nimadan tayyorlanishi va boshqa xususiyatlarini to‘liq bayon qilib beradi. Shuning o‘zi ham, chavgon o‘yini yigitlarning balog‘at yoshiga yetib, otda yurganda o‘zini bemalol his qilib, tuta bilish, uning ustida chaqqonlik va bilak kuchi bilan xilma-xil harakatlar qilishga tayyorlaydigan milliy sport turi ekanligini ko‘rsatib turibdi. Ayniqsa, chavgon o‘yini el-yurt mudofaasida zaruriy jismoniy mashqlardan biri bo‘lganligi uchun ham, o‘yin g‘olibiga beriladigan sovrinlarning darajasiga alohida to‘xtalib o‘tadi. Shuningdek, devonda o‘sha davrda otda poyga chopish, quvlashish, tez yo‘rtib yurish, tog‘ga chiqish, pastlikka tushish kabi „bahs“lar bayoni ham keltirilgan.

Suvda o‘tkaziladigan musobaqalar ham alohida diqqatga sazovordir. Suv mashqlaridan biri bo‘lgan g‘owoslik juda qadimiylasblardan biri bo‘lib, devonda suv bahslarining ikki turi uchraydi: birinchisi, suvda cho‘milish, sho‘ng‘ish, suvdan suzib o‘tish, suv kechish, suvda quvlashmoq, suvga biron narsani, masalan, suvda cho‘kmaydigan yog‘och, biror ashyni tashlamoq; ikkinchisi - ermak, ko‘ngil ochish mashg‘ulotlari ma’nosidagi o‘yinlardir. Bular: suv yoki sut simirmoq, suv ustida yalpoq toshni kim o‘zarga otmoq, ya’ni bahslashmoq. Hozirgi paytda bolalar buni „qaymoq“ o‘yini deb o‘ynashadi. O‘yinda toshning

suvga necha marta tegib sakrab „qaymoq“ hosil qilishini e’tiborga olinadi va kim ko‘p „qaymoq“ hosil qilsa, o‘sha g‘olib sanaladi.

Devonda bolalar o‘yinlarining turi ko‘p uchraydi. Ularning ba’zilari yo‘l-yo‘lakay sanab o‘tilgan bo‘lsa, ba’zi bir o‘yinlar tafsiloti bilan keltirilgan. Masalan: bolalarning qorong‘ida kelib „kurgon“ olishlari - „Koragumi“ deyilsa, bir to‘daning ikkinchi to‘dani chaqqonlik bilan asir olishlarini „Bandol“ deb atalgan. Shuningdek, „Jangli-mangli“ degan o‘yin turi ham bor. Oshiq o‘yini, to‘p o‘yini, cho‘pon bolalar o‘yinlari, chillak o‘yinlari, qizlarning arg‘imchoq o‘yinlari ham birma-bir sanab o‘tilgan.

O‘sha davrdagi ko‘pgina o‘yinlar bolalarning hozirgi davrdagi o‘yinlarini eslatadi. Masalan, „O‘tish-o‘tish“ deb atalgan o‘yin „Kesak kuydi“, „Darra soldi“, „Musht ketdi“ o‘yinlariga o‘xshab ketadi.

Amudaryo va Sirdaryo sohillarida, Orol etaklarida, shuningdek, yaqin joylardagi soylar, anhorlar, hovuzlar va ko‘llar bo‘ylarida bolalarning „Muguz-muguz“ nomli qadimiy o‘yini o‘ynalgan.

Devonda „Oqsuyak“ o‘yini misol tariqasida keltiriladi. Alisher Navoiy ham o‘zining „Mahbub ul-qulub“ asarida „Oqsuyak“ o‘yinining ta’rifini beradi. Mahmud Koshg‘ariy devoni XI asrda bitilgan bo‘lsa, Alisher Navoiyning „Mahbub ul-qulub“ asari XV asrda yozilgan. Hozirgi paytda ham bolalar „Oqsuyak“ o‘yinini xuddi o‘sha qoida asosida o‘ynaydilar.

„Oqsuyak“ o‘yini nafaqat O‘rtta Osiyoda, balki Yer kurrasining ko‘p joylarida keng tarqalgan. Bu o‘yinni Yevropaning Skandinaviya mamlakatlari xalqlari etnografiyasiga oid adabiyotlarda o‘qish mumkin. Hattoki, ushbu o‘yin Avstraliyada ham uchraydi. Aslida, xalq o‘yinlari hech qachon chegara bilmaydi. Aksincha, o‘yinlar xalqlar, elatlar orasidagi o‘zaro do‘stlik, qon-qardoshlik rishtalarini mustahkamlash uchun xizmat qiladi.

## ABU ALI IBN SINO

Jamiyatimizda ma’naviy poklanish va sog‘lom axloqiy muhitni shakllantirish uchun uzoq o‘tmishimizni o‘rganish, unut bo‘layotgan bebahonan

merosimizni tildash, ana shu tarixni yaratgan buyuk mutafakkirlarning ijodiy xazinasiga murojaat qilishimizga to‘g‘ri keladi. Ana shunday allomalardan biri - Abu Ali ibn Sino o‘z davrining yetuk olimi sifatida mavjud fanlarning deyarli barchasi bilan to‘liq shug‘ullangan va ularga oid asarlar yaratgan qomusiy olimdir. Jahon ma’naviyat beshigini tebratgan Ibn Sino nafaqat mashhur shifokor, faylasuf, shoirgina bo‘lib qolmasdan, balki xalq o‘yinlariga doir g‘oyatda rang-barang nodir meros qoldirgan. Alloma xalq o‘yinlari haqida fikr yuritar ekan, u bu borada zamondoshlaridari farq qilib, har bir masalani keng, chuqur mushohada qiladi va muammolarni kuchli mantiq, hayotiy omillar zamirida, zukko aqli yordamida yechib beradi. Aynan shuning uchun uning ma’naviy durdonalari oradan qancha-qancha yillar o‘tsa ham, insoniyatga abadul-abad xizmat qiladi. Insonning ma’naviy yetuk, jismonan barkamol bo‘lishi yo‘lida butun umrini baxsh etgan olim o‘z asarlarida xalq o‘yinlarining, ayniqsa, badantarbiyaning kishi uchun naqadar katta ahamiyatga ega ekanligini ham nazariy, ham amaliy jihatdan isbotlab berdi.

Uning serqirra ijodiy faoliyatidagi ilmiy-naisariy va amaliy tavsiyalari, ko‘rsatmalari hamda maslahatlari ta’lim-tarbiya jarayonidagi pedagogik yo‘nalishlarni aniqlashda xalq o‘yinlariga oid fikrlarini umumlashtirishda va ularni amaliyotga joriy qilishda nihoyatda qo‘l keladi.

Ibn Sino inson organizmini sog‘lomlashtirish va kasallikni davolash nuqtayı nazaridan qarab, xalq o‘yinlaridan biri bo‘lgan badantarbiyani beshta asosiy qismga ajratadi, jumladan: 1. Tez harakatlar. 2. Nozik va yengil harakatlar. 3. Kuchliroq harakatlar. 4. O‘ta kuchli harakatlar. 5. Gavda uchun maxsus harakatlar.

U badantarbiyaning tez harakatlar turiga quyidagilarni kiritadi, ular, asosan, milliy xalq o‘yinlari yoki ularning ayrim unsurlarini ifodalaydi, masalan:

- o‘zaro tortishish;
- musht bilan turtishish;
- yoydan o‘q otish;
- tez yurish;
- nayza otish;
- yuqoridagi bir narsaga irg‘ib osilish;

- bir oyoqda sakrash;
- qilichbozlik;
- nayzabozlik; otta yurish;
- ikki qo‘lni silkitish; bu vaqtida odam oyoq uchida turib, qo‘llarini oldga va orqaga cho‘zib, tez harakat qiladi.

Olim o‘yin turlari va unsurlarini shunchaki sanab o‘tmasdan, balki xalq donishmandligi asosida o‘zining kuchli bilimi bilan ularni boyitdi, inson kamoloti uchun qaysi tarzda foydali ekanligini tushuntiradi.<sup>13</sup>

Ulug‘ hakim turli kasallarga chalingan bemorlatni turli o‘yinlar vositasi bilan davolashga alohida e’tibor bergan. U isitmada holsizlangan, ko‘krak va qorin to‘sig‘i kasalligidan zaiflashgan kishilarga, asab tizimining charchashidan kelib chiqqan parishonxotirlik, ishtaha bo‘g‘ilishi kabi kasallardan qiynalayotganlarga o‘yinlarning quyidagi nozik va yengil turlarini tavsiya qiladi:

- arg‘imchoqlarda uchish;
- belanchaklarda tik holda, o‘tirib yoki yotib uchish;
- qayiq yoki kemalarda sayr qilish.

Kuchliroq o‘yinlardan esa:

- ot va tuyaga minish;
- kajava va aravalaiga tushish.

Xalq o‘yinlarini kuchli turiga maydonda qilinadigan quyidagi harakatlarni kiritadi:

- kishi maydonning u chetidan bu chetiga tez harakat bilan borib, orqasi bilan qaytadi va har safar yurish masofasini maydonning o‘rtasida turib qolganiga qadar kamaytira boradi;
- kishining o‘z soyasi bilan olishishi;
- chapak chalish;
- sakrash;
- nayza uchi bilan sanchish;
- katta va kichik kurralar bilan chavgon o‘yini;

---

<sup>13</sup>, „Tib qonuni”, T., 92-bet.

- koptoklarni o‘ynash;
- kurash;
- tosh ko‘tarish;
- quvlashish;
- chopayotgan otni jilovidan tortib to‘xtatish.

Xalq o‘yinlarining ajoyib bilimdoni bo‘lgan Ibn Sino xalqimizning milliy sport turi bo‘lgan milliy kurashimiz (Buxorocha va Farg‘onacha) kurash turi haqida ham yetarlicha ma’lumot qoldirgan.

Kurashning turlari ham bir nechadir, deydi u. Ulardan biri ikki kurashuvchining har biri o‘z raqibining belbog‘idan ushlab o‘ziga tortadi, shu bilan birga, kurashuvchi o‘z raqibidan qutulishning chorasini qiladi. Ikkinchisi esa uni qo‘yib yubormaslikka harakat qiladi.

Boshqa turi: ikki kurashuvchidan biri ikkala qo‘li bilan ikkinchisini mahkam quchoqlab o‘ziga tortadi va yerga ag‘daradi, bu vaqtda birinchi kurashuvchining o‘ng qo‘li ostidan o‘tkazishi kerak, kurashuvchilar goh gavdalarini tiklab, goh egiladilar.

Kurash turlariga yana ko‘krak bilan zARBANI qaytarish, ikkinchi bor kishining bo‘ynidan ushlab pastga egish, bir-birovining oyoqlarini o‘z oyoqlari bilan chalkashtirib, chalib yoki oyoqlari bilan ikkinchisining oyoqlarida turib qilinadigan va polvonlar ishlatadigan harakatlar ham kiradi.<sup>14</sup>

Badantarbiyaning birinchi turi „Gavda uchun maxsus harakatlar“ hisoblanib, ularning har birida ma’lum darajada o‘yin unsurlari mavjud, ya’ni: 1. Qo‘l va oyoq harakatlari. 2. Ko‘krak va nafas a’zolarining harakatlari. 3. Butun tanaga oid harakatlardir.

## KAYKOVUS

Kaykovusning „Qobusnoma“ asari XI asrda yaratilgan bo‘lib, u xalq orasida nihoyatda mashhur bo‘lgan ajoyib axloqiy asar hisoblanadi. „Qobusnoma“ mo‘jaz rivoyatlar, ixcham latifalar, kichik-kichik hikoyatlardan iboratdir.

---

<sup>14</sup>, „Tib qonunlari“, 93-bet

„Qobusnoma“ning „Hunarning afzalligi va qadri baland, oliy tabiatli bo‘lish haqida“, „Mazax qilmoq, shatranj va nard o‘ynamoq odobin bayoni zikrida“, „Shikorga chiqmoq zikrida“, „Chavgon o‘ynamoq zikrida“, „Chaxorpoy (ot) sotib olmoqning zikrida“, „Farzand parvarish qilmoq zikrida“ degan boblarida xalq o‘yinlariga tegishli bo‘lgan ma’lumotlar berilgan.

Kaykovus bilim o‘rganmoq uchun mehnat qilish, badanni dangasalik, ishyoqmaslikdan qutqarish uchun harakat zarurligini uqtiradi. „...Hunar o‘rganmoqda mehnat qilmoq, badanni yalqovlik, ya’ni bekorchilikdin qutqarmoq foydalidur, nedinkim, bekorchilik badanning fasod va bemorligiga sabab bo‘lur. Agar badanga ranj berib, uni o‘zingga qahr bilan mute qilmasang, martabali bo‘la olmassan. Nedinkim, badan kohillikni va rohatni do‘sit tutgoni jihatidan ham o‘z ixtiyori bila senga farmonbardor bo‘lmas. U sabab bila kim, badanda ash harakat yo‘qdur.

U harakatni farmon bilan qilur, o‘z murodi bila qilmas va to sen buyurmaguncha badanning hech ishga rag‘bati bo‘lmas.

Bas, ey farzand, badanni o‘zingga mute qil va uni qahr bila itoatga buyurgil.

Har kishi o‘z badanin o‘ziga mute qilsa, o‘zgalarning badanini ham mute qila olur, chunki har kishi o‘z badanin o‘ziga farmonbardor qilsa, fozil va hunar o‘rganmoq bila ikki jahoning salomat va sharofatin hosil qilur.<sup>15</sup> U xalqimizning qadimiylarini hisoblangan shatranj va nard o‘ynamoq odobin quyidagicha bayon qiladi. „...Xususan, nard va shatranj o‘ynag‘on vaqtida ikki kishining orasida nizo paydo bo‘lur deb aytmagil. Nard va shatranj o‘ynamoqni ko‘p odat qilmagil. Agar o‘ynasang, garov bog‘lab o‘ynamagilki, ul qimorbozlik bo‘lur. Tanga qo‘ymay o‘ynamoq adabdandur. Agar o‘ynamoqni yaxshi bilsang ham qimorbozlikda mashhur bo‘lg‘on kishi bila o‘ynamagil“.

Kaykovus yoshlarga xilma-xil kasbni egallahni, turli xil hunar o‘rganishni tavsiya qiladi, ya’ni o‘sha paytda jismoniy tarbiya harbiy-amaliy tavsifga ega bo‘lgani uchun harbiy kishiga harbiy ilmlarni - suvda suzishni, ot minishni,

---

<sup>15</sup>Kaykovus. „Qobusnoma“. T., „O‘qituvchi“, 1973. 27-bet

chavgon urishni, buyruq berishni o‘rganishni tavsiya qiladi. O‘sha davr taqozosiga ko‘ra, bunday harbiy ilmlarni o‘rganish zamonning talabi bo‘lgan.

Kaykovus chavgon o‘yininig tartibi, qoidalari haqida o‘rinli maslahat beradi, „Ey farzand, agar tomosha uchun bir-ikki martaba chavgon o‘ynasang ravodur va lekin ko‘p otlig“ bila chiqib olomon qilmagilkim, sakkiz otlig‘idin ziyoda bo‘lishga hojat yo‘q. Sen maydonning bir boshida turgil, yana bir kishi maydonning oxirida tursun. Olti kishi maydonda to‘p ursin, har vaqt to‘p sening tarafingga kelsa, to‘pni urgil va maydonning oxiriga surgil, ammo olomonning ichiga yetmagil, chavgon o‘yininig yo‘li shudir. Shu bilan birga, marraga yetkazishga muvaffaq bo‘l...“

Ot tanlash va uni sotib olish xususida ham Kaykovus ajoyib pand-u nasihatlarni bayon qiladi: „Ey farzand, agar ot olmoq tilasang hushyor bo‘l, to xato qilmagaysanki, ot bila odamning zoti birdek bo‘lur... Donishlar debdurlarki, jahon odam bila bamodur va odamlar hayvonlar bila bamodur. Hayvonlar jumlasining yaxshirog‘i otdur. Uni aziz tutmoq ham kadxudolikdur va ham muruvvatdandur. Masalda ayturlarki, otni va libosni yaxshi tutgil, toki ot va libos ham seni yaxshi tutgay.

Otning yaxshi va yomonin bilmoq odamlarning yaxshi va yomonin bilmakdin mushkuldu, nedinkim, odam so‘zlaydur va uning qandayligin so‘zining ma’nosidan bilsa bo‘lur. Ot so‘zlamas va uning davosi diydoridur. Avval otning diydoriga qaragil, diydoriga nazar etgan kishi xato qilmaydur, nedirkim, yaxshi otning surati yaxshi bo‘lur va yomonning surati yomon bo‘lur“.

Otlar ma’lum fazilatlarga ega bo‘lgandan keyin, albatta ularda tegishli kamchilik yoki ayblar ham bo‘ladi. Kaykovusning bildirishicha har ayb, illatning bir oti bordur. Bunday otlarning alomatlari yoki nuqsonlaridin: go‘ngchilik, ammo ot, ya’ni shab- ko‘r ot, kar ot, chap ot, shilpiq ko‘zli, ahvol yoki g‘ilay ot, aijal va ahil ot, ya’ni oyog‘i oq shum bo‘lur, ko‘k ot, murg‘a ot, ya’ni ko‘zi qaro ot, bura yoki qo‘ng‘ir ot, axvar ot, ya’ni ikki oyog‘i qiyshiq, koyig‘ ot, ya’ni kokilining ustida tik mo‘yi bo‘lgan ot; makxu ot, ya’ni tuyog‘i kichik ot ham shum bo‘lur, uni axnaf ot ham derlar. Otning qo‘l va oyog‘i uzun bo‘lsa yomon bo‘lur, buningdek ot afrak derlar. Azal ot; ya’ni quyrug‘i egri ot, it quyruqlik, afxaj ot, asbak ot, arun ot.

Shams ot ko‘p kishnovchi va tishlovchi bo‘lur, zarrot ot tepag‘on bo‘lur, qarg‘a ko‘z ot, ham yomon bo‘lur. Shunday qilib, yigirma to‘rt xil aybni batafsil bayon qilib beradi.

Kaykovusning ta’kidlashicha, „...toki ular menga otda yurmoq, nayza urmoq, zavbin otmoq, chavgon urmoq, buyruq qilmoq ilmin o‘rgatgaylar. Men ularning yonida yurib, biroz fursatda ot ustida yurishning barcha ilmini o‘rgandim va hunarlarini bildim. Undan so‘ng Manzar sohib va Rayhon xodim meni otamning oldiga olib borib dedilar: „Ey amir, agar ruxsat bersangiz erta tongda sahroda farzandingiz amirzoda o‘ynasa, siz uning barcha o‘rgangan ishlarin ko‘rsangiz“. Amir „Ko‘p yaxshi bo‘lur!“ dedi. Men ikkinchi kun har na bilg‘on ilmim va hunarimni otamga namoyish qildim, otam hojib va xodimga yaxshi xil’atlar in’om qildi. Undan so‘ng ularga dedi: „Farzandimga o‘rgatgon ishlaringizni barchasin yaxshi bilibdur, hunarlarning yaxshisin o‘rgatmishtizlar, lekin yana bir zarur hunar qolibdur“. Ular dedilar: „U1 na hunardur?“. Otam dedi: „Bu o‘rgatgon hunarlaringizni zarur vaqtda farzandim uchun boshqalar ham qila olur, lekin uning o‘zi qiladurgon, uning uchun boshqalar qila olmayturgon hunar qolibdur“. Amir: „Suvda yuzmakdurkim, bunday ishni farzandim uchun hamma odamlar qila olmas“, - dedi.

Shundan keyin ikki malloxni, ya’ni ikki kemachini keltirib, meni ularga topshirdi. Ular menga yuzmak hunarini o‘rgatdilar. Men xurram-noxurramlik bila ul ishga mashg‘ul bo‘ldim va yaxshi o‘rgandim. Bir vaqt bir necha kishi bila kemaga kirib (o‘tirib) Dajla daiyosidin o‘tar bo‘ldik. Tog‘gira otiiq joyda girdob bor erdi va xavflig‘ joy erdi. Ustod kemachilar undin ko‘p mashaqqatlar bila o‘tar erdilar. Biz kema bila o‘sha joyga yetushdik. Ammo kemachi usta ermas va kemani nechuk surarin bilmadi. Alqissa, yigirma yetti chog‘liq kishi barcha birdan g‘arq bo‘ldik. Ammo men va bir kishi, ya’ni mening g‘ulomim, uni ziyrak Kaykovus der erdilar, suzib chiqdik. Bu voqeadin so‘ng otamning mehri ko‘nglumda behad ziyoda bo‘ldi, sadaqalar berdim va ko‘p duolar qildim. Men otamning boshiga ham shunday ish tushg‘onin bilmas erdim. Shuning uchun menga yuzmak hunarini o‘rgatg‘on ekan“ (82-83-betlar).

## UMAR XAYYOM

G‘iyosiddin Abdulfatx Umar ibn Ibrohim Xayyomiy - Nishopuriy 1048-1132- yillarda yashab, ijod qilgan. U o‘zidan keyingi avlodlarga juda boy she’riy va ilmiy meros qoldirib ketgan sharqning buyuk mutafakkirlaridan biridir. Umar Xayyomni ruboiynavis shoir sifatida butun dunyo biladi. Ammo u buyuk astronom, matematik, tarixchi-etnograf sifatida hamjahon mada- niyati tarixida munosib mavqega ega. Uning „Navro‘znom“ asari uzoq tariximizdan, Navro‘z bayramining kelib chiqishi, shunga bog‘liq ajdodlarimizning urf-odatlari, rasm-rusumlari, an’analari va xalq o‘yinlari haqida ham batafsil fikr yuritadi.

U Quyosh taqvimi (kalendari)ni ishlab chiqqan bo‘lib, bu taqvim hozir ham qo‘llanib kelayotgan Grigoriy taqvimidan ko‘ra mukammalroqdir. Shu taqvim bo‘yicha qadimiy podshohlarning Navro‘z kunini qanday belgilaganliklari va bayramni qay tarzda o‘tkazganliklarini tarixiy dalillar bilan bayon qiladi. Hozirgi kunda o‘tayotgan Navro‘z bayrami bilan Umar Xayyom tasvirlayotgan davrdagi Navro‘z bayrami orasida katta farq mavjud. Ilgari ham, hozirgi kunda ham bayramlarda xalq o‘yinlari keng ko‘lamda o‘tkazilgan. U „Navro‘z“da o‘tkaziladigan xalq o‘yinlaridan qilichbozlik, tiyrandozlik, chavandozlik kabi odatlar haqida qimmatli ma’lumotlar qoldirgan.

Umar Xayyom Navro‘zning joriy qilinishi sababini quyidagicha izohlaydi: „...Oftobning ikki otlanishi mavjud, ulardan biri quyidagicha: Ofitob har uch yuz oltmishe besh kun-u kecha- kunduzning to‘rtadan birida Xamal buijining birinchi daqiqasiga chiqib ketgan paytining o‘zida yana qaytib keladi va har yili bu davr kamaya boradi.

Yoyning shaklini falak qismlaridan olganlar, chunki olimlar falak doirasining qismlarini, qavs, ya’ni yoy deganlar. Qavsning bir uchini ikkinchi uchi bilan birlashtiruvchi to‘g‘ri chiziq - vatar, ya’ni kerish deyiladi, falak doirasining markazidan chiqib, qavs kengligining o‘rtasidan o‘tadigan chiziqni saxm, ya’ni o‘q deydilar. Bir tomondan, yoy odamga ham o‘xshaydi, chunki unda tomirlar, asab torlari, suyak, teri va go‘sht bor, kerish esa uning „joni“, chunki o‘q-yoyning

„hayoti“ unga bog‘hq. Yulduz ilmiga suyanib tasdiqlashlaricha, yoy sohiblari, agar mergan bo‘lsalar va kamon otishga ko‘p vaqt ajratsalar, hech narsaga muhtoj bo‘lmaydilar. Har bir kishining g‘alabasi uchun lozim qurol o‘q bo‘lib, o‘qchilar bir bo‘lsa, qo‘shin g‘olib bo‘ladi“ (35- bet). Tibbiyot nuqtayi nazaridan qaraganda, o‘q-yoyni bilish ko‘p tomondan foydali: u bilan nafaqat jismoniy mashqlar qilish mumkin, balki ular asab tizimlarini ham kuchli qiladi, bo‘g‘inlarni yumshatib, ularni farmonbardor etadi, hofizani o‘tkirlashtiradi, yurakni baquvvat etib, falajlik va qaltiroqlikdan saqlaydi.

## **ALISHER NAVOIY**

O‘zbek adabiy tilining asoschisi, tengi yo‘q mutafakkir, g‘azal mulkining sultoni, atoqli davlat arbobi Alisher Navoiyning (1441-1501) bir qancha she’riy to‘plamlari, dostonlari, nasriy asarlari va ilmiy risolalaridan iborat bo‘lgan boy madaniy merosi hanuzgacha fan olamida quyoshday nur sochib, qalblarimizga ma’naviy yorug‘lik, ma’rifiy oydinlik olib kirmoqda.

Diqqatga sazovor tomoni shundaki, uning „Xamsa“, „Lison- ut-tayr“, „Mahbub-ul-qulub“ va boshqa qator asarlarida xalq o‘yinlariga mehr bilan qarashi, ularga birma-bir ta’rif-tavsif berilishi, ulaming qo‘llanilishiga qarab, maxsus atamalar va iboralarning ishlatihshidir. Ayniqsa, uning kishi sog‘hg‘ini asrash va mustahkamlash uchun jismoniy madaniyat, badantarbiya, xalq o‘yinlari nechog‘liq zarur ekanligi haqida pand-u nasihatlari tahsinga loyiq.

Milliy xalq o‘yinlarining vujudga kehshi hamda taraqqiy etishi o‘sha davrlarda kishilarning kuchli, chidamh, chaqqon va shijoatli bo‘lishi zamon talabi bo‘lib kelgan. Milliy xalq o‘yinlari asrlar o‘tishi bilan murakkablashib, maxsus sport turiga aylangan. Qadim zamondan piyoda yurish, yugurish, tiyrandozlik, chavandozlik, qihchbozlik, kurash kabi milliy o‘yinlari juda ko‘pchilik podshohlarni, xususan, lashkarboshilar e’tiborini jalb etgan. Alisher Navoiyning ko‘pgina lirik va epik asarlarida qator xalq o‘yinlari va musobaqa turlari atamalarining tashbeh bo‘lib kelishi yoki o‘yin turlarining tavsifi, shu o‘yin turi bilan bog‘liq lavhalar, bahsla- shuvchilarining qiyofasi, siyrati aniq-tiniq bayon

etilgan. Navoiy kuch sinashish bilan bog‘liq bo‘lgan o‘yin turlariga „zo‘ri“ atamasini qo‘llagan. Masalan, Farhod bolaligidan harbiy mashqlarning hammasi bilan qiziqqan va shug‘ullangan. Farhod ma’naviy bilimlar „ulum“ ni egallab, o‘qib, o‘rganib bo‘lgandan so‘ng dilovarlik san’atlarini yuqori darajada egallahsha intilgan.

*Ulum avroqi chun bir-bir yopildi,  
Dilovarlig‘ siloxi mayli qildi.*

(Navoiy. Farhod va Shirin. T., 1989, 34-bet.)

Farhod nishonga aniq tekkizish, ya’ni tiyrandozlik, nayza-bozlik, qalqonbozlik kabi mashq turlarida hammani hayratga solgan. Navoiy undagi shiddatkorlik, kuchlilik, aniq mo‘ljalga olish, harbiy qurol-aslahalarni ishlatishdagi tadbirkorlik va epchillik xususiyatlarini ajoyib mubolag‘alar bilan ifodalagan:

*Olib qavsi kuzax chekmakka kullo,  
Turub mashriq, etib mag‘ribga partob.  
Qora tun gar nishon aylab Suxoni,  
Falakcha novakiga ul nishoni  
Debon turki falak otkonda zixlar,  
Tavaxxum toridan ochib girixlar.  
Qilichi zarbasi olinda har marz,  
Shichof andoqli suvdin yer aro darz.  
Qilib gar hamla Alburuz uzfa bir gurz,  
Bo ‘lib gard-u chiqib gardunga Alburz...*

(34-34- betlar.)

Lekin, Farhod shuncha katta quvvat „zo‘ri beandaza“ga, mahoratga ega bo‘la turib, bunday musobaqalarda o‘zini g‘oyat odobli va bosiq tutgan, kuchsizlar, yengilganlar oldida maqtanmagan. Navoiy uning bu kamtarligini endi qo‘liga kitob olib, aliifbo „abjad“ o‘qiy boshlagan bolaning holatiga qiyoslagan:

*Xamul ilmi baland ovozi birla,  
Bu yanglig ‘zo ‘ri beandaza birla  
O‘zin abjad ukur eldin tutub kam,*

*Dema donishki, zo 'ri dast ila ham (35- bet).*

Binobarin, Navoiy milliy jismoniy mashq turlarini targ‘ib etish bilan birga, shug‘ullanuvchilarning axloqiy tarbiyasiga ham katta e’tibor bergan. U „Saddi Iskandariy“ dostonining bosh qahramoni yoshligida tinmay ot ustida yurib, yayov chopib mashqlar qilganini ta’kidlaydi:

*Gahi maqrab uzra silaxshur edi,*

*Yayoglikda gax varzishi zo ‘r edi.*

*(Navoiy. Saddi Iskandariy.*

*T., 1986. 296- bet).*

Qadim zamonlarda, jang boshlanmasdan oldin har ikki dushman qo‘sishinlarining raqib pahlavonlari yakkama-yakka ohshardilar va aksari hollarda, jangning oqibati ana shu olishuvlarning natijalariga bog‘liq bo‘ldi. Dostonda ana shunday olishuvlarga ham ta’rif berilgan:

*Yurub xasm xaylining o ‘trusiga,*

*Munung ul ham andoqli qarshusiga.*

*Bir-biriga maydonda chirmashtilar,*

*Base bir-biridan, oshtilar.*

*Bu yanglig‘ tukuz pahlavoni daler,*

*Ki har bir edi ish chog‘i narra sher.*

*Bori Barbariyga asir o ‘ldilar,*

*Sinon zaxmidin dastgir o ‘ldilar.*

Navoiyning „Chobukikim, har taraf maydon aro aylar shitob...“ deb boshlangan g‘azalida xalqning azaliy „qovoq“ o‘yini ta’riflangan. Osmonga otilgan yoki baland joyga osib qo‘yilgan qovoqni kamondan mo‘ljalga olib, o‘q uzganlar. Bu o‘yin chamalash, masofadan turib aniq nishonga olish kabi xislatlarning tarbiyalanishiga yordam bergen. Kimning o‘qi qovoqqa tegib, uni teshsa, yo unga sanchilsa, o‘q uzgan yigit g‘olib hisoblangan. G‘azal mulkinining sultonini bu g‘azalida nishonga olish mahorati o‘tkir yigitlarni maqtab, ularning merganligiga osmondagi quyosh ham qoyil qolib, o‘zini o‘sha qovoq o‘rniga qo‘yishga tayyor deydi:

*Nagohon otkaymu deb bir o‘q qovoq shakli bila,*

*Bosh ustiga kelur maydonda har kun oftob.*

Alisher Navoiy asarlarida qadimiy milliy o‘yin turlaridan biri shatranj eng ko‘p tilga olinadi. Shoir o‘zining „Lison-ut-tayr“ dostonida shatranj o‘yini, uning qoidalari haqida ajoyib bir hikoya keltirgan: „ Shatranj o‘ynaguchi ikki ustod shatranj taxtasini ochib, ikki tomonga o‘tiradi va o‘rtaga shatranji kabir - katta shatranj donalarini to‘kishdi. Har tarafdan bir shoh taxtaga terildi, ularning rosmana shohlarga o‘xhash xizmatkorlari, lashkarlari bor edi. Har birining to‘g‘ri yuruvchi vaziri bo‘lib, yana bittadan egri yuruvchi farzinlari ham bor edi.

...O‘rtada ajoyib, qiziq o‘yinlar namoyon bo‘lmoqda, balki behad hiyla va tadbirlar ko‘rsatilmoqda edi. Bunda pahlavonlar va qo‘mondonlar ham bir-birlariga hujum qilishardi. Bu holat go‘yo ikki qahramon shohning qo‘sishin tortib, bir-biriga qarshi urush olib borayotganiga o‘xhash edi.

Buncha qo‘sishin va dabdaba, qal’a maydon va ot choptirib, javlon urishlar, chekinib qochishlar, ham o‘ng qanotda, ham chap qanotda, ham qo‘shtinning ilg‘or qismida ana shu xil g‘avg‘o- to‘polonlar bilan jang bo‘lmoqda edi.

...Shunchalik bunyodkorlik, maydon, o‘zaro dushmanlik qihsh va urush olib borishlar hamma-hammasi, agar o‘yinchi donalarni yig‘ishtirishga ahd qilsa va shatranj taxtasining bir chetini ko‘tarsa, bularning barchasi o‘rtadan ko‘tarihb, yo‘qqa chiqadi!“ U butun insoniyatni o‘ziga tortgan bu o‘yindan xulosa chiqarib, bu taxtagi dushmanlik bo‘lib, tomonlar o‘yin tamom bo‘lgandan so‘ng, o‘z dushmanliklarini butunlay unutadilar, deydi:

*Asrning bir go ‘shasin bot, yo ‘qli, kech,*

*Tortibon buzgoch, bu majmu uldi hech.*

*Ne qolur ul ramz ila kindin asar,*

*Ne xamul tartib-u oyidin asar.*

Navoiyning o‘zi ham shatranj o‘yiniga juda qiziqqan va yaxshi o‘ynagan.

Ulug‘ shoirning teran fikriari, umumbashariy g‘oyalarini r o‘rganish va ularni hayotga tatbiq qilish hamisha zarurat bo‘lib kelgan. Shu ma’noda uning qalb

durdonalari xalq jismoniy madaniyati sohasini boyitish uchun ham to‘la-to‘kis xizmat qilmoqda.

Shunday qilib, daho mutafakkir Ahsher Navoiy xalq jismoniy madaniyati turlarining benazir bilimdoni ekanligining guvohi bo‘lamiz. Ayniqsa, uning badantarbiyani „ilmi badan“ yoki „badanilm“, yoxud „ko‘ngil tarbiyasi“, milliy sport turlarini ifodalash uchun „zo‘ri“, „dilovarlig“, „guy“, „silaxshurlik“ atamalarini qo‘llashi jismoniy tarbiya fani uchun ochilgan yorqin bir sahifadir. Jumladan, u „shatranj“, „tiyrandozlik“, „chavandozlik“, „nayza-bozlik“, „chavgon“, „qovoq“, „kurash“, „qilichbozlik“ kabi qadimiy xalq o‘yinlarini o‘zining lirik va epik asarlarida yuksak mahorat bilan tasvirlaydi.

## HUSAYN VOIZ KOSHIFIY

Husayn Voiz Koshifiy XV asrda Hirotda yashagan Sharqning mashhur allomalaridan biridir. U axloq, tarix, tasavvuf, nujum, riyoziyot, fiqh sohalariga doir qirqdan ortiq asar yaratgan. Shular qatorida xalq o‘yinlarining o‘n beshga yaqin xili haqida mukammal ma’lumotlar qoldirgan.

Koshifiyning „Futuvvatnomayi sultoniy yoxud javonmardlik tariqati“ risolasi axloq va odob dasturi sifatida qo‘ldan qo‘lga o‘tib, katta qiziqish ila o‘qib kelinmoqda. Bu nodir risola bag‘oyat muhim tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘lib, futuvvat haqida mashhur pand- nomalar, javonmardlarning rasm-u rusumi, odobi xususidagi fikrlardan iborat. XV asrda Hirotda yashagan atoqli tojik yozuvchisi Husayn Voiz Koshifiyning „Futuvvatnomayi sultoniy“ nomli risolasi, ilmning ko‘p qoida-nizomlarini qamrab olgani, sodda va ravon tilda yozilgani bilan ajralib turadi.

U o‘z zamonidagi tomosha ko‘rsatuvchi pahlavonlar, kurash tushuvchilar, toshotarlar, nova tortuvchilar, hammollar, dor-bozlar, kuchini namoyish quluvchilar (zurgarlar) tomosha ko‘rsatuvchi o‘yin ahli (kosa o‘ynovchilar, qo‘g‘irchoqbozlar va soqqabozlar), kabza ma’nosida va kabza turlari (qilich, qalqon, gurzi, urushi kamoni (yoyi), to‘qmoq (yog‘och bolg‘a), pichoq, boltacha (qassoblik pichog‘i) va bolta haqida batafsil to‘xtaladi.

Husayn Koshifiy tomosha ko‘rsatuvchi pahlavonlami sakkiz toifaga ajratadi, ya’ni: kurash tushuvchilar, tosh o‘ynovchilar, loy tashuvchilar („novandozlar“), zambil ko‘taruvchilar, dor-bozlar, gurzi ko‘taruvchilar va zo‘rlar. U kurash ommabop milliy sport turi bo‘lib, barcha uchun manzurligini, bu ish bilan shug‘ullanuvchi kishilar har qanday vaziyatda to‘g‘rilik va poklik, adolat qonuniyati bilan yashash kerakligini uqtiradi.

Uchinchi faslning birinchi qismida kurashning ma’nosи, kurashda asl mohiyat, ilm bilan qo‘shilgan kuch qanaqa narsa, kurash tushish ilmmi yoki amalmi, kurash ustalarining odobi, shogirdlar odobi, komil ustoz qaysi, kimni pahlavon deyish mumkin, kurashning qanday turlari bor, kurashchilarning tili nima, kurashchilarning oxirgi maqsadi, kurashning onasi qaysi, yiqilishga sabab nima va shu kabi qator masalalar yechimi o‘z ifodasini topgari.

Koshifiy toshotarlar pok va taqvodor kishilardirlar, ularning vazifasi tosh bilan dushmanga aniq zarba yetkazishdir, deydi. Ularning odobi oltita, deb aytadi:

- 1) butun choralarni ishga solib, kuch va malaka to‘plash va buni dushmanga qarshi sarflay bilish;
- 2) toshga qo‘l tekkizishdan oldin o‘tgan azizlar va pirlarni esga olish;
- 3) qo‘lni toshga urgandan keyin jasorat va mardlik ko‘rsatishga intilish;
- 4) majlis ahlidan madad va himmat tilash;
- 5) ko‘z bilan tilni va qo‘l bilan ko‘ngilni noshoista ishlar va narsalardan saqlash;
- 6) ma’raka hunardan forig‘ bo‘lgandan keyin takbir va salovat aytish.

Asarda dorbozlar tashqi ko‘rinishidan o‘yin-tomosha ahhdan bo‘lsalar-da, ammo ishlarining asosi jur’at va quvvat bo‘lganidan, ular ahli zo‘r (pahlavonlar) jumlasiga kiritiladi. Dorbozlik ulug‘ bir kasbdir va bu ishning ustalari pokiza axloqli va rostgo‘y bo‘lishlari kerak.

Kuchini namoyish qiluvchilar (zurgarlar) toifasi quyidagi hunarlarni ko‘rsatadilar, ya’ni: 1) mardgirlik (odam ko‘tarish); 2) tosh sindirish; 3) suyak sindirish; 4) dorbozlik; 5) tosh otish; 6) tegirmon toshini ko‘tarish; 7) fil bilan olishish; 8) kamondan o‘qni uzoqqa otish; 9) sakrash. Qayd qilingan barcha

hunarlarning mohiyati nimadan iborat ekanligi ochib berilgan, jumladan, odam ko‘tarishning ma’nosи haqiqatda nima, desalar, ko‘targan kishini yiqitmaslik, ya’ni mardlik obro‘yini yerga tushurmaslik, past ketmaslik.

Tosh sindirish bu - qattiqlik va tosh yuraklik sifatlarini sindirmoq va ushbu sifatlarni barham etmoq demak. Suyak sindirishning ma’nosи, suyak haqiqatning mag‘zi va ham pardasidir, ya’ni mardlik bilagi bilan xudparastlik pardasini ko‘z oldidan ko‘tarib, haqiqat mag‘ziga ko‘z tiksin demakdir.

Tegirmon toshini ko‘tarishning ikki ma’nosи bor, binobarin, tegirmonning ustki toshi - doimo harakatda, bu esa tariqat talabida muttasil jadd-u jahd qilmoqni ifodalaydi. Ostki tosh qimirlamay turadi, bu esa chidam va sabot timsolidir. Demak, tegirmon toshini ko‘targan odam shu sifatlarni o‘zida muvofiqlashtiruvchi kishidir.

Fil ko‘tarishning ma’nosи shundan iborat, fil ulug‘vorlik belgisidir, fil ko‘tarish esa dunyo ishlari falak azimati oldida arzimasdir, degan ma’noga ishoradir.

Sakrashning ma’nosи shuki, nafs uy dushmanidir, undan sakrab, qutulib chiqish kerak, osoyishtalik, muvaffaqiyatga erishish nafs bilan jang qihsh orqali qo‘lga kiritiladi. Shuni e’tiqod bilan anglab yetish kerakki, zuigarlik (kuch-quvvatni namoyish etishning haqiqati nafs dushmanini poymol etishdir, bo‘lmasa ko‘p hayvonlar va parrandalarning quvvati odamzodnikidan ortiq. Shuning uchun kuch-quvvatga uchmaslik va nafs havosidan voz kechish kerak, shunda ma’rakalarning pahlavoni ayni vaqtida futuvvat pahlavoniga ham aylanadi. Shayx Sa’diy aytganlaridek:

*Mardlik panja zo ‘ri-yu yelka quvvati emas,*

*Agar nafsingni yenga bilsang, chin pahlavonsan.*

Husayn Koshifiy tomosha ko‘rsatuvchi o‘yin ahli uch toifadir, deydi, bular: kosa o‘ynovchilar, qo‘g‘irchoqbozlar, soqqabozlar.

U tos (kosa, tovoq) o‘ynash qayerdan olingan, deb so‘rasalar, falakning aylanishidandir, deydi. Tosh o‘ynashning ma’nosida to‘rt xil udum bor va ularning

har biri muayyan ma'noga ega, ya'ni 1) jubba (to'n) kiyish; 2) aylanish; 3) anjomlarni ko'tarish, tosni yashirish; 4) yana topib olish.

Qo'g'irchoqbozlar bayonida Koshifiy shunday deydi: sohibdil darveshlar qo'g'irchoq o'yinidan ko'p ramz-u ishoratlar uqib, dunyoning sir-sinoatini fahmlab, hiyla, haqiqatlarni kashf etibdilar. Shuni bilish lozimki, shakl-u shamoyil, surat olamida zuhur etiladigan narsalar hazil-mutoyiba bo'lsa-da, ammo mohiyat-mazmuniga ko'ra, ular jiddiy haqiqatlarni anglatadilar. Umar Xayyom aytganiday:

*Biz qo 'g'irchoqlarmiz, falak qo 'g'irchoqboz,*

*Haqiqat yuzidan bu demadim majoz.*

*Sahnada o 'ynaymiz ikki-uch kun, so 'ngra,*

*Fano sandig 'iga tushamiz bir-bir boz.*

Soqqabozlar huqqabozlikni qayerdan o'rganganlar, deb so'rasalar, falakning aylanishidan deb aytgil. Zero, falak quyosh va oy soqqasini barcha yulduzlar bilan qo'shib, goh yashirin aylantirib o'ynaydi. Agar huqqabozlik nima deb so'rasalar, zamona aylanishiga e'tibor qilmaslik, chunki falak huqqasi har zamon umr soqqasini g'oyib etadi va har birimizdan yangi shakl-u naqshlar yasaydi. Olamning barcha ishini shundan qiyos etmoq va ibrat olmoq lozim. Ko'ringan narsalar ashda ko'ringanday emas, majoziy dunyoda hamma huqqaboz, barcha qo'g'irchoq yoki qo'g'irchoqbozlardir...

Voiz Koshifiy „tig“ (qilich) so'zining harflari ma'nosini shunday ta'riflaydi; „T“ - tamanno (orzu)ni, „I“ - yakdillik va hamjihatlikni anglatadi. Chunki parishon odam tig' ushlashga loyiq emas, balki, aksincha, u tig'ning yemi bo'lishi mumkin. „G“ - g'aflatga berilmaslik va urush ma'rakasida hushyor, chaqqon bo'lishni bildiradi.

U qilichni quyidagi xillarga ajratadi; 1) jafo tig'i, uni mehnatkash xalq yuziga tortadilar; 2) safo tig'iki, uni o'limga mustahiq gunohkorlar boshiga tortiladi; 3) vafo tig'i, u birodarlar madadiga yalang'ochlanadigan va ular boshidan zulmni daf etadigan tig'dir; 4) g'azo tig'i, bu tig'laming aslidir, zero shu tig' bilan dushmanlar tor-mor etiladi; 5) jazo tig'i, bu doim o'zi bilan olib yuradigan va

dushman qasd qilganda jazosini beradigan tig‘; 6) baho tig‘i, bu zeb-ziyat uchun saqlanadigan va hech qachon ishlatilmaydigan tig‘; 7) havo tig‘i.

Havo tig‘i mardlik sunnati bilan emas, balki hoy-u havas yuzasidan bog‘langan tig‘dir. Pir va ustozdan ta’lim-u duo olmay bunday qihch taqish noravodir.

Ushbu kabza egasida, asosan, sakkizta odob mujassam bo‘lmog‘i lozim: 1) avvalambor pok bo‘lish; 2) nopol holda qilich dastasiga qo‘l tekkizmaslik; 3) qilichni g‘ilofidan sug‘urganda va silkitganda ehtiyot bo‘lish, chunki qilich bexosdan birovning yuziga tegib ketmasin; 4) qilichni avval o‘z bo‘yniga solsin, ya’ni o‘z nafsi chapsin; 5) qilich dastasini o‘psin, bu shu dastaga tekkan mardlar qo‘lini o‘pishga ishoratdir; 6) zarurat tug‘ilmaguncha, qilichni qinidan chiqarmasin; 7) ustozlardan ta’lim olmay, qilich taqishni xayoliga ham keltirmasin; 8) qilichni yalang‘och holda qoldirmasin va agar qini bo‘lmasa, biror narsaga o‘rab qo‘ysin.

Qalqon sipohiyarlarning qal’asi va jangchilarining himoyachisidir, deydi Husayn Koshifiy. Qalqonning to‘rtta turi ta’riflanadi, ya’ni: 1) xazr (to‘sish) qalqoni; 2) qadr qalqoni; 3) sabr qalqoni; 4) hilm (halimlik) qalqoni. Xazr qalqoni ipakdan va ipdan to‘qilgan qalqondir, uni o‘q va qilich yarasidan saqlanish maqsadida olib yuradilar. Ammo qadr qalqoni osmon (kazo qadar) shaklida turgan qalqondir. Sabr qalqoni kishini maqsad sari eltuvchi qalqondir. Hilm qalqoni vositasida g‘azab tig‘ining zaxmini daf etish mumkin. Hilm odam g‘azab olovi ofatidan omondadir. Qalqon tutishning odobi, asosan, beshta, jumladan: 1) e’tiqodli bo‘lish; 2) qalqon kabzasini pok qo‘l bilan ushslash; 3) qalqonni qo‘lga olgach, uning dastasini o‘pish; 4) yechib qo‘yganda, ta’zim etib, toza joyga qo‘yish.

**Gurzi** - jang maydonining mardlari va pahlavonlari qurolidir, deydi Voiz Koshifiy. Gurzi kabzasida beshta adab bor, jumladan: 1) avval shuki, uni pok qo‘l bilan ko‘tarish kerak; 2) gurzini ko‘targanda, o‘ziga ishonch bo‘lsin; 3) gurzini avaylab asrasin, qadrlasin; 4) gurzi o‘yin uchun ishlatilmasin; 5) gurziga qo‘l urishdan oldin pir va ustozlami xotirlab duo aytsin.

Koshifiyning ta'kidlashicha, kamon otish sharif ilmdandir. U kamon kabzasining o'n ikkita odobini ta'riflaydi, chunonchi: 1) pok bo'lish; 2) yoyni zolimlarning jabrini dafn etish niyati bilan qo'lga olish; 3) uzlusiz takbir aytib turish; 4) toat-ibodatni kanda qilmaslik; 5) o'z piri va ustozini xotirlash; 6) shast (kamon tarixini tutish uchun ishlatiladigan halqa)ni berkitib yurish; 7) kamonning har ikki nishonasi (teshigi)dan o'q ota bilish; 8) nishon shonasi (teshigi) dan o'q ota bilishi; 9) nishon turgan joyga yalang'och bormaslik; 10) agar o'qi xato ketsa xafa, bo'lmaslik; 11) agar boshqa birov o'jni yaqinroq nishonga tekkizsa, unga hasad qilmaslik, aksincha, tabriklab maqtash; 12) o'z ishiga hayron bo'lmaslik va mag'rurlanmaslik, chunki har qanday mohir kishidan ham yana mohirroq kishilar chiqib qolishi ehtimoldan xoh emas.

Kamon kabzasini tutishning eng ko'p tarqalgan to'rt xili mavjud bo'lib, ular: 1) avval pichoq kabzasi; 2) ov kamoni kabzasi; 3) qarchig'ay changali, uni „xandon“ ham deydilar; 4) mudavvar (chambarak). Yoy tortishning ikki xili bor, binobarin: birinchisi mo'ylovsimon tortish; ikkinchisi surmakash (surma tortishga o'xshab) tortish.

„Kamon“ so'zi harflarining o'ziga ishorali bo'lib, ular quyidagilarni anglatadi: „K“ - karamga ishora, ya'ni kamon ushlagan odam mard va saxovatli bo'lishi kerak. „M“ - marhamatga ishoradir, ya'ni o'z xodimlari, tobelariga rahm-shafqat ko'rsatmoq. „O“ - e'tiqodga ishoradir, kamonchi pok niyatli va sof odam bo'lishi darkor. „N“ - nasihatga ishoradir, ya'ni hamkasblari, shogirdlariga pand-u nasihat berish, o'z hunarini o'rgatishdan qizg'anmasin. Bu to'rt sifati bo'limgan odam yoy ko'tarib yurishga loyiq emasdir.

## **AMIR TEMUR**

Temurning shon-shuhrat qozonishining siri mohir sarkardaligi, odil va zukkolik bilan ish yuritishligi, donishmandligi bilan bir qatorda yoshlik paytidanoq kurash, chavandozlik, nayzabozlik, qalqonbozlik, tiyrandozlik, qihchbozlik, ov qilish ilmini mukammal egallaganligidir. Amir Temuming bolalikdanoq ko'plab harbiy-amaliy tavsiyga ega bo'lgan xalq o'yinlarini o'ynaganidan dalolat beradi.

Chunki bolalikda o‘ynalgan o‘yinlar, ularni hayotga, janglarga, uzoq safarlarga tayyorlashda o‘ziga xos maktab vazifasini o‘tagan.

„....Amir Temur o‘n to‘rt yoshga kelib erdi... Xon so‘rdikim, turug‘ otliq kimdur?“ Anda birov turib aytdi: „Bu To‘rag‘ay bahodir o‘g‘lidur. Amir Temur xonning nazarida yosh bola ko‘rinub, buyurdikim: „To‘rag‘ay bahodirni o‘g‘li jangga bormasun“. Anda Amir Temur o‘q-yoyin olib, toblab yubordi. Otilib, ellik qadam yerga borib tushdi. Mirzo Sayfiddin anga taqlid qilib, ani o‘miga yuborilmadi. Andin keyin Sohibqiron dasturi Chig‘atoy birla xonga kelib, tizin bukub, duo qildi. Aytdi: „Iltimos qilib sizdin xohlayurmen, davlat humoyuningizda ushbu kushin men birla talosh qilsalar“. Anda uch kun talosh qildilar. Barchalari aqalli aning qo‘lidan yarog‘in tortib ololmadilar, Bu jur’atni Sohib- qirondan ko‘rub, ba’zilari eshurun zo‘r qildilar, kuchlari yetmadi, tortib ololmadilar“.

Nayzabozlik ham sof milliy sport turlariga kirghanhgini yuqorida ta’kidladik. Abu Ah ibn Sino nayzabozlikni, tez harakatlar, nayza uchi bilan sanchishni, ravon va yengil mashqlar jumlasiga kiritgan. Nayzabozlik ot ustida bajariladigan mashq turi hisoblanadi. Amir Temur shiddatkor nayzaboz bo‘lganligi „Temurnoma“ da shunday yozilgan: „Filhol, Qilich Arslon aslaha-yarog‘larini tokinub, nayzasini qo‘liga olib, Amir ham musallix bo‘lub otlarga minub, ikki tarafdin shovqin splib, birdan nayzabozlik qilib, Amirga nayza soldi. Amir chap berib, nayza sohb erdi, orqasidin yana soldi... Hozir bo‘l, deb, Amir otin yohga yopushti, nayza borib toshga tegib, ikki korish botti, yana tortib olib, nayza soldi. Amir nayzani o‘tkazub, qilich soldi, esiga tegib bog‘idin uzildi...<sup>16</sup>

Har bir elat, urug‘, millat o‘zining milliy, ma’naviy va madaniy merosini asrlar osha e’zozlab kelmoqda. Fikrimizning isboti sifatida xalqimizning qadimiylari va navqiron milliy kurashi bunga misol bo‘la oladi. Kurash- bu pahlavon yigitlarining kuch sinashishi, yelkama-yelka turib ushlashib, bo‘yin va belni qaytarib, har xil usullarni ishlatib, raqibining yelkasini yerga tekkizishidir. Milliy kurashimiz yoshlarni hayotga sog‘lom, baquvvat, jasur, epchil, kuchli, chidamli qilib tayyorlash va tarbiyalashda asosiy vosita bo‘lib xizmat qilgan.

---

<sup>16</sup>(„Temuroma“. T., „Cho‘pon“ 1990. 189-bet).

Sohibqiron Amir Temur bahodir, jasur, qo‘rqmas, sheryurak pahlavon bo‘lgan. Ammo u jismoniy kamchiligi - oyog‘ining oqsoqligi va ikki barmog‘ining yo‘qligiga qaramay, raqiblari bilan yakkama-yakka ohshuvlaiga chiqavergan. „Temuroma“da Amir Temur va Qilich Arslon o‘rtasidagi kurash shunday bayon qilinadi: Amirni belidan tutib, ikkovlari yayovlik holda taloshka mukayyid bo‘ldilar. Lekin Amirni bir qo‘l-u, bir oyoqlari andak nokor erdi. Shundoq bo‘lsa ham, kech vaqtigacha talosh qiladilar, Amirni hoh ziklikka olib, iltijoda bo‘ldilar. Bu baytni aytdilar:

*Qo Him oling, yo pirim, menda quvvat qolmadi,*

*Yo ‘lga soling, yo pirim, menda g‘ayrat qolmadi.*

Filhol, Naqshband pirimga ayon bo‘lib, ikkiovini borib qo‘ltig‘idan olib, yer uzra ottilar. Amir yiqildimi deb gumon qilsa, Qilich Arslonni ko‘ksi uzra o‘lturibdur“.

Amir Temur davrida Muhammad ibn Akiyl al-Xaymiy, Zeyn al-Yazdiy kabi shatranjchilar bo‘lib, ularning allomasi fiqhchi, hadischi olim Allouuddin at-Tabriziy edi. U Zeyn al-Yazdiyga ortiqcha bir piyoda qo‘yar va undan g‘olib chiqar edi, ibn Akliyga esa bitta ot qo‘yib, uning ustiga minib olardi, ya’ni yengardi. Temur sharq-u g‘arb iqlimlarigacha borib yetdi. Uning jang-u jadalida ishtirok etgan har bir sulton yutqazib, har bir shoh jangda ham, shaxmat o‘yinida ham undan yengilib, mot bo‘ldi.

Temur Alouuddinga: „Go‘yo men sultanat siyosatida yagona bo‘lganim kabi sen ham shaxmat olamida tengi yo‘qsan“, der edi. Yana bizlardan, „ya’ni men va mavlono Ah Shayxdan har qaysimiz o‘z san’atida karomatlarga ega bo‘lib, benazir kishilarmiz“, derdi. Shaxmat o‘yini mansublari ilmida Ali Shayxning o‘ziga xos sharhi bo‘lib, u bilan o‘yinda chuqur o‘ylanmasdan turib, uning fikri haddiga yetishga hech bir kimsa qodir emasdi. Bir vaqtning o‘zida u ikki raqib bilan g‘oyibona o‘ynar va hisobini olish natijasida o‘z tomonida qanday donalar borligini bilardi. U va Amir Temur katta shatranj o‘ynardilar“.

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, Amir Temur buyuk jahongirligi bilan bir qatorda jismoniy salohiyatda benazir shaxs edi, u ta’kidlaganidek „o‘z

qudratimni saqlash uchun men bir qo‘limgaadolat shamini va ikkinchi qo‘limga beg‘arazlik shamini olib, bu ikki sham bilan umr bo‘yi yo‘limni yoritib yurdim“. U tiyrandozlik, chavandozlik, nayzabozlik, qilichbozlik, merganlik, qo‘l jangi, oyoq jangi va ko‘pgina milliy sport turlarini egallagani uchun tinmay g‘alaba qozongan.

Harbiy yurishlardan oldin jangchilarning jismoniy tayyor-garligiga alohida e’tibor berib, dushman qo‘l, oyoqlarini qayirib sindirish, oyoq bilan tepish, mushtlashish, oyoq-qo‘lini bir vaqtida ishlatish usullarini ko‘rsatib, sipohlarga namuna bolgan. Shuningdek, maxsus tayoqlar, zanjirlar, gurzi-yu cho‘qmorlar yordamida zarba berish, pichoq sanchish, bolta urish mahorati ularga janggohlarda juda qo‘l kelgan.

Sohibqiron navkarlarining qanchalik jismoniy tayyorgarlikka ega ekanligini tarixiy manbalardan bilib olish mumkin. Sipohning yaroq-jabduqlari va anjom-jihozlar haqida, u: „Shunday buyraq berdimki, yurish vaqtida oddiy askarlardan har o‘n sakkiz kishi o‘zi bilan birga bir chodir olsin, har bir askar ikki yoy, bir kamon, bir sadoq o‘qdon, bir qilich, arra, bigiz, bir qop, juvoldiz, bolta, o‘nta igna va orqaga osiladigan charm xalta olsin. Bahodirlar har biri bitta oddiy temirsovut, dubulg‘a, bir qilich olsin“, deydi. Endi ushbu aslaha va anjom-jihozlarni manzildan manzilga ko‘tarib yurishning o‘zi sipohdan qanchalik kuch, matonat, jismoniy tayyorgarlik talab qiladi.

Sharofixddin Ah Yazdiyning qayd etishicha, Amir Temuming o‘ziga xos xususiyatlaridan biri - davlat, mamlakat, fuqaroga g‘amxo‘rlik edi. Uning qoidasi - „rosti-rasti“ edi. Haqiqat - sihat- salomatlik, haqiqat - tartib, haqiqat - adolat demakdir, deb tushuntirardi. U insonparvarlik va mardlikni Olloham, xalq ham ulug‘laydi, degan gapni ko‘p takrorlar edi.

### **1.3. Ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг тикланиши ва шаклланиши**

Мустақиллик шароғати туфайли жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кенг истиқболлар очилмоқда, бу айниқса ҳалқ миллий ўйинлари ва машқлари, спорт турлари бўйича ўтказиладиган жисмоний тарбия

дарсларида намоён бўлмоқда. Уларни доимий ва мунтазам қўллаш яхши натижа бермоқда, ўқувчиларни соғлом, бақувват, чаққон, кучли қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Илгарилари кенг омма иштирок этган Наврӯз байрамлари, сайиллар, тўйларда ҳалқ ўйинлари, жисмоний машқлар, умуман миллий спорт турларисиз ўтказилмаган. Афсуски, мамлакатда улар бутунлай эсдан чиқиб, унугилаёзди, шунинг учун уларни излаш ва тиклаш ўз ҳалқини ва миллатини эъзозлаган ҳар бир кишининг бурчи бўлиб қолмоғи керак. Жисмоний тарбия нуқтаи назаридан уларни ўрганиш, тадбиқ этиш шу куннинг ва келажак авлодни тарбиялашда энг долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Ушбу жараёнда тарихимиздан мерос бўлиб қолган ўзбек ҳалқ харакатли ўйинларини ҳаётга тадбиқ этишга кенгроқ йўл очиб берилиши, уни оммавий тус олдирилиши, оиласда мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда, дам олиш жойларида, ҳар хил маросим ва байрамларда уни ташкиллаштириши ўсиб келаётган ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этиши мукаррардир. Миллий ҳалқ харакатли ўйинлари қадим-қадим замонлардан бошлаб, ҳалқ маросимларида, расм-русумларида ва урф-одатларида мустақил бир соҳа сифатида мусобақаларда, баҳсларда кенг қўлланилган. Жисмоний тарбия ҳалқнинг урф-одатларида, удум ва расм-русумларида шаклланиб, минг йиллар давомида ривожланиб, такомиллашиб келган. Ҳалқ миллий ўйинлари минг йиллар давомида бизгача етиб келган ўзбек миллий ҳалқ ўйинлари “Отда чопиш”, “Қиз қувлаш”, “Улоқ”, “Камонда ўқ отиш”, “Чиллак”, “Оқ суюк”, “Соққа”, “Беш тош” каби ва бошқа ўйинлар орқали ботирлик, эпчиллик, тезкорлик, мувозанатни сақлаш сифатларини ривожлантиришда ҳамда қадди-қоматни шакллантириш, ахлоқ-одоб, онг, хотира, диққат каби хислатларни сайқал топтиришда ва албатта соғлиқни мустаҳкамлашда энг самарали восита бўлиб келган.

Сўнгги йилларда мустақиллик туфайли миллатимиз қадриятлари сифатида танилган ўзбек ҳалқ миллий ҳаракатли ўйинларининг мавқеи ва

макоми тамомила тикланди, улар яна ёшлар тарбиясидан ўрин олди, турли миллий байрамларимиз, тантанаю маросимларимизда кенг қўлланила бошлади. Улар таълим муассасалари ўқув режалари таркибига фан сифатида киритилди, қўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказила бошлади. “Тўмарис ва Алпомиш ўйинлари” фестиваллари дастурларидан жой олди.

1998 йил 13-14 ноябр кунлари Термиз шаҳрида “Алпомиш ўйинлари” биринчи Республика Фестивали бўлиб ўтди. Ҳалқ миллий ўйинлари ва томошаларидан жамланган бу фестивал миллатимиз ғуури, орияти, ифтихори, номуси ҳисобланмиш Алпомиш сиймосига, бой миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат, эътибор тантанасидир. Ҳақиқатдан ҳам, ҳалқимизнинг ўтмиши пахлавонлик ва баҳодирлик санъати билан сингдирилган. Чунки унда “Кураш”, “Тортишмачоқ”, “Бўрон”, “Минди”, “Турон” яккакураши каби мусобақалар бўйича беллашувлар ўтказилиши миллатимиз саломатлиги учун мутим асос бўлади.

Ўрта Осиё ҳалқларини бундай миллий ҳаракатли ўйинларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки ҳалқ урф-одатлари, тўй-томушалари, ўйин-кулгусининг бош ёрдамчисидан бири от ҳисобланган. Отда юриб ов қилиш, от устида туриб камон тортиш, қиличбозлик, найзабозлик қилиш, от устида кураш тушиш, от пойгаси, улоқ ва бошқа жуда кўп жисмоний машқ турлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Оғзаки ҳалқ ижодиётидаги “Алпомиш ва Барчиной”, “Гўрўғли”, “Қирққиз”, “Кунтуғмиш” ва бошқа достонларда от асосий қаҳрамондан кейин иккинчи ўринда тўлақонли таъриф этилган. Масалан, ажойиб чавандоз, моҳир мерган, кучли пахлавон деган тушунчалар от билан боғлиқ бўлган ўйинларда ишлатилган. Умар Ҳайём отнинг қирқ икки зотини келтиради ва ҳар кайсисига алоҳида таъриф беради: “Чармар ниҳоятда тез ва зийрак. Сиёхчарм - баҳт келтиради. Кумайит қийинчиликларга чидамли. Мабдеч - баҳт келтиради, лекин тез эмас”.

Бутун оламга машҳур бўлган Жиззахнинг “Корабайири”, Сурхондарёning “Бойчидари”, “Гиркуки”, “Кўк капитари”, “Чамбил

беллари” деб аталган зотдор отлари деярли йўқ бўлиб кетган. Катағон йиллари отларга жуда катта солик солинди, оқибатда баъзи одамлар отини сўйди, баъзилар эса давлатга текинга берди.

Наврўз билан боғлик жуда кўп миллий ўйинлар мавжуд бўлган: бойчечак айтиш, лайлак келди, эртаёз ўйинлари - қизларнинг тўп тоши, сумалак пишириш, келин тушди ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган айrim ўйинлар йўқолиб бормоқда, уларни биладиган ва ўрганадиганлар сони камайиб кетмоқда. Шунинг учун Наврўз билан боғлик бўлган кўпгина ҳалқ ўйинлари, рақслар ва миллий спорт турлари ўз ечимини кутмоқда. Уларнинг ечими билан боғлик бўлган муаммоларни мувофиқлаштириш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Янгиланиш жараёнидан дарак берувчи мазкур байрам форсча “Наврўз” - “Янги кун” айrim худудлардаэса “Йилбоши” деб аталади.

Шу сабабли 1991, 1996 йилда Жиззахнинг Фориш туманида, 1998 йилда Термизда бўлиб ўтган “Ҳалқ ўйинлари, миллий спорт турларини қайтадан тиклаш ва ахолини жисмоний тарбиялашда улардан кенг фойдаланиш усуллари”га бағишлиган Республика илмий-амалий анжуманларида юқорида қайд этилган масалалар ҳақида батафсил ва атрофлича муҳокама қилинган, маълумотлар берилган.

Улуг аллома, мутафаккир, хаким Абу Али ибн Синони мазкур ўйинларни даволашдаги аҳамияти берилган. 1996 йил Банкокда (Тайланд) миллий ўйинлар бўйича Жаҳон фестивали бўлиб ўтди. Бу фестивалда турли хил давлатлар ўз миллий ўйинлари билан қатнашди. Ўзбек делегацияси “Қалъа ҳимояси”, “Чиллак”, “Минди”, “Жами”, “Лапта” ўйинлари билан қатнашди. Миллий ўйинларни тиклаш ва турмушга қайтариш миллий қадриятларимизни, уларни ҳалқимиз, айниқса ёшларимиз ҳаётига кенг жорий этиш давлатимиз жисмоний тарбия тизимининг муҳим вазифалари туркумига киради.

#### **1.4. Ўзбек ҳалқ ўйинларининг таснифи**

Ҳалқ миллий ўйинлари, жумладан ўзбек миллий ўйинлари барча ҳалқ-элатлар кашфиётлари каби (мусиқа, қулолчилик, гилам тўкиш асбоблари, ашула ва рақс, эртак ва ҳ.к.)инсоният тарихининг турли ижтиоий-иктисодий босқичларида тараққий этган ўзига хос этно ва филоонтогенетик хусусиятлар асосида “ихтиро” қилинган ва шаклланиб келган.

Республикамизнинг турли миңтақаларида ҳалқ ҳаракатли ўйинлари аҳолининг турли ёш ва қатламлари ўртасида азалдан ривожланиб келган бўлсада, “оқ” ва “қизил” империялар даврида ушбу ўйинларнинг оммалашуви ниҳоятда чегараланган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач ҳалқ миллий ҳаракатли ўйинлари миллатимиз қадриятлари сифатида қайта тиклана бошлади ва ҳозирги кунда нафакат ҳалқимизнинг энг севимли машғулотига айланди, балки барча таълим муассасалари ўқув режаларига тўлақонли фан сифатида киритилган. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳалқ миллий ҳаракатли ўйинларининг илмий-услубий асослари, уларнинг психофункционал моҳияти, жисмоний сифатлар ва спорт маҳоратини шакллантиришдаги аҳамияти ҳамда қиймати хали деярли ўрганилмаган.

Айни кунда юқорида мухокама этилган миллий ҳаракатли ўйинларнинг очилмаган қирралари, ушбу йўналишга оид муаммоларни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш мамлакатимиз жисмоний тарбия тизимидағи долзарб масалалардан биридир.

Ўзбек ҳалқ ўйинлари ҳалқнинг ўзига хос урф-одатларидан, турмуш шароитидан, яшаш иқлими, тарихий обидалар, атроф-муҳит шароитидан келиб чиқкан бўлиб, шуларга яраша жинсига, ёшига, саломатлигига кўра қўлланилган. Лекин шу вақтгача аксарият мутаҳассислар ўзбек ҳалқ ўйинларига алоҳида тасниф (классификация) ва тавсиф (характеристика) беришни кўзда тутмаганлар, ёки етарли даражада аҳамият бермаганлар.

Таъкидлаш жоизки, агар шундай тасниф ва тавсиф берилса, ўзбек ҳалқ ўйинлари ва умуман ҳаракатли ўйинлар анча ютуққа эга бўлар эди. Чунки ҳар бир ўйинни таснифини ва тавсифини билган ҳолдагина ундан фойдаланиш зарурияти ҳам, жойи ҳам тўғри белгиланади.

Маълумки ўзбек ҳалқ ўйинлари ўз ичига ҳаракат жиҳатдан ҳар хил жисмоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган ўйинларни қамраб олган.

Шу боис уларни йўналишлар бўйича ажрата билиш зарур дебтопилади. Демак уларни таснифлаш (классификациялаш) зарур ўринниэгаллайди.

Шу йўсинда бизнинг фикримизча ўзбек ҳалқ ўйинларини қўйидагичатаснифлашни мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

### **Ўзбек ҳалқ ҳаракатли ўйинлари**

**Ҳаётий зарур ҳаракат малакаларини шакллантирувчи ўйинлар:** осилиш ва осилиб чиқиш: “Маймунчалар”, “Оқ айиқлар”; юриш, югуриш: “Қувлашмачоқ”, “Мокки”; ўтириш, туриш: “Бақа”, “Товук ва тулкилар”; тўхташ, сакраш: “Қармоқча”, “Дунгдан - дўнга”, “Қаричма-қарич”, “Моккисимон сакрашлар”.

**Жисмоний сифатлари ривожлантирувчи ўйинлар:** куч: “Тортишмачоқ”; тезкорлик: “Кун ва тун”; эпчиллик: “Тўп учун кураш”, “Лапта”, “Қирқ тош”; чидамкорлик: “Қувиб ет”; эгилувчанлик: “Кўприк ва мушук”, “Отиб қочар”.

Ақлий-руҳий қобилиятларни ривожлантирувчи ўйинлар: **дикқат:** “Таъқиқланган ҳаракат”; хотира: “Дақиқа”, “Эслаб қол - бажар”, “Пирр - этди”, “Ўйлаб топ”; ҳиссиёт: “Тўхта”; тафаккур: “Шахмат”; айёрлик: “Вандан-зўри”; жасурлик: “Чўнқа шувоқ”.

**Уй-рўзғор ишларига хос ҳаракат малакаларини шакллантирувчи ўйинлар:** “Супур-супур”, “Қовун узатиш”, “Беш

тош”.

**Касбий кўникма ва малакаларни шакллантирувчи ўйинлар:** “Бургут ва бургутчалар”, “Отишма”, “Инсиз қуён”.

**Нутқ ва талаффузни шакллантирувчи ўйинлар:** “Ким олади”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Паҳмок кучук”, “Фозлар”, “Оқ қуёним”.

**Ҳисоб-китоб ва тадбиркорлик қобилиятларини шакллантирувчи ўйинлар:** “Беш тош”, “Лянка”, “Қирқ тош”, “Соққа”.

**Йилнинг турли фаслларида қўлланиладиган ўйинлар:** “Варрак”, “Ёмғир ёғалок”, “Чиллак”, “Топишмачоқ топ”, “Лянка”, “Тез айт”, “Ёнғоқ”, “Қубба-1”, “Қубба-2”, “Соққа”.

**Кундуз ва тунда ўтказиладиган ўйинлар:** “Оқ суяқ”, “Чўлок қарға”, “Тун ва кун”.

**Сувда ўтказиладиган ўйинлар:** “Сувда қувлашмачоқ”, “Тез сузиш”, “Сув остида сузиш”, “Қурбақа ва лайлак”, “Чўртан балиқ”.

**Турли ёшли болалар ва катталар ўртасида ўтказиладиган ўйинлар:** “Қувлашмачоқ”, “Бекинмачоқ”, “Байроқча учун кураш”, “Кун ва тун”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Ёнғоқ ўйини”.

**Ўғил болалар ва қиз болалар ўртасида ўтказиладиган ўйинлар:** “Ешак минди”, “Беш тош”, “Сопалак”, “Хўролар жанги”, “Арқон сакраш”, “Минди”, “Хола-хола”, “Овқат пишириш”, “Овга чиқиш”, “Уруш-уруш”, “Соққа”, “Қулок чўзма”, “Дурра”, “Чори-чамбар”.

**Дарснинг тайёргарлик қисмида кулланиладиган ўйинлар:** “Космонавтлар”, “Тез уз урнига”, “Кун ва тун”.

**Дарснинг асосий қисмида қўлланиладиган ўйинлар:** “Жами”, “Отиб қочар”, “Қирқ тош”.

**Дарснинг якуний қисмида қўлланиладиган ўйинлар:** “Ким келди”, “Кимни овози”, “Дурра солди”, “Дақиқа”, “Моможон ёрдам беринг”.

**Спорт турига хос ҳаракат малакаларини шакллантиришда қўлланиладиган ўйинлар:** “Қалъа ҳимояси”, “Тўпни қайтар”, “Узатдингми ўтири”, “Қувиб ет”, “Кун ва тун”, “Ўйлаб топ”, “Ғоввослар”.

**Соғломлаштириш масканларида ўтказиладиган ўйинлар:** “Семир пуфагим”, “Беш тош”, “Кеглини уриб йиқит”, “Инсиз қуён”.

**Қўшиқлар билан ижро этиладиган ўйинлар:** “Лапкар”, “Тез айтиш”, “Тулдургуп”, “Оқ теракми, кўк терак”.

**Тўйларда қўлланиладиган ўйинлар:** “Қулок чўзма”, “Оқ суяк”, “Хўроз, ит, қўчкор уруштириш”, “Ким оладиё”, “Хўролар жанги”.

**Ҳарбий кўникма ва малакаларни шакллантирувчи ўйинлар:** “Қоракўз бўй-бўй”, “ТИМ”, “Уруш-уруш”, “Асир олиш”, “Номер чақириш”, “Қўриқчи ва қароқчи”, “Отишма”, “Кўчма-нишон”, “Нишонга ур”, “Овчилар ва ўрдаклар”, “Қубба”.

**Ҳалқ сайиллари ва маросимларда ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар:** “Оламон пойга”, “Улок”, “Қиз қувлаш”, “Чўнка шувоқ”, “Чўпон”, “Олиб қочар”.

Ўзбек ҳалқ ўйинларида касалликларни даволаш учун ва ўргатиш жараёнида кенг қўламда фойдаланиш мумкин. Касалликни олдини олиш учун қўлланиладиган ўйинларни ўйинлар билан касалдан чиққан одамда қўлланиладиган ўйинларни фарқини билиш жуда зарур. Чунки уларни жисмоний юкланиши (нагрузкаси) бир-биридан ажралиб туриши даркор. Ўргатиш жараёнида эса кўникма ва малакаларни шакллантиришга мувофиқ ўйинлар танлаб берилади.

Юқоридагиларни назарда тутиб ўзбек ҳалқ ўйинларини қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1. Ҳаракат сифатларини ривожлантирувчи ўйинлар;
2. Дарсни айрим қисмларида қўлланиладиган ўйинлар;
3. Турли ёшдаги болалар фаолиятида қўлланиладиган ўйинлар;
4. Болалар жинсига қараб қўлланиладиган ўйинлар;
5. Руҳий хиссиётларни ривожлантирувчи ўйинлар;

6. Ёруғ ва қоронғу шароитларда қўлланиладиган ўйинлар;

7. Ҳаётий зарур малакаларни эгаллашда ёрдам берувчи ва такомиллаштирувчи ўйинлар;

8. Спорт фаолиятида қўлланиладиган ўйинлар.

Шу тавсифларни очиб бериш масалаларини кейинги сахифаларда кўрамиз.

Алоҳида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, аксарият ҳалқ ҳаракатли ўйинлари ўз моҳияти ва мазмuni билан меҳнат ва турли касб қўникмалари, одоб-аҳлоқ маънавий-маданий қадриятлар, онг, хотира, диққат, тафаккур, тасаввур, идроқ, хотира каби ҳислатларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Бундай ўйинларни илмий асосда янада шакллантириш ва таълим муассасалари ва дам олиш-соғломлаштириш масканларида ўтказиладиган машғулотлар, турли байрам тантаналари, тантаналари, тўй-тамошалар васайиллар каби тадбирларда улардан кенг фойланиш миллий қадриятларимизни тиклаш, сайқал топишига туртки беради, ёш авлодмаънавияти, куч-қудрати, жисмоний ва руҳий имкониятлари чарҳлайди.

Маълумки юртимиизда одил, демократик давлат ва фуқароликжамияти қуриш сари шаҳдам қадам қўйилаётган хозирги шароитда эркиншахс тарбиясида “Соғлом авлод” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Баркамол авлод давлат дастури”, “Мустаҳкам оила”, “Обод турмуш”, “Соғлом бола” йили давлат дастурларини амалга ошиши эркин, фаровон ва

соғлом турмуш тарзига янгича тафаккур билан ёндашиш имкониятиниберди. Энг оддий ва айни пайтда энг мураккаб масала - инсоннинг соғломва фаровон турмуш тарзини таъминлаш эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди.

Жамият аъзоларининг маънавий қиёфасини шакллантириш, ғурурини ўйғотиш, ифтихор туйғусини тарбиялаш миллий қадриятларга таянган

мафкурага асосланади. Мустақиллик, янгиланган рухият, айникса ўсиб келаётган ёшлар онгидаги дунёга илмий асосда қарашиб имкониятини берди. Ахлоқий тарбия негизида маросимлар, урф-одатлар ва анъаналарга янгича муносабат туйғуси шаклланди. Бундай муносабатларни шакллантиришда ўзбек ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг ўзига хос ўрни бор.

Педагогик ва психологик адабиётлар таҳлили ҳамда бизнинг кузатувларимиз шу нарсани кўрсатадики, мустабид даврда ўзбек ҳалқ ўйинларига эътибор берилмаган. Бугун миллий истиқлол мафкурасининг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш”, деган Бош гоясини ҳар бир инсоннинг онги-шуурига сингиб бориши ёшларда ўзбек ҳалқ ҳаракатли ўйинларига янгича ёндошувни, янгича тафаккур таҳлилини талаб этмоқда.

Педагогик ва психологик изланишлар шу нарсани кўрсатмоқдаки, токи таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга алоҳида тизим яратилмас экан, ўзбек ҳалқ ҳаракатли ўйинларини тарбиявий самарадорлиги, маънавий-ахлоқий ва эстетик қийматига тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, узлуксиз педагогик таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришда ушбу муаммони илмий жиҳатдан тўлиқ ўз ечимиға эга бўлиши кун тартибига қўйилган долзарб вазифага айланмоғи лозим.

Шу ўринда Юртбошимизнинг 2013 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимидаги маъруzasида қайд этилган қўйидаги сўзларига ургу бериш мақсадга мувофиқдир: “...Соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим”.<sup>17</sup> Маълумки, миллий ҳаракатли ўйинлар таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, миллий маданият ва

---

<sup>17</sup>Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислоҳатларимизни янада чуқурлаштириш ва фукароликжамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. // ЎзР Конституциясининг 21 йиллигигабағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза., 2013 йил 7 декабр, Т. “Ўзбекистон”, 2013. - 43 б.

маънавият ҳамда миллий ғуурни шакллантиришда муҳим восита эканлиги исботга муҳтоҷ эмас.

Ўзбек ҳалқ ҳаракатли ўйинлари – боланинг ҳамма жисмоний хусусиятларини ҳар томонлама ривожлантириш, соғлом ҳаёт кечиришнинг афзалликлари, шарт-шароитлари, тқшаббускорлигини ошириш, ҳаракат фаолиятига бўлган табиий интилишларини шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Ҳаракатли ўйин одамларга хос фаолиятнинг қизиқарли шаклларидан биридир. Ўйин тушунчаси ёш боланинг шакилдок билан бажарадиган оддий ҳаракатларидан тортиб, катталарнинг ўзбек жанг санъати, кураш, кўпкари ва бошқа жуда кўп спорт турларида амалга оширадиган жисмоний фаолиятларни ўз ичига олади.

Ҳаракатли ўйинлар муайян мақсадга эришишга қаратилган маълум қоидаларга амал қилинадиган онгли фаолиятдир. Ўйинда, қандайдир моддий бойликлар ишлаб чиқарилмайди. Ўйинлар шахс руҳиятига таъсир этувчи муҳим аҳамиятга эга бўлган мужассамлашган таълим-тарбия жараёнидир. Бу жараённинг асосини ташкил этувчи болаларнинг ҳаракат фаолияти жисмоний ривожланишига, ҳаракат кўникмалари ва жисмоний сифатларнинг шаклланишига, организмнинг функционал фаолиятини оширишга ва ҳиссий қувноқлик туйғуларини кучайтирган ҳолда саломатликни мустаҳкамлашга ижобий таъсир этади.

Ҳаракатли ўйинлар болаларни “Ҳаётга тайёрланиш мактаби” бўлиб, уларни жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хизмат қиласи. Ўйин бола онги, тафаккурини ўстириб, хотира, диққат, иродасини мустаҳкамлайди, жисмоний, руҳий, ҳиссий (эмоционал) тараққий эттиришга ҳизмат қиласи. Шунингдек, ўйин болани катта ҳаётга тайёрлашда машқ вазифасини бажариб, келажакда ҳаётда дуч келинадиган турли ҳолатларга маънавий тайерлайди. “Агар бола ўйинда халол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам халол бўлади“, ёки “Боланинг ўйиндаги ҳаракатига қараб, уни қандай одам бўлишини айтиш мумкин”, деган нақллар бекорга

айтилмаган. Қисқа қилиб айтганда, ўйин болаларда ижодий фаоллик, ташаббускорлик, ташкилотчилик ва бошқа кўникмаларни ривожлантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўйинлар туфайли болаларда уларни ўраб турган дунёни тушуниш ва унга таъсир қилиш эҳтиёжи шаклланади, ақлий, аҳлоқий, иродавий ва жисмоний сифатлари шаклланади, бир сўз билад айтганда, ўйин ёрдамида инсон тарбияланади, шахс сифатида шаклланади.

Ҳаракатли ўйинлар нафақат болалар, балки катта ёшдаги кишилар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади. Агар ўйинлар болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши, ҳаётга тайёрланиши учун керак бўладиган бўлса, катта ёшдагилар учун улар бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўtkазиш, хордиқ чиқариш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, чиниқишилари учун ҳисса қўшади.

Ҳаракатли ўйинларнинг устуворлиги ва ҳаммабоплиги шундаки, улардан йил давомида, турли шарт-шароитларда ва иштирокчилар ёшига қараб мазмунан ўзгаририлган ҳамда табақалаштирилган ҳолда фойдаланиш мумкин. Ана шу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ҳалқ ҳаракатли ўйинларни тарихий-ижтимоий нуқтли назаридан қуидагича таснифлаш мантиқий тўғри бўлиши мумкин деб қуидаги белгиланди.

Ушбу таснифланиши мувофиқ мослаштирилган мазкур ҳаракатли ўйинлар, бир томондан, болаларни йил давомида соғломлаштириш имкониятини кенгайтиради, иккинчи томондан, уларда шу ўйинлар орқали жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш эҳтиёжини ҳамда мотивациясини кучайтиради.

**Халқ ҳаракатли ўйинларни тарихий-ижтимоий нуқтли назаридан  
қуийдагиша таснифлаш мантиқий түғри бўлиши мумкин  
(М.М.Рахимов бўйича)**

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

### *1 - маъруза*

- 1.** Умумхалқ ҳаракатли ўйинлари ва миллий ҳаракатлар моҳияти ҳамда уларнинг тарихий ва бугунги аҳамиятини очиб беринг?
- 2.** Ўзбекистонда миллий ҳаракатли ўйинлар қачондан бошлаб тиклана бошлади, уларни шаккланишига бағишлиланган қандай тадбирлар қаерларда ўтказилди ва ушбу жараёнларга ким раҳномлик қилди?
- 3.** Ҳалқ ўйинлари байрами, Тўмарис ўйинлари фестивали ва Алпомиш - Барчиной ўйинлари хақида маълумотлар беринг?
- 4.** Миллий ҳаракатли ўйинлар қандай жисмоний сифатлар, спортга хос кўникмалар ва миллий қадриятларни шакллантиради?

## **2 БОБ. ХАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАСНИФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1. Ўйинларнинг тавсифи**

“Ўйин нима?” ёки “Сиз ўйиннинг нималигини биласизми?”, “Қандай ўйинлар сизга ёкади?”. Дарҳақиқат бундай саволлар қанчалик кўп ва ғалати туюлмасин, ҳар бир инсон “ўйин”ни ўзларича талқин қиласидилар.

Юқоридаги қатор саволларга жавоб топиш учун, аввало, ўзбек тилида нашр қилинган луғатларга мурожат қиласиз. Ўйин мотив натижасида эмас балки шу жараённинг ўзидан иборат фаолият тури. Кишилик жамияти тарихида ўйин сехргарлик, диний маросим ва бошқалар билан қўшилиб кетган: спорт, ҳарбий ва бошқа машқлар, санъат (айниқса, унинг ижро шакллари) билан узвий боғланган. Болалар тарбияси, таълими ҳам ривожланишда, уларни келгуси ҳаётга психологик жиҳатдан тайёрлаш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

“У ким? Бу нима?” - ўйини хақида “Болалар энциклопедияси”да қўйидагича таърифланади: “Қачонлардир, ўтмишдошларимиз ов ёки жангга жўнашдан олдин жанговор рақс ва ўйинлар ташкил этишган, нишонга олшида, чаққонлик ва куч синашда мусобақалар уюштиришган. Бундай машқлар уларга душман устидан ғалаба қозонишга ҳам ёрдам берган.

Сиз катта бўлганизда ким бўлишингиздан қатъий назар - шифокор ёки шофёрми, оператор ёки конструкторми, ўқитувчи ёки синовчи - учувчими. фойдали, хушчақчақ, қизиқарли ўйинларга албатта, зарурат сезасиз”, деб изоҳ берилган.

“Русча-ўзбекча лугат”да “игра” - ўйин, ўйнаш шаклида берилган бўлиб, қўйидагича изоҳланган: 1. Ўйин ўйнаш - болалар ўйинлари; копток ўйини; шахмат ўйини. 2. Жилва - товланиш, ялтираш. 3. Жимирлаш - вижиллаш, чайнаш, мавж. 4. Машқ - чалиш, ижро (чолғу асбобларида). 5. Ижро этиш -

ижро, ўйин, ўйнаш (актёрлар, актрисалар ҳақида). 6. Пинҳоний хатти-харакатлар - ниҳоят, ҳийла.

Ўйин ҳақидаги янада аникроқ маълумотни “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан топамиз. “Ўйин. 1. Кўнгил очиш, дам олиш мақсадида қилинадиган эркинҳаракат ёки машғулот. Болалар ўйини. Лой ўйини, эрмак учун лойдан турли нарсалар ясаш. 2. Бошқалар билан мусобақа қилиш учун маълум қоидалар асосида ўтказиладиган машғулот ва шу кабилар”.

Юқоридаги манбаларда “ўйин” ҳақида қанчалик таъриф, изоҳ, берилмасин, “ўйин”нинг маънан моҳияти тўлақонли ўзининг инъикосини топган эмас, чунки ўйинга бошқа фан соҳиблари ўз нуқтайи назарларини билдиришган. Ҳолбуки, “ўйин” жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари томонидан ўз таърифини топган.

Ўйин - тарихий, ижтимоий, фалсафий тушунчалардан иборат бўлиб, турли хил харакатлардан иборат бўлган мураккаб харакатли фаолиятдир. Ўйин инсонларга хос фаолиятнинг муайян шаклларидан биридир. “Ўйин” тушунчаси гўдакнинг шиқилдок билан бажариладиган оддий харакатларидан тортиб, спорт турида (баскетбол, гимнастика, кураш ва шу кабилар) амалга ошириладиган жисмоний фаолиятларни ўз ичига олади.

Ўйин шартли қўйилган мақсадга эришиш учун қаратилган фаолиятдир. Ўйинда қандайдир моддий бойликлар ишлаб чиқилмайди. Ўйиннинг мақсади ўзида. Чунки у шахснинг тарбияси ва шаклланишига умумий таъсир кўрсатади. Шу боис, ўйин ҳар доим педагоглар, психологлар, файласуфлар, санъатшунослар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар диккатини ўзига тортиб келган.

Ўйин - тарихан таркиб топган ижтимоий ходисадир. Масалан, болалар ўйинлари, стол устидаги ўйинлар, жўр бўлиб айтиладиган ўйинлар, харакатли ўйинлар, спорт ўйинлари ва ҳоказо. Ўйин ўзини англаш, кўнгил очиш, дам олиш воситаси, жисмоний ва умумижтимоий тарбия, спорт воситаси бўлиши мумкин.

Ўйин маданият унсури сифатида жамиятдаги барча маданиятлар билан биргаликда ривожланади, улар болалар ва ўсмирларни тарбиялашнинг фойдали воситасидир. У ҳамма вақт маълум мақсадга йўналтирлган ва турли-туман кўрсатмалар ҳамда ранг-

баранг мавзудаги фаолиятни ифодалайди. Ўйин фаолияти, ўйин - меҳнат билан болалик ёшидаёк умумийликка эгадир.

Ўйин - жуда ҳиссиётли фаолият, шунинг учун у болалар ва ёшларнинг тарбиявий ишларида жиддийликни талаб этади. Катта доирадаги ҳалқ ўйинлари болалар ва ўсмирлар орасида кенг тарқалган. Ҳалқ ўйинларининг ўзига хос хусусияти ҳаракатнинг ўйин мазмунида яққол ажralиб туришидадир (югуришлар, сакрашлар, улоқтиришлар, ташлашлар ва бошқалар). Бу ҳаракат фаолиятлари уларнинг сюжетларида мотивлашган (мавзу, ғоялар). Улар ўйин мақсадига эришиш йўлида Қўйилган турли хил кийинчиликлар, тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган.

Боланинг ўсиши ва ривожланиши билан ўйиннинг мазмuni ўзгаради, ўйин фаолияти дастлабки босқичларда оддий бўлса, кейинчалик у босқичма-босқич бойиб боради ва мураккаблашади.

Миллий курашда “ўйин” атамаси полvonларнинг бир - бирларига қўл силкитиб ёки сакраб, енгил ҳаракат қилишлари маъносини англатади. “Полvonлар, ўйнаб - ўйнаб олинглар”, деганда шу маъно тушунилади. “Нима учун ҳалқ ўйинлари ёки ўзбек ҳалқ ўйинлари” деб аталади? Бунинг учун ҳалқ сўзининг луғавий маъносини тилимизда эл, элат, миллат, аҳоли, халойик, оломон, бир гурӯҳ кишилар маъноларини англатади ва амалда қўлланилади, бу тилимиздаги ранг-барангликка хос хусусиятдир. Бинобарин, “ўзбек ҳалқи” ибораси ўрни келганда, ўзбек эли, ўзбек элати, ўзбек миллати дейилиши мумкин, бу ҳеч қандай тил қонун-қоидаларига ва мантиққа зид эмас.

“Ҳалқ сўзи” атамаси сифатида ўзининг қатъий белгиланган маъно-моҳиятига эга. Фикримизнинг исботи учун бир неча қиёсий мисоллар келтирамиз. Ўзбек ҳалқи ёки ўзбек ҳалқ ўйинлари деганда, Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатлар-у минтақаларда яшовчи барча ўзбекларни ёки ўзбек ҳалқ ўйинларини тушуниш керак. Ўзбекистон ҳалқи ёки Ўзбекистон ҳалқлари уйинлари деганда, факат республикамизда яшовчи барча аҳолини ёки барча ҳалқлар ўйинларини тушунмоқ керак. Чунки улар орасида ўзбеклардан ташқари турли ҳалқлар, фуқаролиги йўқ; ёки фуқароликдан маҳрум

етилган кимсалар, мухожирлар, чет эл фуқаролари ва шу кабилар ҳам бўлиши табийдир. Ҳўллас, Ўзбекистон халқи деганда республикада яшовчи ялпи аҳоли ёки ўзбек халқ ўйинлари деганда фақат ўзбек халқига тегишли бўлган ўйинларни тушунмоқ жоиздир. Қадим вақтлардан бери халқ ҳаётий мазмунининг сиёсий, иқтисодий, маданий, майший Томонларини ўзида мужассамлаштириб келган нарса - бу ўзбек халқ ўйинларива жисмоний машқлар эди. Илк замонларда уларнинг аксарияти мол боқиш, ёвойи ҳайвон, күш ва балиқларни овлашга қаратилганди. Тарихимиз оханграболигини ҳеч қачон йўқотмаган. Истиқололга эришгунга қадар ҳар биз халқимизнинг жуда қўп шонли анъаналирини бой бердик, лекин анъанавий халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари батамом йўқолиб кетмади. Уни халқ ўз фарзандини эъзозлагани каби авайлаб, ишонч кўзи ила саклаб келди. Қанчалик тақиқлашлар, таъқиблар бўлмасин, улар катталардан кичикларга, авлоддан авлодга ўтиб келаверди. Уларни бир ёки бир нечи киши яратган эмас, уни халқ яратган, шунинг учун ҳам йиллар бўронига дош бериб, асрлар оша яшайверади.

Ҳалкнинг ҳар қандай ўйини меҳнат, турмуш тарзи ва теварак – атроф билан узвий боғланган. Бу айниқса, турли жойларда яшаётган ўзбек халқининг ўйинларида яққол кўзга ташланади. Масалан, ҳамма жойда узокни чамалаб мўлжалга улоқтириш, ташлаш, ирғитишлар мавжуд, лекин тоғлик ўзбеклар нишонга ёки узокқча тош, текислиқдагилар эса кесак, лой, таёқ улоқтирадилар (“Қадама таёқ”, “Аниқ мўлжалга”, “Мерғанлар” ва бошқа ўйинлар).

Ҳалқ ўйинлари азалдан инсоннинг турмуш тарзида ўзига хос ўрин тутиб, болалар ва ёшларга таълим-тарбия беришининг асосий воситасисаналган. Жамият тараққиётининг ҳар бир даврида халқ ўйинлари белгиланган мақсад ва вазифалари билан шу жамият манфаатлари йўлида хизмат қилган. Ўзбек халқ ўйинлари шу жамият манфаатлари йўлида хизмат қилган. Ўзбек халқ ўйинлари шу қадар қўп бўлганки, бир қишлоқ ўйинлари иккинчисидан, бир шаҳар ўйинлари бошқа ўйинлардан фарқ қилган. Тарихий манбаларга қараганда, ўзбек халқининг миллий спорт турлари ва миллий ўйинлари кишиларни фаол, сермаҳсул ишлашга тайёрлаган. Бунда миллий ўзбек ўйинларининг умумий миқдори, билимдонларнинг фикрича, 3-5 мингдан кам эмас.

Бу ўйинларнинг ҳар бири ҳалқимизнинг орзу-истаклари, умидлари, қувонч-у ташвишларини ўзида мужассамлаштирган. Улар йиллар давомида шаклланиб, мукаммал холга келган, маълум бир қоидалар асосида бирлаштирилиб, ҳар хил турларга ажратилган. Халқ орасидаги ўйинлар доимий ва мавсумий бўлиб, ҳатто шаҳар ва қишлоқларга, кичик вва катталарга, кундуз ва оқшомга хос ҳарактерга эга бўлган (У.Қорабоев, 1991).

Маълумки барча ўйналадиган ўйинлар билан бир қаторда, турли касб эгаларининг ҳам ўзига хос ўйинлари бўлган. Баъзи тадқиқотчилар фикрича “улок” (кўпкари) ўйини чорвадорлар орасида кенг тарқалган экан. Чорвадорлар орасида “кўпкари” (улок), “жунтўп”, “чимтўп”, “подачи” каби ўйинлар ўйналган (кўпгина шарқ ҳалкларида, жумладан, ўзбек чорвадорлари орасида кенг “човган” тарқалган “чимтўп” ўйини асосида хозирги вақтда бутун дунёда ўйналаётган “Чим устида хоккей” спорттури вужудга келган).

Ўйин жараёнида болалар дунёни англабина қолмай, балки турли вазиятларда мустақил ҳаракат қилишни ўрганадилар. Ўйин болалар ҳаракатининг фаол кўринишларидан биридир.

Ҳаракатчан ўйинлар кўпчилик ва якка ўйинларга бўлинади. Кўпчилик ичида ўйналадиган ўйинлар аҳлоқий аҳамиятга эга бўлади. Якка ҳаракатчан ўйинларда бола шароит ва мақсадни ўзлаштириши, мувофиқ йўлни ўзи танлаши мумкин (А.К.Атаев, 1990).

Ўйинларда, асосан, соғлом, ўз кучига, имкониятларига ишонган болалар иштирок этишган. Ўйинларда болаларнинг ёши, жисмоний тайёргарликлари кўп ҳолларда ҳисобга олинмаган. Ўйин иштирокчилари, асосан, болаларнинг буй-бастига мувофиқ танланган. Чунки, болаларнинг бўйи ва гавдасининг тузилиши катта аҳамият касб этган.

Болалар ўйинларини ҳаракатли ўйинлар ва маънавий (сўз) ўйинлар тарзида икки гурухга ажратиш мумкин.

Ҳаракатли ўйинларда бирор предмет (ўйинчок) ёки сўз (кўшиқ) хал қилувчи рўл ўйнайди, улар бутун ўйин давомида бошқарувчилик, восита вазифасини бажаради. “Чиллак” ўйинида чиллак даста ва чиллак, “Данак яшириш” ўйинида данак ҳаракатни бошқарувчи предмет ҳисобланади. “Оқ теракми, қўк терак?”, “Бой хотин”,

“Мехмонмисиз?” ва бошқа талай ўйинларда сўз (кўшик) ҳаракатни бошқарувчи воситага айланган.

Г.Жахонгиров (1975) ўзбек болалар миллий ўйинларини тавсифлаган бўлмаса-да, ўзбек болалар фолклори материаллари асосида ўйинларда фолклор унсурларининг ўрнини шартли равища вазифаларга қараб ажратди: қўл чаққонлиги ўйинлари, топишмачоқ, тақлид, қувлышмачоқ, копток ўйинлари, чорвачилик, дехқончилик, боғдорчилик, аргимчоқ, сув ўйинлари, шеърий ва майший ҳарактердаги ўйинлар.

Хозирги кунда ўйинлар икки турга ажратилади: ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари. Югуришнинг ҳар хил турлари, сакраш, улоқтириш ва бошқа ҳаракатлардан ташкил топган ўйинлар ҳаракатли ўйинлар деб аталади.

Педагогик амалиётда ҳаракатли ўйинларнинг иккита асосий тури қўлланилади.

1. Озод, ижодий ёки эркин ўйинларда, ўйин қатнашчилари ўзлари ўйин режасини белгилайдилар ва белгиланган мақсадни ўзлари амалга оширишга ҳаракат қиласидилар. Гўдакларда, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда, қўпинча, улар сюжетли бўлади, роллар сюжетга боқлиқ ҳолда тақсимланади, шунинг учун психологлар уларни ролли деб атайдилар. Улар яккалик ва гурухли бўлиши мумкин.

2. Ўйнатилган қоида асосида ташкиллаштирилган ҳаракатли ўйинлар, раҳбарликни ёки болаларнинг ўз сардорлари бўлишини талаб қиласиди. Улар мазмуни ва мураккаблик даражасига кўра жуда рангбаранг:

А) оддий, жамоасиз ҳаракатли ўйинлар, қайсики ҳар бир қатнашчи қоидага риоя қилган ҳолда, ўзи учун курашади. Барча ўйин фаолияти бошқалар устидан тезлик, куч, чаққонлик каби сифатлар орқали шахсий устунликка эришишга йўналтирилган. Бу ўйинларда шахсий ташаббус кўрсатиш устунлик қиласиди;

Б) нисбатан мураккаб, жамоага ўтиш ҳаракатли ўйинлари, ўйновчилар, биринчи навбатда, ўз қизиқишлигини ҳимоя қиласидиган, лекин баъзан, шахсий хошишга кўра, ўртоқларига ёрдам беради, уларга кўмаклашади, ўйинда хужумчидан сакланиш - қутилишга ёрдам беради

(“доғлаш-қўлни бер”, “асир билан қочиб ўтиш”). Баъзан ўйновчи мақсадга эришиш учун бошқа ўйновчилар билан вақтинча ҳамкорликка кириши мумкин. Айрим ўйинларда бундай ҳамкорлик, ҳатто, қоидаларда назарда тутилган (“Оқ айик”, “Бўри ва қўйлар”);

В) жамоали ҳаракатли ўйинларда ўйновчилар алоҳида жамоа гуруҳларни ташкил қиласди. Улар жамоаларнинг умумий мақсадга эришишга йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолиятини ифодалайди, барча шахсий қизиқишлар ўз жамоаси қизиқишларига бўсундирилган. Ҳар бир ўйновчи фаолияти барча жамоа муваффақияти билан боғлиқ бўлади. Жамоали ўйинларда ўз фаолиятини ўртоқлари фаолияти билан мувофиқлаштириш зарур. Кўпинча, жамоали ўйинларда фаолиятни мувофиқлаштириш ва ўйиннинг умумий раҳбарлиги учун ўйновчилар ўртасидан жамоа сардорини ажратиш зарурияти пайдо бўлади, яъни бўйсуниш барча учун мажбурий ҳисобланган.

Айрим, жамоали ўйинлар ярим спорт тавсифига эга: улар ҳаракат техникасини, ўйин усули бўйича жуда мураккаб ва белгиланган қоидалар бўйича ўтказилади. Баъзи ўйинларда ролларни ихтисослаштириш талаб қилинади. Бундай ўйинлар айрим манбаларда ярим спортли деб аталади. Таълим - тарбия жараёнида халқ ўйинларини кенг қўллаш, ҳар хил педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун иш шароитини ҳисобга олиб, ўйинларниг маълум белгилари бўйича тўғри келадиганларини маҳсус саралаш талаб қилинади. Халқ ўйинларини таснифлаш бўйича ҳам турли ҳил қарашиб, фикр, ёндашишлар мавжуд.

Професор В.Г.Яковлев алоҳида ўйин гуруҳларини бирлаштириб, ўйновчиларни ўйиндаги ўзаро муносабатлари ва ўзаро фаолиятлари тамойилларидан келиб чиқиб, жамоали ҳаракатли ўйинларни педагогик таснифлашни тавсия қиласди, яъни жамоали ҳаракатли ўйинларни иккига ажратади:

1. Жамоаларни гуруҳларга ажратмасдан.
2. Жамоаларни гуруҳларга ажратиш билан.

Жамоалар гурухларга ажратилмайдиган ҳаракатли ўйинлар икки (ўйинбошисиз ва ўйинбоши билан)га ажратилади. Ўйинбошисиз ўйналадиган ўйинлар: ўз ўрни ва жамоа фаолиятидаги умумий тартиб учун курашади. Ўйинбоши белгиланган ўйинларда:

а) ўйинбошига қарши якка кураш; б) бу ўзаро қуллаб - қувватлаш ҳамда ўзаро ёрдам пайтида ўйинбошига қарши курашишга ажратилади.

Жамоаларни гурухларга ажратиб ўйналадиган ўйинлар ҳам иккига ажратилади, яъни: а) рақибга яқинлашмасдантуриб қатнашчиларнинг чиқишилари; б) рақибга яқинлашиб турган ҳолда қатнашчиларнинг чиқишилари. Уларнинг ҳар бири моҳиятига кўра янайкига ажратилади, лекин ҳаракат фаолияти бир-биридан фарқ қилмайди, жумладан: а) ўз жамоаси учун якка кураш; б) ўзаро қуллаб- қувватлаш ва ўзаро ёрдам пайтида ўз жамоаси учун курашиш.

Жамоали ҳаракатли ўйинлар чоғида асосий фаолият турлари бешга ажратилган:

1. Тақлид, ижодий, ритмик ҳаракатларни бажариш билан боғлик бўлган фаолият.
2. Тезлик ва чаққонлик, қисқа югуриб ўтиш билан боғлик бўлган фаолият.
3. Тўп, таёқ ва бошқа буюмлар билан чаққон ҳамда тезкор фаолият.
4. Сакраш, тўсиқларни ошиб ўтиш, куч ишлатиб, қаршилик кўрсатиш билан боғлик бўлган фаолият.
5. Мўлжалга олиш, кузатувчанлик, эшитиш билан боғлик бўлган, ҳаракат малакаларини кўллашни талаб қиласидиган фаолият. Бундай таснифлаш педагоги болаларда жамоа манфаатларини тушунишларни тарбиялашга йўналтирилади.

Ўйин материалларини бундай тақсимлаш алохида ўйинлар ўртасидаги методик изчилликнинг ўрнатилишини енгиллаштиради ва ўйиннинг мазмуни ҳамда шакли бўйича мураккаблик даражасини белгилашга ёрдамлашади. Л.В.Былеева (2002), М.Н.Жуков

(2004), Н.В.Луткова, Л.Н.Минина (2010)лар ҳаракатли ўйинларни қўйидагича таснифлашган:

1. Улар мазмунининг мураккаблик даражаси бўйича: энг оддийдан нисбатан мураккабга (ярим спортли).
2. Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш бўйича (7-9, 10-12, 13-15 ёшли болалар учун ўйинлар). Худди шу белгилардан умумтаълим мактаблари учун жисмоний тарбиядан дастурида ҳам фойдаланилган (1-3, 4-8-синфлар учун ҳаракатли ўйинлар).
3. Кўпроқ ўйин мазмунини ташкил қиласиган ҳаракат турлари бўйича (УРМ билан ўйинлар, югуришли ўйинлар, баландликка, югуриб келиб узунликка сакраш, ҳаракатдаги ва турғун нишонга улоқтириш ўйинлари, тўпни илиб олиш ва отиш ўйинлари).
4. Ўйинда кўпроқ намоён бўладиган жисмоний сифатлар бўйича (куч, эгилувчанликни тарбиялашга кўпроқ таъсир кўрсатадиган ўйинлар).
5. Спортнинг алоҳида турларига тайёрлайдиган ўйинлар. Ҳаракатли ўйинлардан техниканинг алоҳида усуллари ва тактикани жисмоний сифатларни тарбиялашда, у ёки бу спорт тури учун зарур бўлганларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш мақсадида фойдаланилади.
6. Ўйновчилар ўзаро муносабатларига боғлиқ ҳолдаги ўйин: а) ўйновчиларнинг бевосита “рақиб” билан чиқишилари; б) “рақиб” билан чегараланган ҳолда яқинлашиб ўйинларга киришиш; д) “рақиб” билан курашиш ўйинлари.

Айрим педагоглар ўйинларни ўйновчиларнинг ўзаро муносабатлари тамоили бўйича тақсимлаб, уларни “оддийларга” бўладилар, ҳар бири бошқаларга муносабатсиз мақсадда бўладилар, “мураккаблари” эса

ўйновчиларни гурухларга бўлиш билан жамоалар, партия, ҳар бири ўз жамоаси қизиқишиларини қўллаб-куватлади.

Сўнги ўн йилда халқ жисмоний тарбия воситаларининг назарий, ташкилий, методик ва амалий жиҳатлари ривожига ишлаб чиқариш таъсир кўрсатди.

“Карачаево - черкесс” автоном вилояти халқининг миллий халқ жисмоний тарбия воситалари қўйидагича тасниф қилинади.

1. Ишлаб чиқариш малакаларини такомиллаштириш учун (ов, ўтиш, пичан тўплаш, қўйларни жунини қайта ишлаш, тоғга чиқиш, тоғ дарёларидан ўтиш, тоғтирлик, қор устида юриш, оғирликни кўтариш ва олиб ўтиш ҳамда бошқалар.

2. Ҳарбий - амалий мақсадлар учун (кураш, от устида кураш, пиёдаларнинг от устидагилар билан кураши, хўқиз билан кураши, пиёда ва отда қиличбозлик, қўл жанги, камонда ва қуролдан ҳар ҳил ҳолатда отиш» отда чопиш ва ҳар ҳил масофага пойга, тик айланма тоғли жойдан тушиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, жигитовка, волтижировка, чавандозларнинг жамоавий ўйинлари “Қорачой полоси”, “Байроқ учун кураш”, енгил атлетика ва гимнастика машқлари ва х.к.).

3. Кўнгил очиш учун (болалар ўйинлари, чим устида хоккей, турли аттракционлар, силлиқ устун ва хўқиз терисидан қилинган арқон бўйлаб тирмасиб чиқиш ва бошқалар). Табиийки, жисмоний машқларни бундай ажратиш уларни қатъий чегаралаш имконини бермайди. Уларнинг кўпчилиги биринчи, иккинчи ва учинчи гурухларга ҳам киритилиши мумкин.

Р.Йўлдошева (1992) ўзбек ҳалқ ўйинлари, ҳалқ ижодий фаолиятининг бир туридир, дейди. Уларни меҳнатқаш ҳалқ яратди ва кенг ҳалқ оиласи давом эттириди. Ҳозирга қадар ўзбек ҳалқи ўзининг тантаналарини катта ҳалқ томошалари - сайиллари билан нишонлади. Илгари сайиллари диний саналар билан боғлиқ бўлган. Масалан, ҳар иили иккита катта байрам:

1. Рамазон ҳайити.

2. Қурбон ҳайити кенг миқёсида байрам қилинган.

Шулар қаторида:

1. Диний байрамлар.

2. Баҳорги ва кузги оммавий томошалар, сайиллар ўтказиш одат тусига кирган. Бундан ташқари:

1. От спорти ўйинлари.

2. Дәхқончилик ўйинлари.

3. Мусиқали ўйинлар (қарнай, сурнай, ногора, чилдирма).

4. Шеърий ўйинлар (шеър, саноқ, терма, қўшиқ).

5. Рақсли ўйинлар.

6. Дорбоз ўйини.

7. Ҳарбий - амалий ўйинлар.

8. Ҳарбий - спорт ўйинлари.

9. Ходаларда юриш ўйини.

10. Чорвачилик ўйинлари.

11. Таёқ ўйини.

12. Ҳайвонлар билан ўйинлар.

13. Қушлар билан ўйинлар ҳам меъёрида ўйналган.

Ўзбек халқ ўйинлари мазмунига кўра қуидаги таснифланади:

I - драммалашган ўйинлар:

а) ҳаётний (тарихий - ҳаётний, маданий - ҳаётний, касб - корлик - ҳаётний);

б) кулгули ўйинлар;

в) қўшиқ ва рақс ўйинлари.

II - мазмунли - ролли ўйинлар

а) мазмунли - ҳаракатли;

б) спорт ўйинлари;

III - ижодий ўйинлар;

а) ўзбек халқ эртаклари ва афсоналари асосида ўқувчилар

томонидан яратилган ўйинлар;

б) мақсадга мувофиқ бадиҳа ўйинлар, ўқувчиларнинг ўзлари яратадиган бошланиши бир ва оҳири ҳар ҳил ўйинлар, натижаси маълум бўлган ўйинлар;

в) ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини фаоллаштирадиган шеър тўқиши, қўшиқ, рақс, имо - ишоралар, тақлид қилиш ва ҳоказолар бажариладиган ўйинлар;

г) тасвирий ижодкорликка, ўйинлар учун керакли нарсаларни бажаришга доир ўйинлар.

д) С.А.Аслаханов (1993) чечен ва ингуш халқ жисмоний тарбия воситаларини педагогик ва ташкилий белгиларига асосан таснифланган:

1. Дарс типига мос келишлиги ўргатиш дарсларида ёрдамчи ва тайёргарлик; такомиллаштириш дарсларида асосий; предметли дарсларида ўрганиладиган ҳаракат фаолияти тузилиши бўйича;

2. Ҳаракат кўникмаси ва малакасики шакллантиришга кўпроқ таъсири бўйича;

3. Ҳаракат кўникмаси ва малакасики шакллантиришга кўпроқ таъсири бўйича;

4. Дарсни ўтказиш жойи бўйича.

“Бизнинг фикримизча, - дейди у - халқ ўйинлари ва жисмоний машқлари, жисмоний тарбиянинг назарий ва услубий асоси ҳолатларига мос ҳолда тизимлаштириши, мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчиларини сғуллаштириш - бадантарбия ва оммавий - спорт ишларида муносиб ўрин эгаллаши мумкин”.

Ўтказилган изланишларимиз натижаси - халқ ўйинларини ёзиб олиш, илмий экспедициялар, савол - жавоб ва махсус адабиётлар таҳлили ўзбек халқи нақадар катта маънавий - моддий бойликка эга эканлигини кўрсатди. Ҳалқ ўйинлари шунчалик ранг-баранг, турли-туманки, улар бамисоли ҳали ўз бойликларини яшириб ётган бир хазина, бу хазинанинг калитини излаш, топиш зарур. Калит эса халқ орасида,

халқнинг қалбидадир. Калитни топиш ҳар кимга ҳам насиб қиласвермайди, лекин астойдил изланган, тинимсиз ҳаракат қилган, ҳар доим мақсадига эришган одам бу калитни топишга муваффақ бўлади. Ўзбек халқ ўйинларини ижтимоий- тарихий келиб чиқишига нисбатан шартли равища қуидаги таснифлаш мумкин:

1. Мехнат ўйинлари.
2. Миллий ҳаракатли ўйинлар.
3. Миллий спорт ғйинлари.
4. Саёҳат.
5. Мусиқа ва рақсли ўйинлар.
6. Жониворлар билан ўтказиладиган ўйинлар.

Юқоридаги ажратилган ҳар бир гурӯҳ ўзининг мазмуни, йўналишига кўра яна гурӯхчаларга бўлинниб кетади. Масалан, меҳнат ўйинлари овчилик, чорвачилик, дехқончилик, майший тасвирдаги ўйинларга бўлинади. Маълумки, инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратадиган нарса меҳнат ҳисобланади, шунингдек, ўйинлар ҳам меҳнат маҳсулидир, шунинг учун ҳам биз биринчи гурӯхни меҳнат ўйинлари деб атадик. Меҳнат ўйинлари инсонларга кўтаринки рух хушчақчақлик, яхши кайфият бағишилаган. Дарвоке, аждодларимизнинг овчилик ўйинлари вужудга келган бўлса, чорвачилик асосида қушлар ва ҳайвонлар ўйинлари, дехкончилик асосида полиз ва бодорчилик ўйинлари шаклланган. Ҳар кандай ўйиннинг асосини ҳаракат ташкил килгани учун халқ ўйинларининг катта бир кисми узбек халқ миллий ҳаракатли ўйинлари деб аталади. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “ҳаракат тириклик меъзонидир”, ҳаракат бу юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш ва ҳоказолар демақдир. Ўзбек миллий ҳаракатли ўйинлари ўғил ва қиз болалар учун алоҳида ўйинлар, варрак (ўғил болалар учун) мавсумий ўйинлар (баҳор, ёз, куз, қишлоғ), тунги ва қундузги ўйинлар, топишмоқли, тақлидли, копток, сув ўйинлари, қувлашмачоқ, арғимчоқ билан бажариладиган ўйинларнинг катта бир силсиласини ташкил

қиласи. Ўзбек миллий ҳаракатли ўйинлари ўғил ва қиз болалар учун нисбий равища ажратилган бўлса-да, аслида ўсмирлар, ёшлар ва баркамол ёшдаги кишилар учун ҳам мослаштирилган.

Ўзбек халқининг севимли адиби Ойбек ўзининг қатор асарларида 30 тага яқин миллий халқ ўйинларини батафсил баён этган. Ёритилган ўйинлар халқнинг кундалик турмушини, ишини, юмушларини, расм-русумларини акс эттиради. Шунинг учун Ойбекнинг ўзи “...мен ижодимни халқ тақдири билан боғлашга ҳаракат қилдим, халққа фойдали иш қилишга, унинг орзу- умидларини ифодалашга интилдим, халқнинг қувоchlари ва қийинчилиқларига ҳамдард бўлдим”, дейди. Бинобарин, у хақ гапни айтган эди:

*Ёши ўртоқлар бир замон  
Сиздек бир бола эдим,  
Лақабим - “Митти половон”,  
Юмалоқ, қора эдим.  
Сакрадим томдан – томга,  
“Бойинчоқ” ит ёнимда  
Ошиқ, чиллак ўйнардик,  
Сўнг кўчада шомгача. (“эски ва янги болалик”)*

Ёш Мусо халқнинг азалий ўйини бўлиб келган “Ошиқ” ўйинини жуда моҳирона ўйнаган. Бу унинг чамалашни, мўлжални тўғри олиш, чаққонлигидан, нишонга аниқ уришидан далолат беради, акс ҳолда “Эсимда қолганларидан” шеърида уни бунчалик таъриф эта олмасди:

*Ошиқ ўйнар эдик доийим  
Нонҳўракка келган замон.  
Бир тўп бола ...чанг, тўполон,  
Кўчаларда юрар жойим.  
Киришаркан мен ўйинга,  
Ясси соққам иши берар.  
Курагидан чиқмай сира*

*Ошиқларни ҳўп терар.*

(“Ойбек асарларида халқ миллий ўйинларнинг ёритилиши”» 52-53 бетлар).

Ойбек баҳор пайтлари варрак ясашга ва учирешга жуда ишқибоз бўлган, ярим кечаси бўлса ҳам варрак учиреб ундан мароқланган: “Маҳаллада болалар томма-том юриб варраклар» катта баҳайбат қуроқлар учирадилар. Мен ҳам одатдагидек, ашаддий варракчиман... Мабодо, қуроғим йиртилса борми, дархол хужрага қириб, янгисини ясашга киришаман. Савағични баққолдан олиб келаман, ширачни ялиниб-ёлвориб бобомдан оламан... Шамол турганда қоронғи кечаларнинг қоқ ярмисида бўлса ҳам, чиллакдаги ипнинг ҳаммасини қўйиб, устунга боғлайман ва қуроқнинг вағиллаб учганини завқ билан эшитиб ўтираман” (“Болалик” қиссасидан).

Турони замин икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғида жойлашганлиги учун сув ўйинлари азалдан болалар ўртасида катта қизиқиши билан ўйналиб келинган. Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайхи васаллам “Ўғилларингизни сузишга ўргатинг”, деб бежиз айтмаганлар. Машҳур “Девон-у луҳотит турк” асарида сув хақидаги “сув юзига чиқиши”, “қалқиши”, “сув чуқурлашди, кўпайди”, “кечди, ўутди”, “сув”, “денгиз, ариқ, қирғоқ”, “сакради”, “у сувда суzmок истади”, “сакрашди, ирғиши”, “шўнғиши”, “чўмди, шўнғиди”, “тўқилланди, мавжланди”, қумди”, “сузди”, “сув йўли” каби сув билан боғлиқ иборалар учрайди. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё бўйларида яшаганларнинг “Чумурди қочди”, “Олма менда”, “Топағон” ва бошқа ўйинлар севимли машғулоти ҳисобланган.

Ўзбек халқ ўйинлари ичида миллий спорт турлари етакчи ўринда туради. Миллий спорт турларига - кураш, юриш, пойга, сакраш, сузиш, чавғон, нард ва шатранж, суюк ёки тош синдиришмуалликчилик, тош ёки оғирлик кўтариш; ҳарбий - амалий спорт турларига - чавандозлик, тийрандозлик, қиличбозлик, таёқбозлик, муштлашиш, сапқон ёки

палахмондан отиш кабилар киради. Бинобарин, болалар ўртасида ҳарбий- амалий тавсияга эга бўлган ҳаракатли ўйинлар ҳам кўплаб ўйналган. Чавандозлик энг қадимий спорт тури ҳисобланади. У билан боғлиқ бўлган “Кўпкари”, “Пойга”, “Ағдариш”, “От устида қиличбозлик”, “Чавғон”, “Қовоқ”, “Қиз қувмок” каби спорт турлари ҳам халқимиз орасида мавжуд. Спортнинг қиличбозлик турида ҳам аждодларимиз жуда машҳур бўлишган. Ибтидоий жамиятда ҳам асосий ов қуролларидан бири таёқ ҳисобланган. Ҳозирги пайтда таёқ ишлатиш санъати фақатгина шарқ якка кураши ўйинларида қолган.

Қадимдан халқимиз тўғри, чиройли одим ташлашга эътибор билан қараган ҳамда юриш қоидаларини ҳам яратганлар: “Юрганда кибр-ҳаволик қилиб юрмаслик. Атрофга алангламаслик. Бошқалар ортидан кузатмаслик. Кексаларни қувиб ўтмаслик. Шерикларини қуттириб қўймаслик ва бошқалар” юришнинг асосий мезони ҳисобланган. Амир Муҳаммад дедиларки “...Юриши ва рафтори шу қадарлики Машҳаддан Хуросонгача, яъни Ҳиротгача бўлган 60-65 фарзанлик мاشаққатли йўлни икки кунда пиёда босиб ўтган”. Қадимда ўтқазилган юриш мусобақалари асосида ҳозирги спортдаги юриш тури пайдо бўлган. Халқ афсоналари, эпслари ва ривоятларида айтилишича, баландликдан баландликка, узунликдан узунликка сакраш ёшлардаги чақонлик, эпчиллик, сакровчанлик каби жисмоний сифатларни ривожлантириш воситаси бўлган. Жалолиддин Румий ёшлиқдаги бир воқеани шундай эслайди: “ ... Эй факихбачча, кел, беллашамиз, мард бўлсанг, анови томга сакра... Болалар том лабига келиб, пастга қарашди: ўртада қуюқ бўталар ўсиб ётар, икки ўйнинг орасидаги масофа, чамаси беш газдан кам эмасди...” “Бойсун нохиясидаги Сайроб қишлоғида истиқомат қилувчи Тураб полвоннинг айтишича, қадим-қадимда Бойсунда Насимқул деган номдор эгарнинг тепасига ўткир пичоқ боғланган отнинг устидан bemalol сакраб ўта олган. Халқ орасидаги ривоятлардан яна бирида айтилишича, Назарбек деган чапдаст йигит қаторлаштириб

қўйилган етти эшакнинг устидан сакраб ўтган”. Абу Али ибн Синонинг бадантарбия тизимида ҳам “баланддаги бирор буюмга сакраб осилиб олиш”, “бир оёқда сакраш” каби машқлар берилган.

Сузиш - халқимизнинг миллий спорт тури саналади. Девон-у луҳотит турк” асарида болалар ва катталар ўртасида ўтказилган баҳслар хақида мисоллар келтирилган. Бинобарин, “сув кечиша”, “сакради”, “шўнғиди”, “сузди”, “чопруши”, дейилган (1.2. Бадойе ул-вакоје. 42-44. 113-114 - бетлар. З. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. Т., “Адабиёт васанъат нашриёти”. 1986 23-бет.), Сурхондарёда жисмоний тарбия ва спорт билан ўтказилган мусобақалар тасвирланган. Сувдан кечиш, сувдан кечиб ўтишмусобақаси, сузуб ўтиш баҳси ҳам берилган! Баланддан сакраб узоққа тушиш, сув тагида узоқ вақт шўнғиб юриш, шўнғиб узоқдан чиқиш мусобақаси. Ўтмишда аждодларимиз ўта чидамли, чиниккан, бақувват ва серҳаракат бўлишган. Бобур Мирзо ўзи хақида шундай ҳикоя қиласи: “...Менга ғулсга эҳтиёж эди”. Бир ариқ сувидаким, ёқалари қалин муз тунгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатдан яҳ боғламайдур эди, бу сувга кириб ғулсқилдим. Ўн олти қатла сувга чумдум. Сувнинг совуқлиги ҳейли таъсир қилди”. Зайниддин Восифий хурросонлик сузуvinинг маҳоратихақидагапиради: “... Сузишдаги қобилияти шу даражадаки, бир кун Фаридун Хусайн Мирзо Боғи Зогонда унинг икки қўлинин икки оёғига боғлаб қўйишни буорган. Уни чупчак қилиб ҳовузга отганлар. Пешин номоздан то номозшомгача у ўша ҳовузда шу аҳволда сузуб юрган”. Бобурнома...

Қадимда қуролсиз жанг қилиш усууларидан бири муштлашиш, яъни қўллар билан муштлашиш мусобақаси ўтказилибтурилган. Бобур ўз хотираларида, муштлашиш мусобақаларини ҳам тилга олади ва бир жойда ушлик “уришқоқлар” биринчиликни олганлар. Унинг ёзиича: унинг замондошлари орасида бир зарб билан отни қулата оладиган одамлар ҳам бўлган: “... Умаршайх Мирзонинг бисёр зарб мушти бор эди, унинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқтур... Яна Сайфий Бухорий

эди, маҳкам зарбмушти бор экан”. Р. Абдумаликов (1996) миллий спорт турлари хақида шундай фикрни билдирган: “...кўпкари (улоқ), пойга, баъзи бир қизиқарли ҳаракатли ўйинлар “миллий спортивиз” деб баралла айтилмоқда. Тўғри, ўйинларнииг мазмуни, қоидаси ва тарбиявий жиҳатлари ҳар қандай спорт туридан устун туради. Лекин уларга спорт мақоми берилмаганку. Республикаизда фақат “Ўзбекча кураш” (Фарғона ва Бухоро усуллари) нимиллий спортивиз деймиз.<sup>18</sup> У олтмишинчи йилларда шундай деб аталиш мақомига эга бўлган эди. Яъни у ягона спорт таснифига киритилган. Муаллиф фикрини давом этиб: “Спорт таснифига кирмаган турларни спорт деб аташ мумкин эмас”, деб қатъий эътиroz билдиради. Спорт таснифи, асосан, кейинги юз йилликларда ишлаб чиқилди, унгача ҳар бир миллий спорт турининг йўналиши, мазмуни ва халқ томонидан ишлаб чиқилган умумий қоидалари бор, сайил-томушалардаги баҳслар, курашлар халқ томонидан ишлаб чиқилган қоидалар асосида қадимдан ўтказиб келинган. Демак, биз хақли равишда юқорида қайд қилинган халқўйинларини фаҳр ва ғурур или “миллий спорт турларимиз” деб айта оламиз.

Халқ ўйинларининг тўртинчи бўлимини мусиқавий ва рақсли ўйинлар ташкил қиласи, яъни: мусиқавий, рақсли, қўшикли, шеърий, саноқ термалари, коса ёки товоқ ўйнатиш, қошиқ ўйнатиш, қўғирчок ўйнатиш, дорбозлик, масҳарабозлик ва қизқчилик, асиячи-қофиячи. Жониворлар билан боғлиқ ўйинларни халқ ўйинларининг бешинчи бўлимига киритилди: айик, бедана, илон, каклик, хўроз, капитар, хўқиз, қўчкор. Ўзбек халқ ўйинларининг олтинчи бўлими қилиб саёҳатни киритдик, чунки сайёҳлик ва саёҳат хақида гап кетганда бир нарсани алоҳида қайд қилмок даркор, яъни Шарқнинг барча мутафаккирлари ва алломалари муболағасиз айтиш мумкинки, улар ўзига хос сайёҳлар ҳисобланадилар. Саёҳат, ўз навбатида, сайр, сафар, саёҳатга ажратилади.

---

<sup>18</sup>Бобурнома, 10-бет. 2. Бадойе ул-вакоъе. № 113-114 - бетлар. 4. Бобурнома. 88- бет

Биз юқорида айрим халқ ўйинлари хақида тўхтадик, уларнинг баъзи бирларининг тарихи, мазмуни, қоидалари қисқача изоҳланади. Келажакда халқ ўйинларини янада чуқурроқ ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини кенг миқёсда амалга ошириш зарур. Чунки асрлардан асрларга, насллардан наслларга ўтиб келаётган халқ ўйинларида халқимизнинг ҳаёт фалсафаси, турмуш тарзининг қиёфаси ва қонуниятлари бутун борлиги билан акс этган. Қайси асар, қайси давр, қандай шароит бўлмасин ота-боболаримиз ўз зўрриётларининг баркамол инсон бўлиб етишишлари ҳақида ғамхўрлик қилганлар. Жисмонан бақувват, соғлом» руҳан тетик маънавий юксак, билим ва ҳунар соҳиби, аҳлоқан пок фарзандларгина авлоднинг ҳақиқий давомчиси ҳисобланган. Келажаги буюк давлатнинг эгаси - соғлом авлодни тарбиялашда халқ ўйинлари ўзига хос восита ва услугуб саналади. Халқ ўйинларини таснифлашдан мақсад шуки, уларни замонавий жисмоний машқлар, спорт ўйинлари билан уйғунлаштириш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, ўрта маҳсус ва олий ўқув юрти жисмоний маданияти дастурига мослаштириш, келажакда мукаммал илмий, назарий ва амалий билимлар, ҳаракат кўникмаси ҳамда малакаларининг мажмуасини ишлаб чиқишидир. Ундан ташқари, халқ ўйинларининг соғломлаштириш, таълим ва тарбиявий йўналишларини белгилашдан иборатdir.

## **2.2. Халқ ҳаракатли ўйинларнинг тикланиши ва шаклланиши**

Мустақил Ўзбекистоннинг равнак топиши, тараққиёти йўлида уни катта иқтисодий ва ижтимоий тўсиқлардан муваффақиятли ўтиши ва инсоний натижаларга эришиши ёш авлоду, меҳнаткаш фуқароларнинг нафақат ақл-идроқи, балки уларнинг саломатлиги, жисмоний баркамоллигига хдм бевосита боғлиқдир. Шуни ҳам айтиш керакки, одамзотнинг саломатлиги, серғайрат бўлиши, жисмоний камолотга эришиши нафақат уни турмуш тарзи, меҳнат ва уй-рўзгор фаолияти

билин таъминлайди, балки ҳар бир ҳалқни ўз тарихий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига хос бўлган мазкур ҳалқ томонидан кашф этилган миллий ҳаракатли ўйинлар, сайллар, урф-одатлар ва спорт турлари воситалари ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари, илмий анжуманларла муҳокама қилинаётган ҳалқ ҳаракатли ўйинлари мавзусига оид масалалар ўз ичига асосан мазкур ҳаракатли ўйинлар мазмуни ва қоидаларини такомиллаштиришдаги ўрни ҳақидаги маълумотларни олган. Маълумки, инсон ўз ҳаётида, ўқиш, меҳнат, дам олиш каби машғулотлар билан банд бўлади. Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида ўйин асосий фаолият ҳисобланади, ундан сўнг эса ўйин камайиб, унинг ўрнини ўқиш ва меҳнат эгаллайди.

Инсоният тараққиёти ва ижтимоий ҳаётининг турли даврларида ҳаракатли ўйинлар муҳим ўрин тутган. Ҳаракатли ўйинлар ёрдамида инсоният ўсган, улғайган, чиниқсан, жисмонан бақувват бўлган, ақлан, руҳан ривожланган, маънавий камол топган. Хуллас, ҳаракатли ўйинлар одамзод тараққиётида катта аҳамият касб этган. Бунинг сабаблари қуидагича:

Биринчидан, инсонда ҳаракатли ўйинга нисбатан табиий эҳтиёж бўлиб, у ҳаётдаги бўшлиқни тўлдирган, инсон танидаги ортиқча кучни сарфлашга, етишмаган кучни тўплашга ёрдам берган.

Иккинчидан, ўйинлар ҳалқ тарихининг ажralmas қисмидир. Ҳаракатли ўйинларда инсоннинг турмуши, меҳнати, тажрибаси, ташвиши, кураши, ютуқлари ўз аксини топади. Ўйинлар орқали биз инсоният тарихи, орзу- ўйи муаммолари, ниятларини ўргансак бўлади.

Учинчидан, ҳаракатли ўйин инсон маданиятининг энг қадимги кўриниши, кўпгина маънавий соҳа (ракс, томоша-театр, мусиқа, спорт, маросим каби)ларнинг чашмаси сифатида хизмат қилган.

Тўртинчидан, ҳаракатли ўйинлар авлод-аждодларимизнинг соғломлаштирувчи воситаси ҳисобланган. Ота-боболаримиз ҳалқ

ҳаракатли ўйинлари ва мусобақалари ёрдамида ақлан расо, руҳан тетик, жисмонан бақувват бўлиб келган. Соғлом авлодларни шакллантиришда ҳаракатли ўйинлар асосий омилга айланган.

Бешинчидан, ҳаракатли ўйинлар энг самарали тарбия воситаси. Болалар ҳаракатли ва бошқа ўйинлар орқали ҳаётга тайёргарлик кўради, турмушдаги қийинчиликларни енгишни машқ қиласи, иш ва курашда ғалаба қилишни ўрганади.

Олтинчидан, ҳаракатли ўйинлар аждодларимизнинг тажрибасинн ўзида уйғунлаштирувчи маданий мерос ва замондошларимизни, айниқса ёш авлодни ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишга хизмат қилувчи бебаадир.

Демак, ҳаракатли ўйинлар - ҳалқнинг табиий ва тарихий эҳтиёжи сифатида шаклланган, аждодлар турмуши, меҳнати, тажрибаси, кураши, ютуқларини бошқа шаклда акс эттирадиган, инсон маданиятининг энг кўхна шакллари, кўпгина маънавий соҳалар чашмаси, соғлом авлодни шакллантирувчи тарбия воситаси ва замондошларимизнинг жисмоний, руҳий, ақлий ривожланишига хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Маданий меросимизнинг узвий ва ажралмас қисми бўлган, авлод-аждодларимизга асрлар мобайнида руҳ, жон ва соғлиқ ато этиб келган ҳалқ ҳаракатли ўйинларини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш - миллий қиёфамиз, маънавиятимиз ва қадриятимизни юксалтириш демакдир. Ҳалқ ҳаракатли ўйинлари янги соғлом авлодни шакллантиришда ҳам ўта муҳим ўрин тутгани уларни биз кўз қорачиғидек асрашимиз, эъзозлашимиз ва улардан оқилона фойдаланишимиз зарур.

Минг афсуслар булсинки, XX асрда, аниқроғи, шўролар давридан бошлаб ҳалқ ҳаракатли ўйинлари ҳаётдан сиқиб чиқарила бошланди. Бунинг сабаблари кўп:

Биринчидан, ҳалқ анъаналарини таъқиқлаш тоталитар тузумнинг яширин миллий сиёсати натижасида эди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади

мамлакатда яъни миллий онг, миллий анъаналар, миллий тил ва маданиятни йўқ қилиш лозим бўлди. Бу сиёsat натижасида этник маданиятнинг муҳим қисми бўлган халқ ҳаракатли ўйинларига ҳам “эскилик сарқити” сифатида кураш олиб борилди. “Юқорида берилган кўрсатмаларга асосан халқ ҳаракатли ўйинлари намоёндалари устидан кулинди. Улар эски ҳаётни қумсовчи, онгсиз, тараққиёт деб айблланганлар. Албатта, ким ҳақ, ким ноҳак эканлигига тарих ўз баҳосини аниқлади.

Иккинчидан, қишлоқ ҳаёти шаҳар ҳаётига яқинлашди, кирадирлар ўзлаштирилди, ўйингоҳлар ва сайлгоҳлар ўрнига пахта ва бошқа экинлар экилди. Шаҳар ўйингоҳлари ўрнида баланд-баланд иморатлар қад ростлади. Анъанавий ўйингоҳларнинг йўқолиши нафақат халқ ўйинларининг йўқолиб боришига олиб келди, балки спорт турлари билан шуғулланишлар ҳам фақат белгиланган жойларга хос бўлган эди.

XX аср ўрталарида халқ ҳаракатли ўйинларини авлоддан-авлодга ўтиш анъаналари бузилди, кўплаб қадриятлар назардан унутилди. Минглаб қадриятлар ҳаракатли ўйинлар ичида бир неча халқ ўйинлари ва мусобақалари (кураш, улоқ, қиз қувди, от пойгаси) кабилар маълум маънода сақланиб қолди, холос.

Республикамида мустақиллик йилнинг бошланиши арафаси – 1991 йили баҳор фасли Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг илмий-методик кенгаши ташаббуси туфайли Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг ушбу “Халқ ўйинлари, миллий спорт турларини қайтадан тиклаш ва аҳолини жисмоний тарбиялашда улардан кенг фойдаланиш усувларига бағишлиланган жумҳурият илмий-амалий анжуманини” Жиззах вилоятининг Фориш туманида ўтказилиш қарор қилинди.

Бинобарин Жиззах вилоятининг Хокимияти ва ижроий қўмитаси қарорларига кўра Фориш тумани раҳбариятга жиддий масалани инобатга олиш, илк бор Жиззахда халқ ҳаракатли ўйинларини тиклаш ва

ривожлантиришга бағишлиланган илмий анжумани Абдулла Қодирий номидаги Давлат педагогика институтида ўтказилиши, сўнг халқ ҳаракатли ўйинлар байрамини Фориш туманининг кенг Қизил қир сайилгоҳида ўтказилиши тайинланди.

21 апрел куни Фориш тумани маркази Янгиқишлоқ атрофидаги, айтганимиздек “Қизил қир”да халқ фольклори ва ҳаракатли ўйинлари кўз курмаагни, қулоқ эшитмагани катта сайли бўлиб ўтди. Бу жодиёнанинг руҳини таърифлашга тил ожиз, қалам ожизлик қиласи. Уни фақат ўз кўзлари билан кўрганлар, қулоқлари билан эшитганларнинг муродлари ҳосил бўлган.

Ушбу тарихий сайт гувоҳи ёки иштирокчиси бўлган ўн беш мингга яқин форишликлар “ўзбек халқ ўйинлари” ва “миллий спорт туралари”.

Муаммоларига бағишлиланган Республика илмий-амалий анжумани қатнашчилари ҳамда меҳмонлари хотиралари билан ўртоқлашганда қайта-қайта бунга жаходар беришлари мумкин. Бу кунга муаррихлар кўп бор мурожаат қилишлари тайин. Негаки, шу кун бебаҳо меросимизнинг ажралмас бир қисми бўлган халқ ҳаракатли ўйинларини тиклаш учун илк қадам қўйилди.

Йўқолиб кетиш арафасида турган кўплаб ўйинларимизга беназир муйсафидларимиз ва мухтарама момоларимиз умр ато этдилар. Энди авлодлар улар ўргатган ўйинчиларни кўз қорачиғидан асрашлари зарур деб ёзган эди журналист Асрор Муминов спорт газетасининг 1991 йил 25 апрел ойида “Ўлкан дарахтнинг илдизлари баққуват бўлади” деган катта мақоланинг мавзусидир.

Шундай қилиб илк бор Форишда бўлиб ўттан“Халқ ҳаракатли ўйинлари ва миллий спорт турлари байрами”га собиқ совет мамлакатнинг турли жойларидан келган мутахассис-олимлар қайта тикланган ўзбек халқ ҳаракатли ўйинларининг 20-25 турлари ва - «Улоқ»-«Кўпкари», “Қиз қувмоқ” миллий спорт турлари намойиш

этиди. 1996 йил эса II Республика “Халқ ўйинлари” Олимпиядаси ҳам Форишда бўлиб ўтди. Анжуманлар 6 майда қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида бошланиб, 7 май куни гўзал ва азалий анъаналарга бой Фориш туманида халқ ҳаракатли ўйинлари ва миллий спорт турлари байрами давом этди.

Ҳар икки йилда ўтадиган халқ ўйинлари анжумани 1998 йил “Алпомиш” достони яратилганининг минг йиллигига бағишиланиб, Термиз шаҳрида фестивал бўлиб ўтди. Бу фестивал “Алпомиш ўйинлари” деб номланди. У аждодларимиз тарихида муҳим ўрин тутган Алпомишдек халқ қаҳрамонларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган “Найза отиб қочар”, “Камондан отиш”, “Бештош”, “Улкада кураш”, “Минди”, “Кураш” каби ўйинлар - мусобақалардан ташкил топди.

1999 йил - “Аёллар йили”га бағишиланиб, Жиззахда “Тўмарис” хотин-қизлар учун ҳаракатли ва спорт турлари янада Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлигига фестивальташкил қилиниб ўtkазилди. Агар “Тўмарис” жанг майдонида - ғолиб бўлган бўлса, бизнинг қизларимиз спорт майдонларида ғолиб бўлишига интилишди. “Тўмарис” фестивали - ўзбек хотин-қизларини спорт соҳасидаги турлари бўйича (югуриш, сакраш, улоқтириш ва х) “уйқуси”дан уйғотди, десак хато қилмаган бўламиз. Бу фестивал халқимиз орасида Тўмарисдек мард, жасур, кучли, гўзал қизлар борлигидан исботлаб берди. “Тўмарис” ўйинларидан хулоса қилиб айтиш керакки, - Соғлом онадан – соғлом фарзанд – ҳар томонлама етук саломат фарзандлар билангина эса келажаги буюк давлат кўришимиз барчамизга маълум хақиқатдир.

Фарғона вилоятида кўп ўтмасдан 2000 йилда бўлиб ўтган «Алпомиш ўйинлари» - II фестивали халқ ўйинларининг яна бир поғонага кўтарилиганидан далолат берди. Фестивал таркибиға кирган “Кураш”, “Елкада кураш”, “Минди”, “Ёйдан отиш”, “Олиб қочар”,

“Бўрон” каби мусобақалар бўйича спортчиларнинг тажрибаси кучайганлиги ва бу ўйинларга қизиқиши ошганлиги ҳам маълум бўлди. Бундай фестиваллар 2002 йил - Буҳорода, 2003 йил - Андижонда, 2004 йил – Наманганда 2005 йил 4-10 май ойида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ерда Республика “Халқ ўйинлари” Ўзбекона Олимпиядаси ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Ватанимизнинг барча вилоятлари вакиллари қатнашди ҳамда Тошкент шаҳридан 14-та жамоа томошабинларга ўз худудларида доимий амалда бўлган ҳалқ ўйинлари ва миллий спорт турларини намойиш этишди.

Олимпиядаси дастурида: очилиш маросими, тикланган ҳалқ ўйинларининг намойиши, кўргазмали чиқишлиар, кўрик танловлар, Республика вилоятлари ғолибларининг мусобақалари, ғолибларни тақдирлаш ва ҳоказо тадбирлар ўз аксини топди. Энг асосийси, бу ўйинларга ҳалқда катта эҳтиёж бор эди. Зеро энг яхши ҳалқ ўйинлари, оддий, содда, ҳамма ўйнай оладиган, қизиқарли, шу билан бирга кучлилик, эпчиллик, мардлик, топқирлик, чидамлилик каби қимматли инсоний сифатларни ривожлантиришга катта ёрдам беради. Шу сабабли ҳалқ ўйинларининг тикланиши зарур эди.

1996 йил Тайланд пойтахти Бангкокда бўлиб ўтган бутун дунё ҳалқ ўйинлари фестивалида Ўзбекистон делегациясининг қатнашиши, ўзбек ҳалқ ўйинларининг “жаҳон миллий ўйинлари” гулдастасида ўзининг муносиб ўрин олишига имкон яратди.

Ўзбек ҳалқи ҳаётида кураш, улоқ каби ҳалқаро даражага чиқадиган ўйинлар кам эмас. Уларни чуқуррок ўрганишимиз ва тарғиб қилишимиз зарур. Бу борада ҳалқ ўйинларининг (кўплаб турларига бағишлиланган олимпиада, фестивал, байрам)лар ўтказиш билан бир қаторда, аниқ бир турига оид туман, вилоят ва республика мусобақаларини ўтказиш лозим.

Ўзбекистонда олимпиада фестивалининг очилиш тантаналарида вилоят хокими ҳамда маданият ва спорт ишлари вазирлигидан сўз

олишиб Фестивали доимо ўтказилса, бинобарин, “Бойсун баҳори” деганда Сурҳондарё, “Шарқ тароналари” деганда Самарқанд ёдга олинса, энди халқ ўйинлари фестивали дейилганда, халқимиз Жиззахни эсласалар деган таклифни билдирган эди.

Айтиш мумкинки, Юртимизда ўтказилган халқ ўйинлари, байрамлари ўзбек маънавий ва жисмоний маданияти тарихида янги ва учмас сахифа бўлиб қолди. Илк бор Форишда ўтказилган “Халқ ўйинлари байрами”да ёнган “машъал” республикамизнинг кўплаб жойларидаги азалий ўйин-томуша анъаналарини тиклашга имконият яратди.

### **2.3. Халқ ўйинларини жисмоний тарбия ва спорт амалиётида қўллаш имкониятлари**

Маълумки, ёш болаларни спорт билан мунтазам шуғуллантиришга жалб қилиш танлов асосида олиб борилади. Танлов дастурининг талаблари болани бўйи, оғирлиги, гавдасини тузилиши - қомати каби белгиларни аниқлаш ва уларга баҳо беришдан иборат. Бундан ташқари, танлов, психологик ва жисмоний қобилиятларни баҳоловчи синов воситалари ёрдамида қилинади. Мазкур синов натижалари у ёки бу спорт турига мос келса, бола шу спорт турига шу спорт билан шуғулланишга қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилади. Бу масалага тўғри ёndoшиш демакдир.

Спорт тўғаракларига танлов ўтказиш ва қабул қилишда халқ ўйинлари ёки уларни мазмунан шаклланган таркибий элементларидан фойдаланиш мумкинми? деган саволга туғилади.

- Ха, - деб жавоб берсак янгишмаган бўламиз. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Болани спорт малакасига ургатишда, мазкур малакани техник нуктаи назаридан классик намунаси, яъни нусхаси

намойиш этилади. Болалардан ана шу нусхани ўхшатиб бажариш талаб қилинади. Лекин бундай талаб техник маҳоратни кўчирма шаклида такомиллашишига олиб келиши мумкин, жумладан ўзига хос шахсий техник маҳорат шаклланмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу ўринда: “Техника” ўзи нима, у қандай маънони билдиради? - деган савол туғилади. Бу саволнинг жавоби талқин қилинаётган масалага тўғри ёндошишга ёрдам беради деб ўйлаймиз.

“Техника” атамаси аслида юононча (*tehnus*) сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “санъат” маъносини англатади. Милоддан аввал 776 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда Олимп тоғида юононлар худоси Зевс шарафига ўтказилган умумюнон байрами мусобақаларида иштирокчилар 2 филдиракли аравада тез юриш, муштлашиш, бешкураш спорт турлари бўйича ўз санъатларини намойиш этишган. Демак, спорт ҳам ўзига хос қоидалари асосида бажариладиган санъатdir.

Спорт малакалалари фақат муентазам равишда, мақсадга мувофиқ такомиллаштирилиб борилсагина санъатга айланади. Машғулотларда ҳаракат малакаларига янги техник услубларни кашф этиш шахсий техник маҳоратни ошишига олиб келади, ғалаба сари етаклайди. Техник томондан янги ҳаракат услублари кўпроқ вазиятли ўйинларда спортчи ёки ўқитувчи- устозлар томонидан кашф этилади. Масалан: волейболда японча усулда тўпни ўйинга киритиш ёки япон волейболчиси Морита кашф этган, ҳужумда қўлланиладиган ҳаракат финти; енгил атлетикада: “Фосбери- флоп” ўзининг баландликка сакраш усулини кашф этиб, уни бутун жаҳонга танидди. Демак, машғулотларда бўлажак спортчилардан бажариладиган бир ёки бир неча ҳаракат техникини нусхасини ижро этишни талаб қиласдан маълум даражада ижодий ҳаракат эркинлигини яратадиган имконият, вазият туғдириш керак.

Шуни айтиш жоизки, ижодий ҳаракат эркинлиги айниқса халқ ўйинларида, жумладан миллий спорт турларида, ҳаракатли ўйинлар жараёнида ўз аксини топади. Бундай ўйинлар ўз мазмуни ва ўйин

ҳаракатларини бажариш шартига қараб бўлажак спортчига зарур бўлган, яъни вазиятга муносаб малакаларни ривожлантиришга ёки ҳаракатни янги услубларини кашф этишга имкон туғдириб беради. Жисмоний сифатларни, махсус техник малакаларни такомиллаштиришда қўлланиладиган жисмоний машқлар кўпинча болалар организмига кескинроқ ва “чукурроқ” таъсир қилиши мумкин, натижада чарчаҳ ҳолати тезроқ вужудга келади.

Бу борада халқ ўйинлари ва умуман ҳаракатли ўйинлар болаларни чарчашдан чалғитувчи тарбиявий ва ижтимоий мазмунга эга бўлгани учун организмга анча енгилроқ таъсир этади. Шундай экан, бу ўйинлар танлаб олган спорт турига хос махсус малакаларни такомиллаштиришда жуда қўл келади.

Жисмоний сифатларни ривожлантиришда эса, айниқса ёш болаларда ўзбек халқ ўйинларини аҳамияти чексиздир. Чунки стандарт мазмунли жисмоний машқларни қайта-қайта бажариш бола организмida тезда толиқиши ҳолатларини вужудга келтиради. Бу ҳолат болани руҳиятига таъсир этиши натижасида руёбга келади.

Миллий ҳаракатли ўйинларни машғулотлар давомида қўллаш болаларда катта қизиқиш уйғотади, уларнинг кайфияти ва бошқа руҳий сифатларига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатлар эса организмда чарчаҳ асоратларини эртароқ вужудга келишига йўл қўймайди, зўриқиши ҳолатларини олдини олади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

### **2 – маъруза**

1. Миллий ҳаракатли ўйинларнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятига доир тушунчалар беринг?
2. Жисмоний ва руҳий сифатлар ҳамда спортга хос ҳаракат кўникмаларни шакллантиришда ҳаракатли ўйинларнинг роли нималардан иборат?
3. Ҳар ҳил спорт турларига хос ҳаракатли ўйинлар бўйича мисоллар келтиринг, улардан фойдаланиш афзаликларини тушунтиринг?
4. Ҳар ҳил спорт турларига хос ҳаракатли ўйинлар бўйича мисоллар келтиринг, уларадан фойдаланиш афзаликларини тушунтиринг?
5. Ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлар нималар билан фаркланади?

### **З БОБ. ТУРЛИ МАСКАНЛАРДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ**

#### **3.1. Ўқитувчи - ҳаракатли ўйинлар ташкилотчиси ва бошқарувчиси**

Жисмоний тарбия ўқувчиси ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиша қўйидагиларни назарда тутиши лозим:

1. Ўқувчиларнинг жисмоний баркамоллигига, саломатлигининг яхшиланишига, чиниқишига, тана аъзолари ва умумий иш қобилиятининг ўсишига ёрдам бериш.

2. Ўқувчиларда ҳар ҳил шароитларда эркин ҳаракат қилаолиш имконини берадиган билимлар ва керакли ҳаракат малакаларини хосил қилиш.

3. Ўқувчиларда ҳаётий фаолиятда ёрдам берадиган ақлий ва иродавий сифатларни таркиб топтириш.

4. Ўқувчиларни турли ўйинлар ва жисмоний машқларга қизиқтириш, кундалик жараёнлар тартибига риоя қилишга одатлантириш.

5. Ўқувчиларда ҳаракатли ўйинларни мустақил ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур билим ва малакалар ҳосил қилиш.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиша ўқитувчининг ташкилотчи ва тарбиячи сифатидаги вазифалари жуда кенг ва масъулиятлидир.

Ўйинлар аввало тўғри танланиши, шуғулланувчи болаларёши, жинси ва жисмоний имкониятларига мос бўлиши даркор. Ўйиннитўғри танлаш ва мақсадга мувофиқ равишда ўтказиш жуда муҳим аҳамиятгаэга. Аммо ўйин ҳамма вақт ҳам тарбиявий вазифаларни ҳал қилавермайди. Тарбия соҳасида яхши натижага эришиш учун ҳаракатли ўйинлартарбиявий руҳда ташкил қилиниши ва ўтказилиши керак. Ўйин раҳбари болалар жамоасини яхши билиши, ҳар бир ўйиннинг мазмуни вақоидалари билан батафсил танишиши, юксак педагогик маҳоратга

эгабўлиши лозим. Шундагина у ҳаракатли ўйинлардан кўзланган таълимни ватарбиявий мақсадларга эриша олади.

Болалар ўйин давомида ўз феъл-атвори ва шахсий хусусиятларини намойиш қиладилар. Бундан эса ўқитувчи уларнинг турли одатларини, салбий ва ижобий қизиқишлигини билиб олиши, тегишли тадбирларни белгилаши, ўйинни муайян йўналишга солиб, уларда софдиллик мардлик, ростгўйлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳурмат-иззат каби ҳислатларни шакллантириши лозим. Шу билан бирга у болаларга ўйин қоидаларини бузмаган ҳолда ижодий ташаббус кўрсатишда ҳар жиҳатдан ёрдам бериши керак.

Ўқитувчи ўйинларни ўтказиш жараёнида педагогиканинг дидактик принципларидан фойдаланиши ва доимо уларни амалга оширишга эришиши лозим. Ўқитувчи ўқувчиларга ҳар бир ўйиннинг мазмуни, вазифаси ва қоидаларини тушунтириб беради. Бу эса уларга ўйинга онгли муносабатда бўлиш, уни тўғри ўрганиб олиш, ўз ҳатолари ва ютуқларини тўғри тушуниш ва ўз ҳаракатларини ўртоқларининг ҳаракатларига қиёслаб таҳлил қилиш имкониии беради. Ўқувчининг ўйин машқларини ўрганишда ўқитувчига кўр-кўронга тақлид қиласвериши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ўқитувчи ўргатадиган ва ўқувчилар онгли равишида бажарадиган ҳаракатлар болаларда ташкилотчилик кўникмаларини тарбиялашда ёрдам бериши керак. Бунга ўйинни ўтказиш учун ўқувчилардан ҳакамлар ва уларнинг ёрдамчиларини тайёрлаш йўли билан эришилади. Ўқитувчи болалар билан ўтказиладиган ўйинлар бироз муайян қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлишига, ўйин жараёнида бажариладигаи ҳар бир вазифа амалга ошишига эришиши ва тўсиқлар қандай зabit этилишига кўра мураккаблаштириб борилиши зарур. Бу иш болаларни меҳнатсеварликка ўргатади, улардаги ирода кучини орттириб боради.

Ўқитувчи ўйинни ўтказишга тайёргарлик кўришда унинг аниқ вазифаларини белгилаб чиқади, бу вазифалар болаларнинг ёшига мос, яъни улар бажара оладиган бўлиши керак.

Ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишда ўқувчиларни иложи борича ташаббус кўрсатиб, фаол қатнашишга рағбатлантириш жуда муҳимдир.

Болалар ижодий фаоллик кўрсатиб ўйнсалар, ўйинлар уларда ташкилотчилик малакасини ўстиради. Кўзланган мақсадга эришиш учун ўртоғига ёрдам бериш, ўз холича ёки ўртоқлари билан дарҳол бир қарорга келиш - ижодий ташаббускорлик ҳисобланади. Агар болалар ўйинни илгари ўзлаштирган бўлсалар, ўйин пайтида уларнинг фаоллиги янада ортиши мумкин.

Ўйин пайтида болаларнинг фаоллик кўрсатиши ўқитувчининг ана шу ўйинни ўтказишга қандай тайёрланишига ҳам боғлиқ бўлади. Ўқитувчиининг ўзи ўйинни аниқ ва яққол тасаввур қилиши, ўйин пайтида ўйновчиларнинг ўзаро муносабатларини яхши тушуниши лозим.

Ўйин раҳбари кейинчалик болалар ўйинни қандай ўзлаштиришларига қараб, уларга сардорлик, ҳакамлик қилиш ишларини топшириши ва болалар ўйинга уюшқоқлик билан қатнашадиган бўлганларидан сўнг, улар орасидан ўзига ёрдамчилар тайинлаши керак. Шунда ҳам болалар ўйинини раҳбарнинг ўзи кузатиб турмоғи лозим. Ўйинни образли қилиб тушунтириш, энг муҳим омиллардан саналади. Бу иш айниқса, мазмунли ўйинларни сўзлаб беришда ғоят зарур бўлиб, ўйин қатнашчилари ўзролларини тўғри бажаришларида ёрдам беради.

Ўқувчилар ўйин мазмунини пухта ўзлаштиришлари учун раҳбар оғзаки тушунтиришни амалда кўрсатиш билан, яъни ўйиннинг айрим ҳаракатларини бажариб кўрсатиш билан олиб бориши лозим. Ўйин қоидаларини тушунтиришда, ҳаракатларни ифодалаб беришда, кўргазмали куроллардан фойдаланишда унинг аниқ вазифаларини доимо назарда тутиши зарур.

Ўйинларни режалаштиришда уларнинг мазмуни ва ўзаро боғлиқлигини ҳам унутмаслик муайян ёшдаги ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш вазифаларига мувофиқлигини ҳисобга олиши керак. Масалан, янги билим ва малакалар мавжуд билим ва малакаларга боғлаб бериши лозим. Айтайлик машғулотларда тўпни узатиш, илиб олиш, ўйнатиб олибюриш ва саватга ташлашнинг асосий қоидалари ўрганилган бўлсин. Мана шунга оид билим ва малакаларни мустаҳкамлаш учун “Тўп онабошига” ўйинини ёки уч варианти “Тўпўйинлари”ни тавсия этиш мумкин. Шунингдек бунда қатнашувчиларнинг ўсиш ва жисмоний тайёргарлик даражасига мосўйинларни танлаш ва ўтказиш лозим. Ҳар бир ўйиннинг ўзига хос хусусиятлари ва қийинчиликлари бўлади. Шунинг учун ўйинни танлашда ундаги қийинчиликларни ўқувчилар бироз куч сарфлаб енгаолишларини назарда тутиш керак.

Тўсиқ ёки қийинчиликларни енгишга, яъни етарли даражада куч сарфлашга мажбур қилмайдиган ўйин болаларда ҳеч қандай қизиқиш ўйғотмайди. Лекин куч талаб қиласидиган ўйин болаларнинг қўлидан келадиган бўлиши ҳам керак. Шундагина у болаларда ўзкучларига бўлган ишончни ҳосил қиласи ва уларга ижобий таъсир кўрсатади. Жуда енгил ёки хаддан ташқари оғир ўйинлар ҳам қизиқарли ўтмайди.

Ўқитувчи ўйинларни осондан қийинга, оддийдан мураккабга тамоилии бўйича белгилаши лозим. Ташкил қилиниши содда ва жамоаларга бўлинмай ўйналадиган ўйинлар оддий ўйинлар ҳисобланади. Бундай ўйинларнинг қоидалари жуда осон бўлади.

Тенг таркибли жамоаларга бўлиниб ўйналадиган ўйинлар бироз мураккаб ва энг мураккаб ўйинларга киради. Бундай ўйинларнинг қоидалари қийинрок ва мураккаброқ ҳам бўлади. Ўқитувчи таниш ўйинлардан нотаниш ўйинларга ўтишни ҳам назарда тутиши керак. Бу тадбир болаларни ўйинга қизиктиришда ёрдам беради. Янги ўрганиладиган ўйинлардаги ҳаракатларнинг таниш ўйинлардаги ҳаракатларга ўхشاши ва уларга ҳали болалар учун номаълум қоидалар

ва ҳаракатлар киритилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, ўқувчилар “Эпчил болалар” ўйинини биладилар, энди уларга “Икки аёз” ўйинини ўргатишмумкин ва бу иш анча осон бўлади. Чунки мана шу иккала ўйиннинг қоидалари ўхшаш, фақат иккинчи ўйин мураккаброқдир.

Шу тариқа ўрганиладиган ўйинлар аста-секин мураккаблашиб борса болаларда янги ҳаракат кўникмалари ҳосил бўлиб боради ва илгари ўрганилган ҳаракатлар такомиллашиб боради. Ўқувчилар ҳаракат кўникмаларини, шунингдек илгари олган билимларини пухта ўзлаштиришига эришмок учун ўйинларни мунтазам равища тақрорлаб бориши зарур. Аммо бу бир ҳил ўйинларни тақрорлайвериш лозим, деган гап эмас, балки мазмуни ҳар ҳил ўйинларниг маълум бир қисмини тақрорлаб туриш, ўқувчиларнинг ўйинларни пухта ўзлаштиришларига эришиш, уларнинг билим ва малакасини узлуксиз текшириб бориш, демакдир. Бу иш ўйин қатнашчиларининг камчиликларини ва йўл қўйган хатоларини аниқлашда, ўз вақтида тузатиша ёрдам беради. Болаларнинг ўйинларни пухта ўзлаштириши уларга бу ўйинлардан болалар оромгоҳи ва бошқа жойларда мустақил равища фойдаланиш имконини ҳам беради.

### **3.2. Жисмоний тарбия дарсларида қўлланиладиган ҳаракатлнўйинлар**

#### **3.2.1.I-IV синф ўқувчилариға мос ҳаракатли ўйинлар**

Ўқитувчи хар бир дарс учун болалар организмига ҳар тарафлама ижобий таъсир этувчи турли ҳаракатли ўйинларни танлаши ва уларни ўтказиша ҳар ҳил усуллардан фойдаланиб бориши лозим.

Дарсда, шунингдек турли ўйинларни ўтказиш жараёнида ўрганиладиган материалларнинг методик жиҳатдан изчиллигига алоҳида эътибор бериш мухим аҳамиятга эга. Чунки бу изчиллик биринчидан, дарснинг таълимий ва тарбиявий вазифаларини тўғри ҳал қилиш, иккинчидан, дарс материалларини тўлиқ ўтишга эришиш, учинчидан,

бутун дарс давомида ҳар бир машқни муайян меъерда амалга ошириш имконини беради.

Дарснинг бошида ёки ўртасида зўр эътибор беришни ва ўзаро мувофиқ мураккаб ҳаракатлар қилишни тақозо этадиган ўйин ҳамда машқлар ўтказилса, дарс охирида ўқувчиларнинг чарчаган тана аъзоларини бирмунча тинч ҳолатга келтирадиган ўйин ва машқларни ўтказиш керак. Масалан, дарс бошида болаларнинг дикқатини жалб қилиш учун “Ўйлаб топ”, “Хамма ўз жойига”, “Ман қилинган ҳаракат сингари ўйинлар ўтказилса, дарснинг асосий қисмида Қувноқ болалар”, “Қоч болам, қалҳат келди” каби серҳаракат ўйинларни ўтказиш тавсия этилади.

Ўрта ёшдаги ўқувчилар билан дарснинг асосий қисмида “Чўпон”, “Қўй ва бўри”, “Оқ тош”, “Оқ айиқлар” ва бошқа ўйинларни ўтказиш, дарснинг яқунловчи қисмида эса кам ҳаракатли “Пат”, “Пр-р-р...,(куш учишини ифодаловчи товуш)сингари ўйинларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Агар бутун дарс фақат ўйинлардан иборат бўлса, серҳаракат ўйинларни кам ҳаракатли ўйинлар билан, бир ҳил йўсиндаги ўйинларни иккинчи хил йўсиндаги ўйинлар билан навбатлаштириб ўтказиш керак.

Агар ўқитувчи бир спорт тури техникасининг айрим қисмини ўйин орқали болаларга ўргатишни ўзолдига мақсад қилиб қўйса, аввал ўйиннинг мазмuni ва йўналишини пухта ўйлаб олиши зарур.

Масалан, “Тўпни олдирма” ёки “Тўп илиш” ўйинлари ёрдамида болаларга тўп узатиш ва илиб олиш ҳаракатларини ўргатиш белгиланган бўлса, бу ишни фақат мазкур ўйинлар орқали амалга ошириб бўлмайди. Чунки ўйнаётганларнинг асосий эътибори тўпни тез узатиш ва илиб олиш билан банд бўлиб, ўйин техникаси элементларини бажариш эътибордан четда қолади. Агар бу иш тегишли методик кўрсатмаларга амал қилиб ва баъзи бир ўзгаришлар киритиб ўтказиладиган ўйинлар ёрдамида бажарилса, мақсадга эришиш мумкин.

Ўйновчиларни ортиқ чарчатиб қўймаслик учун ҳаяжонли ва эрмак ўйинларни кўп ўтказавермай, уларни болаларнинг жисмоний тайергарлик даражаси ва организм имкониятини ҳисобга олган ҳолда бошқа ҳилдаги ўйин ва машқлар билан қўшиб олиб бориш керак.

Ҳушёр ўқитувчи айрим болаларнинг чарчаш белгиларини (ранги учишини, харакатлари сустлиги ва ўйинни давом эттириш истаги йуклигини) дарҳол сезиб олади.

Жисмоний тарбия дарсининг муҳим хусусиятларидан бири вақтдан унумли фойдаланишdir. Бу тадбир дарсни унумли ўтказиш имконини беради. Ўқитувчи ўқувчиларни дарсда фаол қатнаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек ҳамма ўқувчиларга бериладиган топшириқлар бир меъёрда бўлишига эришиши лозим. Бунга эса ҳар бир ўйин ва ҳар бир иштирокчи учун вақтни аниқ тақсимлаш йўли билан эришиш мумкин. Агар ўйновчилар сони жуда кўп бўлса, бир неча гурӯҳ ёки жамоа тузиш, топшириқни бажариш учун белгиланадиган вақтни қисқартириш лозим.

Ўйин пайтида унинг қоидаларини бузган ўқувчиларни ўйиндан чиқариб юбориш эмас, балки, уларга жарима очколари бериш орқали “жазолаш” мақсадга мувофиқdir.

Ўйин бўлинниб қолишига йўл қўймаслик учун унга яхши тайёргарлик кўриш, ўйин ўтказиладиган жойни ва керакли асбоб-ускуналарни олдиндан тахт қилиб қўйиш лозим.

Ўқитувчи мактабнинг имкониятлари ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиб, ўқув дастурида тавсия этилган ўйинларни ўзгартириши ва уларга қўшимчалар киритиши мумкин.

Ҳаракатли ўйинларни ўқув йилининг чораклари бўйича режалаштиришда об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиш керак. Масалан, Ўзбекистонда декабрь, январь, февраль ойларидан бошқа пайтларда машғулотларни очик ҳавода ўтказиш мумкин. Бироқ об-ҳаво яхши вақтга мўлжалланган “Чиллак”, “Оқ тош”, “Қозик”, “Тегизсанг-

минасан”, “Байроқ учун кураш” сингари ўйинлар режалаштирилганида эҳтиёт учун уларнинг ўрнига бино ичкарисида ўтказса бўладиган ўйинларни ҳам белгилаб қўйиш керак.

Ҳар бир чорак оҳирида ўтказиладиган назорат машғулотлари учун турли жисмоний машқлардан иборат ўйинларни режалаштириш лозим. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг тайёргарлигини, эгаллаган малакаларини, ҳаракатларининг тезлиги ва ўзаро мувофиқлигини синаб кўришда ёрдам беради. Ўйин вазиятида тез фикр юритишни ўстириш мақсади билан ўйиннинг айрим усулларини ўргатишда шароитга мувофиқ ҳолда ўйинга “рақиб” ўйинчини киритиш ҳам мумкин. Болалар учун ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти уларда муайян жисмоний сифатларни ҳосил қилиш ва уларни такомиллаштириш билан чекланмайди. Ҳаракатли ўйинлар болаларда интизомлилик жамоада ўзини тута билиш ва унинг шарафи, обруси учун курашиш, ўртоқларига беғараз ёрдам бериш каби фазилатларни ҳам шакллантиради.

I-IV синф ўқувчиларида уюшқоқлик билан бир маромда юриш кўникумлариии ҳосил қилиш учун хороводли (доира бўлиб айланиб рақсга тушиладиган, ашула айтиладиган) ўйинларни, мусиқа жўрлигига ўйналадиган ўйинларни, шунингдек айтилаётган шеър матнига мос ҳаракатлар бажариладиган ўйинларни танлаш лозим. Шу мақсадда “Мусиқа жўрлигига юриш”, “Карусель”, “Ўйлаб топ”, “Кимнинг овози” сингари оммавий ўйинлардан, шунингдек; “Ўразан-буразан”, “Пат”, “Пр-р-р…”, “Оқ теракми - кўк терак” каби миллий ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бу ўйинлар жуда оддий ва осон бўлиб, улардан жисмоний тарбия дарсларида, хусусан дарснинг боши ва оҳирида самарали фойдаланиб келинаётир.

Турли ҳаракатларни бажаришда ижодий тафаккур ва мустақилликни ўстиришга бевосита ёрдам берадиган “Пр-р-р…”, “Пат”, “Ким келди” сингари мазмунли ўйинларни танлаш ва ўтказиш ҳам муҳимдир.

Агар дарсда бир нечта ўйин ўтказилса, улар турли йўсинда бўлиши, уларга ҳар ҳил машқлар ва ҳаракатлар киритилиши лозим. Ўқувчилар бир дарснинг аниқ вазифасини назарда тутиб, ана шу вазифани амалга оширишда ёрдам берадиган ўйинларни танлаши керак.

I-IV синф ўқувчилари га мос ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия дарснинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун мактаб дастурида ўйинлар бошқа материалларга нисбатан кўпроқ ўрин олади. Бунинг сабаби шуки, дастурга киритилган ҳар ҳил жисмоний машқларни болалар турли ўйинлар воситасида осонроқ идрок қиласидар ва ўзлаштирадилар. Масалан, уларга югуриб келиб узунликка сакраш кўникмасини ўргатиш бўйича алоҳида машғулот ўтказилса, ўқитувчи қўйган вазифа амалга ошмай қолиши мумкин. Чунки машқни тушунтириш, амалда кўрсатиш, бажариш ва қандай бажарилганини аниқлаш, ҳатоларни тузатиш ва ҳоказолар болалар учун зерикарли бўлади. Агар бу ишда “Бўри зовур ичидা” ўйинидан фойдаланилса, мақсадга осонгина эришилади.

Ҳаракатли ўйинларни асосан дарснинг асосий ва якунловчи қисмида ўтказиш тавсия этилади, чунки дастурда дарснинг кириш қисмида саф машқларини ўтказиш белгиланган.

Ўйинларда югуриш, сакраш, улоқтириш ёки ирғитиш каби ҳаракатлар бажарилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ёшдаги болалар билан асосан оддий ва ўртacha мураккабликдаги ўйинлар ўтказилади. Агар болалар етарли даражада тайёрланган бўлса, янада мураккаброк, яъни жамоаларга бўлиниб ижро этиладиган ўйинларни ҳам ўтказиш мумкин. Болалар бу ўйинларда “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” принципи бўйича биргаликда ҳаракат қилишни ўрганадилар. Бу ҳол бутун жамоанинг, жамоадаги барча иштирокчиларнинг масъулиятини орттиради;

Жамоали ўйинлар етарли даражада чаққонлик, ҳозиржавоблик, фаросатлилик ва жисмоний тайёргарликни талаб қиласиди ва айни вақтда бу хусусиятларни такомиллаштиради.

Жисмоний тарбия дарслари кўпинча турли ўйинлардан иборат бўлади ва уларга гимнастика ҳамда спорт ўйинларининг асосий турлари - баскетбол, волейбол ва ҳоказолар ҳам киритилади.

Ўқитувчи ҳаракатли ўйинлар ёрдамида жисмоний машғулотларни қизиқарли ўтказиши мумкин ва бундай ўйинлар ўқувчиларида турли ҳаракат кўникмаларини ҳосил қиласди.

Агар ўқитувчи ўз олдига ўқувчиларда спортнинг бирор тури бўйича ҳаракат кўникмаларини ҳосил қилиш вазифасини қўйса, айrim дарслар шу вазифани бажаришда ёрдам берадиган ўйинлардан иборат бўлиши лозим. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ўйин дарсларини ўтказиш ўқувчилардан айrim ўйин ҳаракатлари кўникмаларига эга бўлишни талаб қиласди.

Ўйин дарсларини ҳар ўқув чорагининг оҳирги ўн кунликларида ўтказиш мақсадга мувофиқроқдир. Чунки шунда ўқитувчига болалар қандай ҳаракат кўникмаларини эгаллаганини аниqlаш имконини беради.

Ҳаркатли ўйинлар жисмоний тарбия дарсларида ҳосил қилинган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш ва мустахкамлаш учун ҳизмат қиласди. Дарснинг асосий қисми муайян вазифани амалга оширишга, масалан, баскетбол ўйинининг асосий элементларини ўргатишига доир ўйин материалларидан иборат бўлса, унинг кириш қисмида “тўплар пойгаси” сингари ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда дарснинг асосий қисмига “Овчилар ва ўрдаклар”, “Отишма” ўйинлари киритилади.

Ўйинлардан фойдаланишда фақат уларнинг элементлари қанчалик тез бажарилганини эмас, балки бажарилиш сифатини хам алоҳида ҳисобга олиш зарур.

### **3.2.2. V-VII синф ўқувчиларига хос ўйинлар**

Ўрта мактабёшидаги ўқувчилар билан ўтказиладиган дарсларда ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбиянинг бошқа воситаларига ўрин беради.

бошлайди. Аммо ана шу ёшдаги болаларга мос ҳар ҳил ҳаракатли ўйинлар ҳам уюштириб турилади.

Ўқитувчи ҳаракатли ўйинларни ўтказиша V-VIIсинф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари уларнинг организми тезрок ўсиши билан ифодаланишини унутмаслиги ва шунинг учун дарсларда ўтказиладиган машғулотлар вақтида уюштириладиган ўйинларни астасекин мураккаблаштириб, мақсадга мувофиқлаштириб бериши лозим.

Ўйин жараёнида мазкур ёшдаги ўқувчилар ҳаддан ташқари оғир жисмоний ҳаракат қилмаслиги ва ўқитувчи уларнинг ҳар бирига тегишлича муносабатда бўлиши зарур. V-VII синфларда фойдаланиладиган ҳаракатли ўйинлар миқдори анча кам бўлиб, уларнинг материаллари ҳажми таълим-тарбиявий вазифалардан келиб чиқади.

Мазкур синфларда ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар ташкилий жиҳатдан ҳам, ҳаракатларнинг мазмуни жиҳатидан ҳам бирмунча мураккаброк бўлади. Бунда спорт элементларини ўз ичига, олган ўйинларга, шунингдек спорт ўйинларига кенгроқ ўрин берилади.

V-VII синфларда ҳаракатли ўйинларни дарснинг иккинчи ва учинчи қисмларида ўтказиш тавсия этилади. Дарснинг асосий қисмida ўқувчиларни биронта мураккаб спорт ўйинини ўрганишга тайёрлаш учун дарснинг тайёргарлик қисмига баъзи ўйинларни киритиш мумкин.

Ҳаракатли ўйинлардан кўзда тутиладиган асосий мақсад ўқувчиларни спорт ўйинларига тайёрлашdir. Бундай ўйинда муайян спорт ўйинига хос ҳаракат техникаси ва тактикасининг элементлари такомиллаштирилади.

Ишлаб чиқилган дастурга асосан ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиладиган дарслар чорак оҳирида, таътиллар олдидан меъёрий талаблар бўйича баҳо қўйилганидан кейин ўтказилади. Дарснинг пухтароқ бўлишига эришиш, шунингдек эгалланган кўникумаларни мустаҳкамлаш ва ўқувчиларга бериладиган юкламани нагруззани

ошириш мақсадида ўйинлардан дарснинг асосий қисми сўнгидан фойдаланиш мумкин.

### **3.2.3. VIII-IX синф ўқувчилариға хос ўйинлар**

Ўқув дастурларининг талаблари юқори синф ўқувчилари олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. VIII-IX синф ўқувчилари ижтимоий ва ишлаб чиқаришга хос ўйинлар билан шуғулланадилар. Бу эса ҳаракатга ўйинлар учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш ва уни тежашин талаб қиласди.

Бундай шароитда ҳаракатли ўйинларниң жисмоний тарбия дарсларида ва жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган бошқа машғулотларда етакчи ўрин олиши табиийдир.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятида ҳаракатли ўйинлар салмоқли ўрин тутади. Чунки улар асосан спортнинг ҳар ҳил турлари техникаси ва тактикасининг асосий элементлари киритилган ўйинлар билан шуғулланадилар.

Гарчи ҳаракатли ўйинлар машғулотларга киритилса ҳам, бунда спортнинг ҳар ҳил турлари бўйича орттирилган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Демак ўқитувчи ўйинни ўтказиш жараёнида ўйин ҳаракатларининг бажарилишини алоҳида эътибор билан кузатиши лозим.

Мазкур ёшдаги ўқувчилар учун тузилган мактаб дастурида гимнастика ва спортнинг бошқа турларига каттагина ўрин берилган. Ўз-ўзидан аёнки, дарсга киритиладиган ўйинлар ҳаракатларнинг у ёки бу элементларини ўзлаштиришга ёрдам берадиган машқлардан иборат бўлиши керак.

Агар дарснинг асосий қисмига спорт ўйинларидан бирортаси киритилган бўлса, унинг кириш қисмида шу спорт турининг тактикасига мос келадиган ҳаракатли ўйинларни ўтказиш жуда фойдалидир.

Дарснинг якунловчи қисмида ўтказиладиган ҳаракатли ўйинларниг вазифаси яхши дам олиш ва кайфиятни яхшилаш учун мушакларга зўр беришни камайтириш, нафас олиш органлари ва қон айланишини бирмунча тинчлантиришдан иборатdir. “Ўйлаб топ”, “Ман қилинган ҳаракат” сингари ўйинлар, диққатни синаш учун ўтказиладиган дарснинг якунловчи қисмидаги вазифаларни амалга оширишда ёрдам беради.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

### **3- маъруза**

1. Мактабгача ва турли таълим муассасаларида ва дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган ҳаракатли ўйинларнинг ўзига хос хусусиятлари хақида тушунчалар беринг. Мисоллар келтиринг?
2. Дарснинг тайёргарлик қисмида қўлланиладиган ўйинлар ва уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Дарснинг асосий қисмида қўлланиладиган ўйинлар моҳияти хақида тушунчалар беринг. Мисоллар келтиринг?
4. Дарснинг якуний қисмида қандай ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мумкин, уларнинг мақсади нималарга қаратилади?
5. Дарсдан ташқари ўтказиладиган ва байрамларда ташкил этиладиган ҳаракатли ўйинлар қандай хусусиятлари билан фарқланади?

## **4 БОБ. ЎЙИН РАҲБАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **4.1. Ўқитувчининг ўйинга тайёрланиши**

Ўйинни танлаш. Яхши танланган ўйин таълим ва тарбиямугафақиятининг муҳим шартидир. Ўқитувчи ўйинни ўтказишгатайёрланишда ўйинга қатнашувчиларнинг таркибини, ёш хусусиятларини, шунингдек; жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олиб, дарснинг асосий вазифаларини белгилаши зарур. Баъзан яхши ўйин танланса-да, лекин ўёмон ўтиши мумкин. Бундай ҳоллар танланган ўйин иштирокчиларининг қизиқиши ва хавасларига мос келмаслиги натижасида рўй беради ва тарбиявий вазифалар амалга ошмайди.

Ўқитувчи ўйинни танлашда машғулот қандай шаклда ўтказилишини (дарс тарзида ўтқазилса, ўйин унинг биринчи, иккинчи ёки якунловчи қисмида ўтказилади) билиши керак. Ўйин ўтказиладиган жой (спорт зали ёки майдонча, коридор ва х.к.), об-ҳаво ва ҳарорат ҳисобга олиниши керак. Агар ўйин қишида ўтказиладиган бўлса, ўқувчиларни фаоллаштирадиган ва жисмоний юкламаларни бир текисда тақсимлайдиган серҳаракатрок ўйинлар танланиши керак.

#### **4.1.1. Ўйинни ўтказиш шарт-шароитлари**

1. Аввало керакли асбоб-ускуналар, масалан, арқондан, жундан, лентадан, резинадан ясалган коптокчалар (резина коптокчалар юқори ҳароратда таранглигини йўқотмаслиги учун салқин жойда сақланади), волейбол ва баскетбол тўплари, иргитиш учун узунлиги 1 м таёклар, арқон, белбоғлар, байроқчалар, қифизлар, тахтачалар, болға, аптечка ва бошқалар, кўз оғрификасилидан сақланиш учун ҳар бир ўқувчининг кўз бойлагичи бўлиши керак.

2. Ўйин ўтказиладиган майдонча яйлов текисбўлиши, тикан, тошлар, шиша синиқлари ва бошқа кераксиз нарсалардан тозаланиб, доимо тоза тутилиши лозим.

3. Машғулот ўтказилаётган пайтда майдончада бегона кишилар бўлмаслиги керак. Чунки улар болаларнинг ҳаёлини бўлади ва уларни ўйиндан чалғитиб, ортиқча ҳаракатлар бўлишга мажбур этади.

4. Майдончани асбоб-ускуналар билан таъминлаш, бундан ташқари у ердаги табиий буюм ва нарсалардан ҳам фойдаланиш зарур.

5. Ўйинларни ўтказиша қуидаги гигиена қоидаларига риоя қилиниши лозим:

а) ўйин пайтида кийиладиган кийим ҳаракатларни кийинлаштирамайдиган, енгил бўлиши керак;

б) ёзда ўйиндан сўнг ювениш жойи; ўйин бошланишидан олдин майдончага сув сепилиши лозим.

6. Ўйинлар сувда ўтказилса, ўйновчилар шамоллаб қолмаслиги учун уларнинг сувда бўладиган вақти чегараланиши керак.

#### **4.1.2.Ёрдамчилар тайинлаш**

Ўқитувчи асбоб-ускуналарни тарқатиш ва ўргатиш, ўйин қоидаларининг бажарилишини кузатиш ва натижаларни ҳисобга олиб бориш учун ўзига ёрдамчилар танлаб олиши мумкин. Ёрдамчи - ўйиннинг бўлажак ташкилотчисидир. Ёрдамчи ўйин иштирокчиларига ҳолисона муносабатда бўлиши керак. Кенг жойларда ўйналадиган ўйинларни ўтказиша шу ўйинлар бўйича тажриба орттирган ўқувчиларнинг ўқитувчига ёрдамчи бўлиши мақсадга мувофиқдир. Соғлиги яхши бўлмаган ва жисмоний тарбия дарсидан озод этиладиган ўқувчиларни ўйинда кучи етганча қатнаштириш учун ҳам ёрдамчи қилиб тайинлаш мумкин. Баъзан интизомсизроқ ёки ҳаддан ташқари фаол болаларнинг хўлқини яхшилаш мақсадида уларни ҳам ўқитувчига ёрдамчи қилиб олиш мумкин.

Ўйинни болалар чарчашини кутмасдан, ҳаракатлар уларга қанчалик таъсир этаётганига қараб якунлаш лозим. Ўйиннинг қанча вақт давом этиши иштирокчиларнинг сони ва ёшига, ўйиннинг мазмуни ва

суръатгатехник ускуналарнинг (асбобларнинг) миқдори, об-ҳаво шароити ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Ўйновчиларнинг жўшқин холатларига қараб ўйинни тартибга солиш ва бошқариш, унинг мақсади, қоидалари ва аҳамиятини билиш керак. Ўқувчиларнинг ўйин қоидаларига риоя қилиши доимо ўқитувчининг дикқат марказида бўлиши лозим. Чунки ўйин қоидаларига риоя қилиш катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Ўқитувчи одилона ҳакамлик намунасини кўрсатиши, ўйновчиларнинг ҳатоларини шошилмасдаи ва мулоҳазакорлик билан қайд қилиб бориши ва ҳар бир ўйинчини умумий қоидаларга бўйсунишига мажбур қилиши керак. Ўйинда айниқса, гурухли ўйинларда, шароитни барча иштирокчилар учун бир ҳил бўлишини сезгирлик билан кузатиб бориш зарур. Ҳар бир болага ўйиндаги бош ролда ўз ўқуви ва билимларини аниқлаш имконини бериш мақсадида онабошиларнинг алмашинувини белгилаб қўйиш тавсия этилади. Ўйин муваффақиятли ўтишининг энг муҳим шарти - интизом ва унга қатъий амал қилиниши билан боғлиқдир.

#### **4.1.3. Ўйинга раҳбарлик қилиш**

Ўйинни ўрганиш ва ўйин пайтида болалар ўзларини қандай тутишлари кўпроқ раҳбарга боғлиқдир. Ўйин шартли ишора (буюриш, хуштак ёки қарсак чалиш, кўл ёки байроқчани силкитиш) билан бошланади. Ўқитувчи барча иштирокчилар ўйин мазмунини тушуниб олганига ва қулайрок жойга жойлашиб олганига қаноат ҳосил қилганидан кейин ўйинни бошлайди. Шартли чегаралар олдиндан белгилаб қўйилиши, ўйин учун зарур анжомлар ўйин қоидаларига мувофиқ бўлиб берилган ва жой-жойига қўйилган бўлиши лозим. Раҳбар ўйин бошланиши биланоқ унинг боришини ва ўйновчиларнинг ҳаракатларини дикқат билан кузатади ҳамда бошқариб боради. Бундан ташқари ўйин давомида айрим қоида ва усулларни қўшимча равища тушунтиради. Тузатиш, танбех ва мулоҳазаларни ўйиннинг боришига халақит бермайдиган ёки уни тўхтатиб қўймайдиган йўсинда айтиш лозим.

Агар ўйинчиларнинг кўпчилиги бир хил хатога йўл қўяётган бўлса, тегишли йўл-йўриқ бериш ёки ўйин қоидалари қандай бажарилишини кўрсатиш учун ўйинни тухтатиш мумкин. Лекин уни бақириш ёки кескин ишора билан тўхтатиш ярамайди. Катта мактаб ёшидаги болаларни “Дикқат!” деган шартли ишора ёки хуштак чалиш билан тухташга ўргатиш лозим.

Ўқитувчи болаларни ўйин қоидаларини онгли ва аниқ бажаришга одатлантириши керак. Бу одат уларни интизомга ўргатишда катта аҳамиятга эга бўлиб, болаларда ўз бурчини сезиш ва ўз хатти - ҳаракатлари учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, ўзини тута билиш ва матонатлиликни ўстиришда ёрдам беради.

Ўқитувчининг вазифаси - ўқувчилардан ўйин қоидаларини аниқ бажаришни талаб қилишdir. Аммо у болалар ўйинни ёмон ўзлаштираётгани учун уларни ўйиндан четлаштирмаслиги даркор.

Ўйновчилар йўл қўядиган хатолар ва қўполликларнинг олдини олишга алоҳида аҳамият билан қараш лозим. Қўполлик қилган ўйинчини албатта жазолаш керак. Бундай ҳолларда баъзи таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш, яъни вақтинча ўйиндан чиқариб юбориш, жарима очколари бериш мумкин.

Ўйинга раҳбарлик қилишда ўқувчиларни фақат эришиладиган натижаларга қизиқтириш билан чекланмаслик, балки уларда ўйин жараёнининг ўзидан завқ - шавқ ҳосил қилишга, лаззатланиш ҳиссини вужудга келтиришга ҳам жиддий эътибор бериш лозим.

Айниқса, унча фаоллик кўрсатмайдиган ўйинчиларнинг ташаббусини қўллаб - қувватлаш, рағбатлантириш ва бу билан уларда ўз кучларига ишонч ҳосил қилиш тавсия этилади.

Ўйновчилар ўртасида ўртоқларча, тўғри муносабат ўрнатишга ҳаракат қилиш, ғолибларнинг кеккайиб кетишлари ва ютқазганларнинг ўйиндан совишиларига йўл қўймаслик керак.

А.С.Макаренконинг ўғил ёки қиз болани ўзининг шахсий муваффақияти билангина эмас, балки хусусан ўз жамоаси ёки ташкилотининг муваффақиятлари билан ҳам фахрланиш руҳида тарбиялаш зарурлиги хақида

айтган гапларини хеч қачон унутмаслик керак. Шунингдек, болаларда ҳар қандай маҳтанчокликни бартараф этиш, рақиб кучига ҳурмат-эътиборни тарбиялаш, уларга уюшқоқлик, машқ қилиш ва жамоада интизом бўлишнинг ахамиятини тушунтириш зарур. Нихоят, болаларнинг уз муваффақиятлари ва мағлубиятларига жиддий муносабатда бўлишига эришиш керак.

Ўқувчилар ўйинни яхшилаб ўзлаштириб олишлари учун уни бир неча марта қайтариш, бунда улар ўйиндан қанчалик мамнун бўлсалар, уни шунчалик пухта эслаб қолишларини унутмаслик керак.

#### **4.1.4. Ўйиндаги интизомлилик**

Ўйиндаги интизомлилик ўқувчи ўйиннинг барча тартиб-қоидаларини, ўз зиммасига юклangan ҳамма вазифаларни онгли ва вижданан бажаришини билдиради. Бундай ўйинчи мақсадга эришиш учун ўз жамоаси билан биргаликда ҳаракат қиласи.

Онгли интизом ўйинни яхшироқ ўзлаштиришга, ўйинчилар кайфиятининг яхшиланишига ёрдам беради. Бунинг натижасида машғулотлар қизиқарли ва самарали ўтади.

Ўқувчиларни ўйинда ўз хатти-ҳаракатларига танқдий муносабатда бўлиш, бир-бирларига бегараз ёрдам бериш руҳида тарбиялаш билан ана шундай интизомга эришиш мумкин. Баъзан ўқитувчи ўйинни мантиқан тўғри ва аниқ тушунтириб бера олмагани сабабли, ўйин нитизоми бузилади. Ўқувчилар ўйин мазмунини етарли даражада англаб олмагани, тушунмагани учун ҳам қоидаларни бузадилар, ўзаро баҳслашадилар. Ўйинда ҳар хил хатолихларга йўл қўядилар ва бир-бирларига қўполлик қиласидилар. Раҳбар бу хатоларни ўқувчиларга яна бир марта ўйинни тушунтириш билан осонгина тузатиши мумкин.

Болаларнинг ўйин пайтидаги интизоми ўйинга тўғри раҳбарлик қилишга ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун интизом бузилганда ўқитувчи бунинг сабабини биринчи галда ўйинга раҳбарлик қилишда йўл қўйилган хатолардан қидириши лозим.

#### **4.1.5 Ҳакамлик қилиш**

Ҳар бир ўйин объектив ва одилона ҳакамликни талаб қиласи. Агар белгиланган қоидаларнинг бажарилишини дикқат билан жиддий кузатилмаса, ўйин ўзининг таълим-тарбиявий қимматини йўқотади. Ҳакамликни кўпинча ўйин раҳбарининг ўзи бажаради. Аммо бу ишни ўйновчилардан бирортаси (болаларнинг ўзлари сайлаган ёки ўқитувчи тайинлаган ўқувчи) бажаргани маъқулроқ. Бу тадбир болаларда ташкилотчилик малакаларини тарбиялашда ёрдам беради. Агар ўйинда болалардан бирортаси ҳакамлик қилса, раҳбар ўзининг фикр-мулоҳазаларини ўйновчиларга ҳакамлик вазифасини бажараётган ўқувчи орқали айтади.

Раҳбар - ҳакам ўйиннинг боришини дикқат билан кузатиши ва имкони борича ҳар бир ўйинчини назорат қилиб туриши лозим. Факат шундагина ўйиннинг натижасига объектив баҳо бериш мумкин. Шуни унутмаслик керакки, холис турмаган ҳакамга ўйновчилар ишонмай, у билан ҳисоблашмай қўядилар. Бундай ҳакамнинг обруси қолмайди.

Раҳбар - ҳакам жамоаларнинг кучи ва улардаги ўйинчилар сони teng бўлишини, шунингдек, иштирокчилар учун бир хил шароит яратилишини, яъни улар ўйналадиган жой, асбоб-ускуналар ва бошқалар билан бир хил таъминланишини ҳисобга олиши лозим.

Ҳакам ўйинда қўполликларга йўл қўймаслиги, ўйин усувларининг тўғри бажарилишини кузатиб туриши, ўйиндаги ҳаракатларни такомиллаштиришга ва чаққонликни орттиришга эътибор бериши керак. ҳакам ўйин жараёнида тарбиячи ролини ҳам бажариши, болаларга келгусида зарур бўладиган хислатлар ва малакаларни шакллантириши, ҳамда мустахкамлаши керак.

#### **4.1.6. Ўйин ҳаракатларини меъёрлаш**

Ўйинда бажариладиган ҳаракатларни тўғри меъёрлаш ўқитувчининг

муҳим вазифасидир. Ўйинни ўтказишга киришишдан олдин қилинадиган ишнинг режаси ва ўйновчиларнинг кайфиятини хисобга олиш лозим. Агар ўйин жисмоний ёки ақлий куч сарфланган дарслардан (назорат ишини ёзиш ёки шу каби бошқа машғулотлардан) кейин ўтказиладиган бўлса, ўйновчилар камроқ ёки ўртacha шиддатга эга ўйинларни танлаши керак.

Машғулот пайтида ўйинларнинг тезлиги - умумий ҳаракатчанлигини хисобга олиб, уларни ўзаро навбатлаштириб туриш лозим. Масалан, ҳамма иштирокчилар бир вактда югурадиган ўйиндан кейин тўп иргитиладиган ўйинни ўтказиш фойдалидир.

Ўйин суръатини пасайтириш, яъни ўйиндаги ҳаракат тезлигини камайтириш ўйиндаги ҳаракатларни муайян меъёрда олиб бориш ўйинни бошқариш усулларидан бири ҳисобланади. Ўйинда болалар жисмоний машқларни бажаришда қаттиқ, ҳаяжонланиб кетадилар. Шунинг учун ўқитувчи уларнинг кайфиятига қараб иш тутмаслиги: ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, тайёргарлиги ва саломатлигини ҳам ҳисобга олиши шарт. Ўқитувчионабошиларнинг ҳолати ва ҳаракатларини алоҳида кузатиб бориши, шифокорнинг ҳар бир ўқувчи ҳақидаги маълумотларини ҳам унумаслиги лозим. Қилинадиган ҳаракатларнинг муайян меъёри ўйин ўтказиладиган шароитларни ҳисобга олиб, уни ўтказиш методикаси билан белгиланади.

#### **4.1.7. Ўйин натижаларини якунлаш**

Ўйинни бесабаб чўзиб юбориш мумкин эмаслиги каби уни белгиланган вақтдан олдин тамомлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Раҳбар ўйинни болалар бир неча марта тақрорлагач ёки ўйин бошланганидан маълум вақт ўтгачгина тухтатиши мумкин.

Ўйин натижаларини якунлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўйин тугагач айрим ўқувчиларнинг ҳаракатларини ва умуман ўтказилган ўйинни баҳолаб, унинг натижаларини якунлайди. Бунда яхши ўйнаган ва ўйин қоидаларига риоя қилган болаларни алоҳида таъкидлаш зарур. Ўйинни

тахлил қилиш унинг қоидаларини яхшироқ ўзлаштиришга ва ўйин жараёнидаги келишмовчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради, шунингдек, ўқитувчига болалар ўйинни қандай ўзлаштирганини, уларга нималар маъқул бўлганини ва келгусидаги ишларни аниқлаш имконини беради.

Харакатли ўйинлар учун кундалик иш дафтарчаси тутиш фойдалидир. Ўқитувчи бу дафтарчага ўйинларни кузатишда ўйинчилар ҳақидаги маълумотларни ёзиб боради ва шу ёзувлар орқали уларнинг хатолари ва муваффақиятларини таҳлил қиласи. Бу иш ўйинларга ўргатиш методикасини яхшилаш ва уни шароитларга қараб ўзгартириш имконини беради.

## **4.2. Дарсдан ташқари ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар**

### **4.2.1. Танаффус вақтларида ўтказиладиган ўйинлар**

Танаффус вақтларида ўйинлар ўтказиш тарбиявий ва гигиеник жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ўқувчилар ёзда мактаб майдончасида, қишида эса спорт зали ва коридорларда ўйнашни яхши кўрадилар. Танаффус вақтларида кўпинча бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлари ҳар хил ўйинларни ўтказадилар. Ана шундай пайтларда етакчилар ёки юқори синф ўқувчилари уларга ёрдам беришлари керак.

Агар ўтказиладиган ўйин болаларга таниш бўлса, танаффус пайтида янада қизиқарлироқ ўтади. Лекин бу ўйинларнинг мазмуни ва қоидалари жуда мураккаб бўлмаслига билан бирга турли ёшдаги ўқувчиларнинг қўлидан келадиган бўлиши керак. Ўқувчилар ўйин жараёнида ўзларини эркин тутишлари, ортиқча куч сарфламасликлари ва ҳаяжонланмасликлари лозим. Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга “Пат”, “Пр-р-р...”, “Мушук ва сичқон”, “Бўшжой” сингари ўйинлар, V-VII ва VIII-IX синф ўқувчиларига эса “Айланма дарра”, “Тегизсанг-минасан” каби ўйинлар жуда мосдир.

Танаффуслардаги ўйинларни дарс бошланишига 2-3 дақиқа қолганда

тамомлаш керак. Ана шунда ўқув машғулоти бошланишидан олдин болаларнинг диққати бир ерга тўпланади.

#### **4.2.2. Мактаб кечалари ва байрамларда ўтказиладиган ўйинлар**

Мактаб спорт кечалари ва байрамлари ўқувчиларда соғлом ва қувноқлик кайфиятини яратишнинг энг таъсирли омилидир. Мактабдаги бундай тадбирларга киритиладиган ўйинлар фаол дам олиш воситасигана эмас, балки мактаб жамоасининг жисмоний тарбия соҳасидаги барча ишларини якунловчи кўрсаткич ҳамдир. Бундан ташқари, турли ўйинлар ва спортчиларнинг чиқишлиари ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига янада кўпроқ қизиқтиради.

Кеча ва байрамларни самарали ўтказиш учун пухта тайёрланиш - ўйин ўтказиладиган жойни, асбоб-ускуналар ва турли анжомларни тайёрлаб қўйиш лозим.

Бундай маросимларда кўпроқ ўқувчилар иштирок этишини ҳам ҳисобга олиш керак. Шунинг учун “Оқ теракми, кўк терак”, “Пат”, “Пр-р-р...”, “Айланма дарра”, “Мусиқа жўрлигига юриш” сингари оммавий ўйинларни мусиқа садолари остида ўтказиш, яъни мусиқа ёрдамида ўйинни янада жонлантириш ва таъсирчанроқ қилишга эришиш лозим. “Лентани торт”, “Ўртага торт”, “Ким кучли ва чақкон” каби ўйинлар орқали юқори синф ўқувчиларининг яккама-якка беллашувларини эпчиллик ва тез югуриш бўйича мусобақаларини уюштириш мумкин.

#### **4.2.3. Мактаб тўгаракларида ўтказиладиган ўйинлар**

Ҳаракатли ўйинлар, эстафета ўйинлари мактаб спорт тўгаракларида етакчи ўрин олиши керак.

Ҳаракатли ўйинлар баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи ва бошқа тўгаракларида кўпроқ қўлланади. Гимнастика, енгил атлетика, сузиш ва бошқа спорт турларига ихтисослашган тўгаракларда ўзига ҳос ҳаракатли

ўйинлар ўтказилади.

Тўгаракларда ҳар хил ўйинлардан мунтазам равища ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг жисмоний баркамоллигига, улардан малакаларнинг такомиллашувига катта ёрдам беради. Ўқувчиларда зарурий ҳаракат қўникмаларини ривожлантириш учун жисмоний тарбия дарсларида илгари ўрганилган ўйинларни ўзгартирилган қоидалар асосида янги варианларда ўтиш лозим.

Тўгаракларда ҳаракатли ўйинлардан кенг фойдаланишда болаларнинг ёш хусусиятлари, шунингдек маҳаллий ва мавсумий шароитларни аниқ ҳисобга олиш керак. Унча тайёргарлик қўрмаган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга жуда кўп ва хилма-хил ўйинлар ўргатилади.

Яхшироқ тайёргарлик қўрган групкаларда ўйинлар камроқ ўтказилади. Ўзбекистонда баҳор, ёз ва куз пайларида, айниқса, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, тенис ва енгил атлетика тўгараклари ишлаб туриши, бундай вақтларда “Чиллак”, “Қозик”, “Камалак”, “Оқ тош” сингари миллий ва рус халқ ўйинларидан фойдаланиш лозим.

Ўқувчилар кўпинча ўйинга берилиб кетиб, уни ўзгартирадилар, эски қоидаларни ўзгартириб, янгиларини ўйлаб чиқарадилар, мақсадга эришиш йўлини қийинлаштирадилар ва шу тариқа янги ўйинни вужудга келтирадилар. Ана шунинг учун ўйинларни ўқувчилар истагига қараб янги варианларда ва ўзгартирилган қоидалар асосида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

### **4 – маъруза**

1. Спорт тўгаракларига танлов ўтказиш ва қабул қилишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш қандай афзалликлар билан изоҳланади?

2. Спорт турларига хос техник-тактик кўникмаларни шакллантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш қандай устунликларга эга?

3. Куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамкорлик ва эгилувчанлик сифатларина шакллантирувчи ҳаракатли ўйинлар бўйича мисоллар келтиринг?

4. Диққат ва хотирани шакллантирувчи ҳаракатли ҳайнлар бўйича мисоллар келтиринг, уларнинг хусусиятларини изоҳлаб беринг?

5. Жисмоний ва руҳий қобилиятни тикловчи ўйинлар моҳиятини очиб беринг?

## **5 БОБ. СПОРТ ТУРЛАРИГА ХОС ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР**

### **5.1. Футбол**

#### **5.1.1. Футболчилар эстафетаси**

**Ўйиннинг тавсифи.**Ўйновчилар баб-баравар икки-уч жамоага бўлинадилар. Жамоалар 1-2 м оралиқда биттадан бўлиб қаторга сафланадилар. Қаторлар бир-бирига параллель ҳолда туради. Қаторлар олдидан битта узун чизик ўтказилади. Ўйновчилар югуришни шу чизикдан бошлидилар. Ҳар бир жамоа рўпарасига бир метр узоқликда бештадан ғўлача териб қўйилади. Олдинда биринчи бўлиб турган ўйинчиларга биттадан футбол тўпи берилади. Улар тўпни тепиб-тепиб ғўлачалар орасидан олиб ўтадилар ва яна тепиб-тепиб ғулачалар ёнидан ўз жамоаларига қайтиб келадилар. Ўйинчиларнинг ҳаммаси ана шу машқни бажарадилар.

Тўпни тепиб ғўлачалар атрофидан айлантириб олиб юришнинг сифатинигина эмас, балки югуриш тезлиги ҳам ҳисобга олинади. Бунда ўйинчиларнинг ҳаммаси тўпни ғўлачалар орасидан олиб юришни олдин тугатган ва шу билан бирга камроқ хатога йўл қўйган жамоа ғалаба қозонади.

**Ўйиннинг қоидалари.**1. Тўпни тепиб ҳар бир ғулачани - бирини ўнг томондан, иккинчисини чап томондан айланиб ўтиши керак. 2. Атрофидан айланиб ўтилмасдан, қолдириб кетилган ҳар қандай ғулача ўйновчи томонидан йиқитилган ҳисобланади. 3. Йиқитилган ғўлача ўз жойига (раҳбарнинг кўрсатмаси бўйича ) қўйилади.

**Эслатма.** Хоккей эстафетаси бу ўйиннинг бир тури ҳисобланади. Бунда ўйинчилар латтадан ясалган кичик тўпни (ёки хоккей тўпини) таёқча билан суриб думалатиб, ғўлачалар оралиғидан олиб ўтадилар.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари тўпни тепиб-тепиб тез югуришdir.

#### **5.1.2. Тўпни узатиш ва тепиш**

**Ўйинга тайёрланиш.**Ўйин майдончада ёки залда ўтказилади. Ўйин учун 2-3 та футбол тўпи бўлиши керак. Тўпларнинг сонига қараб ўйновчилар

икки ёки уч жамоага бўлинадилар. Жамоалар бир-биридан 1,5-2 метр оралиқда параллел қаторларга сафланадилар. Қаторлар бошида турган ўйинчилар олдидан старт чизиги ва ундан 15-20 метр нарига финиш чизиги ўтказилади.

Ўйинчилар оёқларини кериб турадилар. Колонна бошида турган ўйинчилар олдига (старт чизиги устига) биттадан тўп қўйилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи “Дикқат!” – деб кўрсатма бергандан кейин қаторлар олдида турган ўйинчилар энгashiб, тўпни оладилар. “Марш! ” кўрсатмаси берилгач, тўпни оёқлари орасидан ўзларидан кейинги ўйинчиларга узатадилар. Шу тартибда узатилган тўп қаторлар оҳирига етиб боргандан кейин, энг оргқадаги ўйинчилар тўпни аста-секин тепиб, финиш чизигига олиб борадилар ва бу ерда тўпни қўлга олиб, бир оз юқорига ирғитадилар ва пастга тушаётган тўпни оёқлари билан тепиб, қаторлар олдида турган шерикларига узатадилар. Ўйин шу тартибда ўйинни бошлаб берган (тўпни биринчи бўлиб орқага узатган) ўйинчиларга навбат келиб, улар ҳам тўпни тепиб финиш чизигига олиб боргунларича давом эттирилади. Эстафетани олдин тамомлаган ва камроқ хато қилган команда ўйинда ютган хисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Хар бир ўйинчи тўпни, тўғри қабул қилиб олиши ва тўғри узатиши лозим. 2. Тўпни оёқнинг ички ёни билан тепиш керак (оёқ уни билан тепилса, тўп узоққа кетиб қолади). 3. Тўпни оёқлар орасидан думалатмай, қўлма-қўл узатилади. 4. Агар финишдан тепилган тўп старт чизигига етмаса ёки ён томонга тушса, қаторлар бошида турган ўйинчилар югуриб бориб олишлари ва ўз жойларига қайтиб келиб, навбат кутиб турган ўйинчиларга узатишлари лозим. 5. Тўпни финишдан тепган ўйинчилар ўз қаторларининг олдига келиб туришлари керак. 6. Тўп оёқлар тагидан узатилганда қўлма-қўл қилиб эмас, балки думалатиб юборилса, тўпни тепиб-тепиб югуришда оёқ уни билан тепилса, хато қилинган хисобланади.

**Методик кўрсатмалар.** Агар ўйновчилар икки қаторга бўлиниб ўйнасалар, тўпни чап томонда борди-ю уч қаторга бўлиниб ўйнасалар,

қаторлар оралиғи кенгайтирилиб, түпни ўнг томондан олиб кетилади.

Бу ўйин, айникса ўғил болалар учун жуда қизиқарлы ўтади, чунки унда футболнинг баъзи элементлари (түпни олиб юриш, финишдан тепиб юбориш) бор. Ўйин умумий ҳаракатчанликни, хушёрликни ўстиради.

### **5.1.3.Доирадан түп тепиши**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин майдончада ёки деразаларига темир панжара тутилганзалда ўтказилади. Ўйин учунбаскетбол ёки футболтўбибўлиши керак. Ўйинчилар 2-2,5 метр оралиқларда айланада ҳосилқилиб сафланадилар. Ўйновчиларнинг оёклари учиданайлана чизиги ўтказилади. Ўйинчиларданбири онабоши қилибтайнланади ва удоира ўртасида түпни ерга қўйиб туради.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бергандан кейин онабоши түпни тепиб, айланадан ташқарига чиқариб юбориш учун ҳаракат қиласди. Сафланиб турган ўйинчилар түпни ўртага қайтариб, ташқарига чиқариб юбормасликка интиладилар. Агар тўп ташқарига чиқибкетса, бунда түпни ўнг томонидан ўтказиб юборган ўйинчи айбдор ҳисобланади ва у онабоши бўлади. Онабоши эса унинг ўрнига ўтиб сафга туради. Ўйин 5-10 таонабоши алмашингач тўхтатилади. Тўпни бошқаларга қараганда ташқарига тезроқ думалатиб чиқарган онабоши ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни каттиқ тепиши ва ўйновчиларнинг тиззасидан ошириш мумкин эмас. 2. Тўп оёқ уни билан эмас, балки оёқнинг ёни билан тепилиши керак. Даврадаги ўйинчиларнинг тўпни қўл билан ушлашга хаққи йўқ, тўп фақат оёқ билан тепилиши лозим. 3. Ўйновчилар айланада чизигидан ичкарига ўтмасликлари керак. 4. Агар тўп ўйинчиларнинг устидан ошиб ташқарига чиқса, уни онабошининг ўзи югуриб бориб олиб келиши ва ўз жойига бориб, ўйинни яна бошлаб юбориши лозим.

**Ўйиннинг иккинчи варианти.** Айланада ҳосил қилиб турган ўйновчилар “бир, икки” – деб санаб иккита жамоага бўлинади. Ҳар бир жамоа ўзига онабоши сайлайди. Аввал бир жамоа онабошиси ўртага тушади

ва ўйин худди олдинги ўйин сингари ўтказилади, қайси жамоа аъзоси тўпни ташқарига чиқариб юборса, ўша жамоага жарима очкоси берилади. Ўйин бир жамоанинг жарима очколари 5-8 ёки 10 тага давом эттирилади.

**Методик кўрсатмалар.** Агар ўйновчилар кўп бўлса, икки даврага бўлинишлари мумкин. Биринчи вариантдаги ўйин қоидалари ва техникаси яхши ўзлаштирилгандан кейингина иккинчи вариантни қўллаш керак. Бу ўйин ўғил болалар учун мўлжалланган.

#### **5.1.4. Тўпни тепиб ошириш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин кўндаланг чизик билан иккига бўлинган майдончада ўтказилади. Ўйинда футбол тўпидан фойдаланилади. Ҳамма ўйинчилар икки жамоага бўлинадилар ва майдончанинг икки томонига ўzlари истаган тартибда жойлашадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Тўпни қайси жамоа аъзоси ўйинга тушириши чек ташлаш билан аниқланади. Тўпни ўйинга туширадиган ўйинчи уни майдончанинг ўртасига қўяди ва оёқ билан қаттиқ тепиб, қарши жамоанинг орқа чизигидан ошириб юборишга ҳаракат қиласи. Қарши жамоа ўйинчилари эса тўпни оёқ ёки гавда билан тўсиб қолишга ва тўхтатмасдан қарши жамоа томонга тепиб юборишга тиришадилар. Ўйин тўп бирон жамоанинг орқа чизигидан ўтиб кетгунича ёки майдончанинг бирон қисмида лоақал бир зум бўлса ҳам тўхтаб қолгунича давом этади.

Тўпни ўз чизигидан ўтказиб юборган жамоа қарши командага икки очко ютқазган ҳисобланади. Тўпнинг ўзтомонида тўхтаб қолишига йўлкўйган жамоа бир очко ютқазади. Жамоалардан бири 10 ёки 12 очко тўплаганидан кейин жамоалар ўрин алмашадилар ва ўйин давом этади. Иккинчи марта ҳам 10 ёки 12 очко тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади. Борди-ю, иккала жамоа икки галда ҳам баравар ютуққа эга бўлса, қайси жамоанинг ғолиб чиққанлиги ўйинни учинчи марта ўтказиш билан аниқланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни дастлаб қайси жамоа ўйинчиси

тепиши чек ташлаб аниқланади, аммо кейин хар гал тўпни ютқазган команда тепади. 2. Тўпни фақат оёқ билан тепиш мумкин. Уни илиб олиш ёки қўл билан иргитиб юбориш тақиқланади. 3. Ўйинчилар доимо ўзмайдончаларида туришлари лозим. Ўрта чизиқдан, шунингдек, ён ва орқа томондаги чизиқлардан ўтиш мутлақо мумкин эмас. 4. Агар тўп орқа чизиқдаги ўйинчиларнинг ҳам устидан ошиб кетса, бу тўп - ҳисобга олинмайди ва майдонча ўртасидан яна ўйинга киритилади.

Бу ўйин ўғил болалар учун мулжалланган.

### **5.1.5. Ҳужум**

Ўйинда 10-20, ҳатто 30 нафар ўқувчи қатнашиши мумкин. Ўйин спорт залида, майдончада ёки ўтлоқ жойда ўтказилзди. Ўйинни ўтказиш учун асбоб-ускуналар керак бўлмайди.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар сони ва кучи жиҳатидан ўзаро тенг икки жамоага бўлинадилар ва ўз жамоаларига бирор ном қўядилар. Масалан, жамоалардан бири “Кучлилар”, иккинчиси “Чаққонлар” ёки бири «Қизииллар» ва бошқаси “Кўклар” номини олиши мумкин.

Ўйновчилар зал ёки майдоннинг қарама-қарши томонларида турадилар. Чек ташлангандан кейин жамоалардан бирининг ўйинчилари айлана ҳосил қилиб ёки қўл ушлашиб жуфт-жуфт ёки уттадан бўлиб туришлари мумкин. Иккинчи жамоа эса маълум масофада хужумга ўтиш учун тайёр бўлиб туради.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйин раҳбари “Қизиллар” жамоаси “Ҳужумга!” – деб жамоа бериши билан шу жамоа ўйинчилари тез ёки аста-секин, ҳаммалари биргаликда ёки якка-якка ҳолда ва ёки жуфт-жуфт бўлиб хужумга ўтадилар. Улар куч ишлатиб ёки чалғитиб, тез ҳаракатлар билан занжирнн узиб, “постларни” енгиб ўтишга ҳаракат қиласилар. Ўйинчиларнинг ҳаммаси ёки ярмидан кўпи тусиқлардан ўта олган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўсиқларни куч ишлатиб ва чалғитувчи ҳаракатлар билан енгиб ўтиш мумкин. 2. Тутиш, силташ, ўйинчининг

орқасига миниш, сакраш, оёқ чалиш ва бошқа қўпол ҳаракатлар қилишга йўл қўйилмайди.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти.** Бу ўйин ўқувчиларда жамоа олдидағи масъулиятни сезиш, ўзаро ўртоқларча муносабат ҳиссини тарбиялашда ёрдам беради.

“Хужум” ўйинини ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар учун тавсия қилиш мумкин.

#### **5.1.6. Тўпни бошда олиб юриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйинчилар икки жамоага бўлинниб, бир кишилик қаторларга сафланиб турадилар. Ўзаро параллел ҳолда турган қаторлар бошидаги биринчи ўйинчилар қўлида тўлдирма тўп бўлади ва улар тиззаларини ерга (полга) қўйиб турадилар. Старт чизигидан бошлаб қарши томонга узунлиги 8-10 метр чизиклар тортилади .

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигнали билан ўйинчилар тўпни бошларига қўйиб, чизиқнинг чап томонидан тиззалари билан тез юриб кетадилар ва чизиқнинг охиридан айланиб, унинг ўнг томонидан орқага қайтадилар. Тўпни навбатдаги ўйинчига бериб ўз қаторларининг охирига бориб турадилар. Биринчи бўлиб етиб келган ўйинчи бир очко олади. Кўп очко тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади. Тўпни қўл билан туртиб олиб юриш мумкин эмас.

#### **5.1.7. Футбол элементлари эстафетаси**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 2-4 та жамоага бўлинниб, ҳар бир жамоа бир қаторга сафланиб, залнинг ёки майдончанинг бир томонида, старт чизигининг орқасида ёнма - ён турадилар.

Майдончанинг ёки залнинг қарама - қарши томонида ҳар бир жамоа қаршисига ғўлача ёки тўлдирилган тўп қўйилган бўлади.

Қаторда биринчи турган ўйинчилар тўпни старт чизиги устига қўйиб турадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бергач, ўйинчилар оёқлари билан тўпни суриб, устунчанинг ёки тўлдирма тўпнинг ўнг томонидан айланиб ўтиб, яна орқага қайтиб келадилар ва тўпни кейинги ўйинчига узатиб, ўzlари қаторнинг охирига бориб турадилар. Ҳамма ана шу ҳаракатни такрорлайди. Вазифани энг олдин бажарган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Чизиқдан тўпни қабул қилиб олмасдан олдин чиқиш мумкин эмас. 2. Устунчани айланиб ўтаётганда ағдариб юборган ўйинчи уни жойига қўйиб, тўпнисуришни давом эттириши керак.

**Ўйиннинг варианти.** Тўпни суриб юриш пайтида йўлга бир нечта тўсиқларни (тўплар, ғўлачалар, булавалар ва ҳоказолар) қўйиш мумкин.

### **5.1.8. Жонглёрлар**

**Ўйин мазмуни.** Ўйинчилар галма-галдан волейбол ёки футбол тўпини бош устида ирғитиб, бош ва гавдани орқага энгаштириб, белни эгиб, орқа ва бўйинмускулларини таранг қиласадилар. Улар гавдани олдинга кескин ҳаракат қилдириб, бош билан тўпнинг ўртасига урадилар. Шу пайтгача ярим букилган тиззалар, тўпни бош билан уриш вақтида тўғриланади. Тўп ерга тушиши билан, ўйинчи машқни томомлаган бўлади. Ҳар бир ўйинчига учтадан имкониятберилади. Учта имкониятдан тўпни кўпроқ урган ўйинчи голиб ҳисобданади.

### **5.1.9.Иккита тўпни узатиш**

**Ўйин мазмуни.** Ўйинда ўйинчилар жуфт-жуфт бўлиб катнашадилар. Улар 4 метр кенглиқдаги «коридор»нинг қарама-қарши томонида бир - биридан 5-7 метр оралиқда жойлашадилар. «Коридор» арқонча ёки байрокчалар билан белгиланади. Ҳар бир жуфтликдаги иккала ўйинчинда биттадан тўп бўлади... Раҳбарнинг сигнали бўйича улар бир вақткинг ўзида бир-бирларига тўпни йўналтирадилар, кейин думалаб келаётган тўпни тепиб орқага қайтарадилар. Агар тўп бир-бирига тегса ёки улардан бири коридордан ташқарига чиқиб кетса, унда жуфтлик мусобақани тугатган

бўлади. Бошқаларга нисбатан кўпроқ машқларни хатосиз бажарган жамоа ўйинда ғолиб чиққан ҳисобланади. Ўйин қатнашчиларининг жисмоний тайёрлигига қараб ўйиннинг шартини соддалаштириш: «коридор»нинг чегарасини кенгайтириш, тўпни олдин тўхтатиб, сўнgra узатиш шартини қўйиш мумкин.

### **5.1.10. Устунчаларни айланиб ўтиш**

**Ўйин мазмуни.** Умумий старт чизигида бир неча жамоаколонналарда саф тортиб туради. Ҳар бир жамоанинг олдида – старт чизигидан 6 метр нарига биринчи устунча ўрнатилади, кейин 2-3 метр оралиқда 5 та устунча ўрнатилади. Раҳбарни сигналидан кейин жамоаларнинг биринчи турган ўйинчилари тўпни олдинга суреб, устунчаларни айланиб ўтади ва худди шу усул билан орқага қайтиб финиш-старт чизигига келиб тўпни иккинчи ўйинчиларга узатадилар ва хоказо. Эстафетада энг яхши натижа кўрсатган жамоа ғолиб ҳисобланади.

### **5.1.11. Эпчил дарвозабон**

**Ўйин мазмуни.** 3-4 кишидан иборат бир неча жамоа галма-галдан мусобаклашади. Ўйинни бошлайдиган жамоа бир кишидан сафланиб туради. Олдинда 5 метр оралиқда узунасига иккита тўшак қўйилган бўлади. Тушақдан 3 метр масофада раҳбар туради. Раҳбарнинг сигналидан кейин ўйновчилар галма-галдан раҳбар отган тўпни олдинга думалоқ ошиб ўрнидан туриб, илиб олиши керак. Агар ўйинчи тўпни илиб олса, жамоасига бир очко келтиради. Жамоанинг ҳар бир ўйинчиси машқни уч марта бажарганидан кейин ўйин тугайди. Рақиб ҳам шундай ҳаракат қиласи. Кўп очко тўплаган жамоа ўйинда ютган ҳисобланади.

### **5.1.12. Бош билан нишонга**

**Ўйин мазмуни.** Бир неча жамоа галма-галдан мусобақалашади. Ўйинни бошловчилар бир қаторга сафланиб турадилар. 10 метр наридаги деворда ёки ёғоч шчитда диаметри 1 метр нишон белгиланади. Нишондан 5 метр бериди тепиш чизиги ва тепиш нуқтасининг ён томонида 3 метр масофада қўлида тўп билан онабоши туради. Раҳбарнинг сигналидан кейин биринчи номерли ўйинчи югура бошлайди, онабоши ўнга тўпни ташлайди. Ўйинчи сакраб уни боши билан уриб, нишонга йўналтиради. Қайтган тўпни илиб олиб, онабошининг ўрнига туради, онабоши эса югуриб бориб қатор охирига туради. Бу вактда жамоанинг иккинчи ўйинчиси югуриб кетади ва ҳоказо. Ҳар бир ўйинчи тўпни боши билан уч мартадан ургандан кейин жамоа мусобақани тугатади. Худди шуни бошқа қжамоалар ҳам қайтаради. Кўпроқ нишонга тегизган жамоаўйинда ғолиб ҳисобланади.

#### **5.1.13. Тўпни қайтариб - ўтириш**

**Ўйин мазмуни.** Мусобақалашувчи жамоалар умумий старт чизифида бир қатордан сафланиб турадилар. Жамоалар рўпарасида старт чизифидан 2 метр нарида қўлларида тўп ушлаган ҳолда онабошилар турадилар. Раҳбарнинг сигналидан кейин улар ўз жамоаларидағи биринчи номерли ўйинчиларга тўпни ташлайдилар, улар тўпни бошлари билан уриб, орқага - онабошига қайтарадилар ва тезда ўтирадилар. Онабошилар тўпни илиб олиб, иккинчи номерли ўйинчиларга ташлайди ва улар ҳам тўпни онабошиларига қайтарадилар ва ҳоказо. Онабошилардан бири охирги ўйинчидан тўпни қабул қилиб олиб, қўлинин юқорига кўтаргач, мусобақа тўхтатилади. Ғалаба қилган жамоага бир очко, иккинчи ўринга – 2 очко, учинчи ўринга – 3 очко берилади. Ўйин бир неча марта қайтарилади. Кам очко тўплаган жамоа ўйинда ғолиб ҳисобланади.

#### **5.1.14. Тўсиқ оша квадратга тушириш**

**Ўйин мазмуни.** Устунчалар орасига 1 метр баландликда арқонча тортилади. Арқончанинг бир томонига 6 метр масофада ерда 2x2 метрли квадрат, бошқа томонига эса 8-10 метр масофада тепиш чизиги белгиланади. Ўйин қатнашчилари югуриб келиб ҳаракатсиз тўпни гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқ билан галма-галдан тепиб, квадратга туширишга ҳаракат қиласидилар. Агар тўп арқонча устидан ошиб ўтса, квадратга тушган ҳисобланади. Тўпни квадратга кўп марта туширган ўйинчи ғолиб ҳисобланади.

### **5.1.15. Зарб билан тепиш**

**Ўйин мазмуни.** Майдончада тепиш чизиги тортилади, сўнгра 10 метр кенглиқдаги йўлакча белгиланади. Ўйновчилар тўпни галма-галдан ўнг ва чап оёқда уч мартадан тепиб, иложи борича узокроқ туширишга ҳаракат қиласидилар. Агар тўп йўлак ичига тушса, ҳисобга олинади. Тўпни хаммадан узокроқка туширган ўйинчи ғолиб ҳисобланади.

## **5.2. Волейбол**

### **5.2.1. Волейболчилар эстафетаси**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйин иштирокчилари ўзаро тенг икки жамоага бўлинадилар. Иккала жамоа ўйинчилари икки тадан бўлиб, ораларидан бир оз жой қолдириб ўзаро параллель икки қаторга сафланадилар. Олдинда турганларнинг оёқлари учи олдидан чизик ўтказилади. Бу чизиқдан 10-15 қадам нарида унга паралель қилиб иккинчи чизик тортилади.

Қаторлар бошида турган ҳар қайси жуфт ўйинчининг бирига биттадан тўп берилади.

Олдинда турган ҳар қайси жуфт ўйинчилар раҳбар сигнал бериши билан олдинга қараб югуриб, йўлда тўпни кафтлари билан юқорига уриб бир-бирларига қайтарадилар. Улар иккинчи чизикқача югуриб бориб, яна шу йўлдан ўз қаторларига қайтадилар, тўпни сўнгги марта уриб навбатдаги жуфт

ўйинчиларга узатиб, ўз қаторларининг охирига бориб турадилар. Навбатдаги ўйинчилар, учиб келган тўпни илиб олмасдан, кафтлари билан уриб бир-бирларига қайтариб олдинга югуриб кетадилар. Ўйин ҳар бир жамоанинг ҳамма жуфт ўйинчилари шу тарзда тўпни уриб-уриб бир-бирларига қайтариб югуриб бўлгунларича давом эттирилади. Навбат яна биринчи жуфт ўйинчиларга келганда улардан бири тўпни қўлга олиб юқорига кўтаради ва шу билан жамоа югуришни тамомлаганлигини билдиради. Югуришни биринчи бўлиб тамомлаган жамоа ғалаба қозонади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Агар ҳар жуфт ўйинчилардан биронтаси тўпни ерга тушириб юборса, унинг ўзи тўпни ердан олиши ва шу жойнинг ўзида уни уриб узатишни давом эттириши керак. 2. Навбатдаги жуфт ўйинчилар ўзларига тўп берилгунича чизиқни босиб олдинга ўтмасликлари лозим. 3. Навбатдаги жуфт ўйинчи тўпни уриб узатиб, югуриб кетганидан сўнг бутун қатор бир қадам олдинга сурилади, югуриб кетган жуфт орқасида турган ўйинчилар эса югуриш бошланадиган чизикда бориб турадилар.

**Эслатма.** Югуриб келаётган ўйинчилар ўз қаторига яқин келганда югуриб кетадиган навбатдаги жуфт ўйинчиларга йўл бериш учун орқага тисланиб бир-биридан узоқлашиши кераклигини ўқувчиларга тайинлаб қўйиш лозим. Бу ўйинни VII синфдан бошлаб ўтказиш тавсия қилинади.

### **5.2.2. Волейболчилар эстафетаси**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 6-8 та жамоага бўлинадилар (тўплар сонига қараб). Жамоалар майдончанинг бир томонидаги чизиқнинг орқасида турадилар. Қаторларда биринчи турган ўйинчилар биттадан волейбол тўпини оладилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин ўйинчилар тўпни бошлари устидан ошириб-oshiриб майдончанинг қарама - қарши томонига юра бошлайдилар. Белгиланган чизиқдан ўтгач, тўпни ушлаб олиб орқага югуриб қайтиб келиб, уни иккинчи ўйинчига узатадилар, ўзлари қаторлар охирига бориб турадилар. Ўйин шу зайлда давом этади. Мана шу

вазифани хатосиз ва тез бажарган жамоа ўйинда ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг варианти.** Ўйновчилар 2-3 та жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа икки кишилик қаторга сафланиб, майдончанинг бир томонидаги чизик орқасида турадилар. Ҳар бир қаторнинг олдида турган иккита ўйинчинингбири волейбол тўпини олади. Ўқитувчининг сигналидан сўнг ҳар бир жамоанинг биринчи жуфт ўйинчилари тўпни бир-бирларига узатиб, 10-15 метргача олиб борадилар, сўнгра шу усул билан орқагақайтиб келиб, тўпни кейинги жуфт ўйинчиларига бериб, ўзлари қаторнинг охирига бориб турадилар. Ҳамма ўйинчилар ҳам биринчи жуфт ўйинчиларнинг ҳаракатини такрорлайдилар.

Кам хато қилиб ўйинни тез тугатган жамоа ютган ҳисобланади.

### **5.2.3. Тўпни ерга туширма**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ҳамма ўйновчилар ўзаро teng 2-3 жамоага бўлинадилар ва хар бир жамоаалоҳида даврага тўпланади. Даврадагилар, бир-бирларидан бир қадам оралиқда турадилар. Ҳар бир жамоага биттадан волейбол тўпи берилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан даврадагилар тўпни пастдан кафти билан уриб, бир-бирларига ҳар хил йуналишларда узатадилар ва уни имкони борича узоқроқ вақт давомида ерга туширмасдан кўлдан-кўлга ўтказиб туришга ҳаракат қиласидилар. Ўйин 5-8 дақиқа давом этади. Белгиланган вақт ичida камроқ жарима очкоси олган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни иргитиб узатиш, илиб олиш ёки қўлда бир оз бўлса ҳам ушлаб олиш, ерга тушириш мумкин эмас. 2. Бир ўйинчининг ўзи тўпни бир йўла икки ёки ундан кўпроқ марта уриши ҳам мумкин эмас. Бу қоидаларни бузган жамоага жарима очколари берилади. 3. Қайси жамоа ўйинчилари тўпни даврадан чиқариб юборса, уни уша жамоа ўйинчиларининг ўзи иложи борича тезкор олиб келиб ўйинга туширишлари лозим. Тўпни давра чегарасидан чиқариб юборган жамоага жарима очкоси

берилади. 4. Ўйин вақтида турган жойдан силжиш, пастга энгashiш, баландроқдан учиб ўтаётган тўпни уриб қайтариш учун сакраш ёки пастдан келаётган тўпни уриб юбориш учун олдинга одим ташлаш мумкин.

**Методик қўрсатмалар.** Ўйинда тўпнинг тўғри узатилишига, ҳаракатларнинг ўзаро мослигига эътибор бериш керак. Ўйиннинг қоидалари яхши ўзлаштирилгандан кейин ўйинни бир мунча мураккаблаштириш мумкин. Масалан, тўпни фақат бармоқлар билан узатиш, ва ўртacha баландликдан узатиш мумкин.

#### **5.2.4. Тўпни қайтариш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 1-2 метр оралиқда айлана ҳосил қилиб турдилар. Ўйинчилардан бири она боши қилиб тайинланади ва у доиранинг ўртасида турди. Ўйин учун волейбол тўпи бўлиши керак.

**Ўйиннинг тавсифи.** Она боши тўпни уриб, айлана бўйлаб турган ўйинчиларга навбатма-навбат узатади. Ўйинчиларэса тўпни унга уриб қайтариб турдилар. Она боши марказдан мумкин қадар узокроқ туришга ҳаракат қилиши лозим. Агар она боши хатоликка йўл қўйса, унинг ўрнига бошқа ўйинчи ўтади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Давра олиб турган ўйинчилар тўпни уриб қайтариш учун исталган томонга бир қадам ташлашлари мумкин. 2. Агар она боши тўпни сафда турган ўйинчи уриб қайтара олмайдиган қилиб узатса, хато қилган ҳисобланади.

**Методик қўрсатмалар.** Агар ўйновчилар кўпайиб кетса, уларни икки даврага бўлиш ва ўйинни алоҳида-алоҳида давраларда ўтказиш мумкин. Бу ўйинни юқоридан келаётган тўпни бармоқлар билан илиш ва қайтариб узатиш йўли билан мураккаблаштириш мумкин.

Бу ўйин ўқувчиларни волейбол ўйинига тайёрлайди.

#### **5.2.5. Айланачалардан сакраш**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар баб-баравар учта жамоага

бўлинадилар. Ҳар бир жамоа бир-биридан 1-2 метр оралиқда қаторга сафланади, қаторлар ўзаро параллел холда турадилар. Қаторлар бошида тўрганларнинг оёқлари олдидан чизик ўтказилади.

Ҳар бир жамоа рўпарасига – ерга тўрттадан арқонча шахмат тартибида кичик-кичик (диаметри 40-50 см ли) айлана қилиб қўйилади. Олд чизикдан биринчи айланагача, шунингдек, айланачаларнинг оралиғидаги масофа бир ярим-икки қадам бўлади.

Ўйин раҳбарнинг сигнали билан бошланади. Олдинда турган ўйинчилар биринчи айланачадан бошлаб охирги айланагача кетма-кет сакрайдилар (бир оёқлаб ёки икки оёқлаб сакралади, бунда оёқларни алмаштириб сакрашга рухсат этилади). Энг узоқдаги айланачага етганларидан кейин улар айланачалар ёнидан югуриб, орқага қайтиб келиб, қўлларининг кафтини навбатдаги ўйинчилар кафтига тегизадилар ва ўз жамоанинг орқасига бориб турадилар. Навбатдаги ўйинчилар ҳам олдинги ўйинчиларнинг ҳаракатларини қайтарадилар. Хамма ўйинчилар айланачалардан сакраб бўлганларидан сўнг ўйин тугайди. Сакрашни бошқаларга қараганда тезроқ, яхшироқ бажарган ва тамомлаган (камроқ жарима очколари олган) жамоа ғалаба қозонади.

**Ўйиннинг қоидалари:** 1. Ўйинчиси сакраганда айланача “чизиги” – арқончани босиб олган ёки сакраб айланача ташқарисига тушган жамоага битта жарима очкоси берилади. Бирор жамоа ўйинни тугатгандан кейин кечикирилган ҳар бир сония учун ҳам орқада қолган жамоаларга биттадан жарима очкоси берилади. 2. Навбатдаги ўйинчи сакрай бошлагандан сўнг унинг орқасида турган ўйинчилар бир қадам олдинга суриладилар ва биринчи бўлиб қолган ўйинчилар сакраш бошланадиган чизик олдига келиб турадилар. 3. Жамоада тартиб рақами бўйича охирги бўлган ўйинчи югуриб келиб, кафтини ўйинни бошлаб берган биринчи ўйинчининг кафтига тегизади, ўйинни бошлаб берган ўйинчи эса кўлини баланд кўтариб, ўзининг жамоаси сакрашни тугатганлигини билдиради.

**Эслатма.** Сакраладиган жой ҳаммага яхши кўриниб туриши учун

ўйинчиларни доирачаларнинг икки томонига саф торттириш мумкин, ана шунда навбатдаги ўйинчилар сакрашни бошлаш учун чизик ёнига олдинроқ келиб навбат қутиб туради; югуриб қайтиб келган ўйинчи эса қаторда ўзи учун қолдирилган буш жойга бориб туради. Раҳбар сакрашни кузатиш мақсадида ҳар бир жамоа учун ўзига биттадан ёрдамчи ажратади.

Бу ўйиннинг турли варианtlарини танлаб, жамоалар олдиғаги участкага айланачалар эмас, балки кундаланг чизиклар ўтказиш билан уни 4 та айрим-айрим бўлакларга бўлиш мумкин. Бу бўлакларнинг эни биринчисидан то охиригача кенгайиб боради (яқиндаги, яъни биринчи бўлакнинг эни бир ярим қадам, энг кейингисиники, яъни узоқдагасиники эса 3 қадам бўлади). Ўйновчилар бирин-кетин ҳамма бўлаклардан ҳатлаб ўтадилар. Орқага қайтиб югуришда бўлаклардан сакралмайди.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари бир жойдан иккинчи жойга бир оёқлаб ва икки оёқлаб ҳатлаб ўтишидир. Ўқувчилар олдига сакраб белгиланган жойга тушиш ва тез сакраш вазифаларини қўйиш билан ҳатлаб ўтиш машқлари мураккаблаштирилади. Айланачаларнинг шахмат тартибида жойлаштирилиши ўйновчиларни бирин-кетин бажариладиган сакрашларнинг йўналишини ўзгартиришга мажбур этади. Айланачаларда, бурилишларда турганда ўйинчилар қўшимча равишда сакраб-сакраб, гавда ва қўлларни ҳаракатлантириб, ўз танасининг инерциясини енгиш, ўз ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштиришга ёрдам берадиган бир қанча қўшимча машқларни ҳам бажарадилар.

### **5.2.6. Қарама-қарши сакраб югуриш эстафетаси**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 2-3 жамоага бўлинадилар ва ҳар бир жамоа ҳам ўз навбатида яна teng икки гурухга бўлинади. Гуруҳлар оралиғи худди югуриш эстафетасидаги сингари 15-20 метр бўлади ва улар бир-бирларига қараб турадилар. Ўйиннинг шартлари ҳам югуриш эстафетасидаги кабидир. Жамоаларнинг гуруҳлари орасига тўсиқлар қўйилади ва ўйинчилар шу тўсиқлардан сакраб югуриб ўтади. Тўсиқлар

куйидагича бўлиши лозим: 1) ерга ораси 1-1,2 метр қилиб чизилган иккита кундаланг чизик; 2) гимнастика скамейкаси (скамейкани қўл билан ушлаб ундан сакраб ўтилади); 3) арқонча (икки ўқувчи арқонни пастроқ ушлаб туради, ўйновчилар ундан сакраб ўтадилар; 4) осма тўп (ўйновчилар югуриб кетаётганларида унга туртиниб утишлари керак) ва хокозо. Бу ўйинда тўсиқлардан ўтиб югурилади. Олдин югуриб бўлган ва тўсиқдан ўтишда хато қилмаган ёки камрок хатога йўлкўйган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ҳар бир ўйинчи ҳамма тўсиқлардан ўтиши лозим. 2. Агар у тўсиққа қоқилса ёки ундан нотўғри ошса орқага қайтиши ва тўсиқдан қайтадан ўтиши шарт. Хатога йўл қўйган ўйинчи тўсиқдан тўғри ўтгандан кейингина навбатдаги ўйинчини чақириш учун югуришда давом этади.

### **5.2.7.Тўпни бошдан ошириб узатиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйинчилар икки гурухга бўлинадилар ва ораларидан 2-3 қадам жой қолдириб икки қаторга сафланадилар. Қаторлар бошида турган ўйновчиларда волейбол ёки баскетбол тўпи бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи “Тайёрлан!”, “Дикқат!”, “Марш!” кўрсатмаларини бергандан кейин қаторлар бошидаги иштирокчилар тўпни бошларидан ошириб орқаларида турган навбатдаги ўйновчига узатадилар. Тўп қатор охирида турган ўйновчига етиб боргунча узатилади. Қатор охирида турган ўйинчи тўпни олиши билан ўнг томондан қаторнинг олдига югуради ва биринчи бўлиб туриб тўпни бошидан ошириб орқасида турган ўйновчига узатади. Ўйин ҳамма иштирокчилар тўпни олиб, ошириб бўлгунича давом эттирилади. Уни бошлаб берган ўйинчи қатор охирида қолиб, тўпни олганидан кейин қатор олдига югуриб келади ва тўпни юқорига кўтаради. Ўйинни олдин тамомлаган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйин вактида тўпни ерга туширган ўқувчи уни ердан ўзи олиши ва ўз жойига туриб, тўпни бошидан ошириб узатиши лозим. 2. Тўпни фақат ўзидан кейинда турган ўйновчигагина узатиш керак.

Агар ўйновчи бу қоидани бузса, жамоага жарима очкоси берилади.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйинни тўғри якунлаш ва ғолиб чиққан командани тўғри аниқлаш учун ўқитувчи ўйиннинг боришини диққат билан кузатиши лозим. Жамоалар таркибида 12-15 кишидан ортиқ ўйновчи бўлмаслиги керак, акс ҳолда ўйновчилар ўз навбатилари келишини узок кутишга мажбур бўладилар, бу эса уларнинг ўйинга қизиқишлигини сусайтиради.

### **5.2.8. Кўшалоқ тўп**

**Ўйинга тайёрланши.** Ўйин майдончада ўтказилади. Ўйинни ўтказиш учун арқон ва иккита волейбол тўпи бўлиши керак. Ўйновчилар ўзаро тенг икки жамоага бўлиниб, майдончанинг икки томонига хоҳлаганларича жойлашиб турадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан биринчи жамоа ўйинчилари тўпни қўл билан уриб иккинчи жамоага узатадилар. Хамма ўйновчилар ҳам тўпни қарши томонга ошириб юборишга ва иккала тўпнинг бир вақтда рақиблари томонидан бўлишига эришиш учун интиладилар. Ўйиннинг натижаси очко билан хисобланади. Ўйинжамоалардан бирида 10 та жарима очкоси тўплагунича давом эттирилади. Агар: а) жамоа узатган тўп қарши жамоа ўйновчиларининг биронтасига тегмасдан майдонча чизигидан ташқарига тушса, б) иккала тўп ҳам бир вақтнинг ўзида шу жамоа томонига ўтиб қолса, в) узатилган тўп арқонга тегса ёки унинг тагидан ўтиб кетса, г) учиб келаётган тўпни қўл билан уриб юборилмай илиб олиб узатилса, хато илинган ҳисобланади ва хар бир хато учун жамоага биттадан жарима очкоси берилади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйин бошланишида ва иккала тўп ҳам бир томонда бўлиб қолган холларда тўп марказдан уриб узатилади. 2. Агар тўпнинг бири бориб иккинчисига тегса, ўйин тухтатилади ва сигнал бўйича бошқатдан бошланади. 3. Ўйновчилар ўз жойларида туришлари, бир жойга тўпланмасликлари, лекин бир жойда тўхтаб қолмасликлари ҳам керак.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйновчилар ахён-ахёнда жой алмаштириб туришлари мумкин. Шунда арқон ёнидагилар орқага ва орқадагилар – арқон ёнига ўтадилар. Ўйновчилар тўпни галма-гал узатишлари керак.

Бу қоидалар яхши ўзлаштирилгандан кейин ўйинни мураккаблаштириш (тўпни узатиб бермасдан, бармоқ учлари билан уриб юбориш) мумкин.

### **5.2.9. Уч варианти тўп**

**1 - вариант.** Бу ўйинда неча ўқувчи қатнашиши олдиндан белгилаб қўйилмайди. Унда иккитадан 20-30 тагача ўйинчи қатнашиши мумкин. Ўйиннинг бу варианти фақат қиз болаларга мосдир.

Ўйин учун волейбол тўпи ёки оддий резина тўп керак.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйиннияккама-якка ёки жамоаларга бўлинниб ўйнаш мумкин. Ўйновчилардан биритўпни зарб билан ерга уради ва тўп ҳаводалик вақтида ўзи бир айланиб, олдингитурган ҳолатига қайтади. Ўйновчияна шуҳаракатни такрорлайди. Ўйин шугартибда давом эттирилаверади. Ўйновчитўпни ура олмайқолса ёки нотўғри уриб юборса (тўп бошқа томонга сапчиб кетса), мувозанатини йўқотса, ўйин тўхтатилади.

**Ўйиннинг қоидаси.** Тўпни энг кўп марта уриб сапчитган ўйинчи ғолиб ҳисобланади.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйин кичик ва ўрта мактаб ёшидаги қизлар учун тавсия қилинади.

Бу ўйин чаққонлик, мувозанатни сақлай олиш каби муҳим сифатларни тарбиялади, шунингдек, тўпни бошқара олиш малакаларини мустаҳкамлайди.

**2 - вариант.** Ўйинни ўтқазиш тартиби ва ўйновчиларнинг сони биринчи вариантдагидек бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчи девордан 1-1,5 метр оралиқда туриб тўпни деворга уради. Деворга теккан тўп сапчиб қайтгунича қарсак уриши ва тўпни илиб олиши керак. Бунда ҳаракатнинг бир неча элементларини: бир айланиб олиш,

чўққайиб ўтириш ва ҳоказоларни қўллаш мумкин. Бу ўйин ҳам кичик ва ўрта мактаб ёшидаги ўкувчилар учун тавсия қилинади.

**3 - вариант.** Ўйновчилар teng икки жамоага бўлиниб, 5-6 қадам оралиқда бир-бирларига юзма-юз бўлиб қатор турадилар. Ўйинда тўпнинг тўғри узатилиши ва илиб олинниши эътиборга олинади. Агар ўйинчи тўпни нотўғри узатса ёки нотўғри илиб олса, унга жарима очкоси берилади жарима очколарини кам олган команда ютган ҳисобланади

Бу ўйин ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўкувчилар учун тавсия қилинади.

### **5.2.10. Қармоқча**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин учун узун арқон керак. Арқоннинг бир учига ярмигача қум солинган халтacha боғлаб кўйилади. Ҳамма ўйновчилар айлана ҳосил қилиб турадилар (1- расм).



**1- расм.**


**Ўйиннинг тавсифи.** Онабоши давра ўртасида туриб, учига халтacha боғланган арқончани айлантиради. Ўйновчилар хушёр бўлишлари ва арқонча учига боғланган халтачага оёқларига тегмаслиги учун арқонча айлантирилаётган пайтда сакраб-сакраб туришлари керак. Оёғига халтача

теккан (қармоққа илинган) ўйинчи давра ўртасига чиқади ва онабоши бўлади, яъни арқончани айлантиради.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйинни бошлашдан олдин кимки арқончага уч марта қоқилса, доира ўртасига чиқади, деб тушунтириш керак. Ўйновчиларни икки жамоага бўлиш мумкин. Бунда иккала жамоанинг ўйинчилари арқончага неча мартадан қоқилганини ҳисоблаб бориб, ўйин охирида қайси жамоа ғолиб чиққанини аниқлаш лозим. Бу ўйинни 3-5 дақиқа давом эттириш мумкин.

### 5.2.11. Чопиб ўтувчини ҳимоялаш

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйинда иккита - отувчилар ва ҳимоячилар жамоалари қатнашади (2- расм).



2- расм.

Отувчилар жамоаси teng икки гурӯҳга бўлиниб, чизик орқасида тизилиб турадилар. Майдончанинг ўртасида диаметри 1,5 метрли айлана чизилади. Унинг ўртасига баландлиги 2,5 метрли ёғоч устун ўрнатилган бўлади. Ёғоч устун атрофидаги айлана чизигидан чиқмасдан ҳимоячилар сафга туриб, тартиб билан санайдилар. Биринчи номерлилар чизик орқасида турган отувчилар жамоаси сафининг охиридан жой оладилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин отувчилар жамоаси тўпни gox чап, gox ўнг томонга отиб, ёғоч устунга тегизишга ҳаракат қиласдилар.

Ҳимоячилар эса тўпни устунга тегизмасликка, уни уриб қайтаришга

ҳаракат қиласылар. Бундан ташқари, улар галма - галдан у ёқ -бу ёққа югуриб ўтадилар.

Үйин бошланишига сигнал берилгач, биринчи ҳимоячи югуриб ўтади. У биринчи чизиқдан иккинчи чизиқда, сүңг орқасига югуриб қайтиб келади. Энди иккинчи ҳимоячи югуради. Биринчи ҳимоячи айланага бориб, устунни қўриқлади.

Шундай кетма-кет югуриб ўтишлар отувчилар жамоаси тўпни устунга тегизгунича давом этади. Устунга тўп теккандан кейин үйин вақтинча тўхтатилиб, ҳимоячилар неча маротаба югуриб ўтганлиги ҳисобланади. Шундан кейин жамоалар ўз ўринларини алмашадилар қўпроқ югуриб ўтган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Отувчилар тўпни навбат билан чизиқни орқасидан отиши шарт. 2 Тўпни олаётган пайтда чизиқни босиш мумкин. 3. Ҳимоячиларнинг устун турган жойга киришига рухсат этилмайди.

### **5.2.12. Волейболчиларнинг тўп узатиши**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўқувчилар 4-5 та жамоага бўлинади. Ҳар бир жамоаайлана хосил қилиб туради, унинг ўйинчилари тартиб билан санайдилар (3- расм).



### 3- расм.

Хар бир жамоанинг биринчи номерли ўйинчилари волейбол тўпини олиб, айлана ўртасида турадилар. Хар бир жамоага биттадан хакам бириктириб қўйилади, улар очколарни ҳисоблайдилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчиининг сигналидан кейин ҳар бир жамоанинг ўйинчилари тўпни бир-бирларига юқоридан хохлаган томонларига, кўп маротаба узатишга ҳаракат қиласидилар. Хакамлар эса овозини чиқариб ҳисоблайдилар. Агарда хатога йўл қўйилса, (бир ўйинчи тўпни икки марта, бир қўл билан ёки икки қўллаб ерга урса), иккинчи номерли учинчи ўртага чиқади ва ўйин бошидан бошланади, ҳисоблаш олдинги ҳисобдан давом эттирилади. Яна хатога йўл қўйилса, ўртага учинчи номерли ўйинчи чиқади ва ҳоказо.

Жамоалардаги ҳамма ўйинчилар ўртага чиқиб бўлганларидан кейин ўйин тамом бўлади. Ким тўпни кўп оширган бўлса, уша жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни ерга тушириш мумкин эмас. 2. Тўпни икки марта бир қўллаб, икки қўллаб пастдан уриш ман этилади.

#### 5.2.13. Волейболчиларнинг тўп узатиши

**Ўйинга тайёрланиш.** Майдончанинг ўртасидан оралиғи 2-5 метрли иккита параллель чизик ўтказилади. Ўқувчилар teng уч-тўрт жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа ўз навбатида яна иккига бўлинади ва чизиқларкинг орқасида бир қатор бўлиб, майдончанинг ўртасига қараб турадилар. Ҳар бир жамоага биттадан волейбол тўпи берилади (4- расм).



**4- расм.**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин қўлида тўп ушлаган биринчи номерли ўйинчилар уни қарама - қарши томонда турган биринчи ўйинчиларга узатадилар, ўзлари эса ўнг томондан ўз қаторларининг охирига бориб турадилар. Иккинчи томондаги биринчи ўйинчилар тўпни орқага қайтариб томонда ўз қаторининг охирига бориб туради. Худди шунинг ўзини кейинги ҳамма ўйинчилар ҳам бажарадилар.

Қайси жамоа кўрсатилган тартибда тўпни ҳавода қўпроқ ушлаб турса, уша жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни икки қўл билан юқориданузатиш шарт. 2. Пастдан узатиш ман қилинади. 3. Тўпни тушириб юборган жойдан ўша ўйинчининг ўзи узатиши керак.

**Ўйиннинг вариантлари.** 1. Тўп узатган ўйинчи, ўнг томондан

югуриб бориб қарама - қарши қаторнинг охирига бориб туради. 2. Ўйинда ҳар бир иштирокчи икки мартадан югуриб ўтади ва ўйин ҳамма ўйинчилар олдинги жойларига қайтиб келгунларича давом этади.

### **5.2.14. Квадратдан тўп отиш**

**Ўйинга тайерланиш.** Майдончада ўлчамлари 8x4 метрдан 20x10 метргача тўғри тўртбурчак чизилади. Томонларининг нисбати 2:1 teng бўлиши шарт. Майдончанинг ўртасидан бўлиниб, иккита квадрат ҳосил қилинади. Ўйин волейбол майдончасида ўтказилса, яна ҳам яхши. Ўйновчилар teng икки жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа ўз онабошини сайлайди, сўнг чек ташлаб ким биринчи бўлиб ўйинни бошлидиган онабошига тўп берилади.

Жамоаларнинг ўйинчилари ўзларининг квадратларида эркин жойлашадилар, онабошилар эса квадрат ташқарисида турадилар. Ўйинни бошлайдиган онабошига тўп берилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин онабоши ўз жамоасидаги ўйинчиларга тўпни отади, улар тўпни илиб олиб, рақиб томондаги ўйинчилардан бирортасига тегизишга ҳаракат қиласиладилар. Бунинг учун тўпни илиб олгач, бир неча марта бир-бирларига ёки онабошига узатиб, тўсатдан, рақиб ўйинчиларга қараб отадилар.

Иккинчи жамоанинг ўйинчилари эса тўпга чап бериб, уни ерга тушмасидан илиб, тўпни бир-бирларига ёки онабошига ошириб рақиб жамоасининг ўйинчиларига отишга интиладилар.

Тўп теккан ўйинчи ўз квадратидан чиқиб, рақиблар томондаги квадратнинг бир четида туради. Агар бир томондаги квадратда бирорта ҳам ўйинчи қолмаса, квадрат ичига онабошининг ўзи тушиши шарт. У ҳам тўп билан урилса, ўйиннинг биринчи қисми тамом бўлади. Жамоалар ўрин алмасиб, ўйинни давом эттирадилар. Ўйин волейбол сингари 2-3 ёки 3-5 партиядан иборат бўлади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйинчилар чизиқни босишлари мумкин эмас. Агар у тўпни отиш пайтида чизиқни босса, теккан ҳисобланмайди.

Тўпдан қочаётган пайтда ёки алдамчи ҳаракат қилишда чизиқдан ўтилса, тўп теккан ҳисобланади. 2. Тўпдан қочиб туриб, уни илиб олиш мумкин. Бундай вақтда тўп теккан ҳисобланмайди. 3. Тўп тўппа-тўғрри бориб тегса, ҳисобланади. Ердан ёки бошқа ўйинчидан сакраб бориб тегса, ҳисобланмайди.

**Методик қўрсатмалар.** Ўйинда бутун волейбол ўйинни усувларини ёки тўп узатиш усувларини, масалан, кўкракдан икки қўллаб, пастдан икки қўллаб узатишни кўллаш мумкин. Ўйинга бошқа қоидаларни киритиш мумкин эмас.

### **5.3. Баскетбол**

#### **5.3.1. Ҳар ким ўз байроқчасига**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар 3-4 гурухга бўлинади. Ҳар бир гурух айлана ҳосил қилиб тизилади. Ҳар қайси айлана марказида биттадан ўйинчи кўлини юқорига қўтариб байроқча ушлаб туради. Раҳбарнинг биринчи сигнал ишораси (қарсак чалиши) билан байроқча ушлаган ўйинчилардан бошқа ҳамма болалар майдонча бўйлаб тарқала бошлайдилар. Иккинчи ишора билан ҳар тарафга қочган ўйинчилар югуришдан тўхтаб, чўққайиб ўтирадилар ва кўзларини беркитадилар. Байроқча ушлаган ўйновчилар эса раҳбарнинг қўрсатмаси билан бошқа жойга ўтадилар, яъни жойларини алмаштирадилар. Раҳбар “Ҳамма ўз байроқчасига!” – дейди ва ўйинчилар кўзларини очадилар ва биринчи бўлиб айланага сафланиш учун ўз байроқчалари томон югурладилар. Бу ишни охирида бажарган гурух ютқазади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйинчи байрокчани бир қўлидан иккинчисига олиши мумкин. 2. Кўзни батамом беркитиш лозим. 3. Ўқувчилар бир-бири билан қўл ушлашиб текис ва тинч турсагина айланага тизилган ҳисобланадилар.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари қисқа-қисқа югуришdir.

#### **5.3.2. Бўри зовур ичида**

**Ўйиннинг тавсифи.** Майдончанинг ўртасида кўндалангига 1,5-2 қадам оралиқда параллель чизиклар ўтказилади. Бу шартли равишда зовур бўлади. Зовурнинг икки ёнидан 10-15 м нарига уй чегарасини билдирадиган яна иккита параллель чизик ўтказилади. Онабоши қилиб тайинланган ўйинчи, яъни бўри зовурда туради. Қолган ўйинчилари, яъни эчкилар ён чизиклардан бирининг орқасидаги «уй» га жойлашадилар.

Ўқитувчининг ишораси билан эчкилар олдинга югурадилар, йўлда зовур устидан сакраб ўтиб, майдончанинг қарши томонидаги чизик орқасига бориб турадилар. Бўри зовурдан чиқмасдан, сакраб ўтаётган эчкиларни ушлашга (уларга қўл тегизишга) ҳаракат қиласди. Бўрининг қўли теккан ўйинчи тутилган жойда тўхтаб қолади. Зовурдан омон-эсон сакраб ўтган эчкилар қарама-қарши томондаги чизиқقا қараб югурадилар. Раҳбар ушланган ўйинчиларни аниқлаб олади ва уларга ўйинда яна қатнашишга рухсат беради. Эчкилар зовурдан уч марта сакраб ўтганларидан кейин янги бўри тайинланади.

Эчкилар зовурдан уч марта сакраб ўтишида уларнинг кўпроғини тута олган бўри ҳамда бирон марта ҳам қўлга тушмаган ёки бошқа ўйинчиларга қараганда камроқ тутилган эчкилар ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйинчи сакраётиб зовурнинг иккинчи томонини бир оёғи билан босган бўдса ҳамонабоши унга қўл тегизмаслиги керак. 2. Орқада қолган ўйинчи раҳбарнинг шошмасдан «бир, икки, уч» дейишидан кечикмай зовурдан сакраб ўтиши керак, акс ҳолда тутилган ҳисобланади. 3. Зовурдан сакраб ўтмаган ўйинчи ҳам ютқазган бўлади.

**Эслатма.** Ўйинчилар сони кўп бўлса (ёки болалар ўйин билан биринчи марта таниширилаётганда), уларнинг ҳаммасини баравар эмас, балки икки ёки уч гурухга бўлиб навбати билан югуртириш мумкин.

Ўйиннинг иккинчи варианти асосан қуидагича ўтказилади. Югуриб ўтувчилар томонида, зовурдан 4-5 қадам нарида раҳбар тайинланган ўйинчилар ердан 50-60 см баланд қилиб (ўйинчиларнинг тайёргарлигига

қараб) арқончани тортиб турадилар. Эчкилар югуриб келиб арқончадан сакраб ўтадилар, кейин, зовурдан ҳатлайдилар. Арқончани тортиб турувчиболалар ҳар сафар югуриб ўтиб бўлгач, навбатдаги югуриб ўтиш бошланадиган томонга ўтиб турадилар.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари чап бериб ва узунликка сакраб қисқа-қисқа югуришлардан иборатdir.

### **5.3.3. Тўп ташлашиш**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар гурухларга бўлиниб, уч ёки тўртта давра ҳосил қиласидилар. Ҳар бир даврдагилар ўз ораларида ёзилган қўл сиғадиган жой қолдирадилар. Ўйинчилар оёқларнинг учи олдидан айлана чизилиб, унда онабоши волейбол ёки тўлдирма тўпни ушлаб туради. У раҳбарнинг ишораси билан ўз атрофидагиларга, яъни ўйинчиларга тўпни навбат билан иргитади ва улар қайтарган тўпни илиб ола бошлайди. Онабоши даврадаги охирги ўйинчи қайтарган тўпни илиб олганидан кейин уни баланд кўтаради. Бу билан у тўп ташлашиш тугаганлигини билдиради.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўп ташлашиш пайтида онабоши ўзининг доирачасидан чиқмаслиги, давра бўйлаб турган ўйинчичлар эса айлана чизигини босмасликлари керак. 2. Тўпни илиб олиш ва қайтаришда даврада турган барча ўйинчилар навбат билан қатнашишлари лозим. 3. Тўпни тушириб юборган ўйинчи уни бориб олиши ва ўйинда белгиланган тартиб бўйича даврадаги ўртоғига иргитиб ташлаши керак.

**Эслатма.** Иштирокчилар ўйинни яхшилаб ўзлаштириб олганларидан кейин тўп ташлашни яхши ва тез бажариш бўйича давралараро мусобақа ўтказиш мумкин. Бунда тўпни ерга камроқ туширган ёки тўп ташлашишни бошқаларга қараганда тезроқ тамомлаган давра ўйинчичлари ютиб чиқади.

Тўпни турли шаклдаги енгил нарсалар, масалан, эстафета таёқчалари, арча бужури, қипик ёки қум тўлдирилган халтacha ва ҳоказолар билан алмаштириш мумкин.

Ўйининг ўзига ҳос ҳаракатлари тўп ёки бошқа нарсаларни ирғитиш ва илиб олишдир.

#### **5.3.4. Тўпни олдирма**

Ўйин майдончада, залда ёки йўлакда ўтказилади. Ўйин учун баскетбол ёки волейбол тўпи керак.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ҳамма ўйинчилар бир метрдан оралиқда тизилиб айлана ҳосил қиласидилар. 3-4 та онабоши тайинланади ва улар ўртага тушадилар. Ўйновчилар оёқлари олдига чизик ўтказиш мумкин. Ўйновчиларга тўп берилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар тўпни онабошилар қўлини тегиза олмайдиган илиб бир-бирларига ирғитиб ёки ердан думалатиб узатадилар.

Онабошилар ўртада югуриб юриб, учиб бораётган, ерда думалаб кетаётган ёки ўйновчилардан биронтасининг қўлида турган тўпга қўл тегизишига ҳаракат қиласидилар.

Агар онабошилардан биронтаси тўпга қўл тегизса олса, ютган ҳисобланади ва ютқазган ўйинчи унинг ўрнига онабоши бўлади. Онабоши ўртага тушган ўйинчининг ўрнига туради.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни улоқтириб ва ердан думалатиб узатиш мумкин. 2. Агар тўп доирадан ташқарига чиқиб кетса, ўйновчилар уни иложи борича тезроқ бориб олишлари ва ўзжойларига қайтиб келиб, ўйинни давом эттиришлари керак. 3. Она боши ўйновчилар қўлидаги, ҳаводаги ёки ердаги тўпни, шунингдек, доирадан ташқарига чиққан тўпни ушлаш хукуқига эга.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий ахамияти.** Бу ўйин ўқувчиларда тўпни улоқтириш ва илиб олиш малакаларини такомиллаштиради ҳамда уларни баскетбол ва қўл тўпи ўйинларига тайёрлайдиган машқлардан бири ҳисобланади. Ана шу ўйин жараёнида ўқувчиларда зийраклик, дикқат, мерганлик хислатлари ривожланади.

Рақиб билан тўқнашиш пайтида тўпни улоқтириш ва илиб олиш бу

ўйиндаги асосий ҳаракатлардир.

**Методик қўрсатмалар.** “Тўпни олдирма” ўйини ўқувчиларни баскетбол ва қўл тўпи ўйинига тайёрлашга ёрдам беради. У тўпни ўйнашнинг махсус усулларини билишни талаб қилмайди, лекин ўйинчиларда рақиб билан тўқнашганда тўпни эгаллаш малакаларини такомиллаштиради. Шу муносабат билан ўйновчиларнинг диққатини ўйиндаги барча вазиятларга, онабошиларни кузатиш ва уларнинг ҳаракатларини ҳисобга олиб, тўп ўйнашга жалб этиш зарур. Шунингдек, уларга ўртоқлари билан келишиб, биргаликда ҳаракат қилишни ва тўпни бир-бирига аниқ узатишни ўргатиш лозим.

Ўқувчилар тўп ўйнашни анча яхши ўрганиб олганларидан (тўпни камроқ тушириб юборадиган ва аниқ узатадиган бўлганларидан) кейин бу ўйин қоидаларини мураккаблаштириш тавсия этилади. Масалан, тўпни қўлдан тушириб юборишни ман қилиш ёки тўпни онабошиларнинг юқорига кўтарилиган кўуллари тепасидан ошириб улоқтиришни ўйин қоидаларига киритиши мумкин.

Ўйинни яна қуйидагича мураккаблаштиrsa бўлади. Ўйновчилар дойра бўйлаб юриш ёки югуриб бир-бирларига тўп узатадилар. Бунда қўлида тўп ушлаган ўйинчи кўпи билан икки қадам босиб туриб, уни ўз ўртоқларидан бирига улоқтириб юбориши керак. Тўпни қўулида ушлаб икки қадамдан ортиқ юрган ўйинчи қоидани бузган ҳисобланади ва онабоши бўлади.

Ўйиннинг бу вариантидан юқори синф ўқувчилари билан ўтказиладиган машғулотларда фойдаланилади ва у ўқувчиларни баскетбол ўйинига тайёрлайдиган вариант ҳисобланади.

“Тўпни олдирма” ўйинини ўқувчиларга III синфдан бошлаб ўргатиш тавсия этилади, чунки бу ёшдаги ўқувчилар учун тўпни ирғитиш ва илиб олиш техникасини эгаллаш унча қийин бўлмайди.

### 5.3.5. Тўхтатиб уриш

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар айлана бўлиб сафланиб, волейбол

тўпини доирада юрган онабошининг ушлашига йўл қўймай, турли йўналишда бир-бирларига узатиб турадилар. Онабоши тўпни уриб ерга туширишга ҳаракат қиласди. Тўп ерга тушиши билан ўйинчиларнинг ҳаммаси ҳар томонга қочади, онабоши тўпни ердан олиб “Тўхта! – дейди. Шу сўз айтилгач ҳеч ким жойидан қимирламаслиги керак.

Онабоши тўпни ўзи истаган ўйинчига отади. Тўп кимга тегса, ўша онабоши бўлади ва ўйин такрорланади, агар тўп хеч кимга тегмаган бўлса, онабошининг ўзи яна онабоши бўлади. Бир марта ҳам онабоши бўлмаган (ёки бошқаларга қараганда камроқ онабоши бўлган) ўйинчилар ғолиб чиққан ҳисобланади.

Ўйиннинг натижаларини аниқлашда биринчи онабошининг роли ҳисобга олинмайди.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўп ерга тушиши билан қочган ўйинчилар жойларидан қузғалмай, тўпга чап беришлари мумкин. 2. Тўп учиб келиб тегсагина ҳисобга олинади.

**Эслатма.** Бу ўйин ўтказиладиган майдончани чегаралаб қўймаса ҳам бўлаверади. Онабошилар яқинда турган ўйинчиларга тўпни қаттиқ зарб билан отмаслигини олдиндан тайинлаб қўйиш лозим.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари: волейбол тўпни ирғитиш ва илиб олиш, тўпни нишонга ва энг узоққа (онабошилар учун) отишдан, қисқа-қисқа тез югуриш ва гавданинг холатини тез-тез ўзгартиришдан иборатdir.

### **5.3.6.Баскетболчилар мусобақаси**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйинмайдончада ёкигимнастика залида ўтказилади, уни ўтказишида иккита баскетбол ёқиволейбол тўпидан фойдаланилади. Ўйновчилар икки командага бўлиниб, бир-биридан 3 метр оралиқда параллель қаторларга сафланадилар. Қаторлар бошида турган ўйинчиларнинг оёқ учларидан старт чизиғи ўтказилади. Қаторлар олдидан тахминан 18-20 метр нарига сават ўрнатилган баскетбол тахтаси ёкибiron

нарсага биркитилган ҳалқа қўйилади. Сават билан старт чизиги ўртасига (ҳар бир қатор олдига) 2-3 та ғўлача қўйилган бўлади. Қаторлар олдида турган ўйинчиларга биттадан тўп берилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи “Тайёрлан!”, “Марш!”— деб кўрсатма бериши билан қаторлар бошида турган ўйинчилар тўпни бир қўллаб ерга уриб-уриб олдинга югурадилар. Улар ўз ғўлачаларини айланиб ўтиб, сават ёки ҳалқа яқинига келадилар, тўпни сават ёки ҳалқа ичига ташлаб яна илиб оладилар. Кейин тўпни ерга қаттиқ урадилар ва бунда тўп ердан кўтарилиб, иккинчи ўйинчига, яъни ўз жамоасида навбат кутиб турган шеригига учиб бориши керак. Навбатдаги ўйинчи ҳам тўпни илиб олиши биланоқ уни ерга уриб-уриб олдинга югуриб кетади ва биринчи ўйинчининг ҳаракатларини такрорлайди. Югуришни тамомлаган ўйинчилар қатор охирига ўтиб турадилар. Тўп билан югуришни (ҳамма ҳаракатларни бажарган ҳолда) олдин тамомлаган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни қўлдан чиқариб юборган ўйинчи уни олиб келиши ва шу жойдан югуришни давом эттириши лозим. 2. Тўпни олиб кетаётган ўйинчи ғўлачани қулатиб юборса, уни жойига турғазиб ўйинни давом эттиради ва шундан кейингина тўпни олиб кетиши керак. 3. Навбат кутиб турган ўйинчилар тўпни қабул қилиб олаётганларида старт чизигидан ўтмасликлари лозим. 4. Ўйиннинг натижасини ҳисоблашда тўп саватга тушган-тушмаганлиги назарда тутилади.

**Методик кўрсатмалар.** Бу эстафетани мураккаблаштириш ҳам мумкин. Масалан ҳар бир жамоа ўйинчилари қаторда иккитадан бўлиб турадилар. Сигнал берилиши билан қатор бошида турган икки ўйинчи баравар югурга бошлайди. Улар тўпни бир-бирига ўзатишиб борадилар, тахтага яқинлашганда тўпни сават ёки ҳалқага ташлайдилар ва илиб олган тўпларни навбатдаги ўйинчиларга ирғитадилар.

### 5.3.7. Сават ёки яшикка тўп тушириш

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар биттадан бўлиб 3-4 қаторга

сафланадилар. Қаторлар сони қанча бўлса, шунча сават (диаметри 50 см) ёки яшиклар ўрнатилади. Саватлар қатордан 3-4 метр наридаги устунларга ёки дарахтларга ўрнатилади. Қаторлар бошида биринчи бўлибтурганларнинг оёқлари учидан чизик ўтказилади. Қатор бошида турганларга биттадан тўп берилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан қатор бошида турганлар тўпларини улоқтириб саватга туширишга ҳаракат қиласадилар. Қатор охирида турганлар эса ерга тушган тўпни олиб келиб навбатдаги ўйновчиларга топширадилар, тўп ирғитганлар тўпни олиб келувчилар ўрнига бориб турадилар. Саватга кўпроқ тўп туширган жамоа ғолиб чиқсан хисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни саватга ирғитганда чизиқдан нарига ўтиш мумкин эмас. Чизиқдан чиқиб турган холда саватга туширилган тўп ҳисобга олинмайди. 2. Ҳамма ўйновчилар навбат билан саватга тўп ирғитишлари лозим.

**Методик курсатмалар.** Ўйинчилар саватга тўпни 3-4 метр наридан ирғитиб туширишни яхши ўзлаштирганидан кейин бу масофани узайтириш мумкин. Сават ёки яшик бўлмаса, унинг ўрнига чамбаракдан фойдаланиш маъқул.

### 5.3.8. Картошка экиси

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар ўзаро teng 2 ёки 3 жамоага бўлиниб, бир-бирига параллел қаторларга сафланадилар. Ўйин учун 5 тадан картошка солинган 2-3 халта бўлиши керак. Қаторлардан 20-30 метр нарига кетма-кет 5 тадан доирачалар чизилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи “Диққат”, “Марш!”, – деб команда бериши билан қатор бошида турган ўйинчилар ўз доирачаларига югурладилар, картошкаларни доирачалар ичида қолдириб, юргурганларича қайтиб келадилар ва халтачаларини навбатдаги ўйновчиларга берадилар. Бу

ўйновчилар ҳам югуриб бориб, картошкаларни халтачаларга соладилар ва яна ўз қаторларига қайтиб келадилар ва ҳоказо. Ҳамма ўйновчилари олдинроқ югуриб бўлган команда ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Картошкаларни фақат доирачалар ичига қўйиш керак. Агар бирон картошка доирача ичидан ташқарига думалаб чиқса, ўйновчи қайтиб келиб, уни доирачага қўйиш ва шундан кейингина югуришни давом эттириши лозим. 2. Шерикдан халтани қабул қилиб олгандан кейингина югуриб кетиш мумкин. 3. Югуриб қайтиб келган ўйновчи қаторнинг охирига бориб туради.

**Методик қўрсатма.** Ҳамма ўйновчилар югуришда қатнашишлари лозим. Хато қилган ўйинчига жарима очкоси бериш мумкин.

### **5.3.9. Ҳалқага ирғитиши**

Бу ўйинда 20-30 нафар ўйинчи қатнашиши мумкин. Ўйин яйловда ёки волейбол устуни ўрнатилган спорт майдончасида ўтказилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ҳалқа дарахтга, волейбол устунига ёки бўйи 3-4 метрли маҳсус ясалган блокка ўрнатилади. Ҳалқа билан ирғитиши оралиғи 10-15 метр бўлиши мумкин. Ирғитиши учунтенинис коптоғи ёки катталиги ва оғирлиги ўшандай латтадан ясалган коптоғи бўлиши мумкин.

Ўйиннинг жамоаларга бўлинниб ёки бўлинмасдан ўтказса ҳам бўлади.

Жамоаларга бўлинганда ўйинни қайси жамоа бошлиши чекташлаш йўли билан аниқланади.

Ҳар бир ўйновчи ирғитиши чизигига келади ва коптокни ирғитиб ҳалқага ташлайди.

**Ўйиннинг қоидалари.** Ҳалқага туширилган ҳар бир копток учун бир очко берилади. Агар ўйновчилар жуда кўпайиб кетса, ҳалқалар сонини ҳам кўпайтириш мумкин.

Энг кўп очко тўплаган ўйинчи ёки жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Методик қўрсатмалар.** Бу ўйин ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар учун тавсия қилинади. Ўйин мўлжал олиш қобилиятини ўстиради

ва ҳамда ирғитиш малакаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунингдек, ўйновчиларда жамоа олдидаға масъулиятни сезиш хиссини тарбиялады.

### **5.3.10. Баскетбол тахтасига (счит) түп отиш**


**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар тенг икки жамоага бўлинадилар. Баскетбол майдончасининг бир томонидаги баскетбол тахтаси олдига ўғилболалар учун 12 метр, қиз болалар учун 10 метр масофада тўпни отиладиган иккита чизиқ тортилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин ҳар қайси жамоанинг биттадан ўйинчиси (ўғил ёки қиз бола) отиш чизигига келади. Улар уттадан тўлдирма тўп, баскетбол тўпи ёки теннис тўпини олиб баскетбол тахтасига отиб, ундаги квадратга тегизишга ҳаракат қиласидилар. Квадратнинг ўртасига теккан тўп учун 2 ва тахтага теккан тўп учун – 1 очко берилади. Кейинги ўйинчилар ҳам тўпларни йиғиб олиб, отиш чизигига келадилар ва шу ишни бажарадилар. Энг кўп очко тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади.

### **5.3.11. Тўпни саватка ёки яшикка тушириш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар биттадан бўлиб 3-4 қаторга сафланадилар. Қаторлар сони анча бўлса, улардан 3-4 метр наридаги устунлар ёки дараҳтларга шунча сават (диаметри 50 см) ёки яшик ўрнатилади. Қаторларда биринчи бўлиб турганларнинг оёқлари учидан чизик ўтказилади ва уларга биттадан тўп берилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан қаторлар бошида турганлар тўпларини улоқтириб саватга туширишга ҳаракат қиласидилар. Кейин тўпни олиб келиб навбатдаги ўйновчиларга берадилар ва ўзлари қаторлар охирига бориб турадилар. Саватга кўпроқ тўп туширган жамоа ғолиб ҳисобланади (5- расм).



**5- расм.**

Саватга тўпни 3-4 метр наридан туриб иргитиб туширишни яхши ўрганилгандан кейин бу масофани узайтириш керак. Сават ёки яшик бўлмаса, унинг ўрнига чамбараклардан фойдаланиш мумкин.

### **5.3.12. Тўпни югуриб олиб юриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар teng икки жамоага бўлинниб, ўзаро параллель иккита қаторга сафланадилар. Қаторлар рўпарасига 10-15 метр масофада иккита байроқча ўрнатилади. Қаторнинг бошида турган ўйинчиларда футбол ёки баскетбол тўпи бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин биринчи ўйинчи тўпни ерга уриб-уриб, байроқчанинг атрофидан айланиб орқага қайтиб келиб, тўпни иккинчи ўйинчига беради, иккинчи ўйинчи учинчисига ва ҳоказо. Қайси жамоа ана шу вазифани тез, хатосиз бажарса, ўша жамоа ғолиб хисобланади.

### **5.3.13. Тўп учун кураш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўқувчилар кучлари teng икки жамоага бўлинадилар. Жамоаларни бир-биридан ажратиш учун икки хил рангли

кийим бўлиши керак. Ҳар бир жамоанинг онабошилари сайланади, улар чек ташлашиб қайси жамоа ўйинни бошлашини аниқлайдилар.

Ўйинни бошлайдиган жамоа баскетбол тўпини олади. Ўйин қатнашчилари бутун майдон бўйлаб иккитадан бўлибжойлашадилар, яъни ҳар бир ўйинчининг ёнида қарши жамоанинг ўйинчиси бўлади, улар бутун ўйин давомида бир-бирини “ушлаши” керак.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин тўпни олган жамоа ўйинчилари олдиндан келишилган усулда тўпни бир-бирларига ошира бошлайдилар.

Ҳар бир оширилган (5-10 марта) тўп учун жамоага бир очко берилади. Очко олингандан кейин, ўйинни ютқазган жамоабошлаш хуқуқига эга бўлади. Кўп очко тўплаган жамоаютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйинда баскетбол ўйини қоидаларини қўуллаш мумкин. 2. Ўйин бошланишида тўпни олиб юриш мумкин эмас.

#### **5.3.14. Тўпни олиб юриш ва саватга ташлаш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар teng 4 та жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа бир қатор сафланиб кўрсатилган жойда турадилар. Қаторлардаги биринчи ўйинчилар биттадан баскетбол тўпини оладилар (6-расм).



#### **6- расм.**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин улар тўпни ерга уриб-уриб шчит томон, бориб, саватчага ташлайдилар (тўп саватчага тушмаса, тушгунча ташлаш керак), илиб олиб орқага қайтиб ерга уриб, чизикдан иккинчи номерли ўйинчига узатадилар. У хам шу ҳаракатни такрорлайди. Мусобақани биринчи бўлиб тугатган жамоа ғолиб ҳисобланади.

Кейин жамоалар тўпларни чизикга қўйиб жойларини айлана бўйлаб алмашадилар (соат стрелкасига қарши), шу усулда майдоннинг тўртта нуқтасини айланиб чиқадилар. Ҳар доим жамоаларга олган ўринларига қараб очколар берилади. Ўйиннинг охирида 4 та нуқтадан энг кам очко тўплаган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг варианти.** Агар ўқувчиларнинг сони кўп бўлмаса, масалан, 12 нафардан ошмаса, уларни икки жамоа бўлиш мумкин ва хар бир жамоа бир қаторга сафланиб ўзи томонидаги олд чизикда туради.

Ҳар бир ўйинчини олдига тўпни қарама-қарши томондаги шчитга, сўнгра ўз томонидадаги шчитга олиб келиб ташлаш ва тушгандан сўнг уни ўзининг жамоасидаги кейинги ўйинчига узатиш вазифаси қўйилади.

#### **5.3.15. Тўп ушловчига**

**Ўйинга тайёрланиш.** Залнинг ёки майдончанинг қарама-қарши бурчакларига учбурчак ва 1-1,5 метр кенглиқда йўллар чизилади. Ўйинда иккита жамоа қатнашади, уларда албатта бир-биридан ажратиладиган белги бўлиши шарт. Ҳар бир онабоши биттадан тўп ушловчи ва иккитадан ҳимоячиларни тайинлайди. Тўп ушловчилар рақиб ҳимоячиларининг олдида йўлак ичидаги ёки зонада турадилар. Қолган ўйновчилар эса иккитадан бўлиб бутун майдон бўйлаб тарқаладилар (7- расм).



**7- расм.**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйин баскетболга ўхшаб майдон марказидан бошланади. Ўқитувчи тўпни икки жамоанинг иккита ўйинчиси ўртасига юқорига отиб ўйинга киритади. Ўйинчилар юқорига сакраб тўпни ўз жамоасидаги ўйинчиларга оширишга ҳаракат қиласидилар.

Ўйинчилар тўпни бир-бирларига ошириб ўзларининг тўп ушловчиларига яқинлашиб бориб, тўпни уларга узатадилар. Ҳимоячилар ўз навбатида буларга қаршилик кўрсатиб, тўпниушлаб олиб, ўзининг ўйинчиларига узатадилар. Ҳар бир тўп ушловчилар ушлаган тўпи учун жамоага бир очко берилади. Ҳар бир олинган очкодан кейин, ютқазган жамоа ҳимоячилари тўпни отиб ўйинга киритадилар.

Маълум бир вақт ичида, яъни 8-10 дақиқа давомида кўп очко тўплаган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** Ўйинда баскетбол ўйиниқоидаларини қўллаш мумкин. Тўпни ушловчилар ва химоячилар тўпни илиб олгандан сўнг зонадаги чизиқни босиши ман этилади.

### **5.3.16. Қаторлар бўйлаб тўплар пойгаси**

Ўйин майдончада, залда ёки коридорда ўтказилади. Уни утказиш учун баскетбол ёки волейбол тўплари (жамоалар сонига қараб) керак бўлади. Бунда тўлдирма тўплар, байроқчалар ёки таёқчалардан фойдаланиш ҳам мумкин.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйинчиларбаб-баравар икки жамоага бўлинадилар. Жамоалар бир-бирига юзма-юз туриб икки қаторга сафланадилар. Қаторларда биринчи бўлиб тўрган ўйинчиларнинг қўлларида биттадан тўп бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Қаторда биринчи бўлиб тўрган ўйинчилар раҳбарнинг “Дикқат, марш!” - деб сигнал бериши билан тўпларни ўз қўшниларига ва улар ҳам ўз навбатида тўпни ўзидан кейинги ўйинчиларга узатадилар. Тўплар шу тариқа қатор охиригача узатиб борилади. Қатор охирида тўрган ўйинчилар тўпни олишлари билан қатор олдига қараб югурадилар ва қатор олдига туриб олиб, тўпни ўз қўшниларига узата бошлайдилар ва хоказо. Тўп пойгасини бошлаган ўйинчилар қаторнинг охирига келиб қолганларидан сўнг тўпни олишлари билан қатор олдига қараб югурадилар ва ўз жамоаларининг олдига туриб олиб, тўп ушлаган қўлларини юқорига кўтарадилар. Тўп пойгасини олдин тугатган, яъни ўйинчиларнинг хаммаси пойгани бошловчи ролини бажарган ва пойга бошланишида биринчи бўлиб тўрган ўйинчиси ўз жойига олдин келиб ултурган жамоа ғалаба қозонади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўп факат ўз қўшнисига узатилади. Уни бир неча ўйинчидан ошириб узатишга рухсат этилмайди. Бу қоидани бузган

жамоага жарима очкоси берилади. 2. Агар ўйинчилардан биронтаси тўпни туширибюборса, уни ўша ўйинчининг ўзи бориб олиши ва ўз жойига қайтиб келиб, тўп узатишни давом эттириши керак. 3. Хар гал охирги ўйинчи қаторнинг олд томонига югуриб ўтиб, биринчи бўлиб туриб олганидан кейин жамоанинг ҳамма ўйинчилари ярим қадам орқага суриладилар. 4. Ўйинни бошқа жамоага қараганда олдин тугатган ва жарима очкоси олмаган жамоа ютади.

## 5.4. Тенис

### 5.4.1. Чиллак

Ўйин ўтлоқ жойда ёки спорт майдончасида ўтказилади. Ўйин учун узунлиги 8-100 см, диаметри 2-2,5 см бир учи яссиланган таёқ (даста) ва узунлиги 20 см таёқча – чиллак керак бўлади.

Ўйинда 2 тадан 10 тагача ўқувчи қатнашиши мумкин. Ўйинни яккама-якка ўйнаса ҳам, гурухларга бўлинниб ўйнаса ҳам бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Олдинги чизикдан 2 м нарига даста қўйилади. Ўйинлар чиллакни ерда ётган ана шу дастанинг устига иргитадилар. Чиллакни биринчи бўлиб дастига тегизган ўйинчи ўйинни бошлиш хуқуқига эга бўлади. Бунинг учун ўйинчи чиллакни дастанинг учига қўйиб туриб енгилгина қўтариб ташлаши ва чиллак қайта тушиб, дастага тегиши ва яна сапчиб қўтарилиб, қайтиб даста устига тушиши керак.

Ўйинчи шу тартибда неча очко тўпласа, у шунча марта даста билан чиллакни уриб уни тўғрига отади. Агар ҳар бир отганда чиллак 20-30 метр нарига бориб тушса, 3-4 очко бўйича отилганда 90-100 метр масофага етказилиши мумкин.

Ютказган ўйинчи ёки рақиб гурух ўйинчиси ана шу масофанинг ҳаммасини югуриб ўтиши керак. Бунда у нафас олмай югуриши лозим. Чопиб кетаётганида нафас олса, ўша жойда яна даста билан чиллакни сакратиб уриб қайтадан чопиб ўтиладиган масофа белгиланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Даста билан чиллакни силкитиб ташлаганда чиллак дастага 3 мартадан кам тегмаслиги керак. 2. Чиллак ерда ётган дастага ташланаётганда иштирокчилар ўйинни бошлаш чизифини босиб турмаслиги керак. 3. Ўйинчи белгиланган масофани чопиб ўтишдан бош тортса, у ашула айтиб ёки ўйнаб бериши, шъер ўқиши ҳам мумкин.

**Методик кўрсатмалар.** Нафас олиш борасида тушунмовчилик чиқмаслиги учун югураётган ўйинчи қўнғизнинг “зувлашига” ўхшаш овоз чиқариб бориши лозим.

#### **5.4.2. Полизга кирган қуёнлар**

**Ўйиннинг тавсифи.** Иккита айлана чизилади. Улардан бири иккинчисининг ичига чизилган бўлади. Ташқи айлананинг диаметри 7-9 м, ички айлананини эса 3-4 м бўлади. Битта ўйинчи онабошидан бошқа ҳамма болалар қуён бўлиб, катта айланадан ташқарида турадилар. Онабоши (коровул) ингичка резинага боғланган қофоз коптокчани ушлаб кичик доиранинг ўртасида туради. Кичик доира полиз бўлади. Қуёнлар икки оёқлаб сакраб, гоҳ полизга тушадилар, гоҳ катта доиранинг ташқарисига чиқадилар.

Коровул полиз ичида ва айлана чизиги билан чкгараланган майдонда югуриб юради. У ҳар гал ўзига қайтиб келадиган резинали копток билан қуёнларни “отиш” га ҳаракат қиласи. Қуёнлар ҳар тарафга сакраб-сакраб чап бераб қочадилар ва тез-тез полизга тушишга интиладилар. Коровулнинг коптоги теккан қуён отилган ҳисобланади. Отилган қуён катта доирадан чиқиши ва “ўқ теккан” жойни 5-6 марта шошмасдан силаши керак. Қуённи отган коровул бошқа ўйинчилар қаторига киради ва унинг ўрнига отилган қуён ўтади.

Раҳбар полизга кўпроқ тушиб, коровулнинг “ўқи” камроқ теккан ёки сира ҳам “ўқ” емаган қуёнларни аниқлайди. Бундай болалар энг чаққон ўйинчилар ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Куён бўлиб қатнашаётган ўйинчиларга бир оёқда югуриш ва сакраш ман этилади. 2. Онабоши (қоровул) ўйинчиларга полиз ва катта айлана ичидагина коптокни тегизиши мумкин.

**Эслатма.** Ўйинни 30 минутача давом эттириш ва бир неча марта такрорлаш, ҳар сафар такрорлашдан олдин болалар бироз дам олиши маъқул.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари олдинга, орқага сакраш ва бунда чаққонлик билан чап беришдир.

#### **5.4.3. Овчилар**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйинни олиб бориш учун 2-3 онабоши, яъни овчилар тайинланади. Овчиларда биттадан копток бўлади. Колган ўйновчилар – “тулкилар” майдончада югуриб юрадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан тулкилар ўз жойларида тўхтаб қоладилар ва овчилар ҳам жойларидан қимирламасдан коптокни отиб тулкиларнинг биронтасига тегизишга ҳаракат қиласилар. Ҳар бир ўйинчига теккан ҳар бир копток учун биттадан жарима очкоси берилади. Коптокни уриш натижаси ҳисоблаб чиқилгандан кейин янги овчилар тайинланади ва ўйин такрорланади. Копток тегмаган ёки бошқаларга қараганда камроқ теккан ўйинчилар энг чаққон ўйинчилар ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тулкилардан қайси бири учеб келаёттан коптокни ушлаб қолса, тўп ўша ўйинчига теккан ҳисобланади. 2. Тулкилар ўзларига тўпни тегдирмаслик учун ҳар хил ҳаракатлар қилишлари мумкин. 3. Копток билан фақат оёқда уриш мумкин. 4. Ўйновчилар ўйинни яхши ўрганиб олганларидан кейин овчилар коптокни чап қўли билан ирғитишлари керак.

#### **5.4.4. Ким чаққонроқ**

Ўйинда 20-30 нафар ўқувчи қатнашади. Ўйинни майдончада, ҳовлида ёки спорт залида ўтказиш мумкин.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ҳамма ўйновчилар тенг икки жамоага бўлинниб,

20-30 метр оралиқда бир-бирларига юзма-юз турадилар. Ҳар бир жамоанинг ўңг қанотида турған ўйинчилар бир оёқларини (ўңг ёки чап) тиззадан букиб, рўмолнча ёки камар билан боғлайдилар. Шундан кейин “Марш!” – деган сигнал берилади. Ўйновчилар бир оёқда сакраб-сакраб қарши жамоагача борадилар ва у ерда рўмолнчани ечиб, ўз жамоалари олдига югуриб қайтиб келадилар. Рўмолнча ёки камарни навбатдаги ўйинчига берадилар. Ҳамма ўйинчилар мана шу ҳаракатни такрорлайдилар. Энг охирги ўйинчи ҳам олдинги ўйинчиларнинг ҳаракатларини бажариб, рўмолнча ёки камарни ўйин раҳбарига беради. Рўмолнча ёки камарни ўйин раҳбарига биринчи бўлиб олиб берган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1 .Фақат бир оёқда сакраб борилади. 2. Қарши жамоага етиб боргандан кейингина рўмол ёки камар ечилади. 3. Оёқни боғлаб бўлгандан кейингина сакраб юриб кетилади. 4. Ўйинчилар тартиб сақлаган ҳолда бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйин мусобақа ўйинидир. Ўйинни V-VIII синф ўқувчилари учун тавсия қилиш мумкин. Ўйиндаги ҳаракатлар югуриш ва сакрашга асослангани учун ўйновчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини эътиборга олиш, икки жамоа ўртасидаги масофани ҳам шунга қараб белгилаш керак. Ўйинда икки жамоа ўртасидаги мусобақа яққол кўриниб туриши лозим.

Ўйинда ғалаба қозониш учун ўйновчилар оекларини тез боғлашни ва ечишни яхши билиб олган бўлишлари зарур.

#### **5.4.5.Кенгурулар**

Ўйинда 20-30 ўқувчи қатнашади. Ўйин майдончада ёки залда ўтказилади. Ўйинни ўтказиш учун футбол, баскетбол ёки волейбол тўпи бўлиши керак.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар сонига қараб 2-3 ёки ундан ортиқ команда тузиш мумкин. Жамоаларга бўлинган ўйновчилар майдончанинг старт чизиги орқасида қаторларга сафланиб турадилар.

Хар бир жамоага биттадан ёки иккитадан тўп берилади. Қаторда биринчи ва иккинчи бўлиб турган ўйинчилар тўпни олиб, уни тиззалари орасига қистириб олдинга югуришга тайёрланадилар (8-расм).

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйин раҳбари сигнал бериши билан жамоалардаги тиззаларига тўп қистирган ўйинчилар сакраб-сакраб белгиланган жойгача борадилар. Шундан кейин тўпни олиб, уни ерга уриб-уриб ўз жамоаларнга айтиб келадилар. Тўпни навбатдаги ўйинчиларга бериб, ўзлари қаторнинг охирига ўтиб турадилар. Тўпни олган ўйинчилар ҳам биринчи ўйинчилар қилган ҳаракатларни бажарадилар.

Мана шу ҳаракатларни биринчи бўлиб тамомлаган жамоа ютган хисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** Сакраб-сакраб юришда тиззалари орасидаги тўпни тушириб юборган ўйинчининг жамоасига битта жарима очкоси берилади. 2. Тиззалари орасига қистирилган тўпни қўл билан ушлаб бориш ёки қайтиб келаёттандан тўпни думалатиш мумкин эмас.

**Методик кўрсатма.** Мусобақа тарзидағи бу ўйин III-IV синф ўқувчилари учун энг қизиқарли ўйинлардан биридир.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти.** Бу ўйин ўқувчиларда жамоачилик, ўз ҳаракатлари учун масъулийтни сезиш ҳиссини тарбиялашга, сакраш, тезкорлик, атрофдаги шароитни яхши англаш иш кўриш, тўпни олиб юриш малакаларини ўстиришга ёрдам беради.

#### **5.4.6. Ёй ва ўқ**

Ўйинни спорт залида, майдончада, ўтлоқ жойда ёки яланглиқда ўтказиш мумкин. Бу ўйин учун ясама ёй ўқи ва ёй, нишонли фанер тахталар керак.

Ўйинда 12 кишигача қатнашиш мумкин. Хар бир ўйинчидаги 5 та дан ўқ бўлиши керак.

**Ўйиннинг тавсифи.** Отиш чизигидан 20 метр нарига нишонли фанерлар ўрнатилади ёки осиб қўйилади. Ўйин раҳбари сигнал бериши билан

ўйинчилар чизиқقا келадилар ва ўқларни нишонларга отадилар. Нишонлар 3 хил радиусли бўлади:

- а) марказий радиус – 10 очко;
- б) ўрта радиус – 6 очко;
- в) катта радиус – 0 очко.

Кейин очколар ҳисоблаб чиқилади. Кўпочко тўплаган ўйинчи ёки жамоа (агар ўйин жамоалар ўртасида ўтказилса) ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидаси.** Ўйновчи икки ҳолатда, яъни тик туриб ва тиз чукиб туриб отиш керак.

#### **5.4.7. Нишонга уриш**

Ўйновчилар икки жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоада 6 нафар ўғил бола ва 4 нафар қиз бола қатнашадилар. Улар нишондан 8-10 метр нарига сафланиб турадилар, ўйинчиларда иккитадан теннис коптоги бўлади. Ўқитувчининг сигналидан кейин ўйновчилар “отиш” чизигига чиқадилар (қизлар 8 метр, ўғил болалар эса 10 метр масофага) ва икки марта нишонга отишни бажарадилар. (Ҳар бир жамоа учун 5 тадан нишон бўлиши керак.)

Қайси жамоанинг ўйинчилари нишонга кўп тегизса, ўша жамоа ютган бўлади.

#### **5.4.8. Ракетка устида коптокни олиб юриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар икки жамоага бўлиниб, ўзаро параллель иккита қаторга сафланадилар. Қаторлар олдидан старт чизиги ўтказилади. Бу чязиқдан 12-15 метр нарига тўп кўйилади. Биринчи турган ўйинчиларнинг кўлларида ракетка ва биттадан стол тенниси коптоги бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин биринчи ўйинчилар ракетка билан коптокни уриб-уриб мэррагача бориб ва орқага қайтиб, ракетка ва коптокни кейинги ўйинчиларга берадилар, иккинчи ўйинчилар эса учинчиларига ва хоказо. Бу ишни хатога йўлқўймасдан, тез, аниқбажарган жамоа ютган ҳисобланади. Агар ўйинчи ракетка устидан тўпни

тушириб юборса, уни қутариб олиб, туширган жойидан ўйинни давом эттиради.

## 5.5. Кўл тўпи

### 5.5.1. Қалъани ҳимоялаш

Ўйин майдончада ёки залда ўтказилади. Уни ўтказиш учун уча гимнастика таёқчаси ва битта волейбол тўпи керак бўлади. Агар ўйновчилар сони 30 нафардан ошиб кетса, асбоб-ускуналар миқдори икки баравар кўпайтирилиши лозим (8- расм).



8- расм.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ҳамма ўйновчилар ораларида бир қулочдан масофа қолдириб, айлана ҳосил қилиб турадилар. Уларнинг олдидан ерга айлана чизилади. Унинг марказига ҳар бирининг узунлиги бир метрдан ва юқори учлари бирлаштириб боғлаб қўйилган учта таёқдан иборат калъа қўйилади. Битта ўйинчи калъани ҳимоя қилиш учун доира ўртасига тушади. Айлана ҳосил қилиб тўрганларнинг қўлида волейбол (ёки гандбол) тўпи бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар раҳбар сигнал берган заҳоти қалъани тўп билан қўра бошлайдилар. Ҳимоячи қалъани ўз гавдаси билан беркитиб ҳамма тўпни қўл ва оёқлари билан уриб қайтариб, хужумга қаршилик кўрсатади. Қалъани қулата олган ўйинчи ҳимоячининг ўрнига тушади, ҳимоячи эса қаторга келиб туради. Ўйин белгиланган вақт давомида ўтказилади. Ўйин охирида бошқаларга қараганда қалъани узоқроқ вақт давомида кўриқлай олган энг яхши ҳимоячилар, жунингдек, энг яхши мерган ва зийрак ўйинчилар ғолиб деб топилади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйновчиларнинг чизиқдан олдинга ўтишлари мумкин эмас. 2. Ҳимоячига қалъани қўл билан ушлаб туриш ҳуқуқи берилмайди. 3. Агар қалъа тўп билан уриб кулатилса-ю, йиқилмаса, ҳимоячи уни қўриқлашни давом эттираверади. 4. Агар қалъани ҳимоячининг ўзи кулатиб юборса, Уша пайтдан бошлаб у ҳимоячи бўла олмайди, унинг ўрнига худди шу вақтда қўлида тўп ушлаб тўрган ўйинчи тушади.

**Ўйиннинг “Булавалар ҳимояси” варианти.** Доира ўртасига уч оёкли қалъа ўрнига бешта булава: тўрттаси хар бир томони бир қадамдан бўлган квадрат тўртбурчакнинг бурчакларига ва биттаси шу тўртбурчакнинг ўртасига ўрнатилади.

Бу ўйинда ҳимоячи булаваларни кўриқлашга ҳаракат қиласи, ҳамма ўйинчилар эса айлана чизиғидан ичкарига ўтмасдан, булаваларни тўп билан уриб қулатишга интиладилар.

Ҳимоячи қулаган булавани турғазиб қўйиш (агар у энг охирида қулаган бўлмаса) ҳуқуқига эга бўлади. Барча булавалар қулатиб булингандан кейин онабоши алмаштирилади. Унинг ўрнига охирги булавани қулатган ўйинчи тушади.

Ўйиннинг бошқа қоидаларн худди “Қалъани ҳимоялаш” ўйини қоидаларининг ўзидир.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳмияти.** Бу ўйинда тўпни нишонга улоқтириш, бир-бирига ирғитиш ва илиб олиш малакалари такомиллашади. У тўпни бир-бирига узатиш пайтидаги ҳаракатларни бир-бирига

мослаштириши, тез ҳаракат қилишни ва чаққонликни талаб қилади. Шунингдек, химоячилар мард бўлиши ва теварак-атрофдаги вазиятни англаб ҳаракат қила олишлари керак.

Ўйинда бажариладиган ҳаракатларнинг асосий турлари - қўриқланаднган қўзғалмас нишонга тўп улоқтириш, бир-бирига тўп иргитиш ва илиб олишdir.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйновчилар кўп бўлса, ўйинни бир вақтнинг ўзида икки даврада ўтказиш керак. Ўйинчилар эътиборини тўпни узатиш вақтидаги ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштиришга ва нишои очик қолган пайтдагина қалъага тўпни тегизиш осонлигига жалб этиш лозим.

Рахбар барча ўйновчиларнинг ўйинда фаол қатнашишларини, тўп ҳамма ўйинчилар ўртасида узатилиб боришини кузатиб туриш лозим.

Агар ҳимоячи қалъя ёки булаваларни узоқ вақт давомида қўриқлаб туришга муваффақ бўлса, унинг хизмати тақдирланади ва уни бошқа ўйинчи билан алмаштирилади. Шунда бошқа ўйинчиларга ҳам ҳимоячи бўлиш имконияти берилади.

“Булавалар ҳимояси” ўйини “Қалъани ҳимоялаш”га қараганда мураккаброқ ўйиндир. Чунки унда ҳимоячига қулатилган булаваларни тиклаб қўйиш имкони берилади ва бу билан ўйин мақсади мураккаблашади.


“Қалъани ҳимоялаш” ўйинини III синфдан, “Булавалар ҳимояси” ўйинини эса V ва VI синфдан бошлаб ўтказиш тавсия этилади.

### **5.5.2. Тўп учун кураш**

Ўйин майдончада ёки залда ўтказилади. Ўйинни ўтказиш учун битта баскетбол ёки волейбол тўпи бўлиши керак.

**Ўйинга тайёрланиш.** Барча ўйновчилар баб-баравар иккита жамоага бўлинадилар. Ўйин ўтказиладиган майдонча тўрт томондан чегаралаб қўйилади. Ҳар бир жамоа учун алоҳида онабошилар сайланади. Улар майдончанинг ўртасига келиб турадилар, қолган барча ўйинчилар майдонча бўйлабтарқоқ ҳолда жойлашадилар. Бунда улар жуфт-жуфт бўлиб (бир

ўйинчи битта жамоадан, иккинчи ўйинчи бошқа жамоадан) туришлари керак (9-расм).



(9- расм).

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйин раҳбари тўпни онабошилар ўртасига ташлайди. Улар тўпни илиб олишга ва ўз ўйинчиларидан бирига ирғитишга ҳаракат қиласидилар.

Тўпни қўлга киритган онабоши уни ўзжамоасида қолдиришга тиришади. Шу мақсадда жамоа ўйинчилари тўпни бир-бирларига узатиб турадилар. Бошқа жамоанинг ўйинчилари тўпни уриб юбориш, рақиблардан уни тортиб олиш ва ўз ўйинчиларига узатишга интиладилар. Демак, икки жамоа ўртасида тўп учун кураш боради. Ўйинда жамоалар олдига уз ўйинчилари ўртасида қаторасига 10 марта тўп узатиш вазифаси қўйилади. Қайси жамоа бу вазифани бажарса, у бир очко ютади. Шундан кейин ўйин яна майдон ўртасидан бошланади, яъни ўйин раҳбари тўпни онабошилар ўртасига ташлайди. Агар тўп бир жамоа ўйинчилари орасида узатилиб турганда, иккинчи жамоа ўйинчилари уни ушлаб олсалар, биринчи жамоа эришган тўп узатишлар сони бекор қилинади ва бу жамоа яна тўпни қўлга киритганда тўп узатиш хисоби янгидан бошланади.

Ўйин 10-15 дақиқа давом этади. Кўпроқ очко тўплаган жамоа ютган хисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Тўпни қўлдан юлиб олиш ярамайди, уни

фақат уриб юбориш ва илиб олиш мумкин. 2. Агар тўп майдончадан четга чиқиб кетса, уни ўша жойдан рақиб жамоанинг ўйинчиси ўйинга ташлайди. 3. Агар тўпни бирданига икки ўйинчи ушлаб қолса, унда ҳакам хуштак чалиб ўйинни тўхтатади ва тўпни талашиб қолганлар ўртасига ташлайди. Уларнинг ҳар бири тўпни ўз ўйинчиларидан бирига уриб оширишга интилади. 4. Тўпни қўлда ушлаб майдончада югуриб юриш мумкин эмас. Уни ерга уриб-уриб олиб юриш керак. Агар ўйинчи тўпни қўлда ушлаб 2 қадамдан ортиқ югурса, ҳакам ўйинни тўхтатади ва тўпни худди шу жойдан рақиб жамоанинг ўйинчиси ўйинга ташлайди. 5. Агар тўпни узатиш вақтида рақиб томон тўпни қўлга киритиш мақсадида қўполлик қиласа, (тўпни қўлдан юлиб олса, қасдан туртиб юборса) ҳакам ўйинни тухтатади, тўпни тўп ўзатаетган жамоага беради ва узатиш ҳисоби давом этаверади.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий ахамияти.** Бу ўйин аслида баскетболга ёки қўл тўпи ўйинига тайёргарлик машқидир. Бу ўйин баскетбол ва қул тўпи ўйини учун зарур малакаларни, яъни тўпни олиб юра билиш малакаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, “тўп учун кураш” ўйини баскетбол ва қўл тўпи ўйинлари учун зарур тактик усулларни такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Ўйиндаги асосой ҳаракатлар-баскетбол ва қўл тўпи ўйинларидаги тўпни саватга тушириш ва дарвозага киритишдан бошқа ҳамма элементларидан иборатdir.

**Методик кўрсатмалар.** Ҳар кайси жамоа аъзолари бир-биридан фарқ қилиши керак. Бунинг учун жамоалардан бирининг ўйинчилари қўлига боғич боғлаш, бошқаларига бир ҳил рангли майка кийғизиш мумкин.

Тегишли қоидаларни (тўпни қўлда ушлаб 2-3 қадамдан ортиқ юрмаслик, 3-4 сониядан ортиқ тўхтаб олмаслик, тўпни фақат бир қўлда ерга уриб-уриб олиб бориш каби) киритиб, бу ўйиндан тўпни олиб юра билиш малакасини янада такомиллаштириш учун фойдаланиш мумкин.

Ўйин юқори синф ўқувчилари (V синфдан бошлаб) учун тавсия қилинади. Керакли нарсалар бўлмаганлиги ёки ўқувчилар кўплиги туфайли баскетбол ўйнашга имкон бўлмаса, “Тўп учун кураш” ўйинини қўллаш

мумкин. Чунки бу ўйинда 20 дан ортиқ ўйинчи қатнаша олади.

### **5.5.3. Ғозлар – оққўшлар**

**Ўйинга тайёрланиш.** Майдончанинг икки қарама-қарши томонларининг бирида ғозлар учун уй, иккинчи томонида бўри учун ин ажратилади (оралиқ 15-20 метр). Ўйновчилардан бири бўри ва қолганлари ғозлар бўлади.

Ўқитувчи «Ғозлар – оққўшлар!» дейиши билан ҳамма ўйновчилар майдончага югуриб чиқадилар. Ўқитувчи “Ғозлар – оққўшлар, уйга қайтинг, бўри тоғ тагида турибди!” – дейди, ўйновчилар бараварига “Бўри у ерда нима қиласяпти?” деб сўрайдилар. Ўқитувчи “Ғозларнинг патини юласяпти!” – деб жавоб беради. “Қанақа ғозларнинг патини?” – деб сўрашади ўйновчилар. Ўқитувчи “Оппоққина ғозларнинг. Тезроқ уйга қочинглар!” – дейди. Ўқитувчининг шу сўзларидан кейин ҳамма ғозлар уйга қараб қочадилар, бўри эса инидан югуриб чиқиб, уларни қувлай бошлайди. Ўйин икки-уч марта такрорлангандан кейин янги онабоши, яъни бўри тайинланади.

**Ўйиннинг қоидалари.1.** Ўқитувчи “Тезроқ уйга қочинглар!” деганидан кейингина уйга қочиш мумкин. 2. Уйдан майдонга ҳамма югуриб чиқиши керак.

**Методик кўрсатмалар.** Ўқитувчи тутилганларни санаб бориши ва уларнинг ўйинга яна иштирок қилишига рухсат бериши мумкин, лекин ўйин тамом бўлгандан сўнг бўрининг қўлига тушган ва сира ҳам қўлга тушмаганларни кўрсатиб ўтиши лозим.

### **5.5.4. Тақиқланган ҳаракатлар**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар айлана хосил қилиб турадилар. Онабоши доира ўртасида туради.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар билан онабошининг барча ҳаракатларини такрорлаш, аммо тақиқланган ҳаракатлар қилмаслик ҳақида олдиндан келишиб олинади. Кейин онабоши ҳар хил ҳаракатлар

қилабошлайди, ўйновчилар унинг ҳаракатларини такрорлайдилар. Шунда онабоши қўққисдан бирор тақиқланган ҳаракат қилиб қўяди. Ана шу ҳаракатни такрорлаган ўйинчига жарима очкоси берилади ёки уни доира ўртасига тушириб онабошининг ролини бажаришга мажбур қиласди. Жарима очкоси олган ўқувчи ўйнаб ёки қўшиқ айтиб бериши, топишмоқни топиши, бир оёқда айлана бўйлаб ҳаккалаб юриши ҳам мумкин. Шундан кейин ўйин яна давом эттирилади.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйинни музика жўрлигига ўтказиш яна ҳам яхши. Уни ўтказишида ўқувчиларни ҳушёрликка ўргатиш учун ҳаракат қилинади.

#### **5.5.5. Тўп билан тўпни уриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Бу ўйин майдончада ёки катта залда ўтказилади. Ўйновчилар икки жамоага бўлинадилар ва ҳар қайси жамоа ўзига онабоши сайлайди. Майдончани ўртасидан чизиқ ўтказилиб икки қисмга бўлинади. Майдончанинг қайсиқисмида қайси жамоанинг ўйнаши чек ташлаб белгиланади. Майдончанинг ён (энсиз) томонларига 2 тадан тўлдирма тўп қўйилади. Тўлдирма тўплардан 3-3,5 метр нарига ярим доиралар чизилади. Булар жамоаларнинг “шаҳарлари” бўлади. Ўйинни ўтказиш учун битта баскетбол ёки волейбол тўпи керак.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг биринчи сигнали бўйича жамоалар ўрта чизиқнингт икки томонида бир-бирларига юзма-юз турган холда сафланадилар. Онабошилар хам чизиқнинг ўртасига келиб юзма-юз турадилар. Ўқитувчи онабошилар ўртасига келиб туриб, иккинчи сигнални бериши билан бир вақтда тўпни осмонга ирғитади. Ҳар иккала онабошига қайтиб тушаётган тўпни ўз жамоаси томонга уриб юбориш ҳуқуқи берилади. Ҳар бир ўйинчи қўлига тўп тушиши билан уни дарҳол ўз жамоаси томонига узатади ва тўпни қўлга киритган жамоа ўйинчилари уни бир-бирларига узатиб, қарши жамоа шаҳарига яқинлашишга ва қулай фурсатдан фойдаланиб, тўп билан тўпни уриб тегизишга ҳаракат қиласди. Агар тўп

уриб тегизилса, уни уриб тегизган жамоага бир очко берилади. Ўйин жамоаларидан бири қарши жамоанинг тўпини 2-3 марта уриб тегизгунча давом эттирилади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Марказий чизикдан ўтиш мумкин, аммо шаҳар ичига кириш мумкин эмас. Шаҳар ичига кириб уриб тегизилган тўп хисобга олинмайди ва бунинг учун очко берилмайди. Бундай қоида бузилган ҳолларда тўп ўйинни давом эттириш учун қарши жамоага олиб берилади. 2. Тўпни бошқаларга оширмасдан ёки ўйнатмасдан қўлда олиб югуриш ёки уни 3 сониядан ортиқ қўлда ушлаб туриш мумкин змас. 3. Қарши жамоа ўйинчисидан учиб келаётган тўпни илиб олиш мумкин, лекин қўлдан юлиб олиш ёки ўйинчини итариб юборишга йўл қўйилмайди. 4. Қарши жамоага очко беришга мажбур бўлган жамоанинг ўйинчиси уриб туширилган тўлдирма тўпни олиб, ўз жойига қўяди ва тўп марказдан осмонга улоқтириб юборилади.

**Методиккўрсатмалар.** Ўйинчилар сони кўпайиб кетса, уларни уч жамоага бўлиш керак. Бунда хар гал иккита жамоа ўйнаб, биттаси дам олиб туради. Бу иккала жамоа учрашуви тугагач, учрашган жамоалардан бири дам олиб туради ва навбат кутиб турган жамоа ўйинга тушади. Ўйин уччала жамоа бир-бири билан учрашиб бўлгунича давом эттирилади. Хар бир учрашув 2-3 дақиқа давом этади. Бу ўйинни шаҳар чизиги билан тўлдирма тўп оралигини 4 метргача узайтириб бирмунча мураккаблаштириш мумкин. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, жамоаларда ўйинчилар хаддан ташқари кўпайиб кетса, ўйин унча қизиқарли ўтмайди.

Бу ўйиннинг аҳамияти шундаки, у ўқувчиларни чаққонликка, тўпни тўғри ирғитиш ва илиб олишга ўргатади. Болалар бу ўйинни ўрганиш билан баскетбол ўйнашга тайёргарлик кўрадилар.

### **5.5.6.Байроқча учун кураш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Бу ўйин узунлиги 40-60 ва эни 20-30 метр майдончада ўtkазилади. Ўйновчилар teng икки жамоага бўлинадилар.

Майдонча күндаланг чизик билан баравар икки қисмга бўлинади. Майдончанинг иккала қисмига (майдонча четидан 2 метр ичкариликка) “уя” лар чизилади. Ҳар бир жамоа ўз уясининг чизифиорқасига майдончанинг эни бўйлаб 10 тадан байроқча ўрнатади (байроқчалар бир текисда ўрнатилиши керак). Жамоалар ўз майдонларида ўзлари истаган тартибда жойлашадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи ёки ўқувчилар орасидан тайинланган ҳакам сигнал бериши билан хар қайси жамоа иккинчи жамоанинг мумкин қадар кўпроқ байроқчаларини ўз томонига олиб қочишга киришади. Лекин бу ишни бажариш осон эмас. Чунки хар бир жамоа ўйинчилари байроқчани олиб қочмоқчи бўлиб ўз томонларига ўттан қарши жамоа ўйинчиларини ушлаб олишлари мумкин. Ўйин 15дақиқа давом этади. Борди-ю, бир жамоа ўйинчилари иккинчи жамоанинг ҳамма байроқчаларини белгиланган вақт тамом бўлмай ўз томонига олиб ўтса, ўйин олдинроқ тугаши ҳам мумкин.

Қарши жамоа байроқчаларининг кўпини ўз томонига олиб ўтган ёки белгиланган вақт тамом бўлмасдан қарши жамоанинг қўлга туширилган ўйинчиларидан ўз байроқчаларини қайтариб олишга улгурган жамоа ўйинда ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Бир жамоа ўйинчиси иккинчи жамоанинг ўйинчисига қўл тегизса, ўша ўйинчи ушланган, қўлга тушган ҳисобланади. 2. Қўлга тушган ўйинчи уша жода қимирамай туради, уни ўз жамоасининг ўйинчиларидан бири қутқариб олиши мумкин. Ўз шеригини кутқариш учун унга қўл тегизиш кифоя. 3. Ҳар бир ўйинчи фақат битта байроқчани олиб қочиши мумкин. 4. Байроқчани олиб қочаётган ўйинчи қўлга тушиб қолиш хавфи туғилиб қолса, байроқчани ўз шерикларидан бирига узатиб юбориши мумкин. 5. Агар байроқчани олиб қочаётган ўйинчи қўлга тушса уни қўлга туширган ўйинчилар байроқчани ундан тортиб оладилар-да, ўз жойига олиб бориб қўядилар. Ушланган ўйинчи эса ўз шерикларидан биронтаси уни қутқариб олгунча ўз жойида қимирамай туради. 6. Ўйинвақтида майдончадан ташқарига чиқиш мумкин эмас. 7. Қоидани бузган ўйинчи ўйиндан чиқарилади.

### **5.5.7. Тўп узатиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 4 та жамоага бўлиниб, ўзаро параллель бўлиб, тўрт қаторга тизилиб, қўлларини ёнларига узатган ва оёқларини ёнга керган ҳолда старт чизигида турадилар. Биринчи бўлиб турган ўйинчиларда баскетбол ёки волейбол тўпи бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин ўйинчилар тўпни бошидан ошириб узата бошлайдилар, тўп охирги ўйинчига боргандан кейин ўйинчилар оёқларини жуфтламасдан сакраб орқага айланиб, тўпни бошдан ошириб узатадилар. Тўп биринчи узатган ўйинчига боргач, шу ҳаракат яна такрорланади. Шундан сўнг тўпни оёқлар орасидан, кейин ўнг ва чап томондан узатадилар. Шу тўрт усул билан тўп узатишни хатосиз биринчи бўлиб тугатган жамоа ғолиб ҳисобланади.

### **5.5.8. Кўл тўпи мусобақаси**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 3-4 та жамоага бўлиниб, бир қатордан сафланиб, чизик орқасида ёнма-ён турадилар. Майдончанинг бир томонидаги старт чизигидан 10-15 метр оралиқда параллель чизик ўтказилади, шу чизиқда ҳар биржамоанинг қаршиисига диаметри 1-1,5 метрли айланалар чизилади. Бу айланаларда ҳар бир команданинг биттадан онабошилари туради, қаторлар олдида турган биринчи ўйинчилар биттадан тўп оладилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин улар тўпни белгиланган чизиқгacha ерга уриб-уриб олиб бориб, бир қўллаб онабошига узатадилар ва олдинга югуриб бориб, айланадан жой оладилар. Кейин тўпни олиб, ўзларининг жамоаларигача олиб берадилар ва навбатдаги ўйинчиларга узатиб, ўзлари қаторнинг охирига бориб турадилар ва ҳамма ўйинчилар ана шу ишни бажарадилар.

Ўйин қаторда биринчи турган ўйинчилар яна ўз жойларнга келиб турганларидан кейин тугайди.

Берилган вазифани тез ва аниқ бажарган жамоа ютган ҳисобланади.

## **5.6. Оғир атлетика**

### **5.6.1. Тўрт томонга тўп ирғитиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 4 жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа ўзи учун онабоши тайинлаб, квадрат чизиги орқасида туради. Квадратнинг ўртасида диаметри 2-3 метрли айлана чизилади. Тўртала онабоши ана шу айлана ичида туради. Онабошиларга биттадан волейбол тўпи ёки тўлдирма тўп берилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан онабошилар кўлларидағи тўпни бир қаторга сафланган ўз жамоаларининг бошидаги ўйинчига узатадилар. Бу ўйинчилар тўпни илиб олиб яна қайтариб онабошига ирғитадилар. Шундан кейин онабошилар тўпни ўзжамоаларида иккинчи бўлиб турган ўйновчиларга узатадилар ва ҳоказо. Қатор охиридаги ўйновчи тўпни олиши биланоқ югуриб бориб онабоши бўлиб туради. Илгариги онабоши эса ўз қаторининг олдига келиб туради. Бунда қатордагилар чап томонга бир қадам суриласадилар. Ҳамма ўйновчилар навбатма-навбат онабоши бўлиб туришлари лозим. Дастребни онабоши яна қайтиб доирага келгач ўйин тугайди. Ўйинни олдин тамомлаган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйинник қоидалари.** 1. Қаторнинг чап қанотидаги ўйновчи тўпни илиб олганидан кейингана доирага югуради. 2. Қатордаги ўйновчилар чизикдан ўтмасликлари лозим. 3. Агар онабоши ёки қаторда турган ўйновчи тўпни ушлаб ололмаса, тўп қайтадан узатилади.

### **5.6.2. Арқон талашиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Майдончанинг қарама-қарши томонларига ўзаро параллел икки чизик ўтказилади. Ҳамма ўйновчилар куч жиҳатдан баравар икки жамоага бўлинадилар ва чизиклар орқасига ўтиб турадилар. Икки чизик оралиғига – майдончанинг ўртасига сертугун қилиб уралган арқон, қўйилади. Арқоннинг қок ўртасига рангли латта боғлаб қўйилган

бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан иккала жамоа ўйинчилари югуриб келиб, арқон тугунларини ечадилар ва уни ўз томонларига тортадилар. Белгиланган 45 сония мобайнида арқоннинг кўпроқ қисмини ўз чизиғидан ўтказган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Фақат сигнал берилгандан кейингина чизикдан ўтиб, арқон томонга югуриш мумкин. 2. Ҳар бир жамоа арқонни талашаётган вақтда унинг рангли латтагача бўлган бир қисмидан, яъни арқоннинг ярмидан ушлаши мумкин. 3. Арқон фақат қўл билан тортилади. 4. Оёқни тираш учун ерни юмшатиш, чуқурчалар ўйиш, қўллар билан ерга таяниш, арқонни оёқлар орасига қистириш, ерга ўтириш ёки ётиш мумкин эмас. Шу қоидаларни бузиб, арқонни ўз томонига тортиб ўтказган жамоанинг ютуғи ҳисобга олинмайди.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйинда ўқувчиларнинг куч ва чаққонлигини оширишга, бирдамлик билан ҳаракат қила олишларига эришиш лозим. Уни ўғил болалар билан ҳам, қиз болалар билан ҳам (алоҳида-алоҳида) ўтказиш мумкин.

### 5.6.3. Топиб миниш

Ўйин ўтлоқ жойда ўтказилади, ўйновчиларнинг сонига тенг теннис ёки резина коптоклар керак бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар 6-8 кишидан бўлиб икки гурухга бўлинадилар. Чек ташлаш йўли билан жамоалардан бири теннис ёки резина коптокларни олади. Ўйин раҳбари сигнал бериши билан коптоксиз жамоа ўйинчилари орқаларига бурилиб, майдондан четга қараб турадилар. Шу вақтда иккинчи жамоа ўйинчилари ўтлоқ жойга тарқалиб, ўз коптокларини яширадилар. Ўйин раҳбари иккинчи сигнал бергач, коптоксиз жамоа ўйинчилари яширилган коптокларни қидира бошлайдилар. Коптокни яширган ўйинчилар: “Тезроқ қидиринглар”, “Шошилинглар!” ва ҳоказо деган сўзларни айтиб, ўзрақибларини шошилтиришлари мумкин.

Коптокни топиб олган ўйинчи уша коптокни қайси ўйинчи яширган бўлса, ўйин бошланган жойгача уша ўйинчининг устига миниб боради. Коптокни топа олмаган ўйинчи ўйин бошланган жойга пиёда боради.

Шундан кейин коптокни топиб олган ўйинчи яширади. Ўйин раҳбар юриши тўхтагунча давом этади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Биринчи жамоанинг ҳамма ўйинчилари ўз коптокларини ўтлоққа яшириб бўлгунича иккинчи жамоа ўйинчилари ўтлоқ томонга бурилиб қарашлари мумкин эмас. Ўйинраҳбари сигнал берганидан кейингина қарай оладилар. 2. Коптокни чегараси олдиндан белгиланган жойгагина яшириш мумкин. 3. Коптокни чўнтакка ва кийимнинг бошқа жойларига яширишга рухсат этилмайди.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйинни ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар билан адирлик жойларда, болалар дам олиш оромгоҳларида, мактаб худудининг ўтлоқ жойларида ўтказиш мумкин.

Ўйин вақтида шўхлик ва қўполлик қилишга асло йўл қўймаслик керак. Жамоалар тўплаган очколар сонига қараб ғолибларни аниқлаш мумкин.

Бу ўйинда зийраклик, кузатувчанлик, кучлилик, чаққонлик ва жамоачилик сингари муҳим хислатлар тарбияланади.

#### 5.6.4. Тортишмачоқ

Ўйинни спорт майдончасида, залда ёки ўтлоқ жойда ўтказиш мумкин.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ерга катталиги 6x10 метрли тўртбурчак чизилади. Уйновчилар икки жамоага бўлинадилар. Улардан бирининг ўйинчилари – «қурбақалар» шаҳарда, яъни тўртбурчак ичидаги, иккинчи жамоа ўйинчилари тўртбурчак ташқарисида турадилар. Ҳамма ўйинчилар чўққайиб ўтирадилар. Ўйин раҳбари сигнал бериши билан ичкаридаги қурбақалар чўққайиб ўтирган ҳолда қўллари билан қулоқларини ушлаб “вақ-вақ-вақ” деб қичқириб, қарши жамоа томонига сакраб-сакраб юриб кетадилар. Улар қарши жамоа ўйинчиларига яқинлашгач, икки жамоа ўйинчилари ўртасида

бир-бирини ўз томонига тортиб ўтказиш учун кураш бошланади. Ўйин у ёки бу томонга, яъни шаҳар ичига ёки ташқарисига тортиб ўтказилган ўйинчилар сонига қараб яқунланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйин раҳбари сигнал бериши билан қарши жамоа томонга чўққайиб ўтирган ҳолдагина сакраб-сакраб келиши мумкин. 2. Ўйинчилар ўз томонига тортишда бир-бирига ёрдам бериши мумкин. 3. Бир-бирини тортиш вактида ўриндан туриш мумкин эмас. Ўйин жамоаларнинг бири иккинчи жамоа ўйинчиларининг қўпчилигини ўз томонига тортиб ўтказгач, тўхтатилади.

**Методик қўрсатмалар.** Бу ўйин V-VIII синф ўқувчилари учун тавсия қилинади. Ўйиндаги асосий ҳаракат чўққайиб ўтирган ҳолда сакраб-сакраб юришдир. Ўйинда қаршилик қўрсатиш, курашиш пайтлари ҳам бўлиши керак. Ўйинда муваффақият қозониш ўқувчиларнинг ўз ҳаракатларини мослаштиришларига боғлиқ бўлади. Ўзи асирга тушмай, асир олишга эришиш учун яхши ўйлаб, чаққон ҳаракат қилиш керак. Ўйин, айниқса бақалардан кўпроқ куч сарфлашни талаб қиласди. Бу ўйинни очик ҳавода, ўтлоқ жойда ўтказиш лозим.

### 5.6.5. Ўйлаб топ

Ўйновчилар сони чеклаб қўйилмайди. Улар қанча кўп бўлса, шунча яхши бўлади. Ўйин спорт майдончасида, ўтлоқ жойда ёки далада ўтказилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйинни бошлашдан олдин иккита онабоши сайланади. Колган ўйинчилар баб-баравар иккита жамоага бўлинадилар. Жамоа ўйинчилари бир-бирларидан 40-50- қадам оралиқда, онабошилар эса майдон ўртасида турадилар. Ҳар бир жамоа ўйинчилари орасидан биттадан жавоб берувчи тайинланади. Шундан кейин онабошилар бирон сонни ўйлайдилар ва навбатма-навбат бу сонни топишни ўйинчилардан сўрайдилар. Ўйланган сонни қайси жамоа ўйинчиси топса, ўша жамоанинг онабошиси баланд овоз билан “Марш!” – дейди. Ана шу жамоа ўйинчилари қарши

жамоанинг олдига югуриб келадилар ва унинг ўйинчилари уларни ўз жойларигача опичиб олиб бориб қўядилар.

Жамоа онабошилари яна бошқа сонни ўйлайдилар ва ўйин шу тарзда давом этади.

**Ўйиннинг қоидаси.** Капитанлар ўйлаган сонларини ўз жамоалари ўйинчиларига айтиб беришлари мумкин эмас.

**Методик кўрсатма.** Ҳамма ўйновчилар ўйин қоидаларига қатъий риоя қилсалар, ўйин жуда қизиқарли ўтади.

Бу ўйин ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар учун тавсия этилади.

### **5.6.6.Ушласанг-минасан**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар қўл ушлашиб айлана ҳосил қилиб турадилар. Ўртага икки ўйинчи чиқарилиб уларнинг кўзлари рўмолча билан боғланади ва бирига иккита кичкина тош ёки пўлат сокқа берилади. Ўйин раҳбарнинг сигнали билан қўлида ҳеч нарсаси йук ўйинчи иккинчи ўйинчининг исмини айтиб чақиради. У жавоб ўрнига тошларни (соққаларни) бир-бирига уриб тақиллатади. Чакирган ўйинчи тошлар овози келаётган томонга юриб, рақибни тутиб олишга ҳаракат қиласди. Агар тутиб олса, унга миниб олиб даврани айланиб чиқади. Шундан кейин айлана ўртасидаги ўйинчилар ўзролларини алмаштирадилар ва ўйин давом эттирилади. Иккинчи ўйинчи ҳам қўлга тушгандан кейин даврага ўйин раҳбари тайинлаган навбатдаги бир жуфт ўйинчи чиқади.

**Ўйиннинг қоидаси.** Ўйновчилар кўзлари боғланган ўйинчиларнинг айланадан чиқиб кетишларига йўл қўймайдилар.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйинни ўртава катта мактаб ёшидаги ўқувчи болалар билан ўтказиш тавсия қилинади.

Бу ўйиннинг “Кўзбоғлаш” ўйинидан фарқи ушланган ўйинчи ўз рақибини орқасига опичиб давра ичida айлантиришдир. Ўйинни спорт залида ҳам, ҳар хил майдонча, ўтлоқ ва бошқа жойларда ҳам ўтказиш мумкин. Ўқувчилар зериккан захоти ўйинни тўхтатиш керак.

### **5.6.7.Узокқа отиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўқувчилар тенг 5-8 та жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа бир қаторга сафланиб старт чизиғининг орқасида турадилар (10- расм).

Жамоаларнинг биринчи бўлиб турган ўйинчилари биттадан (оғирлиги 1-1,5 кг) тўлдирма тўп оладилар.



10- расм.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан биринчи ўйинчилар старт чизиғида туриб тўпни келишиб олдинган усулда (икки кўллаб пастдан, бошлари устидан ошириб, ўнг ёки чап кўл билан) иложи борича узоқроқ отадилар.

Иккинчи номерли ўйинчилар эса тўпларни тушган жойидан отадилар. Ўйин шу зайлда давом этади. Умумий ҳисобда тўпни энг узоққа отган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.1.** Ўйинни кенг, очик майдонда ўтказиш маъқул. 2. Ҳар бир жамоага биттадан ҳакам бўлиши ва у тўпининг тушган жойини аниқлаши керак. 3. Ўйинда ҳамма усулдан фойдаланиш мумкин.

**Ўйиннинг вариантлари.** Жамоалардан 5-3 метр масофада диаметри 1 метрли айлана чизилади. Ҳар бир ўйинчининг вазифаси тўпни айлана ичига тушириш ёки тегизишdir. Сўнгра у тўпни кейннги ўйинчиларга келтириб бериши керак. Биринчи бўлиб тугатган жамоа ютган ҳисобланади.

Агар ўйинчи тўпни айлана ичига тушира олмаса, тўпни олиб келиб бошқатдан отади.

## 5.7. Енгил атлетика турлари

### 5.7.1.Ким олдин

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар орасидан икки ёки уч киши ажратилади, уларнинг ҳар бири биттадан чамбаракни олиб, уни ерга тик ҳолатада қўйиб ушлаб турадилар. Чамбарак орқасидан арқон тортиб қўйилади. Ўйинчилар икки-уч гурухга бўлиниб, ҳар бир гурух ўз чамбараги қаршиисида бир қатор бўлиб тизилиб туради.

Ўқитувчининг ишораси билан қаторлар бошида турган ўйновчилар (икки ёки уч киши) югуриб бориб, чамбаракдан ўтади; қайси бола чамбаракнинг орқа томонига тортиб қўйилган арқонга бошқалардан илгари етиб борса, ўта ютган ҳисобланади. Ҳамма болалар чамбаракдан ўтиб бўлганларидан кейин ўйин тугайди.

**Методик кўрсатмалар.** Иштирокчилар ўйинни билиб олганларидан кейин бу ўйинни мусобақа тарзида ўтказиш керак.

### 5.7.2.Йўлда тутиш

**Ўйиннинг тавсифи.** Майдонча ўртасидан кўндалангига чизик ўтказилиб иккига бўлинади. Ўйновчилар teng икки жамоага бўлиниб, ўтказилган чизиқнинг икки томонидан бир-бирларига юзма-юз тизилиб турадилар.

Ўқитувчининг биринчи ишорасидан сўнг жамоаларадан бири иккинчисига қараб келади. Тўқнашувга 5-6 қадам қолганда ўқитувчи тўсатдан иккинчи ишорани қиласи. Юриб келаётган жамоадаги ўйинчилар бу

ишорадан кейин тез орқага қараб қочадилар, иккинчи жамоанинг ўйинчилари эса уларни қувлаб етиб тутишлари керак. Тутилган ўйинчилар ўша жойларининг ўзида тўхтаб қоладилар. Ўқитувчи тутилганларни санаб чиқади ва улар яна ўз жойларига бориб турадилар. Тутган ўйновчилар ҳам ўз жамоаларига қўшиладилар. Сўнгра жамоалар ролларини алмаштиради. Ўйин бир неча марта такрорлангандан кейин ўқитувчи якун ясади. Камроқ аъзолари тутилган жамоа ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Юриб кетаётган ўйновчилар орқага бурилиб ишора қилгунича баравар юриб боришлиари лозим. 2. Қувловчи жамоанинг ўйинчилари ишорадан олдин чизикдан ўтмаслиги керак. 3. Майдонча чизигидан ташқарига чиқсан ўйновчи тутилган ҳисобланади.

### 5.7.3.Тез югуриш

**Ўйиннингтавсифи.** Ўйновчиларқўл ушлашиб, айлана хосилқиладилар ва қўлларини пастга тушириб, эркин турадилар. Онабоши даврани ташқаридан айланиб ўтаётиб, қўлинин ўйинчилардан бирининг елкасига тегизади ва исталган томонга қараб (давра бўйлаб) қочади. Онабошининг қўли теккан ўйинчи ҳам давра бўйлаб (аммо қарама-қарши томонга) югуради. Улардан қайси бири даврани тезроқ айланиб чиқса ва биринчи бўлиб бўш ўринга туриб қолса, у қўлинин баланд қўтаради ва “Мен тезроқ югурдим!” дейди. Шундан кейин даврада тизилиб турган ўйинчилар юргурган ўйинчиларнинг номларини айтиб шундай дейдилар:

*Карим Ботирдан ўтди*

*Ва маррага тез етди.*

Иккинчи бўлиб келган ўйинчи ютқазган ҳисобланади ва онабоши бўлади.

**Ўйиннинг қоидалари.1.** Югуриб айланаётган пайтда даврада ўтирганларга тегиш мумкин эмас. 2. Югурувчилар бир-бирига дуч келган вақтда фақат ўнг томондан ўтишлари керак.

**Эслатма.** Ўқувчилар бу ўйинни яхши билиб олганларидан кейин уни

бир вақтнинг ўзида иккита ёки ундан ортиқ давраларда раҳбарнинг умумий назорати остида ўтказиш ҳам мумкин. Ўйиннинг бу вариантини ўтказишида ўйновчилар кўпроқ югуриш имкониятига эга бўладилар.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари давра бўйлаб қарама-қарши ким ўзарга югуриш.

#### **5.7.4. Тўсиқлардан ошиб ўтиш**

Ўйин майдончада, залда ёки йўлакда ўтказилади. Уни ўтказишида иккита гимнастика скамейкаси, иккита тўсиқ (барьер) ва гимнастика деворчаларидан фойдаланилади.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар сони ва кучи жиҳатдан тенг иккита жамоага бўлинадилар ва ўзаро параллел икки қаторга турадилар. Қаторлар ўртасидаги оралиқ 3-4м бўлиши керак. Жамоалар олдига бир хил узоқликда скамейка, скамейкалардан 3-4 м нарига иккита “баръер”, улардан 3-4м нарига гимнастика деворчаси қўйилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Жамоалар бошида турган ўйновчилар раҳбарнинг сигнали билан скамейкалар устидан юриб ўтиб, “баръердан” сакраб ўтадилар ва гимнастика деворчаларигача югуриб бориб, ўрнатилган баландликдан ошиб тушадилар, орқа томонга югуриб қайтиб, “баръернинг” тагидан эмаклаб ўтадилар, ўз жамоаларининг олдига югуриб борадилар, жамоа бошида турган ўйинчининг кафтига кафтларини тегизиб, ўз қаторларининг охирига бориб турадилар. Ўйинҳамма ўйинчилар тусикдан ошиб утиб югуришда қатнашиб булгунича ана шу тарзда давом этади.

Ўйинни бошлаган иштирокчи яна ўз жамоасининг олдида туриб олганида ўйин тугайди. Жамоанинг охиридаги ўйинчи ўз Жамоаси олдига югуриб келгандан сўнг унинг аъзоларига қараб “Смирно!” дейди. Худди шу дамгача бўлган ишни олдин тугатган ва хатоларга йўл қўймаган жамоа ғолиб чиққан ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** Ўйиннираҳбар сигнал бериши билангина бошлаш мумкин. Агар бошловчилардан қайси бири ўйин бошланишидан

олдин югурса, ютқазади. 2. Навбат кутиб турган ўйинчилар бошланғыч чизикдан ўтиб кетмасликлари лозим. 3. Ҳар бир ўйинчи қоидаларга мувофиқ белгиланған түсіклардан ошиб ўтиши керак. 4. Жамоага хар бир хато учун жарима очкоси берилади. 5. Жарима очкоси олган жамоа ютқазган ҳисобланади.

**Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти.** Бу ўйин иштирокчилардан уйғунликни, чақонлик ва журъатлиликни талаб қиласы да унда қўлланадиган түсіклар ҳаракатчанликни такомиллаштириш имконини беради. Ўйинда жамоачилик туйғуси ўсади, чунки ҳар бир ўйинчи ўз жамоасининг манфаатларини химоя қилиш учун дурустров натижага эришишга ҳаракат қиласы. Түсіклардан ошиб ўтиш билан боғлиқ бўлган югуриш бу ўйиндаги ҳаракатнинг энг яхши кўринишидир.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйинчиларни жамоаларга бўлиш пайтида ҳар бир жамоа аъзолари сонининг тенг бўлишинигина эмас, балки ўйинчиларнинг түсіклардан ошиб ўтиш бўйича тайёргарлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар ўйинчи таяниб сакраш малакасига эга бўлмаса, у ҳақиқий ўйинчи бўла олмайди ва етарли малакаси бўлмаганлиги сабабли у ўйин қоидаларини бузади. Топшириқни бажаришнинг сифатини кузатиб бориш зарур. Ҳар бир түсікдан ошиб ўтиш усули катъий равишда белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Жамоа ўз аъзолари йўл қўйган ҳар бир хато учун жарима очкоси олиши керак.

“Баръердан” сакраш вақтида шикастланишнинг олдини олиш учун ўйинда қатнашаётган ўқувчилардан иккитасини “баръернинг” олдига қўйиб қўйиш лозим.

Бу ўйин ўқувчилардан анчагина малакага эга бўлишни ва ўз ҳаракатларини яхшигина уйғунлаштирши талаб қиласы. Шунинг учун бу ўйинни VI-VII синфлардан бошлаб ўтказиш тавсия этилади.

### 5.7.5. Арқонча билан тутиш

**Ўйиннинг тавсифи.** Бу ўйин ҳам худди оддий қувлашмачоқ

ўйинидек ўйналади. Фарқ шундаки онабоши, ўйновчиларга қўл тегизмайди, лекин қочаётганларга яқинлашиб, уларнинг оёклари остида учига халтacha боғланган арқончани айлантиради. Арқончага ёки халтачага оёғи теккан ўйинчи онабошининг қўлидан “қармок” ни олади ва ўйинни бошқаришга киришади. Илгариги онабоши эса бошқа ўйинчилар қаторида ўйнай бошлайди. Бир марта ҳам онабоши бўлмаган (ёки бошқаларга қараганда камрок онабошилик қилган) ўйинчилар ғолиб чиқсан ҳисобланади. Ўйин натижаларини якунлашда биринчи онабошилик ҳисобга олинмайди (11-расм).



### **11- расм.**

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Онабоши арқончани гоҳ бир томонга, гоҳ бошқа томонга айлантириши мумкин, аммо халтacha ерга сирпаниб юриши ёки ердан 10-15 см дан ортиқ кўтарили маслиги лозим. 2. Онабоши бир жойдан бошқа жойга югуриб ўтаётган пайтида арқончани айлантирмасдан, судраб тортиб бориши мумкин. 3. Халтачани оёғи билан босиб олган ўйинчи илгари неча марта онабоши бўлган бўлса ҳам уларнинг ҳаммасидан озод бўлади.


**Эслатма.** Ўйновчиларга халтачани босиб олиш учун ноўрин ҳаракатлар қилиш мумкин эмаслигини олдиндан айтиб қўйиш лозим.

Халтачани босиб олиш олдин онабоши ролини бажарганлар учунгина фойдалидир. Шуни унутмаслик керакки, халтачани босаман деб арқончага тегиб кетиш ҳам мумкин.

Ўйиннинг узига хос ҳаракатлари арқонча устидан сакраб-сакраб югуришдир.

#### **5.7.6.Катта айланма эстафета**

**Ўйиннинг тавсифи.** Майдонча атрофини айланиб чиқадиган югуриш йўлкасининг бурилиш жойлари байроқчалар билан белгилаб қўйилади. Майдонча марказига финиш байроғи ўрнатилади. Ўйновчилар баб-баравар тўртта жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа йўлканинг бурилиш жойларида бир қатор бўлиб сафланиб турадилар. Қаторларда биринчи бўлиб тўрган ўйновчилар йўлкага чиқиб, стартга тайёрланадилар. Раҳбарнинг сигналига биноан улар олдинга караб югурадилар ва майдончани тўлиқ айланиб чиқсан (йўлканинг умумий узунлиги 40-80 м бўлади), эстафета таёқчаларини иккинчи ўйинчиларга берадилар ва ўйин шу тарзда давом этади. Жамоанинг охирги ўйинчиси югуриш йўлкаси бўйлаб майдончани айланиб чиқиб ўз жамоасининг байроқчаси атрофидан айланиб ўтиши ва марказга ўрнатилган финиш байроғи олдига югуриб бориб, унинг дастасига эстафета таёқчаси билан уриши лозим. Бу ишни биринчи бўлиб бажарган жамоа ғалаба қозонади (12- расм).



**(12- расм).**

**Ўйиннинг қоидалари.**1. Навбатдаги ўйинчи эстафета таёқчасини қабул қилиб олгандан кейингина олдига қараб югуради. 2. Бурилишлардан байроқчаларни айланиб ўтмасдан, йўлни қисқартириб югуриш мумкин эмас.

**Эслатма.** Ўйновчиларни жамоаларга бўлиш қуидагида ўтказилади. Ўйинчилар бўйларига қараб бир қаторга сафланадилар ва “Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи” – деб санашиб чиқадилар. Ҳар қайси номерлилар биттадан жамоани ташкил қиласди.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари юқори старт ҳолатидан айлана бўйлаб жуда тез югуриш; эстафета таёқчасини чаққонлик билан олиш ва узатиш.

#### **5.7.7.Сакраб ошиш эстафетаси**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар teng икки-уч жамоага бўлинадилар. Жамоалар 1-2 метр оралиқда бир қаторга сафланадилар. Қаторлар бир-бирига паралель ҳолда турадилар. Қаторларда биринчи бўлиб тўрганларнинг оёклари учи олдидан чизик ўтказилади. Бу югуришни бошлаш чизиги бўлади.

Ҳар бир жамоа рўпарасига югуришни бошлаш чизигидаи 8-10 қадам нарига биттадан тўртбурчак чизилади. Бу тўртбурчакларга ҳар бир қаторнинг биринчи рақамли (қатор бошида турган) ўйинчилари келиб турадилар. Раҳбар сигнал бериши билан қаторларда турган навбатдаги ўйинчилар томон югурадилар ва тўртбурчакда энгashiб турган ўз ўйинчилари устидан кўлларига таяниб, оёкларини кериб сакраб ошиб ўтадилар ва ўzlари ана шу тўртбурчак ичидаги энгashiб туриб қоладилар. Устларидан бошқа ўйновчилар сакраб ўтган ўйинчилар ўз қаторларига югуриб қайтиб келадилар хамда кўлларининг кафтини навбатдаги ўйинчилар кафтiga тегизиб, ўз жамоаларининг (қаторларининг) охирига бориб турадилар.

Ҳамма ўйновчилар сакраб бўлганларидан кейин ўйин тугайди. Эстафетани бошқа жамоалардан олдин тутатган жамоа ғалаба қозонади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Устидан бошқа ўйновчилар сакрайдиган ўйинчи сакрайдиганларга орқа ўгириб, бир оёғини олдинга қўйиб, тиззасини бир оз бўкиб, гавдасини олдинга энгаштириб, бошини пастга эгиб ("бекитиб") яrim букилган кўллари билан олдинга қўйилган оёғининг тиззасига таяниб туриши керак. 2. У ўз устидан сакраган ўйинчининг оёғи ерга тегмасдан олдин тўртбурчакдан чиқиб кетиши мумкин эмас. 3. Навбат кутиб тўрган ўйинчи келаётган ўйинчи келиб унинг кафтига кўл тегизгандан кейингина бошлангич чизикдан ўтиб, югуриб кетиши мумкин.

**Эслатма.** Бу ўйинни ким тез бажариш шарти билан ўйнашдан олдин сакраш техникасининг сифатини ҳисобга олиб (қайси жамоа сакрашни олдин тамомлашига эътибор бермай), бир неча марта такрорлаш керак. Тўртбурчакдаги ўйинчиларнинг талаб этилган холатда, чунончи бошларини пасайтириб – “бекитиб” туришларини доим кузатиб бориш лозим. Ўйинни ёши каттароқ яхши тайёргарлик кўрган ўқувчилар билан ўтказища тўртбурчакларда турадиган ўйновчиларга гавдани олдинга унчалик энгаштирмасдан ёки оёқларини кериб, олдинга қўйиилган оёқ тиззасига кўллари билан таяниб деярли тикка туришни таклиф этиш мумкин. Қаторлар бошида буйи пастроқ ўйинчилар турса, яна ҳам яхшироқ бўлади.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари, югуриб келиб, оёқларни кериб, кўлларга таяниб сакрашлар.

### **5.7.8.Баландликка сакраб югуриш**

Ўйновчиларнинг жойлашуви худди тўғрига югуриш мусобақасидаги каби бўлади. Бу ўйинни ўтказишнинг фарқи шуки, ўйин раҳбари томонидан тайинланган икки ўйновчи югуриладиган масофа ўртасида арқонча тортиб (унча баланд кўтармай) турди.

Хар бир ўйинчи бу арқонча устидан икки марта олдинга югургаётганида ва орқага қайтаётганида сакраб ўтиши керак.

Ўйинчилари арқондан сакрашда кам хатога йўлқўйган ва югуришни олдин тамомлаган жамоа биринчи ўринни эгаллайди. Колган жамоалар

эришган натижаларига қараб кейинги ўринларни оладилар.

**Ўйиннинг қоидалари.1.** Арқончага оёғи теккан ўйинчи орқага қайтиши ва хоҳлаган жойидан югуриб келиб, арқонча устидан яна сакраб ўтиши керак. Шундан кейин у югуришни давом этгирини мумкин.

Ўйиннинг бошқа қоидалари тўғрига югуриш мусобақасининг қоидалари билан бир хилдир.

**Эслатма.** Баландликка сакраб югуриш мусобақасининг ўзига хос турларидан бири “Аргамчи билан сакраш” ўйинидир.

Бу ўйин қуидагида бўлади.

Ўйинчилар биттадан бўлиб қаторларга сафланадилар. Қаторлар ораси камида 2 метр бўлади. Ҳар бир қаторнинг бошида турган ўйинчиларга биттадан сакраб ўйналадиган калта арқонча берилади.

Қаторлар бошида турган ўйинчилар сигнал берилиши билан аргамчининг бир учини ўзларидан кейинда турган ўйинчиларга бериб, иккинчи учини ўзлари ушлаб, айлантирадилар ва қаторда турган барча ўйинчиларнинг оёқлари тагидан ўтказадилар. Қаторда турганлар аргамчи устидан сакрайдилар. Уларнинг ҳаммаси сакраб бўлгандан кейин қаторлар бошида турган ўйинчилар қаторлар охирида қоладилар, уларнинг кетида турган ўйинчилар эса олдинга югурадилар ва аргамчининг бўшучини ўзларидан кейинда турган ўйинчиларга берадилар, аргамчи яна айлантирилади ва қаторларда турганлар унинг устидан сакрайдилар. Шундан кейин қаторлар бошида иккинчи бўлиб турган ўйинчилар қатор охирига ўтиб қоладилар, қаторлар бошида учинчи бўлиб турган ўйинчилар эса олдинга югуриб бориб, аргамчининг бўшучини узларидан кейин турган ўйинчиларга берадилар ва ҳоказо.

Ўйин ҳамма ўйновчилар навбатма-навбат аргамчидан сакраганлари ҳолда қатор бўйлаб югуриб чиққунларича давом эттирилади. Ўйинни бошлашдан олдин қаторлар бошида биринчи бўлиб турган ўйинчилар яна қаторлар бошига келиб, аргамчини ўз қўлларига олганларидан кейин ўйин тугайди. Ўйинни биринчи бўлиб тутатган қатор ғолиб чиқсан ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Арқонча устидан сакрагандан кейин хар бир ўйинчи бир қадам олдинга суриласди. 2. Арқончани айлантираётган ўйинчилар сакраётганлар қоқилмаслиги ва йиқилмаслиги учун сакраётган ўйинчининг оёғи арқончага текканда арқончани тўхтатишлари ёки пасайтиришлари ва бошқа ишлар қилишлари керак.

**Эслатма.** Шуни назарда тутиш лозимки, ўйин бир марта ўйналганда хар бир ўйинчи қаторда неча киши турган бўлса, шунча марта арқонча устидан сакрайди. Шунинг учун ўйинни 2-3 мартадан ортиқ тақорлаш тавсия қилинмайди.

Болаларга арқончани жуда паст, ерга тегадиган қилиб айлантириш хамда арқонча устидан оҳистагина, оёқ учларида сакраш кераклигини олдиндан тайинлаб қўйиш керак.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари қимиirlаб турган тўсиқдан сакраб ўтишдир.

### **5.7.9. Тулкиларни топиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Бу ўйин дараҳтзорда ўтказилиши керак. Онабоши ўйин ўтказиладиган жойни олдиндан танлаб қўйиши, бунда тулкилар яширина оладиган жойларнинг кўпроқ бўлишига эътибор бериши керак. Ўйинни ўтказишда 1-2 та халтачага солинган рангдор қофоз парчалари ёки похол бўлиши лозим. Ўйинда кўпи билан 12-20 нафар ўқувчи қатнашади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Чаққонроқ югурадиган ўйинчилардан 1-2 нафари тулки қилиб тайинланади. Тулкичалар халтачаларни олиб, улардаги қофоз парчалари (ёки похол) ни йўлларига сепа-сепа 1-1,5 км гача югуриб кетадилар. Қолган ўйинчилар овчи бўладилар. Тулкилар жўнагандан кейин 10-15 дақиқа ўтгач овчилар уларнинг кетидан йўлга тушадилар ва уларни қидириб топишга ҳаракат қиласалар. Агар овчилар тайинланган вакт (30 дақиқа ёки 1 соат) ичida тўлкнларни топсалар – ютган, топа олмасалар эса ютқазган ҳисобланадилар.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйналадиган ерда пана жойлар қанчалик кўп,

қанчалик хилма-хил бўлса, ўйин ҳам шунчалик мароқли ўтади. Тулкилар ҳар 10-15 қадамдан кейин из қолдиришлари керак. Бу ўйин дарсдан ташқари вақтда ўтказилади.

### **5.7.10. Тегизсанг - минасан**

Ўйинда қанча ўқувчи қатнашиши олдиндан белгилаб қўйилмайди. Ўйин майдончада ёки залда ўтказилади. Ўйин учун тўлдирма тўплар, ядро керак.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар жуфт-жуфт бўлиб, сони ва кучи жиҳатидан баравар гуруҳчаларга бўлинадилар. Ҳар бир ўйинчига биттадан тўлдирма тўп берилади. Агар ўйин майдончада ўтказилса тўп ўрнига ядродан фойдаланиш мумкин.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ҳар бир жуфт ўйинчи иккитадан тўлдирма тўпни олиб, майдонча ёки ялангликнинг бир томонида туради. Ўйин ўйновчилардан бирининг тўпни ёки ядрони олдинга улоқтириши билан бошланади. Бир ўйинчи тўп ёки ядрони улоқтиргандан кейин иккинчи ўйинчи ҳам худди шундай қиласи, лекин у ўз ядроси ёки тўпинн нишонга, яъни биринчи ўйинчи улоқтирган тўп ёки ядрога тегизишни мўлжаллаб улоқтиради. Агар иккинчи ўйинчи нишонга тегиза олмаса, унинг тўпи ёки ядроси юмалаб кетса, биринчи ўйинчини тўп думалаб бориб тўхтаган жойгача орқасига миндириб, кўтариб олиб бориши керак. Шундан кейин ғалаба қилган ўйинчи ўшажойнинг ўзидан ўйинни қайтадан бошлайди.

Ўйновчилар тўп ёки ядрони 3-4 мартадан улоқтиргунича ўйин давом этади. Ўйинни ўйновчиларнинг бири иккинчисидан устунлиги маълум бўлгандан кейин тухтатиш мумкнин.

**Ўйиннинг қоидалари.1.** Тўпёки ядрони хоҳлаган усул билан улоқтириш мумкин. 2. Иккинчи ўйинчининг тўпи биринчи ўйинчининг тўпига тегса, лекин думалаб кетмаса ҳам биринчи ўйинчи уни опичлаб ўша тўп теккан жойгача олиб бориши керак. Қайтадан улоқтириш ҳуқуқи иккинчи ўйинчига берилади. 3. Ўйинни бошлашдан ва ҳар сафар давом

эттиришдан олдин тўп улоқтириладиган чизик ўтказиш керак. У чизиқни босиш тақиқланади. 4. Ўйновчилар баравар имкониятга эга бўлишини таъминлаш учун бир хил тўплардан фойдаланиш лозим.

Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти. Бу ўйин ўйновчиларда ўртоқлик ҳиссини, мўлжал олиш қобилиятини ўстиришга ҳамда ядро улоқтириш малакаларини хосил қилишга, уларнинг ҳаракатларини уйғунлаштиришга ёрдам беради.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйинни жамоаларга бўлинниб ўтказиш ва ғолибларни тўпланган очколарга қараб аниқлаш лозим.

“Тегизсанг-минасан” ўйинини ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар билан жисмоний тарбия дарсларида ва синфдан ташқари машғулотларда ўтказиш тавсия қилинади.

### **5.7.11.Халтачаларни отиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйинчилар икки жамоага бўлинадилар. Уларнинг ҳар қайсисида югурувчилар ва отувчилар бўлади. Отувчиларга икки хил рангли қум солинган халтачалар берилади. Югурувчилар олдинда, отувчилар (1,5-2 метр) орқада турадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Раҳбарнинг сигналидан сўнг отувчилар халтачаларини иложи борича узокроққа отишга ҳаракат қиласидилар. Югурувчилар эса рангига қараб ўз жамоасига тегишли халтачаларнинг бирини олиб, старт чизигига тезроқ қайтиб келишлари керак.

Қайси жамоанинг югурувчилари халтачалар билан старт чизигига олдин етиб келса, шу жамоага 1 очко берилади. Шундан сўнг югурувчилар ва отувчилар ўрин алмашадилар. Ўйин 8 марта қайтарилади. Кўпроқ очко тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Старт чизигига қайтган ўйинчилар ўз жойларига туришлари лозим. 2. Рақиб жамоанинг халтачаларини олиш ман этилади.

### **5.7.12.Тартиби билан югуриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар икки жамоага бўлинадилар, яъни тартиб билан санайдилар ва ўз номерларини эсда сақлаб қоладилар. Кейин бир қаторга сафланиб, старт чизиги олдида унга орқаларини ўгириб чўққайиб ўтирадилар. Старт чизигидан қарама - қарши томонда иккита айланга чизиб қўйилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин, яъни у бир номерни айтиб чақиргандан сўнг иккала жамоадаги ана шу номерли ўйинчилар ўринларидан туриб югурадилар. Улар айланани бир айланиб, ўз жойларига бориб турадилар. Биринчи бўлиб келган ўйинчига 1 очко берилади. Шу тарзда бошқа номерлар хам чакирилади. Кўп очко тўплаган жамоа ютган ҳисобланади.

### **5.7.13.Юлдузсимон эстафета**

**Ўйинга тайёрланиш.** 4-5 жамоа диаметри 10-12 метрли айлананинг радиуслари бўйлаб бир қатор бўлиб ташқи томонга қараб ёки бир қатор бўлиб соат стрелкасига қарши томонга қараб сафланиб турадилар (13- расм).

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин жамоаларнинг биринчи бўлиб турган ўйинчилари айланга бўйлаб югуриб эстафета таёқчасини навбатдаги ўйинчиларга узатиб, қаторларининг чап томонига бориб турадилар, югуриш шу тарзда давом этади. Жамоаларнинг охирги ўйинчилари кетма-кет ўз жойларига келиб туришига кўра ютган жамоа ва ютказган жамоаларнинг ўринлари аниқланади.

**Ўйиннинг вариантлари:** 1. Ўйин қатнашчилари югуришни тўпни ерга уриб бориш билан бажариши мумкин. 2. Ўйин қатнашчилари олдиндан келишиб олинган усулда – калта аргамчи устидан сакраб ўтиб югуриши мумкин. 3. Ўйинчилар 1-2 та тўлдирма тўпни ёки коптокни кўтариб олиб югуриши ва уларни кейинги ўйинчига узатиши мумкин.



13- расм.

### **5.7.14.Тўсиқлар оша югуриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Жамоалар старт чизигининг орқасида саф тортиб турадилар. Маррагача кундалангига 3-4 та узун резина ип тортилади. Резина иплар оралиги 4-5 метрдан бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Сигнал берилгандан кейин ўйинчилар кетма-кет маррагача ана шу тўсиқлардан хатлаб югурадилар. Тўсиқлар баландлигини ўйинчиларнинг ёши ва жисмоний тайёргарлигига қараб паст ва баланд килиш мумкин. Югуришни биринчи бўлиб тугатган, кам хатога йўл қўйган жамоа ютган ҳисобланади.

### **5.7.15.Узоққа сакраш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар teng икки жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа 8-10 кишидан бўлади. Жамоалар сафланиб бир-бирларига юзма-юз турадилар, уларнинг ўртасида иккита сакраш йўлакчasi бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Сигнал берилиши билан биринчи номерлилар старт чизигидан, турган жойидан икки оёқда депсиниб узунликка

сакрайдилар. Ерга тушган жой товондан белгиланади. Худди шу жойдан эса иккинчи номерли ўйинчилар сакрашни давом эттирадилар, сўнгра учинчи номерлилар ва ҳоказо. Жами сакрашлар йифиндисига қараб қайси жамоа ютгани аниқланади.

### **5.7.16. Командали югуриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 3-5 та жамоага бўлинадилар. Жамоалар залнинг ёки майдончанинг бир томонида, ёки чизиқнинг орқа томонида бир қатордан сафланиб турадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин хар бир жамоанинг ўйинчилари биргаликда майдончанинг бошқа томонидаги чизиқка югуриб бориб, чизиқ орқасида бир қаторга сафланиб турадилар. Бошқа жамоаларга нисбатан вазифани тез ва аниқ бажарган жамоа ютган ҳисобланади.


**Ўйиннинг вариантлари.** 1. Ҳар бир жамоа олдига қўйилган тўсиқларни, масалан, устунча, тўлдирма тўп, ғўлача ва ҳоказоларни айланиб ўтади. 2. Ўйновчилар бир ёки икки оёқлаб сакраб ҳаракат қиласидар. 3. Ўйновчилар ҳар хил тўсиқлардан ошиб ўтишлари мумкин.

### **5.7.17. Ётиқ ва тик тўсиқлардан ошиб югуриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 3-5 та жамоага бўлинадилар. Жамоалар майдончанинг бир томонидаги чизиқ орқасида бир қатордан 3-4 метр оралиқда сафланиб турадилар. Майдончанинг энига устунчалар қўйилиб, уларга 60 см баландликда резина ёки арқонча тортилади. Арқончадан 5-8 метр нарида кенглиги 100-150 см “чукур” чизилади ёки ажратилади. Майдончанинг қарама-қарши томонидаги деворчадан 2 метр берида ҳар бир жамоанинг рўпарасига тўлдирма тўплар қўйилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан сўнг ҳар бир жамоанинг биринчи бўлиб турган ўйинчилари эстафета таёқчасини олдиндан ушлаб югурга бошлайдилар, улар олдин арқон ёки резина устидан, сўнг

чуқурчанинг устидан сакраб ўтиб, тўлдирма тўп атрофидан ўнг томон билан айланиб, яна чуқурча ва арқон устидан ошиб, ўз жамоаларига қайтиб келадилар. Старт чизиги орқасида турган ўз жамоасининг навбатдаги ўйинчиларига таёқчани бериб, ўzlари қаторнинг охирига бориб турадилар. Қолган хамма ўйинчилар хам шу харакатни такрорлайди. Қайси жамоа вазифани хатосиз ёки кам хатога йўл қўйган ҳолда биринчи бўлиб тугатса, ўша жамоа ютган ҳисобланади (14- расм).



(14- расм).

## 5.8. Кураш турларига хос ҳаракатли ўйинлар

### 5.8.1. Оқ теракми, кўк терак

Ўйинкўкатзорда, спорт майдончасида ёки спорт залида ўтказилади. Ўйинчилар соничекланмайди.

**Ўйиннинг тавсифи.** Барча ўйинчилар баравар икки командага бўлинадилар. Ҳар бир команда ўз капитанини сайлайди. Ҳар бир команданинг ўйинчилари бир-бирлари билан маҳкам қўл ушлашиб турадилар. Бир команда ўйинчилари бараварига “Оқ теракми, кўк терак, биздан сизга ким керак?”-деб сўрайди. Иккинчи команда аъзолари “Сиздан бизга (қарши команда ўйинчиларидан бирининг исминии айтиб) керак! - дейди. Исми айтилган ўйинчи югуриб келиб қарши команда қатнашчилари осилилиб турган “занжир” ни узишга ҳаракат қиласи. Агар занжирни уза олса, шу команда ўйинчиларидан бирини ўз командасинага олиб кетади, уза

олмаса, ўзи шу командада қолади. Шундан кейин ўйин командалар роли алмашиниб давом этаверади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Занжирни фақат чақирилган ўйинчи келиб узиши керак. 2. Занжирни уза олмаса, иккинchi марта узишга рухсат этилмайди. 3. Занжир ҳосил қилишда рўмолча, арқон ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин эмас. 4. Чақирилган ўйинчи тўсатдан бир отилиб занжирни узига ўтиб кетиш учун қарши команда ўйинчиларининг диққатни чалғитадиган ҳаракатлар қилиши мумкин.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйин командалар ўйини жумласига киради. Уни кичик ва ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар учун тавсия этилади. Бу ўйинда диққат, мардлик, қатъиятлилик, биргаликда ҳаракат қилиш каби сифатлар тарбияланади. Ўйинда мұваффақият қозониш учун тез югуриш, занжирни кескин узиш ва шунингдек, ўйинчилар диққатини чалғитадиган ҳаракатлар қилишни билиш мұхим роль ўйнайди. Ўйинда жароҳатланмаслик чораларини кўриш керак. Ўйинчилар зерикиб олсалар, ўйинни дарҳол тўхтатиш зарур.

### 5.8.2. Хўроллар жанги

Ўйин майдончада, залда ёки коридорда ўтказилади.

Ўйинга тайёрланиш. Ерга диаметри 2 метрли айлана чизилади. Ҳамма ўйинчилар 2 та командага бўлинадилар ва доира ёнида бир-бирларига юзмаз икки қатор бўлиб турадилар (15- расм).



15-расм.

Хар бир командада биттадан онабоши тайинланади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Онабошилар ўз командаларидан биттадан ўйинчини ажратади ва улар айлана ичига кириб қўлларини орқага қилиб бир оёқлаб турадилар. Сигнал берилиши билан бир-бирларини елкалари ва гавдалари билан туртиб, итариб айланадан чиқаришга ҳаракат қиласидилар. Ўз рақибини ташқарига чиқара олган ўйинчи ғолиб ҳисобланади ва ўз командаси учун бир очко ютган бўлади. Шундан кейин дойра ўртасига онабошилар лозим топтан навбатдаги “хўролар” жуфти киради. Ўйин ҳамма болалар хўроларини бажариб булгунича давом эттирилади. Ўйинчилари кўп очко тўплаган команда ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Агар ўйинчи айлана ичидаги иккинчи оёғини ҳам ерга қўйса ютқазган ҳисобланади. 2. Агар бир-бирини туртиш пайтида иккала ўйинчи ҳам доирадан чиқиб кетса, хеч ким ютган ҳисобланмайди ва навбатдаги жуфт хўролар жангни бошланади. 3. Хўролар хар гал сигнал берилгандан кейингина жангга киришадилар. 4. Жанг вақтида улларни ҳам пастга тушириш мумкин эмас.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти.** Бу ўйин ўқувчилар кучининг ўсишига, уларнинг чаққон ва фаросатли бўлишларига ёрдам беради. Ўйинда ўзининг ва ўртоларининг кучига ҳаққоний баҳо бериш қобилияти, шунингдек, мақсадга эришиш учун матонатлилик хислати тарбияланади.

Ўйинчилар бу ўйинда ўз командаларининг шарафини ҳимоя қиласидилар. Бу эса уларда ўз жамоаси олдидағи масъулият ҳиссини, ўз командасидаги ўйинчилар кучини тўғри тақсимлай олиш иқтидорини тарбиялашта ёрдам беради.

Қаршилик кўрсатиш, қурашиш бу ўйиндаги асосий ҳаракатлардир. Мана шу ҳаракатлар дам олиш билан алма шиниб туради. Хар бир ўйинчи 1-2 марта ўйинда қатнашади ва қолган вақтда ўйиннинг қандай боришини кузатиб туради.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйинни командаларга бўлмасдан ҳам

ўтказиш мумкин, бунда ўйинчилар ўз хохишлари билан мусобақалашиш учун ўртага чиқадилар. Голиб чиқсан ўйинчи майдонда қолади ва ўзи билан жанг қилишинн истаган янги ўйинчи билан беллашади. Ўйин шу тариқа давом этаверади. Ўйин охирида кўп марта ғолиб чиқсан ўйинчилар аниқланади. Ўйновчилар кўп бўлса, тўртта команда тузиб ўйинни иккита доирада ўтказиш мумкин.

Ўйинчиларнинг олишувида тўғри усуллар қўлланишини раҳбар кузатиб бориши зарур. Баъзан ўйинчилар рақибларини қўл билан тўртадилар. Бунга асло йўл қўймаслик керак.

“Жанг” қилувчиларнинг қути тахминан тенг булишига ҳам эътибор бериш лозим.

### 5.8.3. Тортиб чизикдан ўтказиш

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар тенг икки командага бўлинадилар. Иккала командага ҳам бўйи ва вазни жиҳатидан тахминан тенг бўлган ўйинчилар киритилади. Майдон ёки зал ўртасидан чизик ўтказилади. Командалар чизикнинг икки томонидан бир-бирларига юзма-юз саф тортиб турадилар. Бўйи ва вазни жиҳати тенг ўйинчилар бир-бирининг қаршиисига жойлаштирилши керак. Ҳар бир команدادан 4-5 қадам нарида очколарни хисоблаб борувчилар туради (16- расм).



16-расм.

Ўйин раҳбарнинг сигнали билан бошланади. Ҳар бир команда бошка

команда ўйинчиларидан кўпроғини чизиқдан ўз томонига тортиб ўтказишга ҳаракат қиласди. Тортиб ўтказилган ўйинчи ўзини тортиб ўтказган команданинг ҳисобчиси олдига келиб, кафтини унинг кафтига тегизиши шарт. Шундан кейингина у чизиқдан қайтиб ўтиши ва яна ўз командасида ўйнаш хуқукига эга бўлади. Ҳисобчилар тортиб ўтказилган ўйинчиларни санаб борадилар. Ҳар бир тортиб ўтказилган ўйинчи учун команда битта очко олади. Ўйинда купроқ очко тўплаган команда ютган ҳисобланади.

- Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйинчини факат қўлидан ушлаб тортиш мумкин. 2. Биттадан, жуфтлаб, бир йўла бир қанча ўйинчини тортиб ўтказиш ҳам мумкин. 3. Иккала оёғи чизиқдан ўтказилган ўйинчигина тортиб ўтказилган ҳисобланади. 4. Ўйинчиларнинг кийимидан, оёғидан ушлаб тортиш таъкиқланади.

**Эслатма.** Бу ўйинни танаффуссиз бир дақиқагача давом эттириш мумкин. Шунча вакт ўтгандан кейин қисқа танаффус берилади ва ўйин яна бир марта такрорланади. Тирноғи ўсган болалар ўйинга қатнаштирилмайди.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари қўл билан ушлаб тортиш.

#### **5.8.4. Айлана ичига киритиш**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар саккиз кишидан бўлиб, 4-5 командага бўлинадилар. Ерга ҳар бирининг диаметри 1-1,5 метрли 4 та айлана чизилади. Ҳар оир айлана атрофида тўрт команданинг иккитадан вакили, яъни 8 ўйинчи ва бир-бири билан қўл ушлашиб туради. Ҳар бир давра учун биттадан ҳисобчи (очколарни синовчи) тайнланади. Ўйин раҳбарнинг сигнали билан бошланади. Ўйинчилар айлана бўйлаб, чап ёки ўнг (олдиндан белгиланган) томонга силжиб юриб, қўлларини қўйиб юбормасдан бир-бирларини тортиш, қисиш билан ёнларидағи ўйинчиларни айлана ичига киритишга ёки бир оёғи билан бўлса ҳам қадам қўйдиришга уринадилар. Айлана ичига қадам қўйган ўйинчи 1 очко ютказади. Айлана атрофида айланиб юрганда қўлларини қўйиб юборганлар ҳам биттадан очко ютказган ҳисобланадилар. Содир бўлган ҳар бир хатодан кейин ўйин қисқа

вақт түхтатилади, айланага қадам қўйган ўйинчиларга ташқарига чиқиш учун, қўлларини ажратиб юборган ўйинчиларга эса яна қўл ўшлашиб олиш учун имкон берилади. Ўйинчилари бошқа команда ўйинчиларига қараганда камроқ жарима очкоси олган команда ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйиндаги ҳар бир танаффусдан сўнг айлана атрофида силжиб юришнинг йўналиши (ўнг ёки чапга) ўзгартирилади. 2. Ўйинда кўполлик қилиш (қасдан туртиб юбориш, оёқдан чалиш ва ҳоказолар) таъқиқланади.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари қўл ушлашиб “рақиб” кучига қаршилик кўрсатиб юриш.

### **5.8.5.Доирадан ва доирага тортиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ерга ёки полга диаметри 6-8 метр айлана чизилади. Хамма ўйновчилар икки командага бўлинниб, улардан биттаси айлана ичига, иккинчиси унинг атрофига жойлашадилар (ўйинчилар жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирларига юзма- юз бўлиб сафланадилар).

**Ўйиннинг тавсифи.** “Бошланг!” – командаси берилиши билан ичкаридагилар ташқаридагиларни ва ташқаридагилар ичкаридагиларни ўз давраларига тортиб олишга ва қарши команда даврасига тушиб қолган ўз шерикларини қутқаришга ҳаракат қиласилар.

**Ўйиннинг қоидаси.** 1. Ўйинчилар бир-бирининг қўлидан ушлаган ҳолда тортишишлари мумкин. 2. Оёқларни тираш учун чуқурчалар қўйиш ёки биронта нарсадан фойдаланиш мумкин эмас. Бу қоидаларни бузган ўйинчиларга ҳам жарима очкоси берилади. 3. Ўйин бир марта тез “олишиш” тариқасида ўтказилади, кейин ўйинчилар бир оз дам оладилар. Сигнал берилгандан кейин янги олишиш бошланади.

### **5.8.6.Юклар билан югуриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар икки командага бўлинниб, икки қаторга сафланадилар (командаларда уғилва қиз болалар сони teng бўлиши

керак). Ҳар бир команданинг рўпарасига 2-2,5 метр нарида 4-5 та ғулача, булава ва тўплар қўйилади. Ҳар бир команданинг биринчи ўйинчиларида 1-1,5 кг оғирликдаги рюкзак ёки халтacha бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин биринчи бўлиб турган ўйинчилар ғулачалар ёки тўплар орасидан югуриб ўтиб, орқа томонга ҳам шу усулда қайтиб келиб, рюкзак ёки халтачани иккинчи ўйинчига берадилар ва қаторнинг охирига бориб турадилар. Ана шу ҳаракатни ҳамма ўйинчилар такрорлайди. Бу ишни биринчи бўлиб тугатган команда ғолиб ҳисобланади.

Ўйиннинг бошқа варианtlарида рюкзак ўрнига икки ёки уч оёқли велосипедни ҳайдаб ёки баскетбол тўпини ерга уриб югуриш ҳам мумкин.

### **5.8.7.Ким кучли**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўқувчилар иккитадан бўлиб майдончанинг ўртасида юзма-юз турадилар. Иккала жуфтликда ҳам кучлари бир-бирига teng ўйинчилар бўлиши керак.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин мусобақа қатнашчилари ўзаро ҳар хил машқлар, масалан, 1) рақибни елка, орқа, уллар билан тутиш; 2) рақибни қўлидан ушлаб тортиш, қўлни ҳар хил усуллар билан ушлаш; 3) чўққайиб ўтирган рақибни ўрнидан туришига қўймаслик учун елкасидан босиш бўйича мусобақалашадилар; 4) ётган рақибини ўгириб белини ерга тегизиш; 5) партер ҳолатидан рақибини қўрагидан ерга тегизишга ҳаракат қилиш;

4-5 - мусобақаларни ўтказища албатта гимнастика тушакларидан фойдаланиш керак. Очиқ майдончада эса юмшоқ жойни танлаш мумкин.

### **5.8.8.Қуршовдан чиқиб кетиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўқувчилар teng икки командаға бўлинадилар. Биринчи команданинг ўйинчилари қўлларини ушлашиб айлана ҳосил

қиладилар. Иккинчи команданинг ўйинчилари эса унинг ўртасидан жой оладилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин доиранинг ўртасида турган команданинг ўйинчилари қуршовдан чиқиб кетишга ҳаракат қиладилар. Биринчи команданинг ўйинчилари эса уларга қаршилик кўрсатадилар. Ўйин маълум вақтгача давом этади. Шундан кейин командалар жой алмашадилар. Ўйинда рақиб команданинг кўпроқ ўйинчиларини қуршовда ушлаб турган команда ютган хисобланади.

**Ўйиннинг қоидаси.** 1. Ўйинчиларниң кўлларини узиб (уриб) чиқиб кетиш мумкин эмас. 2. Кўллар устидан сакраб ўтиш ман этилади. 3. Кўллар тагидан эмаклаб утиш мумкин.

Ўйин очиқ майдончада, юмшоқ тупроқли жойда ташкил қилинса, қуршовдан хоҳлаган усулда чиқиб кетишга рухсат этилади.

## 5.9. Бокс

### 5.9.1. Кўчма нишон

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйинчиларораларида 2-3 қадамдан жой қолдирирган ҳолда айлана ҳосил қиладилар. Уларнинг оёқ учлари олдидан чизиқ ўтказилади. Айлана ичига онабоши кириб келади. Атрофда турган ўйинчилар уни волейбол тўпи билан уришга ҳаракат қиладилар. Онабоши тўпга чап бериб дойра ичидаги югуриб юради. Онабошига тўп тегизган ўйинчи онабоши бўлади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Айлана бўйлаб турган ўйинчилар чизиқдан ичкарига ўтмаслиги керак. 2. Агар тўп доиранинг ўртасида қолса, уни онабоши ўзи истаган ўйинчига узатади. 3. Тўп онабошига учиб бориб (тиззадан пастга) тегсагина ҳисобга олинади. 4. Агар онабоши учиб келаётган тўпни ушлаб қолса, тўп теккан ҳисобланмайди. 5. Агар онабоши тўпни ушлаб қола олмай, қўлидан тушириб юборса, онабоши алмаштирилади. 6. Тўп билан атайлаб қаттиқ уриш мумкин эмас.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйинчилар кўпайиб кетса, бу ўйинни бирданига 2-Здаврада утказиш мумкин.

Агар ўйинчилар 1-2 дақиқа мобайнида онабошига тўпни тегиза олмасалар (дойра жуда кенг бўлса), уларнинг ҳаммасига бир-икки қадам олдинга сурилш тавсия этиш керак (натижада дойра кичрайди).

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари волейбол тўпини кўчма нишонга отиш; тўпни ирғитиб узатиш ва илиб олишдир.

### **5.9.2. Овчилар ва ўрдаклар**

Ўйин майдончада ёки залда ўтказилади. Ўйин учун битта баскетбол ёки волейбол тўпи керак.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ерга иложи борича каттароқ айлана чизилади. Агар ўйин тор залда ўтказиладиган бўлса, ўртадан залнинг кундалангига 8-12 қадам оралиқда иккита чизиқ ўтказиб икки томони девор ва бошқа икки томони чизиқлар билан чегараланган тўртбурчак ҳосил қилиш тавсия этилади.

Ўйинчилар иккига, яъни “овчилар” ва “ўрдаклар” командаларига бўлинадилар. “Овчилар” айлана чизиги атрофига ёки иккига бўлиниб, залнинг кундалангига ўтказилган чизиқлар бўйлаб сафланадилар. Ўрдаклар дойра ёки туртбурчак ўртасида турадилар.

Овчилардан бирининг қўлида тўп бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Овчилар доира ёки тўртбурчак ичига кирмасдан, ўрдакларга тўп отадилар. “Отилган” ўрдак ўйиндан чиқади. Ўрдаклар ўзларига тўп тегмаслиги учун чап бериб дойра ичидаги югурадилар ва сакрайдилар. Овчилар тўпни бир - бирларига оширадилар ва ўрдаклар учун кутилмаган бир вақтда уларга отадилар. Ўйин ўрдакларнинг ҳаммаси отиб бўлингунича давом эттирилади. Ўйин тугагандан кейин командалар жой алмашадилар. Икки марта ўйналгандан сўнг қайси овчилар командаси ҳамма ўрдакларни тезроқ отганлиги аниқланади ва уша команда ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Овчилар чизиқдан ўта олмайдилар, чизиқдан ўтиб туриб отилган тўп теккан ҳисобланмайди. 2. Тўп билан ўйновчининг бошидан бошқа ҳамма ерига уриш мумкин. 3. Ердан сакраб бориб ўрдакка теккан тўп ҳисобга олинмайди. 4. Отилган ўрдаклар ҳамма ўрдаклар отилиб, командалар алмаштирилгунича ўйинга қатнашмайди.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти.** Бу ўйин ўқувчиларнин мустақиллиги ва ташаббускорлигини ўстиради. Бу ўйин қатнашчиларда ўртоқлик туйғусини, ўзининг манфаатини жамоанинг умумий вазифаларига бўйсундира билиш, Ўзи ва ўртоқларининг кучини ҳаққоний баҳолай олиши иқтидорини тарбиялашда ёрдам беради. Ўрдаклар ролидаги иштирокчилар дадил бўлишлари, овчилар эса мерган ва ўз кучига ишонишлари керак. Бу ўйиндаги асосий ҳаракат кўчма нишонга тўп отишдир.

**Методик кўрсатмалар.** Раҳбар овчиларга, айниқса ўйиннинг бошланиш пайтида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш, яъни тўпни кўпроқ бир-бирларига узатиб туриш ва қулай пайт келганда ўрдакларга отиш кераклигини тушунтириши ва уларга шундай қулай вақт топишни ўргатиши лозим. Тўпни узатиш машқи ўқувчиларни қўл тўпи билан ўйналадиган янада мураккаброқ спорт ўйинларига тайёрлайди.

Ўрдаклар ролидаги ўйинчиларга бир-бирларининг орқаларига беркинмасликни, қўрқмай тўпга чап бериб қутулишни тавсия қилиш керак. Уларга тўпдан бехуда қочавериш доимо фойдали эмаслигини, бундан ташқари, бундай ҳаракат тез чарчатиб қўйишини, тўрган жойида тўпга чап беришнинг ҳар хил имкониятларидан фойдаланиш, маъқуллигини ўқтириш лозим.

Агар ўйинни ўтказиш учун кам вақт ажратилгану ўқувчилар тўп билан ўйнашни яхши билсалар ва жисмоний жиҳатдан ўйинни анча узоқ вақт давом эттира оладиган даражада тайёрланган бўлсалар ўрдакларни отиш вақтини чеклаб қўйиш мумкин. Масалан, З дақиқа мобайнида отилган ўрдаклар сони ҳисоблаб чиқилади. Ана шу вақт ичида қайси команданинг овчилар кўпроқ ўрдак отган бўлса, уша команда ғолиб ҳисобланади. Тўпни

белгача ёки тиззагача тегизиш мумкинлиги айтиб қўйилиши керак.

### **5.9.3.Арғамчи билан сакраб югуриш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар икки командага бўлинадилар. Ҳар бир команда яна иккига бўлиниб ва икки қаторга сафланиб, бир-бирларига қараб 15-20 метр оралиқда турадилар. Қаторлар олдида турган биринчи ўйинчиларда биттадан арғамчи бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Раҳбарнинг сигналидан кейин улар арғамчидан сакраб-сакраб қаршисида турган ўйинчилар олдига борадилар ва арғамчини уларга бериб, ўзлари қаторларнинг охирига бориб турадилар. Мана шу ҳаракатни хатосиз ва олдин бажарган команда ютган ҳисобланади.

### **5.9.4.Чизиқ устидан торт ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Майдончанинг ўртасидан чизиқ ўтказилади. Шу чизиқнинг икки томонига 1,5 метр оралиқда яна биттадан параллел чизиқ чизилади. Ўйновчилар икки командага бўлиниб, қарама-қарши томондаги чизиқларда бир қаторга сафланиб юзма-юз турадилар. Қарама-қарши томонда турган рақиблар ўнг қўллари билан ушлашиб, чап қўлларини букиб, орқага қўйиб турадилар. Шундай қилиб, ўзаро курашадиган жуфтлар ташкил қилинади (иложи борича кучи бир-бирига тенг бўлиши керак).

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин ҳар бир ўйинчи рақибини ўзтомонига тортиб чизиқдан ўтказишга ҳаракат қиласи.

Ўйин бир команда тортиб ўтказмагунча давом этади. Ўзининг томонига кўп ўйинчини тортиб ўтқазган команда ютган ҳисобланади.

### **5.9.5.Чаққон қўллар**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар тенг икки командага бўлиниб, бир-бирига қарама-қарши икки қаторга сафланадилар. Командалар ўртасидаги масофа 7-10 метр бўлиб, биринчи турган ўйинчилар эстафета таёқчасини оладилар. Пишиқ арқончанинг иккала учига иккита эстафета таёқчаси

борланади. Арқончанинг ўртасига қизил лента боғланади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар қўлларини олдинга узатиб арқонни тарант тортиб турадилар. Тарбиячининг сигналидан кейин арқончани таёқчага ўрай бошлайдилар. Ким биринчи бўлиб қизил лентагача ўраб борса, ютган ҳисобланади. Ютган ўйинчига бир очко берилади. Кейин бу ишни бошқа ўйинчилар такрорлайди. Кўп очко йиғган команда ютган ҳисобланади.

## **5.10. Қиличбозлик**

### **5.10.1. Ким мерган**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар бир қаторга саф тортадилар ва “бир, икки” деб ўз номерларини навбат билан айтадилар. Биринчи номерлилар бир команда ва иккинчи номерлилар иккинчи командага бўлиниб, бир бирларига қарама-қарши томонда сафланадилар. Аагар ўйновчичлар бир сафга тузилганада майдонга сиғмасалар, икки қаторга турадилар. Бунда ҳар бир сафар биттадан командани ташкил этади.

Ўйинчилар оёқларнинг учи олдидан чизик ўтказилади. Копток ўша чизик ўтказилган ердан отилади.

Командалардан бирининг ҳар бир ўйинчисига биттадан копток берилади. Қатор рўпарасига копток отиладиган чизиқдан 6 м нарига шу чизиққа параллел қилиб ҳар хил рангта бўялган 10 та ғўлача бир-икки қадамдан оралиқда териб қў илади. Ғулачаларнинг 5 таси бир рангга, 5 таси иккинчи рангга бўялган бўлиб, улар ораалатиб қўйилади. Ҳар бир команадага маълум рангдаги ғулачалар белгиланади.

Ўйин раҳбари нинг ишорасига биноан командалар навбатма-навбат коптокларни бир вақтнинг ўзида, яъни команададаги ҳамма ўйинчичлар бирданига ғулачаларга қараб отадилар. Йиқилган ғулачалар бир қадам нарига суриб қўйилади. Ўйин давомида ўз нишонларини узоққа суро олган команда (нишонларнинг ҳаммаси умуман неча қадам сурилгани ҳисобга олинади) ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Копток отилганадан сўнг йиқилган ғулачалар янги жойга олиб қўйилади. 2. Отилган коптокларни йиқитилган ғулачалар янги жойларга олиб қўйилганадан кейин бошқа команданинг ўйинчилари ийғадилар.

**Эслатма.** Йиқитилган ғулачаларни олиб жой-жойига қўйиш учун битта ўйинчи тайинланади. Коптокни тик турган, чўккалган ётган ҳолатда олиш мумкин.

**Ўйиннинг иккинчи варианти.** Командалар бир-бирига қарама-қарши томонда саф тортиб турадилар. Ўртадаги чизиқлар бир хил рангли ғулачалар териб қўйилади. Йиқилган ғулачалар уни йиқитган команда томонига бир қадам суриб қўйилади. Кўпроқ ғулачани ўз томонига яқинлаштира олган комангда ютади.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатни нишонларга кичик коптокларни отиш.

### **5.10.2.Ким чаққонроқ**

Ўйинда 20-30 нафар ўқувчи қатнашади. Ўйинни майдончада, ҳовлида ёки спорт залида ўтказиш мумкин.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ҳамма ўйновчилар тенг икки командага бўлинниб, 20-30 метр оралиқда бир-бирларига юзма-юз турадилар. Ҳар бир команданинг ўнг қанотида турган ўйинчилар бир оёқларини (ўнг ёки чап) тиззадан букиб, рўмолча ёки камар билан боғлайдилар. Шундан кейин “Марш!” – деган команда берилади. Ўйновчилар бир оёқда сакраб-сакраб қарши командагача борадилар ва у ерда рўмолчани ечиб, ўз командалари олдига югуриб қайтиб келадилар. Рўмолча ёки камарни навбатдаги ўйинчига берадилар. Ҳамма ўйинчилар мана шу ҳаракатни такрорлайдилар. Энг охирги ўйинчи ҳам олдинги ўйинчиларнинг ҳаракатларини бажариб, рўмолча ёки камарни ўйин раҳбарига беради. Рўмолча ёки камарни ўйин раҳбарига биринчи бўлиб олиб берган команда ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.1** .Фақат бир оёқда сакраб борилади. 2. Қарши командага етиб боргандан кейингина рўмол ёки камарни ечилади. 3. Оёқни

боғлаб бўлгандан кейингина сакраб юриб кетилади. 4. Ўйинчилар тартиб сақлаган ҳолда бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйин ҳаракат мусобақа ўйинидир. Ўйинни V-VIII синф ўқувчилари учун тавсия қилиш мумкин. Ўйиндаги ҳаракатлар югуриш ва сакрашга асослангани учун ўйновчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини эътиборга олиш, икки команда ўртасидаги масофани ҳам шунга қараб белгилаш керак. Ўйинда икки команда ўртасидаги мусобақа яққол кўриниб туриши лозим.

Ўйинда ғалаба қозониш учун ўйновчилар оекларини тез боғлаш ва ечишни яхши билиб олган бўлишлари зарур.

## 5.11. Сув спорт турлари

### 5.11.1. Сигналга мувофиқ ҳаракатлар

**Ўйинга тайёрланиш.** Ҳамма ўйновчилар ораларидан бир метрча масофа қолдириб бир қаторга сафланиб юрадилар. Ўқитувчи уларга ўйин бошланишидан олдин қандай сигналлар берилишини ва бу сигналлар берилгандан кейин қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини тушунтириб беради. Масалан, бир марта қарсак чалингандан ҳаракатни давом эттириш, икки марта қарсак чалингандан секин югурга бошлаш керак ва ҳоказо.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқувчилар ўқитувчининг турли тартибда берадиган шартли сигналларига мувофиқ ҳаракат қиласилар. Ҳаракатни бажармаган ёки нотўғри бажарган ўйновчиларга жарима очкоси берилади. Камроқ хато қилганлар ютган ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидаси.** Юриш ва югуришда ўйновчилар белгиланган масофани ва саф текислигини бузмасликлари лозим.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйновчилар бир қаторли сафдаги-на эмас, айлана бўйлаб ҳам ҳаракат қилишлари мумкин. Қаторда юришда ахён-ахёнда йўналишни ўзгаририб туриш керак. Ўйинда товушли (қарсак уриш, чилдирма чалиш ва ҳоказо) билан бир қаторда, кўзга кўринадиган сигналлардан (байроқчани турли томонга силжитиш, секин ёки тезроқ

силташ ва шу кабилардан) ҳам фойдаланиш лозим.

### **5.11.2.Копток талашиш**

Ўйинчилар сони чекланмайди. Ўйин спорт майдончасида ёки залда ўтказилади. Ўйинни ўтказиш учун копток (теннис коптоги, оддий резина копток) керак.

**Ўйиннинг тавсифи.** Чек ташлаш йўли билан ўйновчилар орасидан иккита онабоши сайланади. Колган ўйинчилар эса икки командаға бўлинадилар ва майдон чизиғининг орқасига сафланадилар. Чек ташланиб қайси команда коптокни биринчи бўлиб отиши аниқланади. Коптокни команданинг хоҳлаган ўйинчиси отиши мумкин. Копток майдон ўртасига отилади. Копток отилиши биланоқ иккала команда ўйинчилари коптокни биринчи бўлиб тутиб олиш ва имкон борича тезроқ ўз онабошиларига келтириб бериш учун майдонга югуриб кетадилар.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Коптокни ўйинчилар бир-бирларига узатаётганларида уриб юбориш, қўлда юлиб тортиб олиш, коптокни олиб югуриб кетаётган ўйинчини қуршаб олиш мумкин 2. Коптокни ўйинчилар бир-бирига иргитиши мумкин. 3. Ўйновчилар бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин. 4. Коптокни онабошига иргитиб узатиш мумкин эмас. 5. Оёқни чалиб, тутиш мумкин эмас. 6. Белгиланган вақт ичida тўпланган очколар сонига қараб ўйинни якунлаш мумкин.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйин командаларга бўлинниб ўйналади ва ҳамма ўйновчиларнинг мусобақа шароитида бирданига ҳаракат қилишлари билан характерланади. Тез югуриш, коптокни иргитиб узатиш ва илиб олиш, ҳаракат вақтида вазиятни яхши англаш иш тутиш ўйиннинг мазмунини ташкил қиласди. Коптокни мўлжаллаб отиш, шеригига ўз вақтида ёрдам бера олиш ва ҳоказолар ўйиннинг энг муҳим жихатидир. Бу ўйинни III синфдан юқори синф ўқувчиларига тавсия этиш мумкин. Ўйновчилардан чаққонлик, биргалашиб ҳаракат қилиш, дадиллик, қатъийлик ва тез югуриш талаб қилинади. Бу мусобақа туридаги ўйиндир. Ўқувчиларнинг жисмоний

тайёргарлик даражасига қараб ўйинни бир оз мураккаблаштириш ҳам мумкин.

### **5.11.3.Арқон узилди**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар икки командаға бўлинадилар. Майдонча ёки залнинг ўрттасидан кундалангига чизик ўtkазилади. Командалар чизиқнинг иккки томонига бир қатор бўлиб сафланиб, узун арқонни ушлаб турадилар. Ўйин раҳбари (ўқитувчи) сигнал бериши билан иккала команда ўйновчилари арқонни ўз томонларига торта бошлайдилар.

Агар бир команда қарши команда ўйинчиларидан биттасини ўз томонига торта олса хам ютқазган команда қаторининг охирида турган ўйинчи ютган команда томонига ўтиб, қаторнинг охирига бориб туради. Ўйин бир команданинг ҳамма ёки қўпчилик ўйинчилари иккинчи командаға ўтказилгунича давом эттирилади. Шундан кейин чек ташлаш йўли билан ўқувчиларни янгидан икки командаға бўлиб ўйинни давом эттирилади.

**Ўйиннинг қоидаси.1.** Бир команданинг 2-3 ўйинчиси қарши командаға ортиб ўтказилганидан кейин ҳам ўйинни тўхтатиш мумкин. Чунки кучлар teng эмаслиги сабабли бир команданинг ғолиб чиқиши ўзўузидан аён бўлиб қолади.

**Методик кўрсатмалар.** Ўйинчиларни икки командаға бўлишда уларнинг ёш хусусиятлари ва жисмоний тайёргарлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Ўйновчиларнинг шўхлик қилишига йўл қўймаслик керак. Бу ўйин ўқувчиларда жамоачилик ҳиссини тарбиялайди ва уларнинг жисмоний чиниқишига ёрдам беради. Бу ўйинни ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчиларга тавсия қилинади.

### **5.11.4.Чамбаракларга жойлашиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар бир-бирига қарама - қарши иккита сафга тизилиб турадилар. Сафлар орасидаги масофа 10-15 метр бўлади. Сафлар ўртасига чамбаракларни бир қатор қилиб териб қўйилади. Уларнинг

сони ўқувчилар сонидан 2 марта кам бўлиши керак. Онабоши сафларнинг ён томонида (ўртада) туриб, ҳар хил машқларни қайта бошлайди, уларни ҳамма ўйинчилар бажарадилар. Масалан, “чўққайиб ўтириш”, “туриш”, “орқага бурилиш”, “кўллар белда, елкада, юкорида” ва ҳоказо.

**Ўйиннинг тавсифи.** Онабошининг тўсатдан берган сигналидан кейин ҳамма ўйновчилар чамбараклар томон югурибтезроқ уларнинг ичига туриб олишга ҳаракат қиласидилар. Чамбаракнинг ичига факат бир киши туриши мумкин. Иккала команданинг чамбараклар ичидан жой олган ўйинчилари ҳисобга олинади. Чамбараклар ичida кўпроқ ўйинчиси турган команда ютган ҳисобланади. Ўйиняна давом эттирилади.

#### **5.11.5. Тўлдирма тўпни узатиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар 2-3 та командага бўлиниб, кенгроқ оралиқда бир қатордан сафланиб турадилар. Ҳамма ўйновчилар оёқларини ён томонга кериб турадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ҳар бир қаторда биринчи бўлиб турган ўйинчиларнинг қўлларида тўлдирма тўп бўлади ва ўқитувчи сигнал бергач, улар тўпларни бошларидан ошириб орқаларидағи иккинчи ўйинчиларга узатадилар.

Иккинчи ўйинчилар тўпни олиб, олдинга энгashiб, уни оёқлари орасидан учинчи ўйинчиларга узатадилар ва ҳоказо.

Қаторлар охирида турган ўйинчилар тўпни олгач, ўз командаларининг чап томонидан югуриб келиб, қатор олдига биринчи бўлиб турадилар ва тўпни бошларидан ошириб узатадилар. Улар олдинга қараб югураетганда бошқа ўйинчилар бир қадам ёки бир ўрин орқага суриладилар. Ўйин олдингидек яна такрорланади.

Ўйинни бошлаган иштирокчи қатор охирига етгандан сўнг тўпни олади ва ўнг томондан югуриб келиб қаторга биринчи бўлиб туради ва тўпни юқорига кўтаради. Тўп узатишни бошқалардан тезроқ бажарган командағолиб ҳисобланади.

## 5.12. Жуфтликда жамоали ўйинларга хос ҳаракатли ўйинлар

### 5.12.1. Оқ айиқлар ови

Ўйин майдончада ёки залда ўтказилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Майдончанинг бир томонидан кичикроқ жой атрофига чизик тортиб ажратилади. Бу – катта муз парчаси, майдончанинг қолган ерлари денгиз бўлади. Майдончадаги денгизни чизик билан чегаралаб қўйиш зарур. Ўйинчилардан бири онабои – оқ айиқ қилиб тайинланади. Қолйган ўйинчилар айиқчалар бўлади. Айиқ катта муз парчаси томон йўл олади. Айиқчалар эса бутун майдонча бўйлаб истаган ерга жойлашадилар.

Аиқ “Овга чиқяпман!” – деб бўкириб, муз парчасидан денгизга қараб югаради ва айиқчаларни тута бошлайди. Бирон айиқчани тутиши билан уни муз парчасига олиб келиб қўяди. Кейин иккинчи айиқчани ушлайди. Иккита ўйинчи ушланганч, улар ҳам қўл ушлвшиб қолган ўйинчичларни тута бошлайдилар ва бирор ўйинчини қувиб етган пайтларида қўлларини шундай бирлаштирадиларки, ушланган ўйинчи уларнинг қўллари орасида қолади. Шундан кейин улар “Айиқ, ёрдамга!” – деб бақирадилар. Айиқ югуриб келади ва қўлини тутилган ўйинчига теккизади, яъни уни ушлайди. Ушланган ўйинчи муз парчасига келиб туради. Муз парчаси устидаги ушланган ўйинчилар иккита бўлгач, улар ҳам қўл ушлашиб денгизда айиқчаларни тута бошлайдилар. Бундай жуфт ўйинчилар ҳар гал биронта ўйинчини ўраб олсалар, “Айиқ, ёрдамга!” – деб бақирадилар. Айиқ югуриб келади ва тутқунни ушлайди. Ўйин ҳамма айиқчалар ушлангунча давом этади. Энг охирида ушланган ўйинчи энг чаққон ўйинчи ҳисобланади ва кейинги ўйинда оқ айиқ бўлади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Жуфт айиқчалар ўйинчичарни факат қўлларни билан ўраб олиб тутадилар. 2. Тутиш пайтида ўйинчиларни тортқилаш таъқиқланади. 3. Майдонча чегарасидан қочиб чиқсан ўйинчи

тутилган ҳисобланади ва муз парчасига буриб туради. 4. Жуфт айиқчалар ўраб олган ўйинчи айиқ келиб унга қўл теккизгунга қадар қуршовдан сирғалиб чиқиши ва қочиши мумкин. 5. Айиқ биринчи жуфт айиқчани тутиб олганадан кецин ўзи айиқчаларни ққвлаб юрмасдан ўраб олинганларнигина тутади.

**Ўйиннинг иккинчи варианти.** “Жуфтлаб тутиш”. Битта тутувчи тайинланади. Колган ўйинчиларнинг ҳаммаси ундан қочади. Тутувчи қочаётганалардан бирини тутади ва у билан жуфт бўлиб олади. Улар ўйинчиларни қуршаб олиб, тута бошлайдилар. Тутилган икки ўйинчи янги жуфтни ташкил этади ва қочаётганларни “Оқ айиқлар” даги сингари ёрдамга чақирмасдан, мустақил равишда тутади. Бунда ҳам ўйин ҳама тутилгунича давом этади.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти.** Ўйин ўқувчиларга тез ва чақкон ҳаракат қилишни ўргатади. Ўйин жараёнида ўқувчиларда кузатувчанлик, вазиятни тезда англаб ҳаракат қила билиш ва қатъиятлиликни ривожлантиради. Ўйин қатнашчилардан ўз хракатларига мувофиқлаштиришни талаб қиласди.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракати асосан йўналишини ўзгартиритб юриш ва югуришдан иборатдир.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйин жуда серҳаракат ва ҳаяжонлидир. Ҳар қайси жуфт айиқча тутилганадан кейин эса қисқа дам олиш билан ҳаяжонланиши пасайтириши мумкин. Масалан, хар гал янги айиқча тутилиши билан денгиздаги ҳамма жуфт айиқлар раҳбарнинг ишораси билан муз парчасига қайтиб келадилар ва яна ишора билан уюшган ҳолда ов қилиш учун денгизга тушадилар. Шунда ҳали тутилмаган айиқчалар бирмунча дам олишига имкони яратади ва овни яхшироқ уюштиришга ёрдам беради. Ўйиннинг бу варианти эндиғина ўйнаётган қуий (III-IV) синфларнинг ўқувчилари учун кўлланади.

Бу ўйин сермазмун бўлмаса ҳам, уни III ва ундан юқори синф ўқувчилари билан ўтказиш тавсия этилади. Чунки бу ўйиннинг “Жуфтлаб

тутиш” варианти ўтказилади. Улар учун ўйиннинг бирмунча мураккаблаштириш, масалан, ўйинга ҳар бир жуфт айик тутилган ўйинчини муз парчасига олиб келиши қоидасини киритиш мумкин. Бу қоидани фақат ўйин яхши уюштирилган ҳамда ўғил ва қиз болалар билан алоҳида-алоҳида ўтказилгандагина жорий қилиш мумкин.

### **5.12.2. Товонбалиқлар ва чўртан**

Ўйин майдончада ёки спорт залида ўтказилади.

**Ўйинга тайёрланиш.** Майдончанинг қарама-қарши томонларига товонбалиқларнинг иккита уйи чизилади. Уйлар орасидаги масофа тахминан 20-30 қадам бўлиши керак. Энг чаққон ва илдам ўйинчилардан биттаси чўртанбалиқ қилиб тайинланади. Қолган ўйинчиларнинг ҳаммаси товонбалиқлар бўлади. Товонбалиқлар ўз уйларидан биттаси турадилар, чўртан эса майдончанинг – дарёнинг ўртасида туради.

**Ўйиннинг тавсифи.** Чўртан “Бир, икки, уч” – деганданкейин ҳамма товонбалиқлар майдоннинг қарама-қарши томонидаги уйларига “сузиб” – югуриб ўтадилар. Шунда чўртан уларни тутади. Ким тутилса, майдонча, - дарё ўртасида қолади. Шундан кейин чўртан яна “Бир, икки, уч” – дейди, товонбалиқлар қарама-қарши томондаги уйга “сузиб” – югуриб ўтадилар. Ўйин шу тариқа давом этаверади.

Бир неча ўйинчи тутилгандан кейин занжир бўлиб оладилар, яъни майдонча ўртасида бир қаторга сафланиб, бир-бирлари билан қўл ушлашиб дарвоза хосил қилиб турадилар. Бу уйиндаги бундай сафланиш “тўр” дейилади. Тўр тортилганидан кейин товонбалиқлар тўр орасидан (қўллар тагидан) югуриб ўтадилар. Чўртан эса занжир орқасида туриб, югуриб ўтаётган товонбалиқларни тутади.

Тутилганлар қўл ушлашиб турган ўйинчиларга қўшиладилар. Тўр катта бўлиб кетадиган кейин ушланган доира – “сават” хосил қилиб турадилар. Энди тутилмаган товонбалиқлар сават оралиқларидан югуриб ўтадилар, чўртан эса сават орқасида туриб олиб, уларни тутади. Товонбалиқлар жуда оз

қолгандан кейин тутилган ўйинчилар бир-бирларига юзма-юз турғанлари ҳолда икки қаторга тизилиб йўлак ҳосил қиласидилар. Чўртан йўдак тугаган жойдан икки қадам нарида туриб олиб, товоонбалиқларни тутади. Ҳамма товоонбалиқлар тутилганадан кейин ўйин тугайди.

Охирида тутилган товоонбалитқ навбатдаги ўйинда чўртан бўлади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Чўртан “Бир, икки, уч!” – деб бўлмасдан олдин ҳеч ким уйдан югуриб чиқа олмайди., акс ҳолда, тутилган ҳисобланади. 2. агар товоонбалиқлар ҳа деганда ўйдан чиқавермасалар, чўртан яна бир марта баланд овоз билан учгача санайди. Шунда товоонбалиқлар ўйдан югуриб чиқишилари керак, акс ҳолда тутилган ҳисобланадилар. 3. Тутилган ўйинчилар тўр, сават ва йўлак ҳосил қилиб турадилар, аммо товоонбалиқларни тутиш хуқуқига эга бўлмайдилар. 4. Ҳамма товоонбалиқлар югуриб ўтиш вақтида тўр, сават ва йулак орқали ўтишлари лозим, бундай қилмаган ўйинчилар тутилган ҳисобланади. 5. Сават ҳосил қилиб турган ўйинчилар чўртани тутиб олишлари мумкин. Бунинг учун улар занжир қилиб олган қўлларини чўртан устидан ошириб ўтказиб, уни сават ичига олиб киришлари керак. Чўртани йўлакда хам тутиш мумкин. Бунинг учун чўртан йўлак ичига кириб келганда, уни дарров қуршаб олиш, яъни йўлакнинг кириш ва чиқиш жойларида турган товоонбалиқлар қўл ушлашиб олишлари керак. Агар чўртан сават ёки йўлакка тушиб қолса, тутилган ҳамма товоонбалиқлар озод қилинади ва янги чўртан тайинланади, илгариги чўртан эса товоонбалиқ бўлиб қолади.

**Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти.** Бу ўйин орқали ўқувчилар жамоада уюшқоқлик билан ҳаракат қилишни ўрганадилар. Чунки бу ўйин мақсадга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилишни тақозо этади.

Ўйин мустақиллик, ташаббускорлик, қатъиятлик ва ҳушёрлик каби сифатларни шакллантиради. Ўйинда биргалашиб ҳаракат қилиш ўртоқчилик туйғусини тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйиндаги ҳаракатлар ўқувчиларда тезлик ва эпчиллик сингари хислатларни ўстиришга ёрдам беради.

**Методик кўрсатмалар.** Ўқувчилар оддий, қисқа-қисқа югуришлардан иборат ўйинларни, масалан “Қувноқ болалар”, “Икки аёз” ўйинларини ўрганиб олганларнидан кейингина улар билан “Товонбалиқлар ва чўртнанбалиқ” ўйинини ўтказиш керак.

Бу ўйин III-IV синф ўқувчилари учун тавсия этилади. Бу ёшдаги ўқувчилар ҳаракат усулларини билиб олган бўладилар: хавф-хатарли бўдса ҳам, чўртнни алдаб, саватга киришга, чўртн ёнига бирорта товонбалиқни юбориш билан унинг диққатини чалғитиб, бошқа товонбалиқларни қутқариб қолишга ҳаракат қиласидилар. Ўйинчилар йўлакдан чиқиладиган жойдан (йўлакдан югуриб ўтиш жуда хавфли ва мароқли бўлади) чўртннинг диққатини чалғитиши учун зўр мардлик ва фаросатлилик кўрсатишилари керак.

Рахбар болаларнинг диққат-эътиборини ўйинни жонлатирадиган ва тарбиявий жиҳатдан янада қимматлироқ қиласидиган мана шу ҳамма усулларга қаратиши ва бу билан уларга ўйин жараёнини дурустroc ўзлаштириб олишларида ёрдам бериши керак. Бу ўйинни, юқорида айтилганидек, III-IV синф ўқувчилари билан ўтказиши лозим. Юқорироқ синфларда эса уни янада мураккаброқ варианти “Ёйма тўр” ўйинни билан алмаштирилади.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари йўналишини ўзгартириб ва озгина дам олиб югуришдир.

### **5.12.3. Доирадан суреб чиқариш**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар баб-баравар икки командаға бўлинадилар. Командалар бир-бирларига юзма-юз сафланиб туради.

Командалар ўртасида ерга диаметри 1,5-2 метрли 6-8 та айланади. Айланаларнинг ҳар бирига иккала командаға биттадан вакили (бўйи баландроқ ўйинчилардан бошлаб) туширилади. Айланалар ичидағи ўйинчиларга биттадан гимнастика таёқчаси берилади. Иккала ўйинчи таёқчанинг бир учини ўйин шартига қараб ўнг ёки чап тирсаги билан қисиб маҳкам ушлаб туради. Ҳар бир айлана ёнида биттадан ҳакам туради. Ўйновчиларсигнал берилиши билан таёқчани қисиб, бир-бирларини доирадан

итариб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Айлана ичидан рақибини суриб чиқарган ўйинчининг командасига битта очко берилади. Айланадан чиқариб юборилган ўйинчи яна қайтиб кириши мумкин. Биринчи жуфтларнинг ўйини барча айланаларда маҳсус сигнал билан баравар тўхтатилади. Кейин навбатдаги жуфт ўйинчилар тушадилар ва ўйин шу тарзда давом эттирилаверади. Ютуқ очколарини кўпроқ тўплаган команда ғалаба қозонади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Қаршилик кўрсатиш пайтида таёқчани тирсак тагидан бошқа жойга олиш мумкин эмас. 2. Каттиқ итариб юборишга ва туртишга йўл қўйилмайди.

Эслатма. Ҳар бир жуфт ўйинчи 60 сониядан 90 сониягача олишади.

**Вариантлар:** 1) рақибнинг елкасига қўлни тираб уни айланадан итариб чиқариш; 2) бир-бирига ўнг (чап) ёни билан туриб, елкага елкани тираб доирадан итариб чиқариш.

Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатлари эпчиллик билан бир-бирини турган жойидан итариб юбориш.

#### **5.12.4. Оқ тош**

Ўйинда 10 дан 40 нафаргача ўқувчи қатнашиши мумкин. Ўйин катта ялангликда, спорт майдончасида ёки залда ўтказилади. Ўйинни ўтказиш учун оддий оқ тош керак.

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар икки командага бўлинадилар. Ҳар бир командага онабоши тайинланади.

Ўйин бошланишидан олдин ўйин раҳбари ёки ўйинда қатнашаётган ўз ўқувчилардан бири оқ тошни белгиланган жойга яширади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Раҳбар сигнал бериши билан ўқувчилар тошни қидириш учун олдиндан белгиланган майдонга тарқалиб кетадилар. Тошни топган ўйинчи уни қарши команда ўйинчиларига сездирмасдан ўзи ёки шериклари билан қўлдан-қўлга узатиб ўйин раҳбарига олиб келиб бериши керак.

Агар қарши команда ўйинчилари тош топилганини сезиб қолсалар, уни қўлга туширишга ўринадилар. Тошни олиб бораётган ўйинчига қарши команда ўйинчиси қўлини тегизиб қолса, тош ўша ўйинчига берилади ва у ҳам тошни шериклари орасида қўлма-қўл узатиб ўйин раҳбарига етказиш учун ҳаракат қиласди.

Командалардан бири тошни ўйин раҳбарига олиб келиб берганидан кейин ўйин тўхтайди. Тошни раҳбарга келтириб берган команда ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Ўйин бошланишидан олдин онабошилар ўз ўйинчиларини жуфт-жуфт ёки якка-якка қилиб қидиув майдонига жойлаштиришлари керак. 2. Оқ тош топилганидан кейин уни яшириш мумкин эмас, яъни тошни фақат майдон ичида олиб юришга рухсат этилади. 3. Кўлга тушган, яъни қарши команда ўйинчининг қўли теккан ўйинчи ўша ўйинчига тошни бериши ва ўзи кўлга тушган жойида тўхтаб олиши керак. Уни ўз командасининг ўйинчиларидан биронтаси қутқариши мумкин. 4. Оқ тошни фақат ўйин майдонига яшириш мумкин.

Ўйиннинг таълим-тарбиявий аҳамияти. Бу ўйин ўқувчиларда жамоа олдидаги масъулиятни сезиш ҳамда ўзаро ўртоқларча муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради. Шунингдек, ўйинда энг зарур жисмоний ва ахлоқий-иродавий хислатлар такомиллашиб боради.

**Методик кўрсатмалар.** Оқ тошни қарши команда ўйинчилари осонлик билан топа олмайдиган илиб яшириш керак.

Ўйин ялангаликда, майдончада жуда қизиқарли ўтади. Айниқса, байрамларда бу ўйиндан муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

### **5.12.5. Ўрмон – ботқоқ – денгиз**

**Ўйинга тайёрланиш.** Майдончанинг қарамақ- қарши томонларда икки команда ўйинчилари бир-бирига юзма-юз сафланиб турадилар. Улар тартиб билан санаб чиқадилар ва ўз номерларини эсда саклаб қоладилар. Командалар ўртасидаги майдончага қатор қилиб хар хил рангдаги учта

чамбарак қўйилади. Кўкчамбарак – ўрмон, сариқ чамбарак – ботқоқлик, ҳаворанг чамбарак – денгиз бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Тарбиячи ўйинчилардан бирининг номерини айтиб, унга бирор номни қўшиб, масалан: “Бешинчи –акула! ” деб чақиради. Иккала команданинг бешинчи номерли ўйинчилари қўк чамбаракдан жой олиши керак. Биринчи бўлиб чамбаракка келиб турган ўйинчи ўзининг командасига бир очко келтиради. Сўнг бошқа номерли ўйинчилар чақирилади. Масалан: “Учинчи – ўрдак!” Учинчи номерлар (ботқоқни билдирувчи) чамбаракка қараб югурадилар ва ҳоказо. Энг кўп очко тўплаган команда ютган ҳисобланади.

## **6 БОБ. ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ**

### **6.1. Қопқон**

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйновчилар икки гурухга бўлинадилар. Бир гуруҳдагилар айлана бўлиб сафланади ва қопқон бўлади. Иккинчи гуруҳдаги болалар сичқонлар бўлиб айланадан ташқарида турадилар. Қопқондаги гуруҳ болалари қўл ўшлишиб қуйидаги сўзларни айтиб айлана бўйлаб юрадилар.

“Вой қурғурлар бу сичқонлар жонга тегди у бекорлар нима кўрса - шуни ейди ҳамма ёкни шип - шийдон қиласди. Шошманг сизлар баднафс зотлар қўлга тушмайин колмассиз, Уянгизга куйдик копкон ҳаммангизни тез ушлармиз”.

Улар сунгги сатрдаги сузларни айтиб турган жойларида тухтайдилар ва кулларини ушлаган холда юкорига кутарадилар. Шу пайт сичконлар копкон орасидан югуриб ута бошлайдилар. Раҳбарнинг “Кнопкой ёпилди!” ишораси билан айлана хосил килиб турган Укувчилар чуккайб утирадилар ва кулларини пастга тушурадилар. Бу холат копкон ёпилганини билдиради. Шунда айлана ичидан чиколмай колган сичконлар тутилган хисобланади. Уйин хамма сичконлар копконга тушгунича давом этади. Сунгра иккала гурухдагилар урин алмашадилар ва уйинни такрорлайдилар.

**Уйиннинг коидалари.** 1. Кулларни факат “Копкон ёпилди!” ишорасидан кейин тушириш мумкин.

**Педагогик ахамият.** Уйин болаларда жамоа булиб ташкилий равища харакат килишни тарбиялади. Ташкилий равища 1 вактда ва сигнал буйича шъерни айтишга ва уйинбошига бўйсунишни талаб килади, уйин эпчил ва тез харакатларни тарбиялашга ёрдам беради.

**Методик курсатмалар.** Уқитувчи “КОПКОН ЁПИЛДИ!” ишорасини уз вактида бериши учун **сичконларнинг** копкон орасидан кандай югуриб утишганини диккат **билин кузатиб** туриши, шунингдек копкон орасидан югуриб **утишга** юраги **ботламаётган** сичконларга далда бериши лозим. Уйинни кизикрок утказиш учун айтиладиган сузларни уқитувчиларга олдинрок яхшилаб ётлатиш лозим (...раем).

## 6.2. Чўнқа шувоқ

**Ўйинга тайёрлаш.** Ўйинни ўтказиш учун спорт майдони ҳамда порт залида иштирокчиларнинг сонига қараб битта ёки иккита 2 метр кенглиқда доира ҳосил қилинади, унинг марказига 60 см узунликдаги ёғоч қозиқўрнатилади. Қозиқнинг тепа қисмига бўшроқҳолда тушиб-чикиб кетмайдиган қилиб 1 метр арқончага боғланади, ундан 5 см пастрокка эса бир тутам оддий ўт боғланади, қозиқ ёғоч эса тиккасига ерга ёки полни

бирор тиркичига ўрнатилади. Унинг тепа қисмига боғланган арқонча бўш томоннинг учни бошловчи ушлаб туради.

**Ўйиннинг тавсифи.** Қозикни атрофида арқончани ушлаб олиб бошловчи ўт-шўвоқни юлиб олмоқчи бўлган хужумчилардан ҳимоя қиласи ва уларни қўли ёки оёғи билан ҳимоя қилиб хайдайди, яъни шўвоқдан юлиб олишга йўл қўймайди. Ўйинда бошловчидан ташқари яна-киши хужумчи вазифасини ўтайди. Қайси ўйинчи кўпроқут шўвоқни юлиб олса уша ғолиб чиқади. Ўт шўвоқни юлиб олишга йўл қўймаган бошловчи ҳам ғолиб чиқиши мумкин.

**Қоидалар.** 1. Ҳужумчи ўйинчиларга ҳимоячини қўли ёки оёқ панжаси тегса, у ўйиндан чиқди деб ҳисобланади ва ўрнига бошқа ўйинчи тушиши мумкин. 2. Ўйинни жамоа тузиб ўтказса ҳам бўлади.

**Педагогик аҳамияти.** Ўйинда тез ҳаракат қилиш, югуриш, эпчиллик, сезгирик малакаларини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради. Ўйинда болаларни сезгирилигини, масофасини тўғри белгилаш, диққат-эътиборини, ҳаракатнини ўзаро мослигини ривожлантиради. Ўйинни ўзига ҳос ҳаракатлари ўт-шўвоқни тез юлиб олиш ва югуриш.

### **6.3. Елкада курашиш**

**Ўйинга тайёрлаш.** Ўйинни оддий қурашдан фарқи-курашнинг ўзи фақат тепада, яъни иккинчи қаватда бўлади. Ўспириналар юқори синф ўқувчилари шерикма-шерик бўлишиб кимдир ўз вазнига қараб тепага, елкага чиқиб олиши шарт.

Тепа елкада кураш ўтказилиши учун спорт зали ёки майсазор бўлиши керак. Иштирокчилар келишиб олгандан сўнг белгиланган ўйинчилар жамоаларга бўлинадилар, спорт залига мата-тўшак солинган жойга ҳар қайси жамоадан  $2 \times 2$  бўлиб чиқишади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўртада турган ҳакам хуштак чалиши билан тепа курашчилар курашадилар. Қайси бирлари биринчи бўлиб тўшакка

рақибни ағдариб туширса, улар ютган ҳисобланади ва жамоасига очко келтирадилар. Голиб жамоа кўп марта йиқитган шериклар ҳисобланади.

**Қоидалар.** Елка курашда фақат тепадагилар олишадилар, пастда иштирок этаётган ўйинчининг вазифаси тепа ўйинчининг тиззалиридан қучоқлаб олиб, маҳкам ушлаб курашга кўмаклашиш, холос...

**Педагогик аҳамият.** Ўйин кураш учун зарур бўлган малакаларни мустаҳкамлашда ва такомиллаштиради. Шунингдек бу ўйинда зийракликни, эпчилликни, ҳаракат тезлигини, кучни ривожлантиради. Ўйинни ўзига хос ҳаракати қаршилик кўрсатиш ва курашиш.

#### **6.4. Бўрон**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин кенг майсазор, майдонда, спорт залида ёки спорт майдонида ўтказилса ҳам бўлади. Болалар икки жамоага ажратилиб, майдон ёки залнинг бир томонига сафланиб турадилар. “Бўрон” ўйинга 300-500 грамм келадиган белбокка туғилган, бир учи қўл билан ушлашга қулай тугунча бўлиши лозим. Майдоннинг бир чеккасига 1,5 м чамаси доира чизилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўйин ҳакамни тугунчани камида 30 м масофага улоқтириши билан бошланади. Жамоа аъзолари югуришиб тугунчани олишади. Сўнгра бир бирларига узатишиб, доира-маррага олиб келиб ташлаши керак. Ўйинда тугунчани биринчи бўлиб маррага ташлаган жамоа голиб бўлади.

**Қоидалар.** Бу ўйин АҚШ спорт тури - регбиға ўхшаб кетганлиги учун ўйинчилар тугунчани бир оз ишлатиб тортиб олишлари мумкин. Туртиш, силташ, чалиш, кийимидан ушлаш ман этилади.

**Педагогик аҳамият.** Бу ўйин аниқҳаракатни, чаққонликни, узоққа отишни, улоқтиришни, кучни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйин ҳаракатни ўзаро мослигин ривожлантиради. Ўйинни ўзига хос ҳаракатли-улоқтириш.

## **6.5. Қирқ тош**

**Үйинга тайёrlаш.** Үйин майсазорда, спорт залида ёки майдончада ҳам ўтказилади. Старт чизигидан бошлаб узунасига ҳар бир болани ҳисобга олиб (6-6, 10-10, 20-20 ва х.к.) бир метрдан аниқ параллель чизиклар белгиланади. Ҳар бир бола тош үрнига биттадан латтадан тикилган коптокчани қўлига ўшлаб тайёrlаниб туради.

**Үйиннинг тавсифи.** Ҳакам ёки ўқитувчининг ҳуштагига биноан ҳар бир бола белгиланган ҳар бир метрга югуриб бориб тошни ёки коптокни қўйиб, ўз жойига қайтиб олиб келади. Оҳирги үйинчи тошини олиб бориб қайтгандан сўнг яна бири ўз тошини югуриб бориб қайтиб олиб келади. Қайси жамоа биринчи бўлиб ўз коптокчаларини териб олиб келса, уша жамоа ғолиб деб ҳисобланади.

**Қоидалар.** Чизикдан чиқиш, коптокчани бошқа үйинчиларга узатиш, олдиндан старт чизигидан чиқиш ман этилади.

**Педагогик аҳамият.** Үйин тезкорлик реакцияси, аниқ мўлжалга олиш, ҳаракатларни ўзига мослигин, тез фикрлашни ўргатади. Чунки, үйин жамоали бўлганлиги учун жисмоний ҳис қилишни ривожлантиради. Үйиннинг ўзига хос ҳаракати коптокни доирага аниқ куйиш ва олиб келиш.

## **6.6. “Чўпон” ёки “Подачи”**

**Үйинга тайёrlаш.** Үйин спорт майдонида ёки залда ўтказилиши мумкин. Үйинни бошлаш олдиндан тўпни отиш жойи белгиланади - чизилади. Тўпни отиш чизигидан 25-30 метр узокликда марра белгиланади. Икки жамоа иштирокчилари отиш жойида қолиш учун қуръа ташлайдилар. Отиш жойида қолган үйинчиларга қарши жамоа майдонга чиқиб жойлашади, улардан бир үйинчи копток ташлаб беради.

**Үйиннинг тавсифи.** Отиш жойидан үйинчи коптокни узокқа уриши лозим, агар копток узокрокка кетса, тезда югуриб чиқиб маррага бориб,

жойига қараб келиши керак. Копток узокқа кетса, ўйинни доира - уй ичига қараб дам олиб туради. Ҳимоячилар урилган коптокни тепадан ёки ердан илиб олса, марраган югурган ўйинни уради, копток тегса, ҳимоячилар отиш чизигига югурадилар. Копток теккан ўйинчи дархол коптокни тутиб олиб, ҳимоячилардан бирига отади. Бу ҳолда улар ҳам отиш чизигига югурадилар, яъни яна жой алмашадилар. Шундай қилиб, ўйинчилар қайси бир жамоадан бўлмасин, кетма-кет коптокни тегдирмасдан ўйинни муваффақиятли тугатса, уша жамоа ғолиб чиқади.

**Ўйин қоидалари.** Коптокни майдонга тўғри ташлаш талаб этилади. Ўйинда имконият борича теннис коптогини ишлатиш лозим, агар бўлмаса, резина ёки матодан қилинган копток ишлатилади.

**Педагогик аҳамият.** Ўйин волейбол ўйинига тайёрлашдан бири бўлиб, чунки бу волейбол ўйини учун хос бўлган тўпни эгаллаш малакасини ривожлантиради.

Ўйин аниқҳаракатни, чаққонликни, аниқнишонга уришни, келишилган ҳолатда ҳаракат қилишни ривожлантиришга ёрдам беради.

## **6.7. Арқон талашиш**

**Ўйинга тайёрланиш.** Майдончанинг қарама-қарши томонларига ўзаро параллель икки чизиқк ўtkазилади. Ҳаммаўйновчилар куч жихатдан баравар икки жамоага бўлинадилар ва чизиқлар орқасига ўтиб турадилар. Икки чизиқ оралиғига - майдончанинг ўртасига сертуғун қилиб ўралган арқон, қўйилади. Арқоннинг қоқўртасига рангли латта боғлаб қўйилган бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан иккала жамоа ўйинчилари югуриб келиб, арқон тугунларини ечадилар ва уни ўз томонларига тортадилар. Белгиланган 45 секунд - 1 дақиқа мобайнида арқоннинг кўпроққисмини ўз чизигидан ўтқазган жамоа, ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** 1. Фақат сигнал берилгандан кейингина чизиқдан ўтиб, арқон томонга югуриш мумкин. 2. Ҳар бир жамоа арқонни талашаётган вақтда унинг рангли латтагача бўлган бир қисмидан, яъни арқоннинг ярмидан ушлаши мумкин. 3. Арқон фақат қўл билан тортилади. 4. Оёқни тираш учун ерни юмшатиш, чуқурчалар ўйиш, қўллар билан ерга таяниш, арқонни оёқлар орасига қистириш, ерга ўтириш ёки ётиш мумкин эмас. Шу қоидаларни бузиб, арқонни ўз томонига тортиб ўтказган жамоанинг ютуғи ҳисобга олинмайди.

**Педагогик аҳамияти.** Бу ўйин болаларда тез ҳаракат қилишни, тезлик, чаққонликни, сабр токатлик билан ҳаракат қилишни тарбиялади. Ўйин кўпроқ жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, чидамлилик малакаларини оширишга ёрдам беради.

**Методик кўрсатмалар.** Бу ўйинда ўқувчиларнинг қуч ва чаққонлигини оширишга, бирдамлик билан ҳаракат қила олишларига эришиш лозим. Уни ўғил болалар билан ҳам, қиз болалар билан ҳам (алоҳида-алоҳида) ўтказиш мумкин.

## 6.8. Нина, ип ва тугунча

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйновчилар қўл ушлашиб, айланана ҳосил қилиб турадилар. Учта уйновчи айланадан ташқарида кетма-кет туради. Буларнинг олдингиси “нинача”, иккинчичи “ип” ва учинчиси “тугунча” бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Нина ҳар томонга югуриб юради. Ип билан тугунча ҳам унинг кетидан эргашиб юришади. Агар ип чигаллашиб (бошқа томонга кетиб) олса ёки уни тугунча ушласа, ўйин қайтадан бошланади ва янги нина, ип ҳамда тугунча тайинланади.

**Ўйиннинг қоидалари.** Ўйновчилар қўлларини кўтариб, нина, ип ва тугунчага йўл очиб туришлари лозим.

**Педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда интизомини, дикқатни,

сезгирикни ривожлантиришга ёрдам беради.

**Методик кўрсатмалар.** Энг эпчил ва зийрак ўқувчилар нина қилиб тайинланиши керак. Нина, ип ва тугунча қилиб тайинланган ўқувчилар узоқ вақтгача ҳато қилмай югуриб юраверсалар, бошқа ўйинчиларни ҳам ўйинда фаол қатнаштириш мақсадида уларни алмаштириш мумкин.

## 6.9. Чавандоз

**Ўйинга тайёрланиш.** Ҳар бир синфдан 10-12 ўйинчидан гуруҳ тузилади. Гурухлар учун 7-9 м катталиқда тўртбурчаклар чизилади. Имконият бўлса волейбол майдончасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир гурухўз навбатида иккитадан жамоага бўлинади. Улар ўзларига ном қўйишади. Фараз қилайлик “Лочин ва Зафар” жамоалари. “Лочин” жамоаси ўйинчилари тўртбурчакнинг ўнг ва чап томонидан чизик ташқарисида, тўртбурчак ичкарисига қараган ҳолда ёнма-ён сафланадилар. Қуръа ташлаш усули билан “Зафар” ўйинчилари тўртбурчак ичига тушадилар ва уларнинг вазифаси эркин харакат қилиб юришдан иборат.

**Ўйин тавсифи.** Ўқитувчининг ишораси билан “Лочин” жамоасининг ўйинчиси бир оёғини тиззадан, чап қўлини эса тирсакдан букиб орқага қўйиб, тўртбурчак ичига киради. Унинг вазифаси бир оёқда сакраб юриб, унинг қўли билан “Зафар” ўйинчиларини ушлашдир, яъни кафти-панжаси билан бегона ўйинчининг бирор жойига тегса бас. Шу вақтнинг ўзидаёк “Зафарнинг” ўйинчиси тўртбурчакдан чиқиб белгиланган жойга бориб туради. “Лочин” жамоасининг ўйинчиси эса навбатидаги ўйинчини ушлаши 15-20 секундгача давом этади. Бунинг учун “Лочин” жамоасининг қолган ўйинчилари бир ҳил макомда 1 дан 20 гача овоз чиқариб санайдилар. Шу вақт ичида “Зафарнинг” неча ўйинчиси ушланганлиги ҳисобланиб чиқилади. Кейинги сафар “Зафар” жамоаси тўртбурчакдан ташқарига чиқади.

**Педагогик аҳамият.** Ўйин сезгирикни, чаққонликни ва кучни

ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек ўйинда мақсадга эришиш учун интилишни, ўзини ва ўртоқларини кучини ижобий баҳолаш қобилиягини ривожлантиради. Ўйинни ўзига хос ҳаракати бир оёқда югуриш, қаршилик кўрсатиш ва курашишдир. Ўйин дам олиш билан алмасиб олиб борилади.

## **6.10. Извошчилар**

**Ўйинга тайёрланиш.** Бу ўйин майдончада ёки залда ўтказилади. Ўйин бўладиган жой чизиклар ёки қандайдир буюмлар билан чегаралаб қўиилади. Ўйновчилар тўрт кишидан бўлиб гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гурухда бир “извошли” бўлади. Ҳамма “от” лар майдончанинг бир томонига, яъни “отхона” га тўпланадилар. Извошчилар бошқа томонда турадилар.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчи извошчиларни отхонага юборади. Улар отларни учта-учтадан извош аравага “қўшадилар” ва кетма-кет бўлиб айлана бўйлаб турадилар. Ўқитувчи “Олар, марш!” - деб сигнал бергандан кейин ҳамма уч отли извошлар бир маромда юриб айлана бошлайдилар. “Извошлар, тарқал!” - деб сигнал берилиши билан учлик отлар ҳар томонга, извошчилар эса майдончада олдиндан белгилаб қўйилган жойга югурадилар. “Извошчилар, отлар қўшилсин!” - деган сигнал берилгандан кейин извошчилар ўз отларини ушлаш ва отхонага олиб келиш учун ҳаракат қиласидилар. Ўз отларини энг олдин ушлаган извошчилар чаққон извошли ҳисобланадилар. Энг охирида қўлга тушган отлар энг яхши отлар қаторига киради.

**Ўйиннинг коидалари.** 1. Извошчилар отларни ўқитувчи сигнал бергандан кейингина ушлаши лозим, акс ҳолда, отлар ушланган ҳисобланмайди.

**Педагогик аҳамият.** Ўйинда болаларда тезкорлик ҳаракат реакциясини, тез югуришни ривожлантиради. Ўйновчилар биргалашнб ҳаракат қилишга ўрганадилар. Ўйин ўзини дадил хис қилишни, жасурликни

ўзини тута билиш малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйиннинг ўзига хос ҳаракатли тез югуриш.

### **6.11. “Жуфтми-тоқ” ўйини**

**Ўйинга тайёрлиниш.** Ўйин болаларда чамалаш, мўлжалга олиш, топқирлик ва дадиллик каби фазилатларни тарбиялади. Куръа ташлаш билан ўйновчилар икки гурухга ажратилади, улар истаганча данак, ёнғоқ писта тўплашлари мумкин.

**Ўйин тавсифи.** Ўйинга олинган гурухўйновчилари қўлларига данак яширадилар. “Жуфтми-тоқ” дейишади. Иккинчи гурухўйновчилари, ўйлаб, “Жуфт” ёки “тоқ” деб аташлари керак. Агар улар нарсанинг жуфт ёки тоқлигин топгудек бўлса, данак тўлиқ тўлайди ёки беради.

**Ўйин қоидаси.** 1. Гуруҳдаги ҳар бир ўйновчи ўз рақибнинг қаршисида 1 м масофада туради. 2. Гуруҳдагилар бир бошдан навбат билан “Жуфт - тоқ” деб айтишади, сўнгра якка ғолиблар аниқланади. 3. Данакни ҳар бир ўйновчи алоҳида-алоҳида ҳам яшириш мумкин. 4. Қўлларни ушлаб кўриш ман этилади. Ўйин 2-синф ўқувчиларига мўлжалланган.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда чамалаш, аниқ мўлжалга олиш, топқирлик ва дид - фаросатни тарбиялади. Ўйинда эпчиллик, тезкорлик, чидамлилик, кучли ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйинни ўзига хос ҳаракати - юришdir.

### **6.12. “Чиллак” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин ўтлоқ жойда ёки спорт майдончасида ўтказилади. Ўйин учун узунлиги 80-100 см, диаметри 2-2,5 см бир уни яссиланган таёқ (даста) ва узунлиги 20 см таёқча - чиллак керак бўлади.

Ўйинда 2 тадан 10 тагача ўқувчи қатнашиши мумкин. Ўйинни яккама-якка ўйнаса ҳам, гуруҳларга бўлиниб ўйнаса ҳам бўлади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Олдинги чизикдан 2 м нарига даста қўйилади.

Үйинлар чиллакни ерда ётган ана шу дастанинг устига ирғитадилар. Чиллакни биринчи бўлиб дастага тегизган үйинчи үйинни бошлаш хуқуқига эга бўлади. Бунинг учун үйинчи чиллакни дастанинг учиға қўйиб туриб енгилгина кўтариб ташлаши ва чиллак қайта тушиб, дастага тегиши ва яна сапчиб кўтарилиб, қайтиб даста устига тушиши керак. Чиллак дастгоҳи бир теккани учун биттадан очко берилади.

Үйинчи шу тартибда неча очко тўпласа, у шунча марта даста билан чиллакни уриб уни тўғрига отади. Агар ҳар бир отганда чиллак 20-30 метр нарига бориб тушса, 3-4 очко бўйича отилганда 90-100 метр масофага етказилиши мумкин.

Ютқазган үйинчи ёки рақиб гурухўйинчиси ана шу масофанинг ҳаммасини югуриб ўтиши керак. Бунда у нафас олмай югуриши лозим. Чопиб кетаётганида нафас олса, уша жойда яна даста билан чиллакни сакратиб уриб қайтадан чопиб ўтиладиган масофа белгиланади.

**Ўйиннинг қоидаси.**1. Даста билан чиллакни силкитиб ташлаганда чиллак дастага 3 мартадан кам тегмаслиги керак. 2. Чиллакни ерда ётган дастага ташланаётганда иштирокчилар үйинни бошлаш чизиғини босиб турмаслиги керак. 3. Ўйинчи белгиланган масофани чопиб ўтишдан бош тортса, у ашула айтиб ёки ўйнаб бериши, шъер ўқиши ҳам мумкин.

**Методик кўрсатмалар.**Нафас олиш юзасисдан тушунмовчилик чиқмаслиги учун югургаётган үйинчи қўнғизга ўхшаган овоз чиқариббориши лозим.

**Педагогик аҳамияти.**Ўйин биргаликда ҳаракат қилиш, эпчиллик, тезкорлик, чидамлилик сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради.

### 6.13. “Дурра” үйини

**Ўйинга тайёрланиш.**Ўйинни бошланғич синф ўқувчилари ўйнайдилар. Ўйинчилар доира ҳосил қилиб чўққайиб ўтирадилар. Бир үйинчи (бошловчи) дуррани қўлига ўраган ҳолда ушлаб туради.

**Ўйин тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бериши билан ўйнчилар бошларини тиззага қўйиб кўзларини юмадилар. Шунда дуррачи ўйинчи қўлидаги дурра билан доира четида айланиб юриб, билдириласдан бирорта ўйинчининг орқа томонига қўяди ва эришни давом эттиради. Ўйнчилар дарров орқаларига қарайдилар, орқасига дурра қўйилган ўқувчи дуррани олади ва бошловчини доира чети бўйлаб қува бошлайди. Бошловчи доирани айланиб келиб қуваётган ўқувчининг жойига ўтириб олиши керак. Агар бошловчи ўтиришга улгурмасдан қуваётган ўйинчи дурраси билан бошловчини урса, бошловчи дуррали ўйинчини қувади. У ҳам ўзини жойига ўтириболишга ҳаракат қиласи. Ўтириб олмаса ўзи бошловчи бўлиб қолади. Ўйин қайтадан бошланади. Ўйиннинг қачон тугаш белгиланмайди. Ўйинни 3-6 дақиқагача давом эттириш мумкин.

**Ўйин қоидалари.** 1. Ўринсиз қолган ўйинчи онабоши бўлади. 2. Дурра тутган ўйинчи онабошини ушлаб олса ўринларини алмашади.

**Педагогик аҳамияти.** Ўйин барча ўйинчиларни диққат эътиборини, сезгириларини топқирлигин ҳаракат малакаларини тарбиялади. Шу билан бирга чаққонлик, тезлик, чидамлиликни тарбиялади. Ўйинни ўзига хос Ҳаракатлари югуриш ҳисобланади.

#### **6.14. “Чертки” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин болаларнинг сезгирилик, диққат этиш қобилияtlарини ривожлантиради. Ўйновчилар чек ташлаб икки жамоага бўлинади. Жамоалар бир-бирларига қарама-қарши 8-10 м масофада турадилар. Ҳар жамоанинг ўйинбошчиси ўз жамоасидаги ўйновчиларни қўшлар, ҳайвонлар ўсимликлар ва мевалар номи билан атайдилар. Қора рангдаги рўмолча тайёрлаб қўйилади.

**Ўйин тавсифи.** Ўйин бошлаш ҳукукини олган ўйинбоши ракиб ўйновчилардан бирининг бошини ёки қўлини рўмол билан боғлайди ва ўз ўйинчиларидан бирини янги ном билан чақиради. У билдириласдан келиб

рўмолни бир неча марта чертади, ўзи жойига бориб туради. Ўйинбоши боғланган рўмолни ечиб олади, у чертган ўйновчини қидира бошлайди. Агар чертган ўйинчини топса ўз командасиға олиб қайтади, тополмаса шу жамоада қолади. Ўйин жамоада 1-2 та ўйновчи қолгунча давом этади. Сўнгра ўйинбошилар ўрин алмашадилар.

**Ўйин қоидалари.** 1. Рўмол бошни сикмайдиган қилиб боғланиши лозим. 2. Агар рўмол бўлмаса, кўп қатламалилик бўлиши шарт. 3. Ҳар иккала жамоа ўйновчиларнинг янги номлари сир сақланиши керак. 4. Чертаётган ўйновчи орқасидан секин чертиши даркор.

**Педагогик аҳамияти.** Ўйин ёшларда диққат-эътиборни, сезгирилик қобилиятларини тарбиялайди. Ўйин чидамлилик, эпчиллик, тезкорлик, аниқ мўлжал олиш натижаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйинни ўзига хос ҳаракат секин билдириласдан юришдир.

### **6.15. “Қидириб топ” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин спорт майдончасида, дам олиш боғларида ўтказилади. Ўйинда тўртта ўқувчи онабоши қилиб сайланади.

**Ўйин тавсифи.** Ўқитувчи сигнал бергандан сўнг тўртта ўқувчи ўйинбоши бўлиб, ўгирилиб ёки болаларга орқасини ўгириб кўзларини юмиб турган ҳолда қуидаги сўзни айтади.

Оёғинг тагида ош тахта,

Кўзингга қуму, пахта.

Шу сўзни айтиб бўлганларидан сўнг орқаларига қарамайдилар, қолган ўйинчилар эса ҳар томонга тарқалиб яшириниб оладилар.

Яшириниб олганларидан сўнг улар турли жойларга, чуқурларга, бўталарга, дараҳтлар, предметлар орасига яширинишлари мумкин. Шундан сўнг ўйинбошилар яширган ўйинчиларни майдон ўртасига олиб келадилар. Агарда яширган ўйинчиларни битта ёки иккитасини тополсалар, унда ўйинбошилар ўртага чиқиб “Биз енгилдик” - деб

айтадилар, майдон ўртасига олиб келадилар.

**Ўйин қоидалари.** 1. Рўмол бошни сиқмайдиган қилиб боғланиши лозим. 2. Агар рўмол адрес бўлмаса, кўп қатлалилик булиши шарт. 3. Ҳар иккала томонда ўйновчиларнинг янги номлари сир сакланиши керак. 4. Чертаётган ўйновчи оғритмасдан секин чертиши даркор.

**Педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда диққат - эътиборни, сезгирилик қобилияtlарини тарбиялайди. Ўйин чидамлилик, эпчиллик, тезкорлик, аниқ мўлжал олиш кўнимкамларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйинни ўзига хос ҳаракати секин билдиrmасдан юришдир.

## 6.16. “Уриб қочди” ўйини

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин ёшларда чаққонликни, тезкорлик, оёқ ва қўлларни бирдай ишлатишга ўргатади. Ўйин учун бир дона кўрпача 10 м ли арқон тайёрланади. Гурӯҳ ёки жамоага бўлинниб ўйнаса бўлади. Ўйновчиларнинг ҳаммасида рўмолдан қилинган дурра бўлиши лозим.

**Ўйин тавсифи.** Бир киши майса ёки чимзор ичига ётади унинг устига кўрпа ёпилиб қўлига 10 м ли арқон ушлатиб қўйилади. Арқонни бир учи қўриқловчини ўзида бўлади. Қўриқловчида (ҳам ҳакам ёки ўйинбоши вазифасини бажаради) ҳам дурра бўлади. Жамоалар навбат билан ётган ўйновчини дурра билан уришга ёки оёқ билан тепишга ҳаракат қиласи. Қўриқловчи уларни яқинлаштирмасликка ҳаракат қиласи, дурра билан уради ёки оёғи билан тепади. У кимни дурра билан урса ёки оёғи билан тепса ўйновчи кўрпа остига ётқизилади. Шунинг учун ўйновчилар ётган ўйновчини уриб бирдан қочишлиари, туткич бермасликлари ва белгиланган чегарадан чиқиб кетишлиари керак. Жамоа аъзоларидан бири қўлга тушса, жамоалар жойларини алмашадилар.

**Ўйин қоидалари.** 1. Кўрпа остидаги ерга қараб ётади. 2. Қўриқчи ҳам кўрпа остидаги ўйинчи ҳам арқонни қўйиб юбормасликлари керак. 3. Ерда ётган у ёки бу ёкка силжимайди. 4. Қўриқчи факат ўзининг чегарасида

уриши ва тепиши мумкин. 5. Ўинчиларга зарб билан уриш ва тепишга рухсат берилмайди.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўин болаларни бирдай аҳил бўлиб ҳаракат қилишга, чаққонликка, тезкорлик билан ҳаракат қилишга ўргатади. Ўинни ўзига хос ҳаракати аниқ уриш ва югуриш ҳисобланади.

### **6.17. “Бекинмачоқ” ўинни**

**Ўинга тайёрланиш.** Ўин болаларда кузатувчанлик сезгирилик ва топқирилик сифатларини тарбиялайди. Бу ўин учун бутазор ёки уйлар бўлиши керак. Маррада қоладиган ўйновчи шундай аниқланади. Бир туда болалар бараварига: - Бекинмачоқ ошга пичоқ, ким ойни қўрди? - дея солиб қўлларини баланд кўтарадилар. Ким кўтаришдан орқада қолса, уша бола маррада қолади.

**Ўин тавсифи.** Ўинни бошлаш навбати аниқлангандан кейин, қолган болалар яширинишига кетадилар. Қолган ўйновчи ерга ётади ёки юзини деворга қилиб туриб бақиради: - Бўлдими? Бўлдими? - дейди ва санай бошлайди. Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти кетдим. Бўлса ҳам бўлди - бола кўзини очади, теварак атрофини синчиқлаб кузатади ва болаларни эса топиш учун томонни мўлжаллаб қидира бошлайди.

Биринчи бўлиб топганинг исмини айтади: - Ана, ана, Умиджонни топдим. Ёки беркинган болаларни топса: - Бекинма, қоч, юзингни оч, тўхта топдим ва ҳоказо.

**Ўин қоидалари.** 1. Етти деб санагунча ўйновчилар яшириниб бўлишлари шарт. 2. Яширган болани топса у тутилган ҳисобланиб маррага олиб келинади. 3. Қолган ўинчилар билдириласдан маррага келишлари мумкин. 4. Ҳамма ўйновчи йигилиб бўлгунча ўин давом этади, сўнгра янги тутувчи аниқланиб ўин бошланади.

**Ўиннинг педагогик аҳамияти.** Ўин болаларда сезгирилик, диққат, кузатувчилик ва топқирилик ҳислатларини тарбиялайди. Ўин чаққонлик,

куч, тезкорлик, чидамлиликин ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйин ўзига хос ҳаракати - югуришdir.

### **6.18. “Кўрпа ёпинди” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Бу ўйин ёшларни жасурлик, чаққонлик ва кўрқмасликка ўргатади. Ўйинда ҳар бир жамоадан беш киши қатнашади. Ўйновчилар қуръа ташлаш билан ҳимояда ёки хужумда ўйнайдилар. Ҳимоячилардан тўрт киши устига кўрпа ёпиниб ерда буқланган ҳолда ётади, уларнинг ҳар бирида икки метр бўлган арқон, арқоннинг иккинчи учи чаққон ва эпчил ҳимоячи қўлида бўлади. Ўртада турган ҳимоячининг иккинчи қўлида бир метр арқон ёки дурра бўлади. Ҳужумчилар ҳужумга тайёр бўлиб туради.

**Ўйин тавсифи.** Хакамнинг кўрсатмаси билан ўйин бошланади. Ҳужумчилар кўрпа ёпинган ўйинчиларни урушга ҳаракат қиласадилар. Ҳимоячи эса ўз шерикларини ҳужумчилардан саклаш мақсадида қўлидаги арқон билан уларни уришга, тепишга ҳаракат қиласадилар. Лекин иккинчи қўлидаги арқонларни қўймасдан ҳаракат қиласадилар.

**Ўйин қоидалари.** 1. Хакам ўйинни кузатиб боради ва кимга зарба тегса ўйинни тўхтатиб ўйновчини чиқариб юборади, кейин ўйинни давом эттиради. 2. Ҳужумчининг ҳимоячига дурраси, оёғи ёки қўли тегса у ўйиндан чиқсан ҳисобланади. 3. Ҳимоядагилар кўрпани устиларига ёпиб кўпроқ бошларини ҳимоя қилишлари керак. 4. Ҳужумчилар ҳам тепиш уриш ҳуқуқига эга. 5. Қайси жамоа ҳимоячилари қаттиқ зарб беришга эришса шу жамоа ғолиб деб эълон қилинади.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда ботирлик, жасурлик, чаққонлик, қўрқмасликни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйин чаққонлик тезкорликни ривожлантиради. ўйиннинг хос ҳаракати - югуриш, аниқ тезлигидир.

## **6.19. “Ланка” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Қўй ёки эчки терисидан қирқиб олиб тагига оғирроқнарса ёки кўрғошин ёпишириб ланка ясаш мумкин.

**Ўйин тавсифи.** Ўйинчилар жуфт-жуфт бўлиб ёки гурух-гурухбўлиб ўйнашлари мумкин. 5-10 та оддий тепишдан сўнгра 5-10 сач, 5-10 лурдан бошланиши керак. Булар ҳаммасини туширмасдан бажариб бўлгандан кейин кейинги ўйин бошланади. Агарда ўйинчи қўйилган вазифани оҳиригача етказа олмаса ўйинни навбатдаги ўйинчи бошлиши мумкин. Берилган вазифаларни тўлиқ ва аниқ бажарган ўйинчилар ғолиб чиқади. Бу ўйин эпчиллик, чаққонлик, тезкорлик, чидамлилик, сакровчанлик сифатларини тарбиялашга ёрдам беради.

**Ўйин қоидалари.** 1. Ҳар бир ҳаракат кетма-кетлиқда бажарилади. 2. Ўйинда дам олиб ёки илиб олиш билан бажариш ман этилади. 3. Ютқазган ўйинчичлар эса шъер ёки ашула айтиб беришлари, раксга тушишлари мумкин.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда жасурлик, ботирликни, координацион ҳаракатланишни тарбиялайди. Ўйин сакровчанлик, чаққонлик ва чидамлиликни ривожлантиришга ёрдам беради.

## **6.20. “Данак яшириш” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин болалар билан айни ўрик пишган вақтда айланиб, уларни аввайлаб-асраш, ташилаб юбормасдан, уни йиғиш каби одатларни шакллантиради. Бу ўйинни жуфт-жуфт ёки гурухларга бўлинниб ўйнasa ҳам бўлади. Ўйинни биринчи бўлиб ким бошланишини аниқлаш учун ўйинчилардан бири қўлига бир данакни яширади, уни топган ўйновчи бошлайди.

**Ўйин тавсифи.** Ўйин галини олган ўйинчи қўлига сикқанча данак

олади ва дейди: - Чанта-чанта данакларим нечта? Ўйновчилардан ҳар ким ўз чамасини айтади. Кейин данак яширган бола қўлини очади ва хамма данакни олади, кам айтган ҳам, ортиқ айтган ҳам фарқини данак билан тўлайди.

**Ўйин қоидалари.**1. Ким данак сонини тўғри топган бўлса, ўйин галини ҳам олади. 2. Данак яширилган кафт атрофлича кўрсатилади ва ушлаб кўришга руҳсат қилинади. 3. Данаклар миқдорига қараб иккала кафтни алоҳида ёки бирлаштирилган холда ҳам фойдаланиш мумкин. 4. Энг кўп данак ютган ўйновчи ғолиб ҳисобланади.

**Ўйиннинг педагогик ахамияти.**ўйин болаларда дикқат- эътиборни, топқириликни тарбиялайди. Ўйин чаққонлик, тезкорлик, чидамлиликни ривожлантиради.

## 6.21. “Оқ теракми, кўк терак”

**Ўйин тавсифи.**Барча ўйинчилар баравар икки жамоага бўлинадилар. Ҳар бир жамоа ўз капитанини сайлайди. Ҳар бир жамоанинг ўйинчилари бир-бирлари билан маҳкам қўл ушлашиб турадилар. Бир жамоа ўйинчилари бараварига “Оқ теракми, кўк терак, биздан сизга ким керак?”-деб сўрайди. Иккинчи жамоа аъзолари “Сиздан бизга (қарши жамоа ўйинчиларидан бирининг исминии айтиб) керак! - дейди. Исми айтилган ўйинчи югуриб келиб қарши жамоа қатнашчилари осилилиб турган “занжир” ни узишга ҳаракат қиласи. Агар занжирни уза олса, шу жамоа ўйинчиларидан бирини ўз жамоасига олиб кетади, уза олмаса, ўзи шу жамоада қолади. Шундан кейин ўйин жамоалар роли алмашиниб давом этаверади.

**Ўйин қоидалари.**1. Занжирни фақат чақирилган ўйинчи келиб узиши керак. 2. Занжирни уза олмаса, иккинчи марта узишга руҳсат этилмайди. 3. Занжир ҳосил қилишда рўмольча, арқон ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин эмас. 4. Чақирилган ўйинчи тўсатдан бир отилиб занжирни узиб ўтиб кетиш учун қарши жамоа ўйинчиларининг дикқатнини чалғитадиган

ҳаракатлар қилиши мумкин.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** ўйин тез югуришни, диққатни, сезгирикни ривожлантиришга ёрдам беради. ўйин болаларни аҳил бўлиб ҳаракат қилишга, тезда тўғри йўналишни олишга ўргатади. Ўйинни ўзига хос ҳаракатни тез югуриш ва занжирни узиш.

## 6.22. “Дарра” ўйини

**Ўйинга тайёрланиш.** ўйин болаларда хушёрлик ва тезкорликни тарбиялади. Диаметри 15-20 метрли доира чизилади. Унинг ичига 2-3 м бўлган яна битта доира чизилади. Куръа ташлаб ўйин бошланиши аниқланади. Доиранинг ўртасида ўйинбоши жойлашади. Унинг қўлида ечилган арқон (ип ёки рўмол). Ўйновчилар катта доира бўйлаб жойлашадилар.

**Ўйин тавсифи.** ўйинбоши доиранинг ўртасида тиззасига бошини кўйиб ухлайди. Битта ёки бир нечта ўйновчи уни туртиб уйқудан ўйғотади. У тезда жойидан туриб дарра билан ўйновчиларни доғлаш керак. Ўйновчилар ўйинбошига доғқилдирмасдан катта доирадан чиқиб кетишлари лозим. Агар ўйинбоши ўйновчини, уни кичик доирага ўтқазиб кўйяди. Энди ўйновчилар доғланган ўйновчини қутқаришга ҳаракат қиласидилар. Ўйинбоши эса уни қўриқлади, у ўйинбоши биронта ўйинчини доғласа, уни ҳам биринчи доғланганнинг ёнига ўтказилади. Ўйинни битта ҳам доғланмаган ўйинчи қолмагунча давом этади.

**Ўйин қоидалари.** 1. Ўйинбошини даррани силтаб каттиқ уриб доғламаслиги керак. 2. Ўйинбошининг катта доирага кириши ман қилинади. 3. Доғланганлар тинч кўзгалмасдан ўтиришлари шарт.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** ўйин болаларда хушёрлик, сезгирик, тезкорлик малакаларини тарбиялади. ўйин куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилик сифатларини тарбиялашга ёрдам беради.

ўйиннинг ўзига хос ҳаракати тез югуришdir.

## **6.23. “Чавандоз” ёки “Кичик улок”**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйиннинг бу тури кўкаламзор майдонда ёки спорт залида ўтказилади. Ўйинда факат ўғил болалар иштирок этишлари мумкин. Улар сонига, жисмоний бақуватлигига қараб камида тўрт кишидан ташкил топган икки жамоага бўлинади. Бу майдоннинг бир четига 1,5 м доира чизилади. Бу доира марра деб аталиб, “улоқни” ташлаш учун белгиланади. Ўйин учун оддий қўй ёки эчки терисидан бўйига 40 см» энига 15-20 см бўлган болишча “улоқ” тикилади. Тери топилмаган ҳолатда матодан ёки эски кўрпачадан ясаса ҳам бўлади.

**Ўйин тавсифи.** Ўйин бошлидан олдин жамоалар майдон четида сафланиб турадилар, ҳакам ёки ўқитувчининг ҳуштаги чалиниши билан “улоқ” майдон ўртасига ташланади. Ўйинчилар келишиб, бир-бирларининг орқасига опичиб олишади ва майдонга қараб “улоқ”ни олиш учун югурадилар. Ҳақиқий кураш-тортишув майдонда бўлиб, қайси бир “чавандоз” биринчи бўлиб “улоқ”ни маррага, яъни доирачага олиб келиб ташласа, уша жамоа ғолиб деб ҳисобланади. Ўйин давом этади, бу гал ҳам ўйин ҳакамнинг бошлишига биноан кўрсатилган тартибда утади. Ўйин тугаллангандан сўнг ўйинчилар ичида илдам, чаққон ва кучли “чавандоз”лар аниқланиб, ғолиблар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланиши лозим.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** ўйин ўйновчиларда сезгириликни, тез ҳаракат қилишни, тезкорликни, чаққонликни, кучни тарбиялашга ёрдам беради. Шунингдек ўйин ҳаракатни ўзаро мослигини, хар бир ўйин қатнашчиси жамоа олдига қўйган вазифани бажариш ҳиссиётини ривожлантиради. Ўйинда ўзига хос ҳаракат - тез югуриш ва улоқни тезда олишдир.

## **6.24. “Карвон” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин болаларнинг оғзаки нутқи, топкирлиги, дикқати тезкорлиги ва чаққонлик сифатларини тарбиялайди. Ўйин шартига кўра ўйинбоши яъни “карвонбоши” ҳамда “қароқчи” белгиланади. Диаметри 15 м бўлган доира чизилади.

**Ўйин тавсифи.** Ўйновчилар бир қаторга туриб, олдинга турганнинг белидан қўл билан ушлайдилар. Улар доира бўйлаб кенг қадамлар билан югуриб, мисол тужа каби ҳаракатланиш керак. Ўйновчилардан бири доиранинг бир четида жойлашиб олади. Яъни у йўлдан ўтаётган карвонни талаб “қароқчилик” қиласди.

- Қароқчи сўрайди: - Карвон қаёққа бораяпти?
- “Хиндистонга” эй ҳурматли зот, - деб жавоб беради карвонбоши.
- Сизлар, дўстлар учун нима олиб келасизлар? - дейди қароқчи
- Буюринг, олий ҳазратлари. - дейди карвонбоши.

Қароқчи 5-8 та буюмнинг номини айтади.

Карвон олға қараб кетаверади. Доира бўйлаб айланиб келган карвон яна қароқчининг олдидан ўтади. Қароқчи карвонбошидан сўрайди. Сен менга нима олиб келишингкерак эди? Қароқчи қандай буюртма берган бўлса, карвонбоши ҳаммасини такрорлаши керак. Агар бирор нарсани эсидан чиқарган бўлса қароқчи бутун карвонни асирга олади ва навбат билан бирон нарса олиб келишига мажбуrlайди.

Мабодо карвонбоши хеч нарса эсидан чиқармасдан такрорласа ундан қаровчи сўрайди: “Қани менинг буюмларим?” Карвонбоши ўйинчилардан бирини кўрсатиб “Навбатдаги сандиқда” - дейди. Кўрсатилган ўйновчи эса “Амударёни кечиб ўтаётганимизда сиз...нинг буюртмангизни йўқотдик” дейиши билан карвон тарқалиб қочади. Қароқчи улардан бирини тутиши керак.

**Ўйин қоидаси.** 1. Ҳар бир буюртма равон, чиройли талаффуз этилиши лозим. 2. Қароқчи ўйновчиларни доирадан чиққунча ушлаш мумкин. 3. Ўйновчилар доира ичидан тез чиқиб қароқчига тутқич

бермаслар карвон қутқарилған ҳисобланади.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда топкирлик, нутқи равон бўлиши, дикқат-эътиборини тарбиялашга ёрдам беради. Ўйин чаққонлик, тезкорлик, чидамлилик, кучни ривожлантиради. Ўйинни ўзига хос ҳаракати тез югуриш, чап беришdir.

### **6.25. “Тапур-тўпир қалдирғоч”**

**Ўйинга тайёрланиш.** Ўйин болаларда сезгирилик, идрок қилиш, эшитиш қобилияtlарини ривожлантиради. Бўйи 8 метрли, эни 6 метрли тўртбурчак чизилади. Қора рангдаги рўмол тайёрланади. Ўйинбоши ва ўйинни биринчи бўлиб бошловчи чек ташлаш йўли билан белгиланади. ўйновчилар шу тўртбурчак ичида жойлашадилар.

Ўйин тавсифи. Ўйинбоши боланинг боғлар экан дейди:

- Оёқнинг тагида тахта, қарасанг кўзингга қум пахта. Ўйновчининг пешонасига чертилаётганда ўйинбоши шундай дейди:
  - Оқ экан, шўр экан, оппоғи шу экан, черт пешонасига сўнгра бориб жойингатур!

Кўзи боғланган ўйновчи чертиб кетганни қидираётганда, болалар баравар қўлларини (ерга, тахтага, тиззасига) урган ҳолда хўр бўлиб айтадилар:

- Тапур-тўпир қалдирғоч танланганингни олиб қоч!
- Бу ёқقا кел келақол, ангушланг менда.
- Довдирайсан ҳар қачон,
- Чертган кимдир билмайсан,
- Ажаб бўпти, хўп бўпти
- Кўзингни оч ким чертди?
- Тополмадинг сен, шу ерда қолгин
- Тапир-тўпир қалдирғоч,

- Эшигингни тезроқ оч.
- Меҳмонинг кутиб ол! - деб турасидилар. У кўзи боғланган ҳолда атрофдагиларни тутишга ҳаракат қиласи. Болалар эса “Мен бундаман” сўзларини айтадилар, қўллари билан туртиб кетадилар. Ёки: у болаларнинг олдига келиб, ўтдими? Дук-дук! - деб ўйновчиларни ушлашга ҳаракат қиласи. Ушланган болаларнинг кўзи боғланади, энди улар жой алмашадилар.

**Ўйин қоидалари.** 1. Чертилгандан сўнг, юқоридаги сўзлар айтилиши шарт. 2. Сўзлар айтилиб тугаши билан ўйновчилар кўзибоғланган қўллари билан тутишга ҳақлидирлар. 3. Кўзи боғланганнинг қўли тегиши билан ўйновчи тутилган ҳисобланиб улар жой алмашадилар. 4. Тўртбурчак ичидаги ўйновчилар доимо ҳаракатда бўлиб, ундан чиқиб кетиш ман қилинади. Ўйин 2-4 синф ўқувчиларида зўр қизиқиш ўйғотади.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда сезгирилик, идрок қилиш, эшитиш ва қабул қилиш, чидамкорлик, куч, тезкорлик, қайишқоқоликни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйинни ўзига хос ҳаракати - секин ва аниқ юришдир.

## **6.26. “Чаққонлар ва мерганлар” ўйини**

**Ўйинга тайёргарлик.** Ўйин волейбол ёки баскетбол майдончасида ўтказилади. Ўйновчилар teng икки жамоага бўлиниб 16 метр масофада бир-бирига юзма-юз турасидилар. Улардан 2 диаметрли доира чизилади. Ҳар бир жамоадан биттадан энг чаққон ўйинчилар танлаб, улар доира марказига турасидилар. Жамоалардан биттадан тўп бўлади.

**Ўйин тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан сўнг иккала жамоанинг ўйинчилари - доира ўртасида турган ўйинчилар ўнг чап бериб, ўзига теккизмасликка ҳаракат қиласидилар. Шу теккан ўйинчи яъни урган ўйинчи билан жой алмашадилар ва ўйин яна давом этади. Мерганлар 1 балл билан тақдирланади. Кўпроқ очко тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**Үйин қоидалари.** 1. Оралиқ масофа ўқитувчи томонидан ўзгартырилиши мумкин. 2. Коптокни тик турган, чўққалаган ҳолатда отиш мумкин. 3. Копток теккандан сўнг ўйинчилар жойларини алмашадилар.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин эпчиллик, чаққонлик, тезкорлик, сезгирилик, жасурлик, чидамлиликни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйинни ўзига хос харакат - югуриш, чап бериш, аниқ нишонга отишдир.

### **6.27. “Аниқ нишонга тушириш”**

**Ўйинга тайёргарлик.** Ўйинчилар тенг 2-3 жамоага бўлинади. Жамоа қатнашчилари битта қатордан бўлиб, автомобил покришкаларидан ийғилган минора олдида 3-4 м масофада белгилаб қўйилган жойда қатор бўлиб турадилар.

**Ўйин тавсифи.** Ўйинчиларни ёши ва жисмоний тайёргарлигига боғлиқ равища автомобил покришкаси билан улар орасидаги масофа 2-5 м гача бўлиши мумкин. Ҳар бир ўйинчини қўлида биттадан кичик тўп бўлади (волейбол тўпи ёки қум тўлдирилган ҳалтacha).

Ўқитувчининг буйруғи билан ўйинчилар навбатма-навбат тўпни минорани ичига ташлайдилар. Вазифани аниқ бажарган ўйинчи, четга чиқиб туради, тўпни минорага тушираолмаган ўйинчи эса тупни олиб ўзини қаторига қайта ташлаш учун бориб туради. Ҳаммадан олдин минорани ичига тўпни ташлаган жамоа ўйинчилари ўйинда ғолиб чиқади.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин коптокни отиш ва илиб олиш малакаларини мустаҳкамлайди ва такомиллаштиради.

Ўйин болалар диққатини, мерганлигини ривожлантиради. Куч чаққонлик, тезкорлик, чидамлиликни такомиллаштиради.

### **6.28. “Қуёнлар полизда” ўйини**

**Ўйинга тайёргарлик.** Полда ёки ерда автомобил покришкаларидан

доира ҳосил қилинади. Доирани диаметри 4-5 м бўлади. Ҳамма ўйновчилар - “қуёнлар” - доирани ташқарисида турадилар, ўйинбоши - “қоровул” - полизда доирани ичида туради.

**Ўйин тавсифи.** Ўқитувчининг сигналидан кейин қуёнлар покришкани устидан сакраб-сакраб полизга тушадилар ва орқага қайтиб чиқадилар. Қоровул, доира ичига туриб, иложи борича кўпроққуённи ушлашга ҳаракат қиласди. Бир неча дақиқадан кейин ўйин тўхтатилади. Кўлга тушганлар қўлларингизни юқорига кўтаринглар деб айтилади. Ўқитувчи уларни синааб чиқади ва яхши ўйнаган ўйинчилардан янги онабоши сайланади. Ўйин қайтадан давом этади.

**Ўйиннинг педагогик ахамияти.** Ўйин диққат жасоратни, зеҳн ўткирликни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйинда тезлик ва эпчилликни, куч чидамликни, сакровчанликни ривожлантиради. Ўйиндаги асосий ҳаракат - чап бериб югуриш ҳисобланади.

## 6.29. “Инсиз қуён” ўйини

**Ўйинга тайёргарлик.** Ҳар бир ўйинчи - “қуённи” қўлдия биттадан баскетбол тўпи бўлади. Зални ёки майдончани бир томонидан қуёнчаларни сонидан 2-3 та кам бўлган автомобил (уй) покришкалари қўйиб чиқилади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Ўқитувчининг сигнали бўйича зални ёки майдончани иккинчи ярмида барча ўйин қатнашчилари топшириқбўйича тўпни олиб юришни бажарадилар: 1. Тўпни турган жойда олиб юриш (навбат билан ўнг ва чап қўлда бажарилади). 2. Турган жойда ерга урилиб қайтган тўпни баландлигини ўзгаририб олиб юриш (чўққайиб ўтирган ҳолатда). 3. Тўпни доира бўйлаб олиб югуриш, бунда ўйинчи турган жойда айланишни бажаради. 4. Ўйинчи тўпни битта нуқтада айлана бўйлаб ҳаракат қилиб олиб юриш. 5. Тўпни йўналишни ўзгартириб, устунчаларни айланиб ўтиш билан олиб юриш.

Ўқитувчи ўйинчилар бирорта вазифани бажариш вақтида хуштак

чалиши билан қуёнлар түпни олиб юриш билан инни эгаллайдилар ёки туриб олишлари керак. Кимда ким инга тура олмаса ёки ота олмаса, у жарима очко олади. Агарда ким түпни олиб юриш қоидасини бузган (икки қўл билан олиб юрса, югуриб кетса) ўйинчиларга ҳам жарима очко берилади. Ўқитувчининг буйруги билан қуёнчалар яна полизда ўйнашга қайтадилар (вазифа бўйича түпни олиб юришни бажаради). Ўйин бир неча марта такрорланади. Энг кам очко олган ўйинчилар ўйинда ғолиб чиқкан бўлади. Бу ўйинда ўйинчи коптоксиз ҳам ўйнаш мумкин, яъни майдончада ҳар хил умумий ривожлантирувчи машқларни бажариш билан ўйнаш мумкин.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.**Ўйин дикқатни жасоратни, зеҳнни тарбиялашга ёрдам беради. Кучни тезкорликни, чидамлиликни, координацион ҳаракатни ривожлантиради. Ўйинни асосий ҳаракати түпни олиб юриш ва ўйналишни ўзгартириб юриш.

### **6.30. “Арқон тортиш” ўйини**

**Ўйинга тайёргарлик.**Ҳар бир жамоани орқасида тўп осиб қўйилади. Ўйнчилар teng икки жамоага бўлинади. Арқон полга қўйилган.

**ўйин тавсифи.**Ўқитувчининг буйруғидан кейин арқонни олиб ўз томонларига тортиб, осиб қўйилган тўп бошларига тегишга ҳаракат қиласди. Вазифани биринчи бўлиб бажарган жамоа ютган ҳисобланади.

### **6.31. “Эчки болалар”**

**Ўйин тавсифи.**Ўйинда 8-10 та ўйинчи қатнашади. Улардан бири она эчки бўлади. Эчк болалари қўл ушлашиб айлана шаклида турадилар. Она эчки ўртада овқат пиширади. 1 та эчки боласи келиб овқат пиширамиз деб сўрайди. Онаси йўқ бирпас ўйнаб тур дейди. Бироздан сўнг 2 чи эчки боласи келади. Онаси пишди, бор идишларни эвиб кел дейди. Шунда бола эчки идишларни синдириб қўяди. Идишлар синди деб ҳамма болалар

бақиради. Она әчки болаларни қувиб кетади. Қайси бирини ушлаб олса, уша она әчки бўлади. Ўйин қайтадан бошланади.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин болаларда дикқат, сезгирилик малакаларини тарбиялайди. Ўйин болаларда чаққонлик, тезлик, чидамлилик, координация ҳаракатларини ривожлантиради. Ўйиннинг асосий ҳаракати югуриш ҳисобланади.

### **6.32. “Жамбил”**

**Ўйиннинг тавсифи.** Бу ўйинда ўқувчилар 2 гурӯхга бўлинади. Ўйинчилар асосан ҳар икки гурӯҳда 5-6 тадан бўлади. 1 чи гурӯх ўйинчилари берилган узоқлиқдан тўпни катакчалар ичида таҳланган тошчаларга отишади. Катакчалар ичида тошлар 4 та бўлади. Агар тўп думалатилганда катак ичида тошга тегиб тошлар йиқилса, 2-нчи гурӯх ўйинчилардан бир ўйинчи жамбил атрофини тўп билан қўриқлайди. Агар биринчи гурӯх, ўйинчилари тошларни катакларга қўйиш учун яқинлашганда, қўриқловчи уни тўп билан урса, у ўйинчи ўйиндан чиқади. Агар шу гурӯх тошларни катакларга аниқ қўйиб чиқса бу гурӯх ютади.

Агар қўяолмаса улар ютқазади. ўйиндан кейин 2-нчи гурӯх асосий ўйинда ўйнайди. Ўйин шу тарзда давом этади.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Ўйин нишонга улоктириш малакасини, тўпни отиш ва мустақил ҳаракат қилишни ривожлантиради. Ўйиннинг асосий ҳаракати коптоқчалар ичида тошларни аниқ нишонга олиш ҳисобланади.

### **6.33. “Тўптош” ўйини**

**Ўйиннинг тавсифи.** Бу ўйинда 3 дан ортиқ болалар (7-10 тагача) қатнашадилар. Улар аввал ҳар хил катталиқдаги тошларни тўплаб, уларни устма-уст қўядилар, энг устига 1 та кичгина тош қўйиб қўядилар ва ўзларига ҳам биттадан япалоқ тош оладилар. Ерга айлана чизиб ўртасига

бояги терим тошларни қўйиб, ўзлари 5-6 м узоқликда турадилар. У ерни тўғри чизиб қўядилар ва навбат билан тошларни улоқтириб, халиги тошларни тарқатишга ҳаракат қиласадилар. Ўйин давомида болалар тошларни улоқтирганда, тўптош тарқалиб, энг устидаги кичгина тош қанча узоқликка кетса, оёқ билан ўлчаб у шунча кўп очко олади. Омади юришмаганлар эса ўйиндан чиқиб томашабин бўладилар. Ғолиб чиққан бола тагин ўйинни бошлайди. Болалар зерикканларича ўйнашлари мумкин.

**Ўйиннинг педагогии аҳамияти.** ўйин болаларни устма-уст қўйилган тошларни аниқ мўлжалга олиш, сезгирикни тарбиялайди. Ўйин ўйинчиларни шахсий қизиқишини ва ўртоқларини кучини ижобий баҳолашни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйинни ўзига ҳос ҳаракати нишонга япалоқ тошни аниқ улоқтириш ҳисобланади.

#### **6.34. “Ошик” ўйини**

**Ўйинга тайёрланиш.** Бу ўйин спорт зали ёки майдончада ўтказилиши мумкин. Ўйин бошланишидан олдин дастрўмолчага биронта теннис коптогидан каттарок - ошик, тош ва ҳоказо нарсани тугиб, уни майдонга улоқтиришдан олдин ўйновчиларга аталадиган соврин эълон қилинади.

**Ўйиннинг тавсифи.** Бошловчи майдон ёки залнинг бир чеккасида сафланиб турган ўйинчиларга тугунчани кўрсатиб улоқтиради. Ўйин иштирокчилари отилган нарсани қандай бўлмасин, бошловчининг қўлига ўз қўли билан олиб келиб бериши шарт. Ўйин қатнашчилари нарсани олиб келаётган ўйинчидан тортиб олишга ҳаракат қиласади.

**Ўйиннинг педагогик аҳамияти.** Бу ўйин болалар диққат-эътиборини, сезгирик ва улоқтириш малалакаларини тарбиялайди. Ўйин болаларни тўғри координацияси, ҳаракат тезлиги ва аниқ нишонга улоқтиришни ривожлантиради. Ўйин ўзига ҳос ҳаракати-япалоқ тошни нишонга отиш.

### **6.35. “Бўш ўрин” ўйини**

Бошқарувчи ўйинчидан бошқа ҳамма ўйинчилар бир-биридан бир қадам оралиқда айлана ҳосил қилиб турадилар. Бошқарувчи айлана атрофида юра туриб ўйинчилар бирини аста туртади ва ёхуд бу томонга қараб югуради. Қўл теккан ўйинчи эса қарама-қарши томонга югуриб тезрок ўз ўрнини, яъни бўш турган жойни эгаллаб олишга ҳаракат қиласи.

Айлана атрофига югуриб келиб, ўш жойни биринчи эгаллаб олган ўйинчи уша ерда туриб қолади. Етиб кела олмаган ўйинчи бошқарувчи бўлиб қолади. Ўйин яна давом эттирилади. Югуриш мусобақасини оёқда сакраш билан ҳам алмаштириш мумкин.

### **6.36. “Икки аёз” ўйини**

Залнинг қарама-қарши томонларида девордан 2-3 м берида чизик билан қишлоқ учун жой ажратилади. Бири болаларнинг яшали учун, иккинчиси эса ўқиши учун ҳизмат қиласи. Қишлоқ орасида дала жойлашган. Бошқарувчи икки аёздан бошқа ҳамма ўйинчилар бир қишлоқ чизиги орқасида туради.

### **6.37. “Мерган” ўйини**

Ўқувчилар икки жамоага бўлиниб, юzlари бир-бирига қараган ҳолда сафга турадилар. Ўртага ҳар бир жамоадан 6-8 м нарида булава қўйилган бўлади. Сигнал берилиши билан ҳар қайси қатордаги болалар галма-галдан тўпни булавага отиб уни йиқитишга ҳаракат қиласи. Қайси жамоа булавани кўпроқ уриб туширган бўлса, уша жамоа ғолиб ҳисобланади.

### **6.38. “Кес-кес”**

Бу ўйин бошланғич синф ўқувчилариға мўлжалланган. Кенглиги 4

қадамдан иборат доира чизилади. Бошловчи учун чаққон ўқувчи танланади. Бошловчи доира ичидә туради. Қолган ўқувчилар доира ташқарисида турадилар. Ўқитувчи “бошла” дейиши билан ўйинчилар доирани кесиб ўта бошлайдилар.

Ўйинчилар ҳар томонга “кес”, “кес” деб югуриб ўтадилар. Бошловчи ўйинчиларга құл теккизади. Құл теккан ўйинчи ўйиндан чиқиб туради. Ўйин 2-3 дақықа давом этади. Ўқитувчи ўйин түхтатиб нечта ўқувчи “ўдирилғанлигини” аниқлайды.

### **6.39. “Кўриқчи”**

Ўйин учун саккиз кенглиқда доира чизилади. Латта ёки жундан думалоқ шаклда қўлга сиғадиган кичик коптокча тикилади. Унча катта бўлмаган саккизта яssi тош танланади, тош бўлмаса кеглидан фойдаланса ҳам булади. Яssi тошлар доира ўртасига (тўрттадан) ташлаб қўйилади. ўйинда иштирок этувчи қизлар доира ичидә ашула айтиб айланиб юрадилар.

**ҚЎРИҚЧИ** матни:

*Омон ёр айласанг-чи ё, омон ёр*

*Белинг-ни бойласангчи ё, омон ёр*

*Дадаен ишдан келсачи-ё, омон ёр*

*Кўк чойни дамласанг-чи ё, омон ёр.*

Ашула тугаганда доира ичидагилар чиқиб кетишлари керак. Икки ўқувчи тошларни териб икки ерга тезлик билин тикишга ҳаракат қиласидар. Тошни тиккан ўқувчи тезлик билан доирадан чиқиб кетади. Доира ичидә қолган ўйинчи тошларни тикади ва ҳимоя қилишга қолади. Доира ташқарисида қолган ўйинчилар тошни кичик коптокча билан уриб йиқитишига ҳаракат қиласидар. Доира ташқарисида турган ўйинчилар тошни тез-тез вақт ичидә йиқитсалар ютган ҳисобланади. Ютқазган ўйинчи ашула айтиб ёки ўйинга тушиб беради. Доира ичидаги тошларнинг ҳаммаси

уриб йиқитилса, ўйин яна бошқатдан бошланади.

#### **6.40. “Подачи” ўйини**

Бу ўйин учун 4 қадам катталика доира чизилади ва у оҳак билан белгиланади. Доира 3 та ўйинчи қўлидан чим хоккейи таёғига ўхшатиб ясалган таёқ билан туради. Доира ташқарисида ҳамхужумчилар 3 жойида жойлашадилар доиранинг ўртасида ёғочдан битта нишон тайёрланади. Баландлиги 5-6 см ва доиранинг марказида турғазиб қўйилади. Нишонларнинг оралиғи 10-15 см айлана шаклида териб қўйилади. Ўйин доира ташқарисидан 1-метр узоқликда ҳужумчилар томонидан кичик тўпни бириси-бирисига тез оширишади, қулай фурсатни топиб доира ичидағи ҳимоячиларни чалғитиб ўртасидаги нишонларни бирин-кетин уриб йиқитишга киришади.

Такикловчи ҳаракатлар ўйиндан доирадан ҳимоячилар чиқиб кетмайди. Ҳимоядаги ўйинчиларнинг таёғи ҳужумчиларга тегиб кетса, ҳимоячи доира чизифидан ташқарига чиқса ҳам жарима белгиланади.

Ўйин вақтида ҳужумдаги ўйинчиларнинг таёғи юқори кўтарилса, ўйин бошланади деб ҳисобланади, ҳимоячилар доира чизигига коптокни қўйишиб, зарб билан ташқарига узокроқقا уриб чиқаради. Ҳавфли ҳаракат кўп вақт ичida такрорланиб турса, саноқ - сондан ўйиндан чиқиб туради. Ўйин пайтида жамоаларнинг қайси бири нишонни тез вақт ичida копток билан уриб йиқитса, шу жамоа ғолиб ҳисобланади. Ўйинчиларнинг розилиги билан ўринларини алмаштириб, ўйинни давом эттириш мумкин. Ўйин равнақи учун ўйин қоидасига ўзгаришлар киритилиши мумкин.

Ўйин ўқувчилариға мослаштирилади. Ўйин спорт залида ҳам ўтказилиши мумкин.

#### **6.41. “Подшо ва Вазир” ўйини**

Бунда 4 та кичик қофозга подшо, вазир, аскар, ўғри деб ёзилади. Улар

буклаб ерга сочиб юборилади. Уни 4 та ўйинчи олади. Кимга нима тушса, сездирмай ўзи ўқийди. Подшо ёзуви тушган ўйинчи вазир ўғрини топсин деб буйруққилади. Вазир ўғрини топса, аскар ўғрига жазо беради. Агар топмаса ўғри оладиган жазони вазир олади. Шу тариқа ўйин давом этади.

#### **6.42. “Дўппи яширад” ўйини**

Ўйнчилар 2 гурухга бўлиниб, ҳар бир гурухда 4-5 тадан ўйинчи қатнашади. Гуруҳлар 1,5-2 метр масофада бир-бирларига қарама-қарши ўтиришади. Иккала ҳам биттадан дўппи бўлиб, аввал, қайси гурух ўйинни бошлиши қуръа ташлаб аниқланали. Ўйнчилардан бири 2 гурухга кўрсатмай дўппини яширади. Бўлади дейилгандан сўнг ҳамма қўлинни қўвиштириб ўтиради. 2 гурух ўйинчиларидан бирортаси дўппини ким яширганлигини кўрсатади. Агар тўғри топса, гурухга 1 очко берилади. Топа олмаса уша гурух ютқазган ҳисобланади. Бу ўйин навбатма-навбат давом эттирилади ва охирида ютуқлар жамланиб ғолиб гурух аниқланади.

#### **6.43. “Бута солди” ўйини**

Бу ўйин қизлар ўртасида ўйналади. Қизлар айлана бўлиб, утиришади. Улардан бири қўлига рўмол олиб, орқасидан айланиб ўтади. Айлана туриб, биттасининг орқасига сездирмай ташлаб ўтиб кетади. Агар яна қайтиб келгунча сезмаса, уни рўмоли билан уради. Агарда сезиб қолса, рўмолни олиб (қизларни) айлантириб унинг ўзини қувади. Етиб олса уради. Ета олмаса унинг ўрнига келиб утиради. Рўмолни олган ўйинчи ўйинни давом эттиради.

#### **6.44. “Беш тош” ўйини (қизлар учун)**

Беш тош оқ 4 тошдан ясалган бўлиб, юмалоқ шаклда бўлади. Ўйин қўйидагича бўлади.

1. Бешта тошни ерга ташлаймиз ва биттадан тошни қўлимизга олиб, қолган тошларни ердан илиб оламиз.

2. Яна тошларни ерга ташлаймиз, бу галл ердан 1 та олиб қолганларни иккиталаб ердан илиб оламиз.

3. Яна тошларни ерга ташлаб, улардан бирини оламиз ва қолганларини учталаб илиб оламиз.

4. Битта тошни тепага отиб, тепадаги тошни илиб олиб, бу тош билан ердагиларни қўшиб бирга илиб оламиз.

5. Тошларни ерга ташлаймиз, 1 та тошни қўлга олиб, ердаги яна 1 та тошни илиб оламиз, учинчи тошни илиб олаётганимизда 1 та тошни нариги қўлимизга ўтказамиз, ерда колган яна 2 тошни ҳам шу таҳлитда илиб олиб, тошларни ҳаммасини чап қўлимизга оламиз.

6. Тошларни ерга ташлаймиз. 1 та тошни қўлимизга олиб, яна битта тошни олдинги олган тошимизни осмонга отиб илиб оламиз, 3 тасини илиб олаётганда қўлимиздаги 1 та тошни тушириб юборамиз.

7. 4-ўйинни яна қайтарамиз.

8. Тошларни ерга ташлаб иккита бармоғимизни (чап қўлда) думалоқшаклида қиласизда, битта тошни илиб, қолган тўрттадумалоққа киритамиз ҳаммасини киритиб бўлгач думалоққа кирган тошларни илиб оламиз.

Бешта тошни ўнг кафтилизга қўйиб, тошларни юқорига отамиз ва ўнг қўлимизни устига тошларни туширамиз. Нечта тош тушса, шунча ютуқ (очко) ҳисобланади.

## **7БОБ. ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРГА ЎРГАТИШ УСЛУБИЯТИ**

### **7.1.Ҳаракатли ўйинларга дастлабки ўргатишнинг психопедагогик аҳамияти**

Болаларни ҳаракатли ўйинларга дастлабки ўргатиш, уларда ушбу ўйинларнинг моҳияти, соғлиқни мустаҳкамловчи ва ҳаётий зарур ҳаракат кўникмаларини шакллантирувчи қиймати ҳақида илк тасаввурни ҳосил қилиш ўта муҳим фундаментал аҳамият касб этади.

Ҳаракатли ўйинлари мазмуни, шарт-шароитлари, тартиб-қоидалари, ушбу ўйинларда ижро этиладиган роллар, образлар ва психофункционал топшириқлар болалар анча қанчалик кенг ва чуқур сингдирилсагина уларда қизиқиш ҳамда мотивацион эҳтиёж юзага келади. Бинобарин, ҳар бир ҳаракатли ўйин ўзининг ҳажми, шиддати (юклама жиҳатидан) ва мураккаблиги жиҳатидан болаларнинг ёши, жинси, руҳий ва жисмоний имкониятларига қараб қўлланилиши уларда ана шу юзага келадиган қизиқиш ва мотивацион эҳтиёжни янада кучайтиради.

Мазкур жараённинг самарали амалга ошиши устивор жиҳатдан муайян ҳаракатли ўйинларга ўргатиш услублари ва принциплари билан белгиланди.

Дастлабки ўргатиш жараёнини режалаштириш ва ташкил қилишда боланинг онтогенетик ҳамда биopsихологик хусусиятлари эътиборга олиниши зарур. Бошқача қилиб айтганда дастлабки ўргатиш жараёнида ўтказиладиган ўйинлар юкламалари шуғулланувчи болаларнинг жисмоний ва функционал имкониятларига қараб меъёрланиши ва қўлланилиши лозим.

Маълумки, ўйинларнинг (юкламаси) ҳажми ва шиддати инсон саломатлиги, унинг жисмоний ва функционал шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин барча ўйин турлари, жумладан спорт тўгаракларида ижро этиладиган жисмоний ва техник-тактик машқлар ҳажми ҳамда шиддати шуғулланувчининг функционал имкониятларига

мос келиши ёки ҳиёлгина юқори бўлиши лозим. Чунки биология фанида азалдан ўз исботини топган қонуниятларга кўра, онтогенетик тараққиётнинг муайян босқичларида бажариладиган кундалик жисмоний юкламанинг (нагрузка) ялпи таъсир “кучи” организмнинг функционал имкониятларидан доимо юқори бўлса, шу организмда (органлар, мушаклар, томирлар, хужайралар, тўқималар, юрак, ўпка, талоқ, жигар ва х.) зўрикиш ёки тез толикиш аломатлари пайдо бўлади.

Бундай салбий “излар” одамнинг, айниқса боланинг одатий функционал фаолиятини издан чиқаради, кайфиятни туширади, уйқуни бузади, пиравордида иш қобилиятини сусайтиради ва уни тўлиқ тикланишига тўсқинлик қиласди. Агар шундай юкламалар устунлиги бола фаолиятида сурункали қайтарилиб турса, организмнинг нафақат нормал ўсишига таъсир этиши мумкин, балки ушбу юкламалар устунлиги турли функционал “объект”ларда локал ёки глобал патологик асоратлар пайдо бўлишига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли емас. Аксинча, кундалик ёки ялпи машғулот юкламалари ҳажми ва шиддати функционал имкониятдан паст бўлса, жисмоний сифатларнинг шаклланиши сусаяди, иш қобилияти кучаймайди. Шундай экан, кундалик ёки ялпи юкламалар, шу жумладан жисмоний тарбия дарслари ва тренировка машғулотларидақўлланиладиган ўйин юкламаларни болаларнинг ёши, жинси, жисмоний ва функционал имкониятларига қараб “тўлқинсимон” принципда ошира бориш даркор. Демак, болаларга оид ўйинларни ташкил қилишда педагогик ва тиббий назоратга асосланиш соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнининг ажралмас қисмидир.

Шундай экан, жисмоний тарбия ва спорт бўйича ўтказиладиган ўйинлар мазмунини мақсадли режалаштириш ва бошқариш ҳар бир мутахассис (ўқитувчи, мураббий, ташкилотчи, услугчи, йўриқчи) ва раҳбар шахсга катта масъулият юклаши, улар жисмоний маданият, жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик ва спорт масалаларига оид билимларни ўзлаштиришлари, мувофиқ касбий-

педагогик малака ва кўникмаларни пухта эгаллашлари зарурлиги исбот талаб қилмайди.

Жисмоний тайёргарлик ва унинг салоҳиятини ифода этувчи куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамкорлик ва эгилувчанлик каби сифатлар илмий объект сифатида азалдан кўпдан-кўп тадқиқотчи олимлар дикқатини жалб қилиб келган. Уларнинг тадқиқотларида жисмоний сифатларнинг моҳияти, мазмуни, уларни жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа жараёнлардаги аҳамияти ва ривожлантириш муаммолари атрофлича ёритилган.

Ушбу муаммоларни турли ёшдаги ўқувчи ёшлар ва болалар спорти мисолида ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижалари ҳам талайгина илмий нашрларда ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт турлари назарияси ва услубияти бўйича нашр этилган дарслик ҳамда қўлланмаларда жисмоний тайёргарлик тушунчаси - бу муайян касбий фаолият ёки спорт турида маълум жараён самарадорлигини белгилаб бериш даражасида шаклланган тайёргарлик - иш кобилияти, ҳаракат сифатлари, малакалари ва кўникмаларининг интеграл ифодасини англалади.

Спорт амалиётида (касбий амалиётда ҳам) жисмоний тайёргарлик, одатда, икки бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган - умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик турларига бўлинади.

Хаёт давомида инсон соғлифи, унинг ақлий ва жисмоний фаоллиги, кўп йиллик спорт тренировкаси давомида спорт маҳоратининг шакллана бориши устивор жиҳатдан шу икки тайёргарлик турлари мазмуни ва даражаси билан белгиланади.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида қўйиладиган асосий мақсад - соғлиқни мустаҳкамлаш ҳамда юкори спорт натижаларига эришиш авваламбор ёшлиқдан бошлаб умумий жисмоний сифатларни ривожлантириш муҳимлигига эътибор қаратади. Аксарият олимларнинг

таъкидлашича, муайян спорт тури бўйича мунтазам ўтказиб бориладиган хамда ҳажм, шиддат ва мазмун жихатдан тўғри ташкил қилинган машғулотлар болалар ва ўсмирлар организмига ижобий таъсир кўрсатар экан. Лекин, умумий жисмоний тайёргарликка асосланган ва тор доирада ихтисослаштирилган машғулотлар салбий оқибатларга олиб келиши кузатилган. Бинобарин, дастлабки ўргатиш босқичида жисмоний ва техник-тактик машқлар нисбатини тўғри режалаштириш болалар соғлиги ва уларнинг ҳаракат маҳоратини самарали шакллантириш имкониятини яратади.

Ўргатиш жараёни - бу педагогик жараён бўлиб, тренер-ўқитувчидан катта маҳорат, касбий тайёргарликни талаб қиласди. Лекин шундай бўлсада, ҳаракатни (ўйин малакасини) ижро этиш техникасига ўргатиш бошқа аҳамиятли сабабларга ҳам боғлиқдир: боланинг фаоллиги, машғулотларнинг сони, сифати, давом этиш муддати, ёрдамчи техник ускуналар, машғулот ўтказиладиган жойнинг шарт-шароитлари, боланинг қизиқиши, ҳаракат «бойлиги», тажрибаси ва ҳоказо.

Шуни ҳам айтиш зарурки, ҳаракат қўнималарини ўзлаштириш муддати боланинг оилавий шароитига, унинг ижтимоий ва иқтисодий имкониятига ҳамда руҳий холатига ҳам боғлиқдир.

Юқорида келтирилган маълумот ва ўргатиш жараёнида эътиборга олинадиган омиллар маълум услубий тартибда асосланган режалаштирув хужжатларидан жой олиши керак. Бундан ташқари боланинг ички «сирли» имкониятларини ҳамда мавжуд омилларни аниқлаш турли ҳаракатли ўйинлар ёрдамида амалга оширилиши зарур.

Дастлабки ўргатиш жараёни бир неча босқичларда амалга оширилади ва бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос услугуб ва принципларни ўз ичига олади.

## 7.2. Ўргатиш босқичлари ва услублари

Биринчи босқич: - ўрганиладиган ўйин мазмуни билан танишиш. Бунда, айтиб бериш, кўрсатиш ва тушунтириш услублари қўлланилади.

Ўқитувчи шахсан кўрсатиш билан бирга кўргазмали қуроллардан фойдаланади: кинофильм, тасвирий фильм, схема, майдон макети ва ҳоказо.

Намойишни тушунтиришлар билан қўшиб олиб бориш керак. Ўқитувчиларнинг дастлабки уринишлари уларда бирламчи ҳаракат сезгисини шакллантиради.

Иккинчи босқич: - ўйинни соддалаштирилган (оддийлаштирилган) ҳолатда ўрганиш. Мазкур босқичда муваффақият кўп ҳолатларда ёндоширувчи ўйинларнинг тўғри танланганлигига боғлиқdir. Улар ўзининг тузилиши шаклига кўра ўрганилаётган ўйин мазмунига яқин ва ўқувчилар бажара оладиган бўлиши керак. Мураккаб тузилишга эга бўлган ўйин, уни ташкил қилувчи асосий звеноларга (қисмларга) ажратиб ўргатилади. Бу босқичда бошқариш услубларидан фойдаланилади (буюриш, кўрсатма бериш, кўриш ва эшитиш, кўриб илғаш, техник воситалар ва ҳоказо) хамда кўргазмали ҳаракат (ўқитувчининг бевосита ёрдами, ёрдамчи жиҳозларни қўллаш), аҳборот (ўйин мазмуни, мақсади, шарт-шароитлари, қоидалари) каби услублар алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Учинчи босқич: - ўйинни мураккаблаштирилган шароитда ўргатиш. Бунда қуйидагилар қўлланилади: такрорий усул, ўйинни мураккаб шароитларда бажартириш, баҳолаш услуби. Такрорлаш услуби бу босқичда энг асосийдир. Кўп маротаба такрорлашгина ўйинни шакллантиради. Ўйинни чарчаганда ҳам такрорлаш болаларда ирода ва чидамкорлик хислатларини шакллантиради.

Тўртинчи босқич: - ўйин мазмунини мукаммал ўзлаштириш имкониятини кўзда тутади.

Ўйинларга ўргатиш жараёнида турли услублар ва воситалардан

фойдаланиш муайян тартибда қўлланиладиган педагогик принциплар асосида амалга оширилади. Ушбу принциплар қўйидагилардан иборат: илмийлик, онглилик ва фаоллик, мунтазамлик ва узвий боғлиқлик, мутаносиблик ва мувофиқлик, мукаммаллик ва узлуксизлик, “енгилдан огирига”, “ўтилгандан ўтилмаганига”, “оддийдан мураккабга”. Мазкур педагогик принципларни қўллаш тартиби, хусусиятлари ва услубий кўрсатмалар 1 ва 2 жадвалларда акс эттирилган.

### *1-жадвал*

### **Ўргатиш босқичлари, услублари ва воситалари**

<b>Ўргатиш босқичлари ва уларнинг номи</b>	<b>Ўргатиш услублари</b>	<b>Ўргатиш воситалари</b>
1-босқич: Ўргатилаётган ўйин ҳақида тушунча ҳосил қилиш	Тушунтириш – таҳлил қилиш, кўрсатиш – изоҳ бериш	Сўз, сухбат, мулоқот, мунозара, расмлар, андозалар, видеофильмлар
2-босқич: Малакаларга оддий шароитда ўргатиш (якка тартибда кўшимча вазифаларсиз)	Кисмларга бўлиб, элемент ва фазаларга бўлиб ўргатиш, ўйин тўлиқ ҳолда ўргатиш, хатоларни тузатиш, рағбатлантириш, қайтариш	Тайёрлов-ёндошлирувчи йўналтирувчи, турдош, тақлидий ва аосисӣ ўйинлар
3-босқич: Ўйинларга мураккаблаштирилган шароитда ўргатиш (вазиятли вазифалар бериш)	Ўйинни тўлиқ ҳолда ўргатиш тезлик ва аниқликни кучайтириб ўргатиш, турли йўналишдаги ҳаракатлардан сўнг ижро этиш, репродуктив қайтариш асосида ўргатиш, ўзаро таҳлил ва баҳолаш асосида ўргатиш	1-2 босқичлардаги барча воситалар, тренажёр ва техник воситалар
4-босқич: Ўргатишни давом эттириш, такомиллаштириш ва мукаммалаштириш	Барча услублар	Барча воситалар ва жамоа ўйинлари

**Ўргатиш жараёнида қўлланиладиган умумий ва маҳсус педагогик  
принциплар**

T/p	Ўргатиш принциплари	Принципларни қўллаш хусусиятлари ва услубий кўрсатмалар
1	Илмийлик	Ўйинларга ўргатища болалар ёши жинси, жисмоний ва психофункционал имкониятлар эътиборга олинди, меъёрланади
2	Онглилик ва фаоллик	Ўргатилаётган ҳаракатли ўйинлар онгли тасаввур этилиши зарур, ўргатища болалар фаоллиги таъминланиши лозим
3	Мунтазамлилик ва узвий боғлиқлик	Босқичма-босқич ўзлаштирув, такомиллашув ва мукаммалашув таъминланади
4	Мутаносиблик ва мувофиқлик	Ўйинлар мураккаблик ва юклама салоҳияти (ҳажми, шиддати, йўналиши, такрорланиши ва муддати) жиҳатларидан шуғулланувчи имкониятига мос бўлиши даркор
5	Мукаммалик	Мазмун жиҳатидан тўғри ўзлаштирилган ўйинлар такомиллашув асосида турғун ва барқарор даражага кўтарилади
6	Узлуксизлик	Ўйинларга ўргатиш ва такомиллаштириш жараёни мураккаблашиб бориши даркор, узилишларига йўл қўйиш салбий натижаларга олиб келади
7	«Енгилидан оғирига»	Ўзлаштиришга лойик ҳаракатли ўйинлар прогрессив йўналишда, леки наста-секин кучайтириб борилиши керак
8	«Ўтилганидан ўтилмаганига»	Шуғулланувчи ўзлаштирган (унга таниш бўлган) ўйинлардан янги ўйинларга ўтиш ўргатиш самарадорлигини оширади
9	«Оддийдан мураккабга»	Энг оддий ўйинлардан секин-аста мураккаб ўйинларга ўтиш болалар қизиқишини сўндирамайди

**7.3. Ҳаракатли ўйинлар назариясини ўзлаштириш ва уларга  
ўргатища қўлланиладиган наъмунавий технологик ҳариталар**

Фанни ўқитишида ва ўйинларга ўргатиш жараёнида қўлланиладиган технологик ҳариталарининг мақсади - фанга оид мавзуларни янада чуқурроқ ўзлаштириш, машғулотларда мухокама этиладиган масалалар моҳияти ҳақида аниқ тасаввур хосил қилишга қаратилган.

Фанни ўқитишдан мақсад - халқхаракатли ўйинларининг назарий ва амалий асосларини ўзлаштиришдан иборат.

Таълим технологияларининг вазифалари - талабаларда касбий-педагогик малака ва кўникмаларни хосил қилиш ҳамда шакллантиришга мўлжалланган.

### 1.1. Маърузада ўқитиши технологияси

Талабалар сони: 85-90 киши		Вақт: 2саат
Машғулот шакли	Қўшма гурухларда очик мuloқат	
<b>Машғулот режаси</b>		
<p>Машғулотнинг мақсади: талабаларга умумбашарий ва миллий ҳаракатли ўйинларнинг моҳияти, уларни соғломлаштириш, тарбиявий ва маънавий аҳамияти ҳақида билим бериш.</p> <p><b>Ўқитувчи вазифалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- машғулотни мақсади, вазифалари ва моҳиятини тушунтириш;</li> <li>- миллий ўйинларнинг маънавий, жисмоний ва соғломлаштиришдаги аҳамиятини ёритиш;</li> <li>- ўйинларни тарихий-маданий аҳамиятини очиб бериш;</li> <li>- ЖТ ва С да миллий ҳаракатли ўйинларнинг ўрни ҳақида тушунчалар бериш.</li> </ul> <p><b>Талабаларнинг вазифалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мавзу ва машғулотни мақсади, вазифаларини англаб олиш;</li> <li>- миллий ҳаракатли ўйинлар моҳияти, тарихий-маданий, маънавий-матрифий ва инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида тасаввур хосил қилиш;</li> <li>- миллий ҳаракатли ўйинларни шаклланиши, уларга бўлган эътибор ҳақидаги маълумотларни ўзлаштириш;</li> <li>- ЖТ ва Сда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамиятини билиш.</li> </ul>		
Ўқитиши услублари ва технологияси	Муаммоли тушунтириш, мuloқат, мунозара, мухокама, экспресс-интервью, вазиятли савол	
Ўқитиши воситалари	Жадваллар, блок-андозалар, расмлар, видео-фильмлар	
Ўқитиши шакллари	Фронтал-оммавий, ихтисослик бўйича гурухларга бўлиб ўқитиш, гурухларга айланма тартибда савол-жавоб шаклида ўқитиш	
Ўқитиши шароитлари	Кўргазмали кўлланмалар ва техник воситалар билан жиҳозланган хона	

## 1.2. Маързанинг технологик харитаси (1 машғулот)

Босқичлар, вақт	Фаолияти	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1 босқич Ташкилий (5 дақ)</b>	1.1. Эълон қиласи: машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари, режаси, муҳокама қилинадиган масалалар ва фойдаланадиган адабиётлар	1.1. Тинглайди ва ёзиб олади
<b>2 босқич Саволлар қўйиши, моҳиятини тушунтириш ва йўлланмалар бериш (20 дақ)</b>	2.1. Асосий саволларни эълон қиласи: 1. Умумбашарий ва миллий ҳаракатли ўйинларнинг моҳияти нималар билан изоҳланади? 2. Ўтмишда ҳаракатли ўйинларни вужудга келиши ва шаклланиши қандай кечган? 3. Мустақиллик даврида миллий ҳаракатли ўйинларга қандай эътибор бериляпти? 4. Ҳаракатли ўйинлар соғломлаштириш, инсон тарбияси, уни маънавий, маданий ва ақлий шаклланишида қандай роль ўйнайди? 5. Ҳаракатли ўйинлар ЖТ ва Сда қандай аҳамиятга эга?	2.1. Тинглайди, аниқлаштирувчи саволлар беради. 2.2. Ёзиб боради. 2.3. Саволлар моҳиятини тасаввур қиласи. 2.4. Ўз жавобларини жамлайди. 2.5. Ўз фикри ва мулоҳазаларини изхор қиласи.
<b>3 босқич Саволлар бўйича мавзу моҳиятини ёритиш (45 дақ)</b>	3.1. Саволларга реал вазиятлар асосида тушунчалар беради. 3.2. Умумбашарий ва миллий ҳаракатли ўйинлар фарқини очиб беради, уларни ўзаро боғлиқлигини асослайди. 3.3. Ўтмишда қўлланилиб келинган, шаклланиб борган ва бугунги кунда сайқал топаётган ўйинлар аҳамиятига изоҳлар беради. 3.4. Ўйинларни соғломлаштириш, ақлий ва жисмоний-тарбия, маънавият ва маданиятдаги ролини тахлил қилиб беради (1 илова). 3.5. Ўйинларни ЖТ ва Сдаги аҳамиятини очиб беради (2 илова). 3.6. Вазиятли саволлар бериб боради ва талабалар фикрини ўрганади, уларга қўшимча қиласи ва рағбатлантиради.	3.1. Тинглайди, ёзиб боради. 3.2. Ўйинлар моҳияти ва боғлиқлиги хақида фикр юритади. 3.3. Ўзаро муҳокама қиласи. 3.4. Жавобларга тақриз беради. 3.5. Иловалар ва уларни изоҳларини ёзиб олади. 3.6. Кўшимчалар қиласи.
<b>4 босқич Хотима, умумлаштириш, хуроса (10 дақ)</b>	4.1. Ҳар бир савол бўйича жавоб хуросаларини эътироф этади ва умумий натижага баҳо беради. 4.2. Мавзу саволлари бўйича билимни мустаҳкамлаш учун тавсия этилган адабиётлар асосида мустақил иш вазифаларини беради. 4.3. Навбатдаги дарс мавзусини эслатиб ўтади.	4.1. Тинглайди ва ёзиб олади. 4.2. Машғулот натижаси бўйича ўз фикрини билдиради. 4.3. Вазифаларни ёзиб олади.

1-илова



2-илова



<b>2мавзу</b>	<b>Харакатли ўйинларнинг моҳияти ва таснифий хусусиятлари</b>
---------------	---

## 2.1. Ўқитиши технологияси

<b>Талабалар сони: 85-90 киши</b>		<b>Вақт: 2соат</b>
<b>Машғулот шакли</b>	<b>Кўшма гурухларда очик мулоқат</b>	
<b>Машғулот режаси</b>	<p>1. Машғулотнинг мақсади ва вазифалари.</p> <p>2. Миллий харакатли ўйинларнинг педагогик ва психологик моҳияти.</p> <p>3. Турли ёш гурухларига мўлжалланган миллий харакатли ўйинлар хусусиятлари.</p> <p>4. Миллий харакатли ўйинларни жисмоний сифатлари ва спорт кўникмаларини шакллантиришда қўллаш имкониятлари.</p> <p>5. Харакатли ўйинларни спорт ўйинларидан фарқи.</p>	
	<p><b>Машғулотнинг мақсади:</b> талабаларни миллий харакатли ўйинларнинг моҳияти, қоидалари, уларни жисмоний сифатлар ва спорт кўникмаларини шакллантиришда қўллаш имкониятлари хақидағи билимлар билан қуроллантириш</p>	
